



**CEDR**

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ТАҚСИМЛАНИШНИНГ  
ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**


*Монография*

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг илмий асослари  
ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Монография

Тошкент  
"LESSON PRESS"  
2017



УДК: 331.52.

ББК: 65.240

M550

**Масъул мухаррир:** и.ф.д., профессор Б.Х.Умурзаков  
**Тақризчилар:** и.ф.д., профессор Қ.Х.Абдурахмонов  
и.ф.д., профессор Н.М.Махмудов

Эътиборингиз учун такдим этилаётган жамоа монографияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кумигасининг ОТ-Ф1-022-рақамли «Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари» мавзудаги фундаментал лойиха доирасида тайёрланган.

Монографиянинг асосий мақсади Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишида муҳим йўналишлардан бири - меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва тақсимланишини таҳлил этиш, мамлакат меҳнат ресурсларига оид барча курсаткичларни, уларга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни чуқур урганган ҳолда тегишли тақлиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, меҳнат ресурслари шаклланиши ва ҳудудий тақсимланишига оид илмий назариялар ва услубий ёндашувларни таҳлил этиб, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари шаклланишининг узига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

Монографияда илмий тадқиқотлар маҳсули сифатида ишлаб чиқилган тавсиялар мамлакатимиз ҳудудларини комплекс тарзда ижтимоий ривожлантириш дасгурларида ва уқув муассасаларида талабаларга тегишли йўналишлар буйича фанларни ўқитишда қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази илмий кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 10-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.


Монография аҳолининг меҳнат билан бандлик ва ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳаси давлат идоралари мутахассислари, иқтисодиёт мутахассислиги буйича олийгоҳлар ва факультетлар профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот марказлари ходимлари ҳамда магистрлар ва талабалар учун мулжалланган.

**Муаллифлар жамоаси:** и.ф.д., проф. Умурзаков Б.Х. (1.4, 2.4, 3.2, 3.5, 4.3, 4.5), Акрамова Ш.Г. (1.1, 2.1, 2.3, 3.1, 4.1), Юлдашев Н.Н. (1.3, 2.2, 3.3, 3.4, 4.2), Аскарова М.И. (1.2), Арабов Н.У., Насимов Д.А. (4.4).

ISBN: 978-9943-5075-8-6

©Муаллифлар жамоаси, 2017

	<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>I- БОБ</b>	<b>МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ...</b>	7
1.1	Миллий иқтисодиётда меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.....	7
1.2	Меҳнат ресурсларини ҳудудий шакллантиришнинг методологик жиҳатлари.....	17
1.3.	Меҳнат ресурслари баланслашганлигининг илмий-назарий жиҳатлари.....	22
1.4.	Меҳнат ресурсларининг тармоқлар кесимида баланслашганлик даражасини баҳолаш усуллари.....	34
<b>II- БОБ</b>	<b>МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНING УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ</b> .....	47
2.1	Хориж мамлакатларда меҳнат ресурсларини шакллантириш моделлари.....	47
2.2	Меҳнат ресурслари баланслашганлигини баҳолашнинг услубий ёндошувлари.....	58
2.3.	Хориж давлатларда меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишини такомиллаштириш механизмлари.....	63
2.4.	Айрим хорижий давлатларва Россия Федерациясининг меҳнат бозоридаги секторал узгаришларни тартибга солишга доир тажрибаси.....	68
<b>III- БОБ</b>	<b>МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНING ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	76
3.1	Миллий иқтисодиётда меҳнат ресурслари шаклланишининг таҳлили.....	76
3.2	Тармоқлар кесимида меҳнат ресурслари баланслашганлик даражасининг таҳлили.....	83
3.3	Минтақаларда меҳнат ресурслари баланслашганлиги тенденцияларининг таҳлили.....	91
3.4.	Меҳнат ресурслари ҳудудий шаклланишининг таҳлили	102
3.5.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат ресурсларининг ҳолати.....	111
<b>IV- БОБ.</b>	<b>МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	121
4.1	Меҳнат ресурслари шаклланишининг конфликтни ошириш йуналишлари	121
4.2	Меҳнат ресурслари баланслашганлигини тартибга	





	солувчи замонавий механизмлар.....	131
4.3	Миллий иктисодиётда меҳнат ресурсларининг тармоқлараро балансини такомиллаштириш.....	139
4.4.	Меҳнат ресурслари ҳудудий шаклланишини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йуллари.....	147
4.5.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат ресурслари шаклланишини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йуллари.....	167
	<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>180</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>183</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизда вужудга келаётган иқтисодий муносабатлар марказида инсон ва унинг манфаатлари туради. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам уз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг иччил давоми сифатида юзага чиқиб, авваламбор аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир<sup>1</sup>.

«Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган туртинчи йўналишда бевосита аҳоли бандлигини ошириш масалаларига доир чора тadbирлар урин эгаллаган. Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўйбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш урни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори булган минтақаларда 46,8 минг янги иш урни ташкил этиш, тadbиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Инсон эса уз навбатида жамиятнинг асоси, барча неъматларни ишлаб чиқарувчи ва айни вақтда унинг истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий ва хусусан меҳнат муносабатларининг ажралмас қисмидир. Улар асосий ишлаб чиқариш омиллари қаторидан жой олиб, меҳнат ресурсларисиз аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва исталган иқтисодий масалаларни ҳал этиш содир булмайди.

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси куп ҳолларда меҳнат ресурсларининг сони ва сифати, кадрлар структурасининг иқтисодиёт соҳаларида мавжуд эҳтиёжлар билан қай даражада баланслашганлиги билан белгиланади. Меҳнат ресурслари жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб, мамлакат аҳолисининг узининг психофизиологик ва интеллектуал хусусиятлари туфайли моддий ва маънавий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариб, жамият учун фойдали меҳнат фаолиятида қатнаша оладиган қисми тушунилади. Жамият

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

ривожланишининг ҳозирги боскичида меҳнат ресурслари сони ва сифатига қуйилаётган талаблар ошиб бормоқда.

Иктисодиёт соҳа ва тармоқларини керакли меҳнат ресурслари билан таъминланиши, улардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигининг юкори даражада булиши ишлаб чиқариш ҳажмини купайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иктисодий тараққиётга эришиш ҳамда ижтимоий меҳнат муносабатларини такомиллаштириш энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат ресурслари иктисодиётимизни диверсификациялаш ва замонавий иктисодиёт тармоқларини модернизациялаш жараёнларида муҳим салмоққа эга булиб, унинг аҳамияти ишлаб чиқаришнинг асосий омили булиб, бошқа ресурсларга нисбатан узига хос хусусиятларга эга. Чунки, ишлаб чиқаришни (меҳнат жараёнини) юзага келтирувчи ресурслар бевосита меҳнат омили орқали бошқарилади. Шу сабабли ҳар қандай иктисодий тизим доирасида инсон омилига уствор аҳамият берилиши ушбу тизимнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини белгилаб беради.

Республикаимизнинг иктисодий барқарорлиги ва салоҳиятини белгилашда меҳнат ресурсларининг аҳамияти табиий, моддий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кура юқорирокдир. Чунки, табиий ва моддий ресурслардан фойдаланиш ва бошқариш айнан меҳнат ресурслари салоҳияти орқали амалга оширилади. Иктисодиётни юритишнинг барча шакл ва кўринишларида ижтимоий-иктисодий тараққиётга эришишнинг бош омили меҳнатдир.

Ушбу монографиянинг асосий мақсади меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланиши, уларнинг баланслашганлик даражасининг назарий методологик жиҳатларини тадқиқ этиш, шунингдек республикада меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

# **I-БОБ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Миллий иқтисодиётда меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари**

Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий ва хусусан меҳнат муносабатларининг ажралмас қисмидир. Улар асосий ишлаб чиқариш омиллари қаторидан жой олиб, меҳнат ресурсларисиз аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва исталган иқтисодий масалаларни ҳал этиш содир бўлмайди. Меҳнат ресурслари жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб, мамлакат аҳолисининг узининг психофизиологик ва интеллектуал хусусиятлари туфайли моддий ва маънавий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариб, жамият учун фойдали меҳнат фаолиятида қатнаша оладиган қисми тушунилади.

Шубҳасиз, ҳар қандай меҳнат ресурслари бевосита аҳоли, унинг ёш-жинс структураси натижасида шаклланади. Аҳоли деганда – тарихий жиҳатдан шаклланган ва қайта барпо бўлиш жараёни давомида узлуксиз янгиланувчи одамлар йиғиндиси тушунилади. 2016 йилда дунё аҳолиси 7,4 млрд. кишини ташкил этди. Аҳоли ишлаб чиқариш кучларининг унсури булиши билан бирга ишлаб чиқариш муносабатларининг қатнашчиси сифатида намоён булади. Ундан ташқари аҳолига уз-узини такрор барпо қилиш хусусияти ҳам хосдир. Аҳолининг такрор барпо булиши бу аҳолининг табиий ҳаракатланиши, яъни туғилиш ва улим орасидаги муносабат билан аниқланувчи авлодларнинг доимий янгиланиш жараёни тушунилади. Иқтисодиётда аҳоли бир вақтнинг ўзида моддий неъматларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси сифатида юзага чиқади. Аҳоли ва иқтисодиёт ижтимоий жараённинг ажралмас қисмлари бўлиб, аҳолини иқтисодиётсиз, иқтисодиётни эса аҳолисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Меҳнат ресурслари аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми бўлиб, узининг жисмоний ривожланганлик даражаси, олган таълим ва орттирган профессионал малакавий даражаси орқали жамият учун фойдали меҳнат билан шуғуллана оладиган қисми тушунилади<sup>1</sup>.

Бугунги кунга келиб меҳнат ресурслари категориясининг моҳияти борасида аниқлаштириш ва тизимлаштиришни талаб этадиган куплаб ёндашувлар мавжуд.

“Меҳнат ресурслари” атамаси 1922 йилда илк бор С.Г.Струмилин томонидан, марказлашган бошқарувни амалга ошириш мақсадида 16-59 ёшдаги ишчи кучини англаувчи категория сифатида ишлаб чиқилган. Унга кўра меҳнат ресурслари мамлакат меҳнат салоҳиятини тавсифлаб,

<sup>1</sup>Остапенко Ю.М. Экономика труда: учеб. пособие / Ю.М. Остапенко. – М.: ИНФРА-М, 2011. с.31.

ишчи кучи назарда тутилган<sup>1</sup>. Хорижий адабиётларда бу тушунчага мос келадиган термин сифатида “инсон ресурслари” тушунчаси ишлатилади.

Т.И.Заславская меҳнат ресурсларини микдор жиҳатдан баҳолаб, унинг фикрича, “меҳнат ресурслари бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари, шунингдек ишлаб чиқариш кучларининг муайян даражаси доирасида ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш лаёқатига эга булган жамият аъзоларининг йиғиндиси”, тушунилади<sup>2</sup>.

Кейинги тадқиқотлар натижасида “меҳнат ресурслари” тушунчасига аҳолининг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиши учун зарур булган жисмоний ва аклий қобилиятлари, малақа ва куникмалари киритила бошланди. Мисол учун, Ю.Г.Одегов ва Г.Г.Руденко фикрича, иқтисодий категория сифатида “меҳнат ресурслари бу ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун зарур булган жисмоний ривожланиш, саломатлик, таълим, маданият, қобилият, малақа ва профессионал билимларга эга булган мамлакат аҳолисининг қисмидир”<sup>3</sup>.

Г.С.Вечканов меҳнат ресурсларини иқтисодий муносабатларнинг моҳияти сифатида тавсифлаб, унга кура иқтисодий категория сифатида меҳнат ресурслари бу жамият, меҳнат жамоаси ва алоҳида шахс орасида уларнинг қизикишлари, жамият эҳтиёжи ва илмий техникавий тараққиёт даражасига мос равишда шаклланган меҳнатга лаёқатни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш буйича шаклландиган муносабатлар йиғиндисидир<sup>4</sup>.

Юкоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, шартли равишда меҳнат ресурсларини тавсифлашга булган учта ёндашувни ажратиш мумкин. Булар: микдорий (С.Г.Струмилин, Т.И.Заславская ва бошқалар); сифат-микдорий (Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко ва бошқалар); иқтисодий (Г.С.Вечканов).

Маҳаллий ва хорижий адабиётларда “меҳнат ресурслари” тушунчаси билан бир қаторда ишчи кучининг сифат курсаткичлари ва инсоннинг меҳнат жараёнидаги ролини тавсифловчи бир қатор тушунчалар қўлланилади. Буларга ишчи кучи, меҳнат салоҳияти, инсон салоҳияти, инсон капитали ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ишчи кучи термини асосан сиёсий иқтисод доирасида кенг қўлланилган категория булиб, инсоннинг меҳнат қилишга ва меҳнат жараёнида иштирок этишга булган қобилиятлари йиғиндиси сифатида

<sup>1</sup>Струмилин С.Г. Наши трудовые ресурсы и перспективы хозяйственного строительства / С.Г. Струмилин. – М.: Наука, 1982.

<sup>2</sup>Заславская Т.И. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Т.И. Заславская, Р.В. Рывкина. – Новосибирск: Наука, 1974. с.27.

<sup>3</sup>Одегов Ю.Г. Экономика труда: учеб. в 2 т., Т.1 / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко, Л.С. Бабынина. – М.: Ашфл-Пресс, 2007. с.307.

<sup>4</sup>Вечканов Г.С. Современная экономическая энциклопедия / Г.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова. – СПб: Лань, 2002. с.692.

талқин қилинган. А.Л.Жуковга кўра ишчи кучи бу ёлланиб ишловчи бандлар, ҳамда иш излаш билан банд бўлганлар йиғиндисидир<sup>1</sup>.

Бир қарашдан “меҳнат ресурслари” ва “ишчи кучи” бир хил тушунчаларга ухшасада, миқдор ва сифат жиҳатидан бир биридан фаркланади. Миқдор нуқтаи назаридан, “ишчи кучи” тушунчаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлганларни назарда тутса, “меҳнат ресурслари” эса меҳнат билан банд бўлганларнинг барчаси, шунингдек маълум бир сабабларга кўра ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган аҳолини (мисол учун, талабалар, бола тарбияси билан банд бўлган аёллар ва х.к.з) ҳам уз ичига олади. “Ишчи кучи” категорияси уз моҳиятига кўра замонавий шароитларда кенг қулланиладиган “иктисодий фаол” аҳолини назарда тутди.

Аксарият ҳолларда “меҳнат ресурслари” миқдорий жиҳатдан баҳоланади. Бунда эса “меҳнат ресурслари” жамиятнинг меҳнат салоҳиятини англатади. “Меҳнат салоҳияти” утган асрнинг охирларидан кенг муомалага киритилиб, фойдали фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган воситалар, заҳиралар, имкониятлар салоҳияти тушунилади. “Меҳнат салоҳиятини” меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш ва максимал натижаларга эришишга бўлган қобилиятининг доимий равишда ривожланиб боровчи салоҳияти сифатида тавсифлаш мумкин.

Юқоридаги атамалар билан бир қаторда ишчининг физиологик, шахсий ва малакавий салоҳиятини узида акс эттирувчи “инсон салоҳияти”, “инсон капитали” тушунчалари ҳам кенг қўлланилади.

Инсон салоҳияти бу “ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган ва қўйилган мақсадга эришишда келиб чиқадиган вазифаларни ечишда ишлатилишимумкин бўлганимкониятлар, манбалар, воситалар, заҳиралар ва бошқалар йиғиндисидир; жамият алоҳида аъзосининг, давлатнинг маълум бир соҳадаги имкониятлари<sup>2</sup>”. Булар инвестиция қабул қилмаган қобилиятлардир. Инвестиция натижасида шакллантирилган ва ривожлантирилган қобилиятларни эса инсон капитали деб, қабул қилиш мумкин. “Инсон салоҳияти” “инсон капиталига” қараганда кенгроқ тушунча булиб, инсон салоҳиятининг маълум бир қисмигина маълум бир шароитлар натижасида инсон капиталига айланади. Т.И.Волкованинг эътирофи этишича: “умумий ҳолатда иқтисодийнинг ривожланиши, хусусий ҳолатда жамоат ишлаб чиқаришининг ривожланиш жараёни маълум бир босқичда фақатгина салоҳият даражасида бўлган у ёки бу тизим тупланган имконият ва омилларининг амалда уз аксини топиши

<sup>1</sup>Жуков А.Л. Теоретические основы экономики и социологии труда: учебник / А.Л. Жуков, А.И. Рофе. – М.: МИК, 1999. – 335 с.

<sup>2</sup>Большой экономический словарь/ Общ. ред. А.Н.Азриляна. М.: Фонд «Правовая культура», 1994. С. 110

демакдир<sup>1)</sup>. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “салоҳият” ҳозирча амалга ошмаган меҳнат қобилиятлари сифатида ифодалаш мумкин. Инсон капитали ундан фарқли равишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг реал жараёни давомида ўз аксини топади.

Аниқлик учун инсон капитали тупланиши ва инсон салоҳиятининг ривожланишитушунчаларини таккослаш мумкин. Албатта бу икки жараён бир-бирини такозо этувчи ва тулдирувчи хусусиятга эгадир. Инсон капитали инсон салоҳияти доирасида шаклланади, инсон капиталининг шаклланиши эса, моҳиятан инсон салоҳиятининг ривожланиши демакдир. Булар параллел жараёнлар булиб, амалда бир жараёнга бирикиб кетадилар. Ҳақиқатдан ҳам инсон капиталини шакллантириш буйича чора-тадбирлар таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ҳисобига кишиларнинг меҳнат сифатини ошириш билан бирга умумий ҳолда инсон салоҳиятининг ривожланишига асос булади. Бунга қарамай иккала жараёни бир-биридан ажратиб турувчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Инсон салоҳиятининг ривожланиши инсон қобилиятлари заҳирасининг кўп қиррали тупланишидир. Яъни, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини (иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий ва бошқа) ўз ичига олади. Инсон капиталининг шаклланиши эса ундан фарқ қилиб, одатда ишлаб чиқариш соҳаси доирасида қаралади.

Ниҳоят инсон салоҳияти ривожланишининг бош мақсади ижтимоий самарага эришиш бўлса (инсон салоҳияти ривожланиш индекси асосий курсаткич ҳисобланиб, аҳоли таълим даражасини ошириш, ўртача умр куриш даражасини ошириш ва бошқаларни назарда тутати), инсон капиталининг тупланиши авваламбор, иқтисодий самарани, яъни бевосита муносабат катнашчилари (тадбиркор ва ишчи)нинг фойда ва даромадларини кузлайди. Давлат даражасида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиб иқтисодий усиш ва миллий бойликни ошириш мақсад қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи кучи. Лекин уларнинг миқдор ва сифат курсаткичлари меҳнат салоҳиятининг такрор барпо булишига боғлиқ бўлса, уларнинг иқтисодий қайтими инсон капиталининг самарали амал қилиши билан белгиланади.

Миқдор нуқтаи назаридан “меҳнат ресурслари” тушунчасини аниқлаштириш учун ушбу иқтисодий категорияга кирувчи аҳоли катламини аниқлаштириш зарур. Маълумки меҳнат ресурсларининг асосини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли ёш бу аҳоли меҳнат фаолияти билан шугулланиш лаёқатига эга бўлган ёш чегарасидир. Шуни айтиб ўтиш керакки, меҳнатга лаёқатли ёш

<sup>1</sup>Волкова Т.И. Воспроизводство творческого потенциала науки. Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2004. С. 16.

чегаралари тарихнинг турли даврларида, турли мамлакатларда узгариб келган. Амалдаги қонунчиликка кура, Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёш деб эркаклар учун 16-59 ёш ва аёллар учун 16-54 ёш белгиланган.

Меҳнат ресурслари тушунчаси ва моҳиятини аниқлаганда одатда аҳолини ёшига кура уч гуруҳга ажратилади, яъни меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, шунингдек меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли .

Ўзбекистон қонунчилиги буйича меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ишлаётган шахслардир. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳната лаёқатли аҳоли – ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда ва ёшига кура имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача булган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача булган хотин-қизлар)<sup>1</sup>.

Шундай қилиб меҳнат ресурсларини қуйидаги формула орқали фодалаш мумкин:

$$MP = A_{MLE} - N - \Pi_{и} + I_{п} + I_{у}$$

буерда MP – меҳнат ресурслари;

$A_{MLE}$  – меҳнатга лаёқатли аҳоли;

N – меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари;

$\Pi_{и}$  – ёшига кура имтиёзли шартларда пенсия олувчи пенсионерлар;

$I_{п}$  – ишлаётган пенсионерлар;

$I_{у}$  – ишлаётган усмирлар.

“Меҳнат ресурслари”нинг у ёки бу жиҳатини ифодаловчи юқорида куриб чиқилган атамалар билан бир қаторда Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) ташаббуси билан муомалага киритилган “иқтисодий фаол аҳоли” категорияси ҳам мавжуд. ХМТнинг таърифига кура “иқтисодий фаол аҳоли” барча иш билан банд булган аҳоли ва ишсизлар назарда тутилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг қолган қисми “иқтисодий фаол булмаган аҳоли” гуруҳига бирлаштирилган.

Иқтисодий фаол аҳоли ёки бошқача қилиб айтганда ишчи кучи ХМТ нинг методологияси буйича аҳолининг товар ишлаб чиқариш ва хизматларни курсатиш учун меҳнат таклифини таъминлайдиган қисми булиб, иш билан банд ва ишсиз аҳолидан иборат.

Ўзбекистон республикасининг 1998 йил 1 майдаги № 616-1-сонли “Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида”ги Қонунига мувофиқ қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади<sup>2</sup>:

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарорига илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 1 май № 616-1-сон. [http://Lex.uz/pages/getpage.aspx?fact\\_id=51887](http://Lex.uz/pages/getpage.aspx?fact_id=51887)



- Ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни ҳақ эвазига туликсиз иш вақтида ёки уйда бажараётган, шунингдек ҳақ туланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган;

- бетоблиги, таътилда, касбга тайёрлашда, қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқариш тўхтатиб қуйилганлиги муносабаби билан, шунингдек вақтинча иш жойида булмаганда ходимнинг иш жойи қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида булмаган;

- ҳақ туланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган;

- узини иш билан мустақил таъминлаётган, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, хунармандлар, оилавий корхоналар ишгирокчилари, деҳқон хужаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқалар;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида ва уларнинг органларида хизматни утаётган, шунингдек муқобил хизматни утаётган;

- уз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларда, шу жумладан диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар.

Ишсизлар деб қонунчиликда<sup>1</sup> - ун олти ёшдан то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги:

- ҳақ туланадиган ишга ёки даромад келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;

- иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган;

- ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва улар томонидан иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига қуйидагилар қиради<sup>2</sup>:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ҳамда иш ҳақи ва меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;


- уй бекалари ва болаларни парваришлаш билан банд бўлган ишламайдиган аёллар;

- ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари;

- уз ҳошишига кура иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тугрисида"ги Қонуни, 1998 йил 1 май № 616-1-сон. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?fact\\_id=51887](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?fact_id=51887)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарорида илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



**1.1.-расм. Меҳнат ресурсларининг таркибий тузилиши<sup>1</sup>**

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларининг демографик ва иқтисодий жиҳатларини бирлаштирувчи таркибий тузилишини 1-расмда келтирилган шаклда ифодалаш мумкин.


Шуни айтиб ўтиш керакки, меҳнат ресурсларининг таркибий тузилиши турли тумандир. Меҳнат ресурслари жинси, ёши, таълим даражаси, касбий малакаси, минтақавий мансублиги, миллий таркиби, иқтисодий фаоллиги ва бошқа хусусиятларига қура фарқланади.

Меҳнат ресурсларининг жинсига қура таснифланиши алоҳида ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнатни самарали ташкил этиш имконини беради.

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан ўрганилган адабиётлар асосида тузилган.

Меҳнат ресурсларининг таълим даражасига кура классификацияланиши ҳам муҳим аҳамият касб этиб, меҳнат ресурсларининг иктисодий ўсишни таъминлашдаги ролини аниқлашда кенг фойдаланилади. Меҳнат ресурслари таркибида олий маълумотлиларнинг улушининг ортиши меҳнат унумдорлигини ошириши<sup>1</sup>, технологик инновацияларни фаоллаштириши<sup>2</sup> ва уз навбатида иктисодий ўсишни таъминлаши<sup>3</sup> куплаб тадқиқотлар асосида уз тасдиғини олган.

Шу билан бирга меҳнат ресурслари илмий-техникавий тараққиёт ташаббускори сифатида юзага чиқиб, янги илмий ишланмаларни ишлаб чиқади.



**1.2.-расм. Меҳнат ресурсларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар<sup>4</sup>.**

<sup>1</sup>Holland D., Liadze I., Wilkinson D., the relationship between graduates and economic growth across countries. August 2013. BIS Research Paper No 110. <https://www.gov.uk/bis-13-858-relationship-between-graduates-and-economic-growth-across-countries.pdf>

<sup>2</sup>Aghion P et al. The Causal Impact of Education on Economic Growth: Evidence from U.S. March 2009. [https://scholar.harvard.edu/files/aghion/files/causal\\_impact\\_of\\_education.pdf](https://scholar.harvard.edu/files/aghion/files/causal_impact_of_education.pdf)

<sup>3</sup>BarroRobert J. Education and Economic Growth. <http://www.oecd.org/innovation/research/1825455.pdf>

<sup>4</sup>Урганлан адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Меҳнат ресурслари узининг миқдорий ва сифат хусусиятлари билан ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи, иқтисодий ривожлантирувчи асосий ҳаракатлантирувчи кучдир.

Меҳнат ресурсларининг асосида аҳоли туради, шу сабабли меҳнат ресурсларининг миқдорий жиҳатларини бевосита аҳолининг такрор барпо булиш даражаси белгилаб беради. Демографик омиллар меҳнат ресурсларининг шаклланишида бирламчи урин эгаллайди. Аҳолининг такрор барпо булиш курсаткичлари, яъни туғилиши ва улим даражаси, ёш-жинс таркиби, уртача умр куриш давомийлиги, миграция даражасининг бевосита таъсири остида мамлакат меҳнат ресурсларининг абсолют миқдори шаклланади.

Умумий курсаткичлар билан бирга аҳолининг алоҳида гуруҳларига тегишли булган алоҳида курсаткичлар ҳам меҳнат ресурсларининг шаклланишига таъсир курсатади. Мисол учун, меҳнат ёшига лаёқатли аҳоли сони ушбу гуруҳда улим курсаткичлари даражаси, меҳнат ёшига кириб келаётган аҳоли ва пенсия ёшига етаётган аҳоли сони таъсирида шаклланади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида улим даражаси қанчалик паст булса, шунингдек меҳнатга лаёқатли ёшга кириб келаётганлар бу ёшдан чиқиб кетаётганлардан қанчалик куп булса, меҳнат ресурсларининг сони шунчалик куп булади ва аксинча.

Ишламайдиган ногиронлар тоифасига кирувчи аҳоли гуруҳи ушбу таҳлилда алоҳида урин эгаллайди. Ногиронлар сони ҳам уз навбатида турли омиллар: аҳолининг турмуш тарзи, экологик ҳолат, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси, тиббий тизимининг ривожланганлик даражаси, муносиб меҳнат шароитларининг таъминланганлиги кабилар таъсирида ўзгаради. Ҳар бир мамлакат ҳукумати ногиронлар сонини қисқартириш, ҳамда ногиронлар орасида ишлайдиганларининг сонини оширишдан ҳар томонлама манфаатдор. Дунёнинг куплаб мамлакатларида ногиронлар учун иш ўринларини ташкил этган ва уларни иш билан таъминлаган иш берувчилар рағбатлантирилади. Давлатнинг ногиронларни иш билан таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари мавжуд. Иқтисодий жиҳати шундаки, давлат бюджети ҳисобига ҳаёт кечирувчиларнинг сонини имкон қадар қисқартиришдан манфаатдор. Ижтимоий жиҳати эса инсон жисмоний ёки рухий нуқсонларга эга булишига қарамай, жамият учун кераклигини ва фойдали фаолият билан шугулланаётганини англаши билан белгиланади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ишламайдиган ногиронлар сонининг узгариши турмуш даражасининг ошиши таъсирида ҳам содир булади.

Юқорида курсатилгандек, меҳнат ресурслари таркибига ишлаётган ўсмирлар тоифаси ҳам киритилади. Ишлаётган ўсмирлар сонининг узгариши ҳам демографик омил асосида шаклланади. Ишлаётган ўсмирлар асосан 14-15 ёшдаги ўсмирларни ташкил этиб, бир хил шарт-

шароитларда ушбу ёш гуруҳига кирувчилар сони қанчалик кўп бўлса, ишлайдиганларнинг абсолют миқдори ҳам мос равишда шунча кўп бўлади, деб айтиш мумкин. Лекин шунини айтиб ўтиш керакки, ишлайдиган усмирлар сони биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида шаклланади. Oilаларнинг фаровонлик даражаси, иқтисодийнинг эҳтиёжлари энг кўп таъсир курсатувчи омиллар сифатида юзага чиқади.

Эмпирик тадқиқотлар, шунингдек тарихий ривожланиш босқичлари курсатишича, иқтисодий фаровонлик даражаси ва ишлайдиган усмирлар сони орасида тескари боғлиқлик мавжуд. Яъни иқтисодий фаровонлик ошган сари меҳнатга лаъқатли ёшдан кичикларнинг меҳнат фаолияти билан банд бўлиш даражаси шунчалик пасаяди ва аксинча. Ишлаб чиқаришнинг мураккабланиши, оддий жисмоний меҳнат талаб этувчи тармоқларнинг қисқаргани сари иқтисодийда усмирларнинг малакасиз меҳнатига бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик қисқариб боради. Меҳнат ресурслари таркибида усмирларнинг улуши ёш авлоднинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир курсатмаган ҳолда шаклланиши лозим.

Меҳнат ресурслари таркибида ишлайдиган пенсионерлар сони ҳам биринчи навбатда демографик омиллар таъсирида шаклланади. Бу ерда ҳам аҳоли таркибида пенсия ёшидагиларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, шу ёшда ишлайдиганларнинг сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Демографик жараёнлар ўзгаришининг замонавий тенденциялари меҳнатга лаъқатли ёшдан катта бўлган аҳоли сони юқори суръатлар билан ошиб бораётганини курсатмоқда. Шунини айтиб ўтиш керакки, аҳолининг объектив қариш жараёни билан боғлиқ бўлган бундай тенденция нафақат ривожланган давлатлар, балки ривожланаётган давлатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам юз бермоқда.

Меҳнат ресурслари таркибида пенсионерлар улушининг ўзгаришига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ҳам таъсири салмоқли урин эътилобиди. Ойлик пенсия миқдори ва унинг кекса одам ҳаётини эҳтиёжларини қондириш даражаси аксарият ҳолларда пенсионерларнинг ишлаш ёки ишламаслигини белгилаб беради. Ойлик пенсия билан бирга ойлик иш ҳақини тулик равишда олиш ҳуқуқи пенсионерларнинг ишлашини рағбатлантирувчи механизм сифатида юзага чиқади. Ундан ташқари пенсионерларнинг маълум бир қисми жамият ва oilаси учун фойдалилигини ҳис этиш, узок йиллар давомида бирга ишлаган коллективдан ажралмаслик мақсадида ишларини кадрлайдилар.

Иқтисодий омиллар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳасида ишчиларга бўлган эҳтиёж билан белгиланади. Меҳнат бозорида ишчи кучига эҳтиёж қанчалик юқори бўлса пенсионерларнинг ишга жойлашиш ва ишлаш имконияти шунчалик ошади. Шу билан бирга иқтисодийда кексаларнинг жисмоний ҳолати ва профессионал тайёргарлигини ҳисобга

олган ҳолда ташкил этилган иш жойларининг мавжудлик даражаси куп ҳолларда пенсионерларнинг меҳнат бозордаги иқтисодий фаоллигини оширади. Шуни айтиб утиш керакки, жисмоний меҳнат меҳнат билан бандларга нисбатан интеллектуал меҳнат билан бандлар булганлар орасида пенсионерларнинг ишлаш даражаси юқоридир. Бу биринчи навбатда меҳнат фаолияти, ҳамда иш шароитларининг узига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Шундай қилиб, истиқболда меҳнат ресурслари таркибида ушбу ёш гуруҳи ҳиссасининг узгариши: аҳолининг қариш жараёни, пенсия таъминотининг яхшиланиши, тиббиёт тизими ишлашининг яхшиланиши, умр давомийлигининг узайиши кабилар таъсирида узгариши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, меҳнат ресурслари шаклланишида демографик омил бирламчи булиши билан бирга, жамиятда содир булаётган ижтимоий иқтисодий тенденциялар, табиий иқлимий узгаришлар ҳам уз таъсирини курсатади.


## **1.2. Меҳнат ресурсларини ҳудудий шакллантиришнинг методологик жиҳатлари**

"Меҳнат ресурсларининг шаклланиши" тушунчаси анча вақтлардан буён иқтисодий адабиётларда ва статистик амалиётда қарор топган булиб, узига хос тор касбий атама сифатида ишлатилиб келинади. Бу тушунчанинг нимадан иборат эканлиги ҳақида умумий тарзда қабул қилинган, мунозара талаб қилмайдиган тасаввур йуқ. Купгина иқтисодчи олимлар "меҳнат ресурсларини шакллантириш" деганда меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгилашиб туриши тушунилади, деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат ресурсларининг ривожланиши ижтимоий такрор барпо булиш жараёнида амалга ошади. Бу жамият меҳнат ресурслари таркибининг ижтимоий ҳаётнинг такомиллашиб боришига мувофиқ равишда микдорий ва сифат узгаришларида намоён булади. Меҳнат ресурсларининг ривожланиб бориши чексиз жараёндир.

Меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биринчидан, меҳнат ресурсларини учта йирик ёш гуруҳлари буйича – меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гуруҳ аҳоли сонига, унинг узгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик узгаришдаги умумий ва узига хос томонларни куриб чиқиш лозим.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишига таъсир курсатувчи омиллар асосида меҳнат ресурслари қуйидаги узига хос хусусиятларга эга булган ҳолда шаклланади:



– меҳнат қилиш ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли меҳнат ресурсларининг асосини ташкил этади, шу билан бирга, унинг салмоғи ортиб боради;

– меҳнат ресурслари сони табиий усиш ҳисобига йилдан-йилга купаяди;

– усмирлар ва қариялар сони ва салмоғи орғиши ҳисобига.

Шу уринда ҳудудий меҳнат ресурсларининг шаклланишига ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳудудий меҳнат ресурслари бутун аҳолига тааллуқли жараёнлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, ҳудудий меҳнат ресурслари динамикасининг маълум даражада нисбий «мустақиллиги»га эътиборни қаратамиз. У мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан боғлиқ булган демографик асосни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу маънода «меҳнат ресурслари» ижтимоий ва демографик ривожланишни таҳлил қилиш ва асослаб беришнинг ўзига хос методологик воситаси булиб майдонга чиқади.

Ҳудудий меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади. Ҳудудий меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз психофизиологиква ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар курсатишга қодир булган қисмидан иборатдир. Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, ҳудудий меҳнат ресурслари ўзига иқтисодий меҳнат билан банд булган кишиларни ҳам, меҳнат билан банд булмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин булган кишиларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, ҳудудий меҳнат ресурслари ҳақиқий (реал) ва потенциал ходимлардир.

Ўзбекистонда ҳудудий меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг асосий хусусиятларига: бандлик ва ишсизликнинг юқори даражада маҳаллийлаштирилиши; меҳнат бозорида ғарб мамлакатларига нисбатан интеллектуал жиҳатдан ортда қолиши; иш ҳақининг меҳнат маҳоратига эмас, ҳудуддаги бандликка боғлиқ равишда туланиши; аҳоли орасида ишчиларни кенг тарқалишини киритиш мумкин.

Ҳудудий меҳнат ресурсларининг давлаг томонидан бошқариш механизмларига эса: умуммиллий ва ҳудудлараро меҳнат бозори стратегиясининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги; индвидуал корхоналарнинг бандлик билан керагидан ортик таъминланганлиги; кичик бизнесни ривожлантириш ва янги бизнесни яратиш учун маъмурий тусикларни қуйиш орқали меҳнат бозорини монополлаштириш тўғрисида аҳоли бандлиги самарадорлиги паст даражага келтириб қуйилади.

Ҳудудларда меҳнат ресурсларининг шаклланиш механизмларини урганиш орқали унинг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини аниқлаш мумкин булади.

Худудий меҳнат ресурсларининг асосий таркиби (Ўзбекистондаги субъектлар учун) меҳнат ресурслари ва иш ўринларини таъминловчи локал меҳнат ресурслари ҳисобланади. Айнан шаҳарлар ва локал ҳудудлар орқали ишлаб чиқарувчи тизим иш ўринлари таъминланади. Транспорт катновининг қулай йўлга қўйилиши локал меҳнат бозорларининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Худудий меҳнат ресурсларининг шаклланишида қуйидагиларни инобатга олиш керак: биринчидан, унинг узгарувчанлиги, шу сабабли универсал бошқарувни ишлаб чиқишни иложи йўқ, ишлаб чиқилса ҳам узоқ муддат амал қилмайди; иккинчидан унинг ишончли амалга оширилиши, фаолиятдаги меҳнат ресурслари қутилаётган натижадан фарқ қилиши мумкин. Шу сабабли қутилаётган натижалар турли вариантларда ишлаб чиқилиши керак булади; учинчидан унинг шаффофлиги (очиқлиги), акс ҳолда меҳнат ресурсларини бошқариш жараёнида худудий меҳнат ресурслари фаолиятига таъсир курсатувчи мураккабликлар келиб чиқади.

Худудий меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биз биринчидан, меҳнат ресурсларини учта йирик ёш гуруҳлари бўйича - меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гуруҳ аҳоли сонига, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, худудий меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик ўзгаришдаги умумий ва узига хос томонларни куриб чиқишимиз лозим.

**Худудий меҳнат ресурслари шаклланишини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:**

- а) универсал;
- б) умуммиллий;
- в) узига хос;

**Худудий меҳнат ресурсларининг ривожланишидаги асосий хусусиятлар:**

- меҳнат ресурсларининг худуднинг меҳнат миграцияси имкониятлари билан боғлиқлиги;
- меҳнат ресурсларининг интенсив ривожланишидаги сезиларли узгарувчанлик;
- меҳнат ресурсларини яратувчи интеллектуалликни ғарб давлатларидан ортда қолиши.

Интеллектуал меҳнат ресурсларининг узига хослиги шундаки улар учун узлуксиз таълим, билимларнинг йиғилиб бориши, иш тажрибасининг ортиб бориши, узлаштирилган билимларни амалга жорий қилиниши ақлий меҳнат вакилларининг хусусиятлари ҳисобланади.

Худудий меҳнат ресурсларини тақсимлаш деганда ҳудудлардаги меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқларида бандлиги ва банд



булмаганлиги тушунилади. Ўз навбатида банд булмаганларга меҳнат қилиш қобилиятига эга булган ёшдаги укувчиларга ва шахсий ёрдамчи хужалик билан шуғулланувчиларга, ҳарбий кучлар сафида хизмат қилаётганларга, ишсизларга, шунингдек, ҳеч қаерда ишламайдиганларга, ўқимайдиганларга ва иш қидирмайдиганларга булинади.

Худудий меҳнат ресурсларини тақсимлаш турларидан бири мамлакат худуди буйича тақсимлаш бўлиб, у ҳам муайян фойдали ахборотга эга. Республика худуди иқтисодий ривожланиш даражаси кишиларнинг фаровонлиги ва демографик ривожланиши билан фарқ қилади. Демографик жараёнлар худудий меҳнат ресурсларининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса унинг ривожланишида акс этади.

Худудий меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг минтакавий хусусиятлари аввало демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири билан боғлиқдир. Демографик омилларга аҳолининг такрор барпо қилинишидаги жадаллик қиради. У ҳал қилувчи даражада туғилиш даражаси билан боғлиқ. Бу даража қанчалик юқори булса, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли, демак, худудий меҳнат ресурслари шунчалик тез ўсади. Аҳолининг иқтисодий ўсиш омили сифатидаги ҳолати мамлакат иқтисодиёти билан белгиланади. Аҳолининг асосий кўрсаткичлари: туғилиш, ўлим, миграция, никоҳлар ва бошқалар тарихан ва бевосита мамлакат иқтисодиётининг аҳволи билан боғлиқдир. Бинобарин, аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси ва субъекти бўлиб ҳисобланди. Аммо, ишлаб чиқариш билан ҳамма аҳоли эмас, балки унинг фаол қисми булган – ишчи кучи шуғулланади. Унинг шаклланишининг асосий манбаи худудий меҳнат ресурслари ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам, аҳоли ривожланиши муаммоларини ўрганишда худудий меҳнат ресурсларини шакллантиришга қатъи ҳал қаратилиши зарур.

Худудий меҳнат ресурсларининг ривожланиши кўп жиҳатдан худуд аҳолисига боғлиқдир. Аҳоли меҳнат ресурслари ривожланишининг табиий асоси ҳисобланади. Аҳоли ва меҳнат ресурслари бир бутун ҳисобланишади, лекин шу билан биргаликда, улар ўзларининг келиб чиқиши, амал қилиши ва ривожланишида узаро боғлиқ булган икки мустақил субъектдир. Жамиятнинг худудий меҳнат ресурслари мамлакат аҳолиси ҳисобига шаклланадилар. Аҳоли ва худудий меҳнат ресурсларини ташкил қилувчи одамлар кўп жиҳатдан унга ҳам, бунга ҳам тааллуқли буладилар.

Аҳоли ва худудий меҳнат ресурсларининг умумийлиги аҳолининг жинсий таркиби билан меҳнат ресурсларининг шаклланиши боғлиқлигида ҳам намоён булади. Аҳоли таркибида эркаклар улушининг кам бўлиши худудий меҳнат ресурсларининг сонини қискартириб юборади, чунки эркакларнинг юридик ва ҳақиқий меҳнат фаолияти даври аёлларникига нисбатан юқори булади.

Аҳоли ва ҳудудий меҳнат ресурсларининг умумийлиги яна уларнинг ўртасидаги чегаранинг узгариб туриши билан ҳам белгиланади. Масалан, агар эркак киши бугунги кунда 61 ёшида қариллик нафақасида бўлса, у меҳнат ресурслари таркибига қирмайди, лекин у эртага ишга жойлашадиган бўлса, шу вақтнинг узидан у меҳнат ресурслари таркибига киритилади.

Ҳудудий меҳнат ресурслари ва аҳолининг яхлитлиги шу билан белгиланадики, уларнинг узгариб туриши бутун инсониятнинг олдинги ривожланиши натижасидир. Аҳоли ва ҳудудий меҳнат ресурсларининг ривожланиши умуман бир-бирига мос келади, лекин шу билан биргаликда, бу жараёнларнинг кечишида муайян фарқлар ҳам мавжуд бўлади.

Ҳудудий меҳнат ресурсларининг ривожланишини нафақат аҳоли узгариб туриши белгилаб беради. Ҳудудий меҳнат ресурслари – бу фақат одамларнинг миқдорий йиғиндиси эмас, балки ижтимоий-иқтисодий категориядир. Бундай ҳулосанинг ҳақиқатга яқинлиги шу билан маъқулланадики, меҳнат ресурслари таркибига қирган одамлар мавжуд бўлиш ва ривожланиш шароитлари умумийлиги билан бевосита боғлиқдир. Жамиятнинг меҳнат ресурсларини ташкил қилган одамлар ишчи кучи сифатига ҳам эгадирлар.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ривожланишида муҳим фарқлар ҳам мавжуддир. Меҳнат ресурсларининг ривожланиши – бу фақат ҳаётни сақлаб қолиш ва такрор барпо қилиш мақсадида меҳнатнинг ишлаб чиқариш кучи ривожланишидир; аҳоли ривожланиши эса – бу умуман инсонларнинг ривожланишидир. Бундан ташқари меҳнат ресурслари аҳолининг тўлиқ алоҳидалашган қисми ҳисобланади. Унинг асосида авваламбор шу ётадики, агар жами аҳоли фақат моддий ва маънавий бойликларнинг истъеъмолчиси бўлса, меҳнат ресурслари уларни ишлаб чиқарувчилардир.

Аҳоли ва ҳудудий меҳнат ресурслари ўртасидаги фарқ, яна улар сонининг узгариб туриши вақт нуқтаи назаридан мос келмаслигидир. Чунки, янги фаолият турларининг юзага келиши ва иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши давлатнинг ҳудудий меҳнат ресурсларининг шакллантиришдаги ролида узгаришларга сабаб бўлади. Миллий иқтисодиётни бошқариш ва ҳудудий меҳнат ресурсларини шакллантиришда давлатнинг родини ортиши аҳоли бандлиги тузилмасининг, инсон капиталининг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини ортишига таъсир кўрсатади. Давлат ва тадбиркорликнинг бизнес ҳамкорлиги иш унумдорлигининг ортиши, ҳудудларда янги иш ўринларининг яратилиши ва иш билан банд аҳолининг иш ҳақларини ошишига олиб келади. Бу омилларсиз ҳудудий меҳнат ресурслари ва меҳнат бозорини ривожлантириш мумкин эмас.

Худудий меҳнат бозорларида меҳнат ресурсларини шакллантириш, бошқариш ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ҳаддан ташқари тенгсизликнинг олдини олишга эътибор қаратиш лозим.

Миллий иқтисодиётни барқарорлигини саклаб қолиш учун худудий меҳнат ресурсларини туғри тақсимлаш, иш уринлари яратишда худудий меъёрнинг бузилишини олдини олиш учун давлат томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим иш ҳисобланади. Худудий меҳнат ресурсларини туғри шакллантириш муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб бориш зарур.

Меҳнат ресурсларини худудий шакллантиришнинг методологик асосларини урганишда қуйидагиларга аҳамият қаратиш лозим:

1. Худудий меҳнат ресурсларини моҳиятини англаб етиш ва ундан туғри фойдалана олишнинг назарий методологик асосларини ўрганиш;

2. Ўзбекистонда худудий меҳнат ресурсларининг шаклланишида узига хослик ва қонунийликнинг аниқлаб олиш;

3. Ўзбекистон худудларидаги меҳнат бозори субъектларини меҳнат бозорида тутган урни ва ҳолат кескинлигини туғри баҳолай олиш;

4. Худудий меҳнат ресурсларининг шаклланишига иқтисодий ва демографик омилларнинг таъсирини куриб чиқиш;

5. Худудий меҳнат ресурслари фаолиятига давлат аралашуви даражасини аниқлаб олиш;

6. Меҳнат ресурсларини шакллантириш механизмларини бозор ва давлат имкониятларини туғри баҳолай олиш;

7. Ўзбекистон худудларида иш билан бандликни оширишни молиялаштириш мувозанатини аниқлаш;

8. Вилоят меҳнат ресурсларини шакллантиришда иқтисодий ва демографик омиллар таъсирини эътиборга олиш.

Худудий меҳнат ресурслари механизмнинг ночор ҳолатга келиб қолишига: меҳнат бозорининг монополизацияси, иш билан банд аҳолининг ночорлиги; яшаш шароитининг паст даражаси; меҳнат бозори ахборотларидан фойдаланишнинг етарли даражада шакллантирилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

### **1.3. Меҳнат ресурслари баланслашганлигининг илмий-назарий жихатлари**

Маълумки, аҳоли - жамиятнинг асоси, барча неъматларни ишлаб чиқарувчи, айна пайтда, унинг истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Шунингдек, аҳолишунослик фанларида маълум бўлган учинчи “олтин қоида”га кура, аҳоли такрор барпо бўлувчи жараёндир. Аҳолининг кўпайиши биологик жараён, генератив характерга эга бўлсада, унинг шаклланиши ижтимоий муҳитда амалга ошади ва табиийки, унда кўплаб

омиллар ишгирик этади. Меҳнат фаолияти ва генератив функцияни амалга оширишга, турмуши ва дам олишига, шахс сифатида шаклланиши ва ривожланишига таъсир этадиган омишлар аҳолининг ижтимоий муҳитдаги фаолиятини белгилаб беради. Аҳоли ривожланиши даставвал жамиятда мавжуд булган ижтимоий-иқтисодий қонуниятлар билан аниқланади ва жамият ривожланиши қонуниятлари тизимининг ажралмас қисми сифатида намоён булади. Аҳоли жамиятда асосий ишлаб чиқарувчи куч булса-да, унинг узига хос локомотиви меҳнат ресурсларидир.

Меҳнат ресурслари — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслардир<sup>1,2</sup>(1.3.-расм).

Меҳнат ресурслари — жисмонан ва ақлан баркамол, зарурий билим ва тажрибага эга булган ёки уларни эгаллашга қодир, географик (ташқи), ижтимоий (ички) муҳит ривожланиш хусусиятларини узида акс эттирган одамлар мажмуидир, деб таърифлайди профессор А.А.Қаюмов<sup>3</sup>. Мамлакат аҳолисининг халқ хўжалиги соҳаларида фаолият олиб бориш учун етарли билим, ақлий қобилият ва жисмоний салоҳиятга эга булган меҳнатга лаёқатли қисми меҳнат ресурсларини ташкил этади<sup>4</sup>, деб таърифланган демографияга оид энциклопедик луғатда. Икки манбада ҳам меҳнат ресурсларига ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мукамал таъриф берилган.

Меҳнат ресурсларининг ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан қатор кўрсаткичлари мавжуд. Меҳнат ресурслари сони, таркиби, касб маҳорати, ишга мослашувчанлиги каби кўрсаткичлар билан бир қаторда меҳнат ресурсларининг мувозанатини (баланс) таъминлаш муҳим кўрсаткичдир.

Меҳнат ресурслари баланси — меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда уларнинг иқтисодийёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими<sup>5</sup>.

Меҳнат ресурслари баланси туғрисида куплаб хорижий ва маҳаллий олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Ғарбнинг классик иқтисодчи оимлари — А.Смит, Р.Эренберг, Дж.Коммонс, Т.Веблен, Дж.Гэлбрейт кабилар меҳнат ресурслари борасида илк назарий қарашларни илгари суришган булса-да, улар ва кейинги даврларда ижод қилган аксар иқтисодчилар асосан меҳнат бозори ва унинг асосий элементларини чуқур таҳлил қилган. Ч.Кобб, П.Дуглас, Я.Тинберген,


<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш туғрисида”ги 106-сон қарори. 24.05.2007.

<sup>2</sup>Кандаурова Г.А., Борисевич В.И. Прогнозирование и планирование экономики: учебник. Минск: Современная шк., 2005. – стр.205.

<sup>3</sup>Қаюмов А.А. Социально-географические основы формирования и развития трудовых ресурсов Узбекистана. Автореф. дис.... док. геог. наук. – Ташкент. 1997. –45 с.

<sup>4</sup>Демографический энциклопедический словарь. М., 1985, стр.480.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш туғрисида”ги 106-сон қарори. 24.05.2007.



1.3.-расм. Муаллиф ишланмаси.

Е.Домар, Р.Харрод, Р. Солоу, М. Калецкийлар эса купрок меҳнат бозорини гадкиқ этишда қўлланиладиган математик моделлар устида иш олиб боришган. Аммо айнан меҳнат ресурслари баланси ва унинг ҳисоблаш тизимини туғридан-туғри тадқиқ этган олимлар нисбатан камчиликни ташкил этишади.

Шунингдек, меҳнат ресурслари ва меҳнат бозори билан собиқ иттифоқ даражасида Г.Струмилин, А.Э.Котляр, Э.Р.Соруханов, Е.В.Касимовский, Б.И.Кононенко, Е.П.Чернова, Т.И.Заславская, Р.Б.Колосовский каби олимлар кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Мамлакатимизда Қ.Х.Абдурахмонов, А.А.Абдуганиев, Ш.Р.Холмуминов, А.А.Қаюмов, Д.А.Ортикова, З.А.Толаметова каби олимлар меҳнат ресурслари ва меҳнат бозори доирасида илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Аммо юқорида таъкидланганидек, санаб утилган олимлар меҳнат ресурслари баланси ва унинг минтақавий таҳлиллари билан бевосита шуғулланишмаган.

Меҳнат ресурслари балансини тузишдан мақсад мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, мавжуд меҳнат ресурслари билан иқтисодиёт тармоқларида банд булганларнинг ўзаро мувозанатини таҳлил этиш, дисбалансни камайтириш, шунингдек, меҳнат ресурслари баланс кўрсаткичларининг истиқболдаги ҳолати бўйича тавсиялар тайёрлашдан иборатдир.

Меҳнат ресурслари баланси мамлакат ёки минтақанинг меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш маълумотлар учун асосий маълумотлар манбаси ҳисобланади. У узида меҳнат ресурсларининг миқдори, таркиби ва ундан фойдаланишнинг самарали услубларини акс этган ўзига хос қўлланма булиб, меҳнат бозорининг асосий параметрларини намоён қилади. Ушбу баланс орқали мамлакат ҳудудларидаги алоҳида иқтисодиёт тармоқларида банд булган меҳнат ресурсларининг шаклланиш манбалари, улар уртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносиблик каби кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда унинг миқдорий ва ҳудудий аҳамияти нуқтаи-назаридан бир канча қуринишлари мавжуд. Улар қуйидагилардир:

- Меҳнат ресурслари йиғма баланси;
- Меҳнат ресурсларига қўшимча талаб баланси;
- Иш вақти баланси;
- Кадрлар баланси.

Мамлакатимизда 2012 йилдан бошлаб Давлат Статистика қўмитаси томонидан тавсия этилган (Вазирлар Маҳкамаси Низомига мувофиқ)

меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш методологиясидан фойдаланилади.

Меҳнат ресурслари баланси асосан икки қисмдан иборат булиб, биринчи қисми — ресурс ва иккинчиси тақсимланиш қисмидир. Унинг биринчи қисмида куйидаги курсаткичлар акс этиши лозим:

- меҳнат ресурслари миқдори (1.1-жадвал);

- меҳнат ресурсларининг шаклланиш манбалари (бунга меҳнатга лаёқатли аҳоли, меҳнат ёшидан катталар ва меҳнат ёшигача бўлган аҳоли таркибидан ишлаётганлар киради).

Шунингдек, баъзи мамлакатларда миграция ҳам меҳнат ресурсларининг яна бир манбаси сифатида қаралади. Яъни чет элдан келиб меҳнат билан шуғулланувчи фуқаролар ушбу балансни тузишда ҳисобга олинади.

Балансининг иккинчи қисми одатда куйидаги курсаткичлардан иборат:

- иқтисодий фаол аҳоли;

- жами бандлар, шу жумладан, саноат, қишлоқ хужалиги, қурилиш ва ҳок;

- ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар)<sup>1</sup>;

- иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

Шу уринда меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш тарихига эътибор қиладиган булсак, собиқ иттифок даврида, аниқроғи, иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат статистика қўмитаси томонидан илк бор ушбу курсаткич устида иш олиб борилган. Халқ хужалигининг ривожланиш курсаткичларидан бири бўлган балансда асосий меҳнат ресурслари сони, уларнинг ёш-жинс, ижтимоий таркиби, касб малакаси, иқтисодиётнинг қайси тармоқларида бандлиги каби сифат курсаткичлари акс этган бўлиб, уни давлат режалаштириш қўмитаси (Госплан) ишлаб чиққан. Баланс бутун иттифокдаги республикалар ва тегишли соҳа вазирлик-қўмиталаридан йиғилган маълумотлар асосида шакллантирилиб, у асосда ҳар йили ўқув муассасалари, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига қабул миқдори аниқланган.

Ушбу курсаткичларни шакллантиришда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги иш уринлари, тармоқларни келажақда ривожлантириш дастурлари ва мутахассисларни демографик силжиш ҳисобига урнини тўлдириш прогноз параметрлари асосий ролни уйнаган. Шунингдек, унда асосий 3 та йўналишда баланс ишлаб чиқилган ва мана шу уч йўналиш орқали иқтисодиётда ишчи кучига бўлган талаб ҳам шакллантирилган.

<sup>1</sup>Қонун хужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан утказилган шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи на бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатини ёшдаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар. Вазирлар Маҳкамасининг 24.05.2007 йилдаги 106-сон қарори.

**Меҳнат ресурслари баланси ҳисоби<sup>1</sup>**  
**йил учун уртача (минг киши)**

Г/р	Курсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
			шаҳар	қишлоқ
А	Б	1	2	3
01	<b>ЖАМИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ</b>			
	шу жумладан:			
02	меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли			
03	меҳнат ёшидан катталар ва усмирлар			
	шундан:			
04	меҳнат ёшидан катталар			
05	усмирлар			
	<b>МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ</b>			
06	<b>Иқтисодий фаол аҳоли (07 сатр + 21 сатр)</b>			
07	<b>Иқтисодиётда бандлар жами</b>			
	шу жумладан:			
08	саноатда			
09	қишлоқ ва урмон хужалигида			
10	шу жумладан: урмон хужалигида			
11	транспорт ва алоқада			
12	қурилишда			
13	савдо ва умумий овқатланишда			
14	уй-жой коммунал хужалиги ва маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турларида			
15	соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминотда			
16	таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат курсатишда			
17	молия, кредит ва сугуртада			
18	давлат ва хужалик бошқарув органлари идораларида			
19	бошқаларда			
20	Дехқон хужаликларида бандлар (09-сатрдан)			
21	<b>Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар)</b>			
22	шундан: ишсиз сифатида расман руйхатдан утганлар			
23	<b>Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли</b>			
	шу жумладан:			
24	ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган укувчилар ва талабалар			
25	уй бекалари ва болаларни парварिश қилувчи ишламайдиган аёллар			
26	ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари			
27	ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаган, шунингдек кучар ва кучмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар			

Улар куйидагилардир:- Меҳнат ресурсларининг йиғма баланси. Бунда асосан мавжуд меҳнат ресурслари сони, уларнинг тармоқлар буйича



таркибий тузилиши каби курсаткичлар акс этади;

- юқори малакали мутахассисларга булган талаб баланс ҳисоботи. Бунда асосан, иқтисодиётнинг меҳнат ресурсларини кун талаб килувчи тармоқларига юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва укув юртларида таҳсил олаётган булажак кадрларнинг сони, уларнинг мутахассисликлар буйича таркиби каби курсаткичлар акс этади.

- ёшларни таълим олиш ва меҳнат фаолиятига жалб килиш буйича баланс ҳисоботини ишлаб чиқиш. Бу йуналишдаги балансда асосан, маълум бир таълим даражасига ва касб-мутахассисликка эга булмаган ёшлар баланс ҳисоботини олиб борилади.

Барча йуналишларда ишлаб чиқилган балансларда худудий ва тармоқлар буйича маълумотлар тулик акс эттирилган. Барча курсаткичлар статистик таҳлил усули ёрдамида шакллантирилган ва у мамлакат халқ хужалигида етакчи дастур ҳисобланган давлат режаларида (госплан) ва ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Бироқ ҳозирда Ўзбекистон ва Россия Федерациясида мавжуд меҳнат ресурслари баланс ҳисоботидан фарқли равишда, уша даврдаги баланснинг асосан иккинчи қисми, яъни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш курсаткичлари биров мавҳум булган. Яъни, ҳозирги баланс каби меҳнат ресурсларининг иқтисодиётнинг етакчи (10 дан ортиқ) тармоқларидаги тақсимланиши ҳисобланмасдан, умумлашган ҳолда куйидагича тақсимланишдан фойдаланилган<sup>1</sup>:

## II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши.

- Иқтисодиётнинг расмий секторида асосий иш жойи буйича банд булганларнинг ўртача сони (жами, шунингдек ижтимоий гуруҳлар буйича).

### Шундан:

- давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг мулкчилик шаклларида;

- жамоат бирлашмалари ва ташкилотларида;

- аралаш мулкчилик шаклларида;

- деҳқон (жамоа) хужаликларида;

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган бандлар;

- уй хужалиги ва шахсий-ёрдамчи хужаликларда бандлар (шу жумладан, ҳар бири буйича).

Собиқ иттифоқ инкирозидан сунг, уз-узидан мустақил давлагларда миллий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқила бошланди. Ҳозирги даврга қадар баъзи республикалар, хусусан, Россия Федерациясида ҳам, меҳнат ресурслари баланси уша мамлакатнинг миллий хусусиятлари,

<sup>1</sup> Костаков В. Г., Литвяков П. П., Баланс труда, М., 1965. 161 стр.

иктисодиётини ривожлантириш йуналишларидан келиб чикиб ишлаб чиқилган.

Аммо бутун дунёда руй берган интеграциялашув жараёни, ривожланишнинг бозор иқтисодиёти принциплари натижасида Россияда 2004 йилга келиб илк бор давлат статистика ташкилоти томонидан меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқилган. Унда иқтисодиётдаги узгаришлар натижасида меҳнат бозоридаги асосий курсаткичларни шакллантиришда узгача принциплардан фойдаланишни кўриш мумкин. Меҳнат бозори курсаткичларининг статистик таҳлилида халқаро амалиётда қўлланилаётган умумий стандартларга мос келувчи параметрлардан фойдаланилган.

Россия Федерацияси қонунчилиги буйича меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш методологияси эътибор қаратадиган булсак, у Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йилда тасдиқлаган қонунда уз аксини топган. Бу балансдаги асосий курсаткичлар билан бир қаторда хориж мамлакатларидан келиб меҳнат қилувчи фуқаролар меҳнат ресурсларининг шаклланиш манбаларидан бири сифатида курсатиб утилган. Россия “Олий иқтисодиёт мактаби” тадқиқот университетининг 2015 йилги маълумотларида мамлакатда 7 млн.дан ортиқ чет эллик меҳнат мигрантлари мавжудлиги қайд этилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Россия қонунчилиги томонидан ишлаб чиқилган меҳнат ресурслари балансининг тақсимланиш қисмида меҳнат билан бандларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги таркиби биров содда кўринишда акс этган. Ўзбекистонда амалда булган балансда меҳнат ресурсларининг 10 дан ортиқ иқтисодиёт тармоқларида бандлари сони кўрсатилади. Россия Федерацияси балансида иқтисодиёт тармоқлари сони 16 та турга бўлинган (1.2-жадвал). Бу ҳолат мамлакатнинг географик, маъмурий-худудий тузилиши, иқтисодиётининг таркиби каби курсаткичларига боғлиқ ҳолда тузилган. Бироқ, мамлакатимизда амалда булган меҳнат ресурслари баланси ҳисобидан фарқли равишда Россия Федерациясининг ушбу амалиётида меҳнат ресурсларининг жами миқдори ва бандлик тармоқларидаги таркиби ўртасида дисбаланс ҳисоблаб чиқилади. Ўзбекистонда эса балансдаги фарқлар ҳисобланмайди ёки статистикаси юритилмайди.

Беларусь республикасида ҳам меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш буйича узига хос методология мавжуд<sup>2</sup>. У Россия Федерацияси ва Ўзбекистонда қўлланиладиган методологияларга ухшаш булса-да, ажралиб турадиган жиҳатлари ҳам мавжуд. Беларусда амалда қўлланиладиган балансининг 1-, яъни шаклланиш қисми деярли ухшаш,

<sup>1</sup> [www.hse.ru](http://www.hse.ru)

<sup>2</sup> Постановление Национального статистического комитета Республики Беларусь от 31.05.2011 N 99 "Об утверждении Методики по формированию и расчету баланса трудовых ресурсов"

Россия Федерациясида меҳнат ресурслари баланси ҳисоби<sup>1</sup>  
(минг киши ҳисобида)

№		Сони
I.	<b>Жами меҳнат ресурслари (1-3 сатрлар йиғиндиси)</b>	
1	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	
2	Чет эллик меҳнат мигрантлари	
3	Меҳнатга лаёқат ёшида булмаган ишлаётган фуқаролар ( 3.1-3.2 сатрлар йиғиндиси)	
Шундан:		
3.1	Меҳнатга лаёқат ёшидан катта нафақахурлар	
3.2	Меҳнатга лаёқат ёшидан кичик усмирлар	
II.	<b>Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши (4-5 сатрлар йиғиндиси)</b>	
4.	Иқтисодиётда банд булганлар сони (ҳарбий хизматчиларсиз)	
5.	Иқтисодиётда банд булмаганлар сони (5.1-5.3 сатрлар йиғиндиси)	
Шундан:		
5.1.	Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таҳсил олаётганлар сони	
5.2.	Бандликни таъминлаш муассасаларида ишсиз сифатида руйхатга олинган фуқаролар	
5.3.	Иқтисодиётда банд булмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа тоифадагилари сони	
III.	<b>УИФТК (Умумроссия иқтисодий фаолият турлари классификатори -ОКВЭД) тармоқлари бўйича банд аҳолининг тақсимланиши</b>	
6.	Қишлоқ хужалиги, овчилик ва урмон хужалиги	
7.	Балиқ овлаш ва балиқчилик	
8.	Фойдали қазилмалар казиб олиш	
9.	Қайта ишлаш саноати	
10.	Электрэнергетика, газ ва сув ресурслари ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлаш	
11.	Қурилиш саноати	
12.	Улгуржи ва чакана савдо; автотранспорт воситалари ва уй-жихозларини таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш	
13.	Меҳмонхона ва ресторанлар	
14.	Транспорт ва алоқа	
15.	Молиявий фаолият турлари	
16.	Кучмас мулк савдоси, ижара ва бошқа хизматлар	
17.	Давлат бошқарув ва ҳарбий ҳавфсизликни таъминлаш; ижтимоий сўғурта хизматлари	
18.	Фан ва таълим	
19.	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя	
20.	Коммунал, маиший ва бошқа ижтимоий ҳамда хусусий хизмат соҳалари	
21.	Иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари	
22.	<b>Меҳнат ресурслари балансидаги фарқ (дисбаланс): (Д- I-II)</b>	

<sup>1</sup> Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигининг 2012 йил 29 февралдаги "Меҳнат ресурслари прогноз балансини ишлаб чиқиш тўғрисида" ги 178-сон қарори.

аммо тақсимланиш қисми кескин фарқ қилади. Масалан, 1-қисми куйидаги курсаткичлардан ташкил топади:

I. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши.

а) жами меҳнат ресурслари;

Баланснинг иккинчи қисми эса куйидаги курсаткичлардан иборат:

б) шундан, меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;

в) меҳнатга лаёқат ёшидан катта ёшдаги ишловчилар;

г) меҳнатга лаёқат ёшидан кичик ёшдаги ишловчилар.

II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши.

1. Иш билан банд аҳоли;

2. Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа шакллари (бу тоифадаги аҳоли ҳақида гап кетганда, мамлакатдаги жами меҳнат ресурсларидан иш билан банд аҳоли сонини айириб ташлаганда қоладиган миқдор назарда тутилади).

3. Шу жумладан, меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя ташкилотлари томонидан ишсиз сифатида руйхатга олинган шахслар.

4. Муқим иш билан банд булмаган, фаол иш қидираётган ва ишлашга тайёр шахслар.

5. Ҳомиладорлик, туғруқ ва уч ёшгача бола таътилида булган шахслар.

6. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ булмаган таълим муассасаларида таҳсил олаётган шахслар.

7. Ногирон болалар, 1-гурӯх ногиронлари ва 80 ёшга тулган инсонларни парваришlash билан банд булган ҳолда имтиёзли пенсия олувчи шахслар.

8. Маош туланадиган ишларга жалб қилинмайдиган жазони ижрони этиш муассасалари ва тергов изоляторларида сақланаётган шахслар.

9. Чет мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Беларус фуқаролари.

10. Уй хужалиги билан банд аҳоли.

11. Иш топиш имконияти йук деб ҳисобловчи шахслар.

12. Ишлаш хоҳиши ва зарурати булмаган шахслар.

13. Бошқалар (бундай тоифадаги шахсларга 3-13 гуруҳлардаги аҳолини кушиб 2-гуруҳдаги аҳоли сонидан айириш натижасида ҳосил булган аҳоли киради).

Гувоҳи бўлинганидек, Беларусда меҳнат ресурслари балансини гузишда, айниқса унинг тақсимланишида меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқларида тақсимланиши эмас, одатда иқтисодий нофаол аҳоли категориясига кирувчи аҳоли тоифаларига ажратилганига эътибор берилади.

Шу уринда Ўзбекистонда ҳам амалдаги меҳнат ресурслари балансини тузиш методикасининг аввалги кўринишида ҳам айнан тақсимланиш

қисми ҳозиргидан тубдан фарқ қилганини эслатиб ўтиш жоиз (1.3-жадвал). Яъни балансининг тақсимланиш қисми худди ҳозиргидек, иқтисодий тармоқлари бўйлаб тақсимланмаган ҳолда, қисқагина бандлар, ишсизлар ва иқтисодий нофаол аҳоли тоифаларига бўлинган эди. Иқтисодий нофаол аҳоли тоифаларига ҳам худди Беларусда бўлгани каби 10 дан ортиқ тоифалар эмас, атиги 5 та тоифага ажратиб баланс ҳисобланар эди.

1.3-жадвал

Меҳнат ресурслари баланси курсаткичлари (эски методология бўйича)<sup>1</sup>

Курсаткичлар номи	Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ
I. Жами меҳнат ресурслари			
шу жумладан:			
Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли			
Меҳнат ёшидан катталар ва усмирлар			
II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши			
II.1. Иқтисодий фаол аҳоли			
Шу жумладан:			
1. Иш билан бандлар			
Шу жумладан:			
Расмий секторда			
Норасмий секторда			
2. Иш билан банд бўлмаган ишга жойлашишга муҳтож шахслар			
Шу жумладан:			
Расман руйхатдан ўтган ишчилар			
Меҳнат органларида иш излаётган сифатида ҳисобда турувчилар			
Меҳнат органларида руйхатдан ўтмасдан мустақил равишда иш қидираётганлар			
II.2. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли			

Америка Қўшма Штатларида эса меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилмаган. Бирок, мамлакатда меҳнат ресурслари ва улар билан боғлиқ барча миқдор ва сифат курсаткичларга алоҳида эътибор берилади. Умуман олганда ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб, президент Ф.Д.Рузвельт ислохотларида мамлакатда шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларнинг меҳнат масаласидаги

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. Т.: "Фан ва технология", 2012. 84-бет.

ҳуқуқлари, сифат курсаткичлари борасида илк амалий ишлар олиб борилган. 1935 йилда қабул қилинган “Меҳнат муносабатлари туғрисидаги” қонун (шунингдек, Вагнер қонуни деб ҳам аталади) ва Меҳнат масалалари бўйича миллий бошқарув лойиҳасида меҳнатқашлар ҳуқуқларига асосий эътибор қаратилган бўлса-да, меҳнат ресурсларининг сони, таркиби, уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши туғрисида ҳам фикрлар берилган. Асосий эътибор, иш уринларини яратиш, эркин бозор иқтисодиёти, ташкилотлар томонидан кадрларни танлаш эркинлиги ва энг муҳими, хусусий сектор улушининг юқорилиги, узига хос меҳнат бозори ва меҳнат ресурсларининг миқдорий ҳамда таркибий балансига таъсир курсатди. Мамлакатда ҳозирги даврда меҳнат ресурслари баланси, уларнинг прогноз курсаткичлари, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг узгариши бўйича Меҳнат департаменти қошидаги меҳнат статистикаси Агентлиги асосий ижрочи ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилот юқоридаги масалалар бўйича фундаментал ва амалий лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда.

Хулоса урнида таъкидлаш керакки, меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ишлаб чиқишда қўлланиладиган асосий маълумотларни шартли равишда 4 та турга бўлиш мумкин:

- расмий давлат ташкилотлари (ҳукумат, вазирликлар, кумиталар) статистик маълумотлари;

- соҳада илмий фаолият олиб бораётган экспертлар, етук олимларнинг нашр этилган асарларидаги маълумотлар;

- мамлакатимизда фаолият олиб бораётган, расмий келишувга эга хорижий ташкилотлар дастурлари, ҳисоботлари маълумотлари;

- меҳнат ресурслари соҳасида мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий-сўров натижалари ва ҳисоботлардан олинган маълумотлар.

Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда асосий ахборот манбаи кўйидаги статистик маълумотлардир:

1. Меҳнат ресурслари балансининг шаклланиш қисми учун:

- аҳолига тегишли асосий демографик кўрсаткичлар;

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли курсаткичлари;

- меҳнатга лаёқат ёшидан кичик ва катта ёшдаги аҳоли курсаткичлари.

2. Меҳнат ресурслари балансининг тақсимланиш қисми учун:

- меҳнат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқларидаги иш билан бандлари таркибий кўрсаткичлари;

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги иқтисодий фаол ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли кўрсаткичлари;

- меҳнатга лаёқат ёшидаги иш билан таъминланишга муҳтож (ишсизлар) аҳоли курсаткичлари.

Хулоса урнида шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда кўйидагиларни инобатга олиш зарур:

- меҳнат ресурслари баланси ишлаб чиқиладиган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожланишининг меҳнат ресурслари шаклланиши билан узаро боғлиқлигига эришиш;

- меҳнат ресурслари баланси ишлаб чиқиладиган минтақа аҳолисининг прогноз курсаткичлари билан меҳнат ресурслари баланси прогноз курсаткичлари уртасидаги узаро мувофиқликка эришиш;

- меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқлари ва мавжуд иш уринлари таркибининг узаро боғлиқлигига эришиш.

Меҳнат ресурслари баланс ҳисоботини тузиш ва ундан мамлакат халқ хужалигида фойдаланиш буйича олиб борилган ақсар илмий-тадқиқот ишларида юқорида таъкидланганидек, асосий эътибор меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланиши уртасидаги балансга қаратилади. Бу меҳнат бозорида меҳнат ресурслари таклифи ва талаби уртасидаги балансга ўхшаш жараёндир. Аммо замонавий адабиётларда меҳнат ресурслари балансини тузишда асосий эътибор, мавжуд ишчи кучлари ва иқтисодийдаги иш уринлари уртасидаги мутаносибликка урғу берилмоқда. Шаклланаётган меҳнат ресурслари миқдори иқтисодий тармоқларида тақсимланаётган меҳнат ресурсларига нисбатан юқори бўлган мамлакат ва минтақаларда ортиқча ишчи кучи мавжуд ва уларни иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсат олиб бориш лозим, аксинча бўлганда эса, ишчи кучи етишмайди ва бунинг оқибатида бир қатор чоралар ишлаб чиқиш, мисол учун, меҳнат миграцияси ҳисобига керакли ишчи кучини импорт қилиш зарур.

#### **1.4. Меҳнат ресурсларининг тармоқлар кесимида балансланганлик даражасини баҳолаш усуллари**

Ҳар бир жамиятнинг меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишдек муаммонинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги туфайли иқтисодий ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни тараққий этишининг ҳар бир босқичида ҳам назарий жиҳатидан, ҳам амалий жиҳатидан кенг қамровли ва мунтазам тадқиқот олиб борилишини тақозо этади.

Мазкур ишда меҳнат ресурслари тадқиқотига тегишли айрим назарий ва услубий қарашлар, меҳнат ресурсларини ифодалаш учун қўлланадиган иқтисодий ва ижтимоий атамалар ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш услублари жой топган.

Олдимизга қуйилган мақсадга эришиш учун Ўзбекистонда ҳозирги даврда амалдаги меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, амалий инструктор-услубий кўрсатмалар, статистик ҳисоботлар ва Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг етук иқтисодчи олимларининг илмий асарлари таҳлил қилинди.

Бу борада россиялик олимлар — проф. Н.В. Волгин, проф. Б.М. Генкин, проф. Л.А. Костин, Ўзбекистонлик олимлар — акад. Р.А. Убайдуллаева, проф. К.Х. Абдурахмонов, проф. Д.Н. Рахимова, проф. Н.Қ. Зокировлар илмий мақолалари ва монографиялардан фойдаланилди.

Юқорида қайд этилган олимлар уз илмий-амалий фаолиятида меҳнат ресурсларини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқот этилганига қарамасдан Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларини бошқарув борасида чуқур ва тизимли иқтисодий ислохотлар таъсирида ҳар хил дискуссия талаб қилувчи муаммолар, айрим қарама-қарши фикрлар ва тушунмовчиликлар мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Бу, албатта, миллий иқтисодиёт фанимизнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий босқичида илмий-услубий салоҳиятининг янада ошиб, тараққий этиб боришидан далолатдир.

Мазкур тадқиқот жамиятнинг меҳнат ресурслари муаммоси буйича ёзилган дарсликлар, монографиялар ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш туғрисидаги” Қарори (Тошкент ш., 2007 йил 24 май, 106-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 216-модда; 2010 й., 13-сон, 96-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган амалдаги методик курсатмалар асосида белгиланган.

Миллий иқтисодиёт фанимизда меҳнат ресурсларига ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига мосбулган атамалар моҳияти ва тушунчаларига ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий категориялари сифатида функцияларига аниқлик киритиш илмий тадқиқотнинг асосий натижаси бўлиши белгиланган.

“Меҳнат ресурслари” — меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасини урганувчи илмий назариянингтор доирада ҳамда амалдаги меҳнат ресурсларига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларган биноан - “меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаол ёшидаги фуқаролар ҳамда айрим сабабларга қўра вақтинчалик меҳнат билан банд бўлмаган қисмлари киради”.

Жамиятнинг иқтисодий фаол аҳолисини таркибига — меҳнат билан банд булган фуқаролар ва ишсизларлар киради.

Ва, аксинча, иқтисодий фаол булган аҳоли — меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар киради, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақиға ёки меҳнат даромадиға эға бўлмаган уқувчилар ва талабалар;

- ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари;

- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд булган ишламаётган аёллар;



-узининг кучар ва кучмас мулкидан даромад олаётган ишламаётган шахслар;

-ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Юкоридагилардан келиб чикиб, меҳнат ресурсларнинг кенг доиравий тушунчаси — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар, деб ифодаланса уринли бўлади.

Расмий талабларга мувофиқмеҳнат ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли — ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидан ҳамда ва ёшига кура имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) ҳисобланади.

Бу борада миллий иқтисодийдаги мавжуд меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларида меҳнат қилаётган ва шу соҳаларда меҳнат қилишга ҳозирлик кураётганларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва моддий ҳолатидан келиб чикиб, уларнинг шаклланиш, тақсимланиш ва бевосита меҳнат жараёнига боғланишини белгиловчи мувозанат деб тушуниш керак.

Шу талаблардан келиб чикиб, **меҳнат ресурслари баланси** — меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда уларнинг иқтисодий тармоқлари ва фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифловчи курсаткичлар тизими.

Аслида меҳнат ресурсларининг иқтисодий категория сифатидаги вазибалари ҳамда иқтисодийдаги ўрни ва функциялари режали иқтисодий негизида ХХ асрнинг 50 йиллари вужудга келган бўлиб, халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Меҳнат ресурслари баланси иқтисодийдаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли миқдорини ва уларнинг сифат жиҳатларини (малакавий курсаткичларини), ёшда ва жинсга доир маълумотларни, ҳудудий ва соҳавий тақсимотини, ижтимоий гуруҳга муносиблиги, касби ва мутахассислигини тавсифловчи ва ифодаловчи тизим бўлиб келган. Бутун бир катта давлат миқёсида иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардаги мутаносибликни назорат қилувчи ва бошқариб борувчи идора Давлат режа кумитаси ҳисобланарди(Госплан). Ушбу давлат ичидаги давлат билан барча вазиликлар, ҳудудий бошқармалар, йирик корхона ва ишлаб чиқариш муассасалари қанча меҳнат ресурслари, қайси соҳаларга қачон ва қайси миқдордалигини келишган ҳолда меҳнатга жалб қилиш, олийгоҳлар ва техникумлар қанча мутахассисларни, қаерда ва қайси соҳалар учун тайёрлаш кераклиги бўйича топшириқ олишган.

Ушбу курсаткичлар бўйича барча соҳалар ва ҳудудлар ҳамда йирик иқтисодий комплекслар бўйича умумхалқ хўжалиги бўйича ва барча соҳавий-ҳудудий бўғинларида фаолият курсатадиган меҳнатга лаёқатли

шахслар, пенсияга чиқувчилар ва халқ хужалигига кириб келувчилар миқдори, уларнинг ёши, малакавий курсаткичлари бўйича йиллик меҳнат ресурслари баланси, унинг 3 йиллик, 5 йиллик ва 10-25 йиллик прогноз рақамлари ҳам тайёрланарди.

Меҳнат ресурслари миқдорини аниқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва истиқболли режалаштириш мақсадида ҳудудлардан ва соҳалардан келадиган йиллик статистик маълумотлар асос бўлган. Уша статистик маълумотлар таҳлили натижасида иқтисодий истиқболга эга соҳалар ва ҳудудларга қанча янги иш жойларини вужудга келтириш, у иш жойларига қанча ва қайси касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш, меҳнатга лаёқатлигини йўқотганлар урнига ёш мутахассисларни мажбурий сафарбар қилишдек рақамларни маъмурий бўйруқ сифатида топшириларди.

Соҳа ва ҳудудий корхоналарнинг катта раҳбар ходимлари, урта буғин ва тезкор буғин раҳбарлари бу топшириқларни сузсиз ижро этишга мажбур бўлган.

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларининг баланси режали иқтисодиёт шароитида статистик таҳлил методикаси асосида меҳнат жараёнини режалаштириш ва ташкил этишдек бошқарув ва назорат қилиш муҳим вазифасини бажарган ҳамда умумхалқ хужалигининг асосий йиллик режасини белгиловчи ролни уйнаган, ҳудудий ва соҳавий ишлаб чиқариш ресурслари самарали жойлаштириш муаммосини давлат миқёсида ҳал этиш иқтисодий ва бошқарув функциясини бажарган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йили давлат Мустақиллигини эълон қилгандан сунг ва миллий иқтисодиёт ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиши ҳамда меҳнат бозори институти вужудга келиши муносабати билан меҳнат ресурслари балансини тайёрлаш, уни прогнозлаштириш ва статистик таҳлил этиш вазифалари, функциялари ва ёндошув услублари тубдан ўзгарди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий статистика амалиётига янги халқаро стандартларга мос категориялар ва курсаткичлар жорий этилди, дунё меҳнат бозорининг тизимли бир қисми сифатида миллий меҳнат бозоримизнинг статистик таҳлиллари халқаро андозалар талабига мувофиқ тарзда таҳлил қилина бошланди.

Янги иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларда меҳнат ресурслари баланси муҳим статистик метод шаклида ўз таҳлил вазифалари ва функцияларини сақлаб қолиб, миллий меҳнат бозорининг ҳар томонлама иқтисодий ўрни ва ижтимоий аҳамияти ошиб боради.

Лекин, мавжуд меҳнат бозорини ҳар томонлама ифодаловчи статистик методология тизими ва шаклига аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасини усиб боришини ҳисобга олиб, унинг амалдаги классификацияси гуруҳларига, меҳнат билан банд бўлган шахслар

мақомига ҳамда аҳолининг меҳнат билан банд булган янги шакллари ва турларига мунтазам равишда узгартиришлар киритиб бориш зарур.

Меҳнат ресурсларининг доимий миқдорини белгиловчи статистик информаион-ахборот манбалар ҳам тубдан узгарганлигини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Олдинги режали иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларини белгиловчи информаион-ахборот маълумотлари асосан амалдаги жорий статистик ҳисоботлар ҳисобига тулдириб борилган булиб, асосан халқ хужалигининг ички иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий талабларига жавоб бериб турган.

Эркин бозор иқтисодий шароитида иқтисодий ва ижтимоий фаолият курсатаётган субъектлар миқдори бир неча карра ошганини инобатга олиб амалда статистик ҳисоботларни интеграцион метод асосида тайёрлаш, айрим ҳудудларда аҳолининг бандлик ҳолатини ва муаммоларини уша ҳудуддаги демографик хусусиятлардан келиб чиқиб, саралаш услубида кузатиш ва алоҳида ҳисобот шаклларини қуллаш, вазирликлар ва йирик корхоналар учун махсус маъмурий ҳисоботлар олиб бориш, етук иқтисодий ва ижтимоий мутахассисларнинг эксперт баҳоларини ҳисобга олиб меҳнат ресурсларининг балансини тайёрлаш услублари жорий қилинмоқда.

Ушбу йуналишда Ўзбекистон аҳолисининг меҳнат билан бандлик даражаси муаммоларини таҳлил қилиш учун мавжуд статистик ҳисоботларга жуда кўп миқдорда янги шакллар жорий қилинди, уша янги шакл ва услублар меҳнат ресурслари балансини таҳлил қилиш информаион-ахборот базасини кенгайтириб, маълум даражада аниқлик киритди, шу жумладан, расмий статистик ҳисоботларига кирмаган қуйидаги меҳнат билан банд булган аҳоли категорияларига: хусусий мулк шаклига асосланган тадбиркорлар фаолияти; жисмоний шахсларда ёлланма иш билан банд булганлар; касаначилик асосида уйда меҳнат фаолияти билан бандлар; фермер хужалиқларида меҳнат фаолияти билан бандлар; меҳнат қилиш ёшидан катталар ва меҳнат ёшига етмаган меҳнат билан банд шахслар ва ҳоказолар.


Миллий иқтисодиётимизнинг норасмий секторида меҳнат билан банд булганлар миқдорини аниқлаш мақсадида маҳаллий солиқ идораларининг яққа тартибда ҳамма соҳаларда ишлаётган ва расмий давлат лицензиясига эга тадбиркорлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳам уз ўрнини топди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, эркин бозор иқтисодиёти шароитида **меҳнат ресурслари баланси** — бу меҳнат ресурсларининг сони ва таркибини, уларнинг иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол ҳолати ҳамда миллий иқтисодиётнинг истикболли ривожланиши эҳтиёжига керакли

микдордаги қушимча меҳнат ресурсларини ифодалаб берувчи курсаткичлар тизими.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари баланси ҳар йили Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат инновацион қўмитаси томонидан, миллий иқтисодиётнинг барча субъектлари, маҳаллий ҳудудлар, соҳа вазирликлари иштирокида олдинги йилнинг иқтисодий ва ижтимоий яқунлари ҳисоботининг ҳар томонлама таҳлили асосида умум иқтисодиёт миқёсида ва ҳар бир иқтисодий субъект мавқеида ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Меҳнат ресурслари баланси икки булимдан иборат бўлиб, биринчиси – меҳнат ресурсини белгилувчи, иккинчиси – меҳнат ресурсларини тақсимловчи булимдир.



1.4.-расм. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва тақсимланиши.

Меҳнат ресурслари баланси халқаро талабларга кура йил давомида аҳолининг бандлик курсаткичлари узгарувчанлик характериға эға булгани учун уртача йиллик курсаткичлар асосида ишлаб чиқилади.

Биринчи қисмни тайёрлаш жараёни учун информацион база сифатида аҳолининг меҳнатга лаёқатли сонини белгилувчи жорий демографик курсаткичлари; ижтимоий таъминот идораларининг меҳнат фаолияти билан банд булган ногиронлар ва имтиёзли пенсия олувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар; меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ва меҳнат ёшиға етмаган

меҳнат билан банд бўлганлар ҳақидаги маълумотлар; Ички ишлар вазирлигининг озодликдан маҳрум этилганларнинг озодликка чиққанлар сони ва миграция хизмати маълумотлари, меҳнат билан банд чет эллик фуқаролар миқдори ва ҳоказалар.

Иккинчи қисмни тайёрлаш жараёнида соҳалар ва корхоналардан келган йиллик ҳисоботлардаги меҳнат билан банд бўлганларнинг урта рўйхатдаги миқдорига аниқлик киритиш; аҳолининг бандлик даражасидаги мавжуд муаммолар ахборот таҳлили асосида рақамларга эришиш; норасмий сектодаги аҳоли бандлигини белгиловчи рақамларига аниқлик киритиш; маъмурий ҳисоботлар асосида таёрланган маълумотларга эксперт хулосалар асосида аниқлик киритиш; олий ва урта махсус таълим муассасаларини битирётган талабалар ҳақидаги маълумотлар ва ҳоказолар.

Ҳозирги даврда миллий иқтисодиёт микиёсида ва айрим ҳудудлар буйича тайёрланаётган меҳнат ресурслари баланси асосан EXCEL компьютер программаси ёрдамида тайёрланиб, 24 асосий ва 5 ёрдамчи жадваллардан

иборат бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган алгоритмли алоқаларга асосланган.

Меҳнат ресурслари балансининг умумий матни Ўзбекистон буйича ва ҳар бир бир иқтисодий субъект, ҳар бир соҳа, шу жумладан алоҳида ишлаб чиқариш соҳаси ва ижтимоий соҳалар ҳамда нодавлат секторларининг барча йуналишлари буйича ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, давлат миқёсида ва ҳар бир ҳудуд ҳамда миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида шаклланган йиллик меҳнат ресурслари баланси аҳолининг меҳнат билан бандлиги даражасини оширишда ҳудуд ва соҳалар эҳтиёжи учун меҳнат ресурсларининг вужудга келиш манбалари, жамиятнинг меҳнат салоҳиятидан максимал даражада самарали фойдаланиш, ҳар бир ҳудудда, соҳа миқёсида ва мулк шаклидан, ишлаб чиқариш туридан қатъий назар ҳар бир корхонада унумли меҳнатни ташкил этиш, меҳнат бозорининг тақомиллашувини ошириб боровчи, меҳнат билан банд аҳоли ва ишсизлар уртасидаги мувозанатни белгилаб турувчи, меҳнат ресурслари миқдорини яқин ва узоқ муддатларга прогноз қилиш имконини берувчи муҳим иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар мажмуаси ҳисобланади.

Етук россиялик иқтисодчи олим проф. А.Д.Попов фикрича меҳнат ресурслари балансини бозор муносабатлари чуқурлашуви шароитида миллий иқтисодиётдаги ижтимоий-меҳнат соҳа ҳолатни тула ва аниқ баҳолаш нуктаи назардан, айниқса, меҳнат ресурсларини прогнозлаштириш ва улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш борасидаги информацион манбалар ва амалдаги жадваллардаги маълумотлар етарли даражада эмаслиги ҳақида фикр билдирган.

## Меҳнат ресурслари баланси ва унинг кўрсаткичларини ҳисоблаш схемаси

Тр	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
	Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш методи	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Анжиқон	Бухоро	Жиззах	Қашқадаро	Навои	Таманган	Чамарқан	Сурхондаро	Сирдаро	Тошкент	Фарона	Хоразм	Тошкент ш
01	Меҳнат ресурслари жами	02 + 11-сатрлар йиғиндиси															
02	Иқтисодий фаол аҳоли шундан:	03 + 08-сатрлар йиғиндиси															
03	Иш билан банд аҳоли шундан:	04 + 05 + 06 + 07 сатрлар йиғиндиси															
04	Расмий секторда иш жумладан иқтисодиёт саноати бўйича:	Статистика ва иш бошқаруви маълумоти бўйича															
05	Норасмий секторда иш жумладан:	Ўрганиб чиқиш маълумоти бўйича															
06	Хорижга ишга кетганлар	Илгарий ҳисоб ва ўрганиб чиқиш маълумоти бўйича															

07	Бошқалар	маълумий хисоб маълумотлари бўйича																		
08	Ишга жойлаштиришга муҳтож кишиларнинг сони бўлмаган ҳоли (яқиндаги)	09 + 10-сатрлар йнгилдиси																		
09	Ишга жойлаштиришга муҳтож кишиларнинг сони бўлмаган ҳоли (яқиндаги)	Бандликка кумаклашнинг ва аҳолининг иқтисодий муҳофазаси маълумотлари бўйича																		
10	Муваққатлиқ қилинганлар	Статистика ва ўрганиб чиқиш маълумотлари бўйича																		
11	Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	12 + 16 + 14 + 15-сатрлар йнгилдиси																		
12	Ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда ўқитилган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар.	Статистика маълумотлари бўйича																		
13	Ўй бекалари ва болани парвартиш қилувчи ишламайдиган аёллар.	Статистика ва ўрганиб чиқиш маълумотлари бўйича																		
14	Ишламайдиган ўқувчи гуруҳ раҳбарлари.	Иқтисодий хисоб маълумотлари бўйича																		
15	Иштирокчи бўлмаган шунингдек қўшимча маълумотлар	Ўрганиб чиқиш маълумотлари бўйича																		

Маъмурият — ЎРҚҲ, 2010 й, 13-сон 96-модда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Газарлар Мақамасини 2010 йил 24 мартдаги 52-сонли қарори

Ундан ташқари, меҳнат ресурслари балансини тасдиқловчи айрим маълумотлар ҳар хил методология асосида ҳисобланган булиб, турли хил манбалардан булгани учун уларни интеграциялаш тартиби бузилганлиги маълумот учун ноаниқ хулосага олиб келишини таъкидлаган.

Жамиятнинг йиллик меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш амалиётида аҳолининг меҳнат билан бандлик миқдори келиб чиқиши ва шаклланишини урганиш методологияси ҳамда аҳолининг бандлик ҳолатини таҳлил қилиш жараёни бир биридан фарқли методологиялар асосида олиб боришлиги қайд этилган.

Мана ушалардан айримлари:

1. Миллий иқтисодиётда меҳнат билан банд аҳоли миқдорини аниқлаш учун ишлаётганларнинг урта йил миқдори ҳисобланади. Бу борада иқтисодиётимизнинг расмий сектори корхона ва ташкилотларида фаолият курсатаётганларнинг миқдори руйхатда турганларнинг ургача сони билан ҳисобга олинади.

Аҳолининг меҳнат билан бандлик муаммоларини тадқиқ қилишганда эса меҳнат билан банд булганларнинг миқдорини бир чоракдаги ҳолатига, яъни, тадқиқот қилинаётган даврнинг ҳафтасига туғри келади, шу боис урта йиллик ҳисобот рақамлар урнига таҳлил учун мутахассислар феврал-ноябрь ойлари даврини камраб олишига имкон туғилади.

2. Миллий иқтисодиётнинг расмий секторидаги корхоналар ва ташкилотларнинг руйхатида турган ишчиларнинг ургача миқдорига:

- декрет таътилидаги ҳомиладорлик даври, туғиш ва туққандан кейинги фарзанди 3 ёшга тўлгунча ишга чиқмаганлар миқдори ҳисобга олинмайди. Бу Ўзбекистонда аҳолининг меҳнат ресурслари миқдорига сезиларли таъсир курсатиши ҳаммага аён.

- маъмурий таътилдаги (раҳбарият руҳсати билан уз ҳисобидан таътилга чиққанлар) эса меҳнат билан банд булганлар руйхатидаги ҳисоботга киради.

Аслида эса, тадқиқотнинг аниқлиги мақсадида аҳолининг бандлик даражасини таҳлил этиш учун меҳнат билан банд аҳоли сонига кўйидагилар кириши лозим:

а) декрет таътилидаги ҳомиладорлик даври, туғиш ва туққандан кейинги фарзанди 1,5 ёшгача тўлгунча ишга чиқмаганлар миқдори ҳисобга олинishi керак;

б) маъмурият ташаббуси билан таътилдаги шахслар меҳнат билан банд булганлар руйхатидаги ҳисоботга кирмайди.

3. Меҳнат ресурслари балансини тайёрлаш жараёнида аҳолини меҳнат билан банд катламларини урта йил миқдорини ҳисоблаш методологияси бўйича аслида ҳарбий хизматчиларни ҳисобга олишмайди.

4. Аҳолининг меҳнат билан бандлик муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида иш билан банд шахслар улар истиқомат қилаётган жойлар



микёсидан келиб чиқиб таҳлил қилинади. Амалдаги меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш методологияси талабларига мувофиқ эса меҳнат билан бандлар миқдорини асосий иш жойидан келиб чиққан миқдор билан белгиланиб ҳисобланади, ваҳоланки уриндошлик шаклидаги меҳнат билан бандлар миқдори ҳисоб учун киритилмайди.

Бу номуносибликларни бартараф этиш мақсадида Иқтисодиёт ва аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси томонидан ишлаб чиқилган амалдаги методик курсатмаларга қушимча ва узгартишлар мутаазам равишда киритилиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини модернизациялаш, янги инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга ва ижтимоий хизматларга жорий этиш мақсадида меҳнат ресурсларини самадорлигини ошириш, меҳнат бозорида рақобат механизмини такомиллаштиришдек муҳим вазифасиз амалга ошириб булмайди. Албатта, такомиллашмаган меҳнат бозори миллий иқтисодиётимизга кириб келаётган инновацион янгиликларга туғанок булиб қолиши мумкин. Бунинг сабаби, меҳнат бозори юқори малакали инновацион билимларга эга булган мутахассисларни саралаб, рақобат чиғириқларидан ўтказган ҳолдагина миллий иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига ҳозирги замон андозаларига жавоб бера оладиган мутахассислар кириб келиши муқаррардир. Бу жараённи битта-иккита буйрук ёки фармон билан ижро этиб булмайди. Бунга такомиллашиб бораётган ҳозирги замон меҳнат бозорининг механизми асосий омил булиши мумкин.

Ижтимоий меҳнат соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни, аҳолининг меҳнат билан боғлиқ барча муаммоларини ҳал этиш борасида фақат аҳоли бандлиги тўғрисидаги аниқ статистик маълумот, чуқур ҳар томонлама иқтисодий таҳлил асосида қабул қилинажак давлатнинг меҳнат ресурслари балансини йиллик, беш йиллик ва узоқ муддатга белгиланган прогноз кўрсаткичлар асосида амалга ошириш мумкин.

Шу мақсадда миллий иқтисодимизнинг ўсиш ва ривожланишига тааллуқли барча давлат дастурларини, шу жумладан тайёрланаётган истиқболли давлат инновацион дастурлари пойдеворида пухта ишлаб чиқилган давлатнинг меҳнат ресурслари баланси жойлашган булиши керак.

Барча ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурлари пойдеворида меҳнат ресурсларининг баланси прогнози булиши, авваламбор, меҳнат бозорига баланслаштирилган меҳнат ресурсларининг бўлажак таклифини ҳудудлардаги демографик вазиятдан келиб чиққан талабларга мувофиқ ижро этилиши, инновацион ўзгаришларга мос ҳозирги замон андозаларга жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларни юқори технологик янги иш жойларига муносиб тарзда

тайёрлаш имконини яратади. Миллий иқтисодиётимиз учун янги иш жойларини барпо этиш жараёнини ҳар йиллик режалар асосида эмас, балки беш йиллик, ун йиллик даврга мулжаллаб қабул қилишлик мақсадга мувофиқдир, чунки қабул қилинажак давлат инновацион дастурлари беш-ун йиллик даврга қабул қилинса, ҳам технологик жараёнлар, ҳам молиявий манбалар ва айниқса, меҳнат ресурсларининг юқори самарадорлигига эришиш мумкин. Чунки янги технологияларнинг кириб келиши, авваламбор юқори малакали, профессионал даражадаги мутахассисларни тайёрлашда камида 4-5 йиллик муддатни талаб қилади.

Меҳнат ресурслари балансини прогнозлаштириш яна бир муҳим иқтисодий муаммонинг ижобий ечимини ҳал этади. У ҳам булса Давлат инновацион дастурларини тайёрлаш жараёнида меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаолиятдан ва малакавий имконларидан келиб чиқиб, таклиф ва талабнинг тизимли миқдорларини пропорционал тарзда бошқариб боришга имкон яратади. Бу ўз навбатида меҳнат ресурсларини ва марказлашган молиявий мабааларни аниқ мақсадли ва юқори самарали ишлатишга олиб келади.

Албатта, меҳнат ресурслари балансининг прогнозини пухта ишлаб чиқариш куп қиррали, машаққатларга бой жараён. Бу жараёнда барча иқтисодий вазирликлар билан бир қаторда ҳудуддий давлат органлари, жамоат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот марказларининг кўзга қурунган етук иқтисодчи-олимлари, энг охири ахборот технологиялар ва математик ҳисоблаш методлари асосида олиб борилиши керак.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида жадал суръатлар билан олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар, бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва технологик модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларининг баланси иқтисодий категория сифатида иқтисодни бошқариш жараёнида муҳим иқтисодий ва ижтимоий вазифаларга эга.

Авваламбор, меҳнат ресурсларининг баланси – жамиятдаги меҳнат ресурсларнинг ҳисобот даврида. жорий вазиятда ва истиқбол келажакка қаратилган прогноз кўрсаткичларининг статистик маълумотлари мажмуаси.

Меҳнат ресурслари баланси миллий иқтисодиётда мавжуд меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгиловчи бир бири билан узвий боғлиқ уч йуналишни ўз ичига қамраб олган:

**Биринчидан**, меҳнат ресурсларнинг шаклланиш манбаалари;

**Иккинчидан**, меҳнат ресурсларнинг иқтисодий фаолиятига ва малакавий кўрсаткичларига қараб соҳалар ва ҳудудлараро тақсимланиш.

**Учинчидан**, меҳнат ресурслари баланси миллий иқтисодиётнинг ҳал этувчи бугини булмиш - меҳнат бозорининг фаолиятини назорат қилиб боровчи восита сифатидаги функцияси эгадир. Иқтисодиёт фанида меҳнат

ресурслари балансининг бу функциясининг меҳнат бозори фаолиятига таъсирига ҳанузгача эътибор қилинмаган.

Миллий иқтисодийёт ривожланишининг ҳозирги босқичида бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона меҳнат ресурсларининг баланси ишлаб чиқилади.

Лекин, унинг миллий иқтисодийётдаги ижтимоий-иқтисодий урни ва аҳамияти тор доирадаги мутахассислар эътиборидан бошқа давлатнинг раҳбар идоралари, айниқса ҳудудий ва соҳавий раҳбарлари эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир ҳудуд ёки соҳа мавқеига эга булган раҳбарлар ўзларининг ҳар кунлик бошқарув вазифалари негизида авваламбор тасарруфидаги меҳнат ресурсларини, уларнинг ташкилий-тизимли бўғинларини аниқ таҳлиллар асосида бошқара олса, демографик тенденциялар асосида меҳнат ресурсларининг келиб чиқиши, уларни оқилона тақсимлаш ва иқтисодий фаолият йуналишлари буйича аҳолини меҳнат билан бандлик даражасини ошириб борса, раҳбар сифатида иқтисодийёт олдидаги ўзининг раҳбарлик бурчини ва вазифаларини бажарган буларди.

Меҳнат ресурслари балансини давлат миқёсидаги органлар эътиборига қаратиш зарур. Унинг учун биринчи навбатда давлатимизнинг салоҳиятли илмий-тадқиқот марказларида грант асосида илмий лойиҳалар олиб бориш, мутахассислар ва раҳбар ходимлар учун махсус ўқув дарсларини ташкил этиш, илмий-оммабоп нашрлар, мақолалар ва суҳбат давраларини ташкил этиш керак.

Давлатимизнинг қабул қилинган ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш ҳаракатлар стратегиясига биноан Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг баланси прогнозини ишлаб чиқиш зарур.

Бу иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга вазифани бажариш учун салоҳиятли иқтисодчи-олимлар ва тажрибали амалиётчиларнинг мавжуд тажрибаларини инобатга олиб, халқимизнинг меҳнатга эътибор ва эътиқодимиз булган миллий кадриятларимиздан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари балансини тайёрлашнинг янги методологик ёндашув асосида иқтисодийётимизни ривожлантириш борасидаги энг долзарб илмий-амалий муаммо эканлигини тушунушимиз керак.

Шу аснода тайёрланган ва амалда қулланадиган меҳнат ресурслари балансининг прогнози бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва ишлаб чиқариш ва бошқаришда инновацион жараёнларнинг мақсадли ва юқори самарали даражада олиб боришига ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий муҳит яратилади деган фикрдамыз.

## II-БОБ. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

### 2.1. Хориж мамлакатларда меҳнат ресурсларини шакллантириш моделлари

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор омиллар таъсирида юз бериб, шундай омиллар қаторидан демографик омил меҳнат ресурсларининг такрор барпо булишининг асосий шартидир.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг асосида инсон туради. Мамлакат аҳоли сони ва сифатининг у ёки бу томонга узгариши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига уз таъсирини курсатади. Иқтисодий демография йуналишининг йирик намоёндаси булган Б.Ц.Урланис аҳоли ва иқтисодиёт орасидаги муносабатларни изоҳлаб, иқтисодий омиллар демографик жараёнларни ҳал қилишдаги муҳим шarti булса, демографик жараёнлар ҳам уз навбатида иқтисодий жараёнларнинг боришига таъсир этмасдан қолмайди, дейди<sup>1</sup>.

Бир неча ун йилликлар давомида иқтисодчи ва демографлар томонидан аҳоли сонининг узгариши ва иқтисодий усиш орасидаги муносабат урганиб келинмоқда. Бунинг натижасида учта муқобил қараш шаклланди, яъни аҳоли сонининг усиши иқтисодий усишга замин яратади, аҳоли сонининг усиши иқтисодий усишга тускинлик қилади ва бу иккала ҳодиса бир бирига боғлиқ булмаган ҳодисадир<sup>2</sup>. Ҳар бир қараш намоёндалари узининг фикрини исботловчи исбот ва далилларни келтиради.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари қаторидан жой эгаллаган инсон капиталини шартли равишда икки таркибий қисмга, яъни микдор ва сифат кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Микдор кўрсаткичлар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, аксарият ҳолларда меҳнат ресурсларини назарда тутса, сифат кўрсаткичларни алоҳида шахс, гуруҳ ва умуман олганда аҳолининг тупланган саломатлиги, билими, малака, қобилиятларидан фойдаланиб иқтисодий қиймат яратиш салоҳияти сифатида тавсифлаш мумкин. Инсон тараққиётининг турли босқичларида инсон капиталининг ушбу таркибий қисмларининг иқтисодий қиймат яратишдаги ўрни фарқланган. Аграр иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг микдори муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугунги кунда унинг сифат кўрсаткичларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисодий тараққиётнинг босқичидан қатъий назар меҳнат ресурсларининг

<sup>1</sup> Тожиёва З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: усиши ва жойланиши (Монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2010, 8-бет.

<sup>2</sup> Bloom D, Canning D, Sevilla J. Economic Growth and the Demographic Transition. NBER Working Paper No. 8685. December 2001.

шаклланиши биринчи навбатда демографик омил билан белгиланади. Аҳоли такрор барпо булмас экан, меҳнат ресурслари ҳам шаклланмайди.

Бугунги кунда жаҳонда шаклланган демографик вазият ривожланган мамлакатларда аҳолининг камайиши ва қариши, ривожланаётган мамлакатларда эса жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлган меҳнат ёшидаги аҳоли сонининг ортиши билан хусусиятланади. Яқин кунгача жаҳон ҳамжамияти дунёда шаклланган демографик вазият аҳоли сонининг кескин ортиши ва уларни озиқ-овқат, сув, электр энергия, турар жой билан таъминлаш муаммолари каби масалалар муҳокама мавзусига айланган эди. Аҳоли сонини камайтириш, оилани режалаштириш билан боғлиқ тадбирлар куплаб мамлакатларда давлат миқёсида кенг куламда амалга оширилди. Лекин шаклланган демографик вазият таҳлили курсатишича туғилиш коэффициентининг камайиши ва аҳоли узиш суръатларининг пасайиши нафақат ривожланган мамлакатларга балки, бутун дунёга хос жараёндир ва урта муддатларда дунё аҳолиси сонининг камайиши юз беради. WPP (World Population Prospects, the 2012 Revision) дунёнинг 231 давлати буйича юз йил давр учун юқори, урта, паст ва доимий туғилишни ҳисобга олган ҳолда 4та сценарий буйича амалга оширган башорат баҳоларга қараганда 37 йилдан сунг дунё аҳолиси камая бошлайди ва XXI аср охирига келиб жаҳонда аҳолининг йиллик камайиши 48,3 млн кишига етади. Туғилиш коэффициентининг пасайиши ўтган асрлардан бошланган булиб, 1960-йилларда бир аёлга туғри келадиган фарзанд сони 5 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда у 2,5 болани ташкил этмоқда, яъни туғилиш 2 баробарга камайган. Бу муддат давомида аҳолиси энг зич бўлган Хитойда бир аёлга туғри келадиган фарзандлар сони 3,7 марта — 6,1 тадан 1,65 тага, Ҳиндистонда 2,3 марта — 5,8 тадан 2,5 тага, Африкада 1,4 марта — 6,7 тадан 4,7 тага камайган. Жанубий Америка мамлакатларида репродуктив салоҳиятнинг амалга оширилиши 2,7 баробар, яъни 5,7 дан 2,1 га қисқарган, лекин туғилишнинг қисқариши илгарироқ бошланган Европа давлатларининг бирортасида оддий барпо булишни таъминлайдиган (репродуктив ёшдаги аёлга 2,1 бола туғри келиши) даражада ҳам туғилиш коэффициенти мавжуд эмас. WPP–2012 нинг оптимистик (урта) сценарий прогнозларига кўра 17 йилдан сунг дунё аҳолиси орасида 60 ёшдан катталарнинг ҳиссаси 4 ёшгача бўлганларга нисбатан икки баробар, XXI аср ўрталарида 3 баробар ва аср охирида 9 баробарга ортиши кутилмоқда. Бу эса дунё аҳолиси сонининг ортиб кетишидан ҳам, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсия тизимига юқнинг ортиши билан боғлиқ бўлган унданда жиддийроқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Умуман олганда бугунги кундаги 7,4 млрд аҳоли ер шарининг кўлами нуктаи назаридан денгиздаги томчи сув кабидир. Бухарест политехника университетининг профессори Виорел

Бадексунинг ҳисоб-китобларига қараганда ер шари аҳолисининг чегаравий миқдори 1,3 квадрилон кишини ташкил этади. Бу 15 та нолли сон булиб, ҳозиргидан 200 000 марта куп кишини назарда тутати. Албатта аҳоли сонининг оптимал даражаси ва ресурслар камодади каби масалалар моҳиятан ута мураккаб булиб, ҳали куп изланишлар ва тадқиқотларни талаб этади.

Меҳнат ресурсларининг ҳаракатланиши мураккаб ижтимоий-демографик ва иқтисодий жараёндир. Уларнинг шаклланиши такрор барпо булиш жараёнининг таркибий босқичи булиб, уни бир бутун жараён кўринишида таҳлили этиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурслари такрор барпо булиши моҳияти ва қонуниятларини англаш учун уларнинг босқичлар буйича ҳаракатини тушунишни талаб этади.

1. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши – меҳнат ресурслари сонининг доимий янгиланиб бориш жараёнидир. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши авваламбор аҳолининг, янги авлоднинг табиий такрор барпо булиши, ҳамда уларда меҳнат қилишга булган қобилиятни шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутати. Меҳнат ресурслари шаклланиши билан боғлиқ муаммони ҳал этишнинг долзарблиги шундан иборатки, мамлакат ва минтақа миқёсида шаклланган меҳнат ресурсларининг фонди узининг миқдор ва сифат хусусиятлари билан мамлакат иқтисодий салоҳиятига тулиқ мос тушиши лозим. Бунда миграция жараёнларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишини тадқиқ этиш мамлакат миқёсида авваламбор аҳоли ва ундан кейин меҳнат ресурсларининг такрор барпо булишини белгилаб берувчи омиллар, тенденциялар, шарт-шароитлар, ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини аниқлашни уз ичига олади. Меҳнат ресурслари шаклланишининг механизмини аниқлаш, ушбу тизимни бошқариш амалиётини такомиллаштиришнинг самарали усул ва воситаларини аниқлаш имконини беради.

2. Тақсимлаш босқичи меҳнат ресурсларининг минтақалар, фаолият соҳалари, тармоқ ва ташкилотлар буйича жойлаштирилишини назарда тутати. Меҳнат ресурсларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларни товар ёки ускуналар каби тўплаш мумкин эмас, балки шаклланиши билан улардан фойдаланиш учун тақсимланиши лозим.

Тақсимланиш босқичининг моҳияти ялпи ишчи кучини иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда шакллантиришга қаратилган. Ушбу босқичда меҳнат ресурсларини бошқариш куйидаги таркибий қисмлардан иборат булади: меҳнат билан бандликни бошқариш, ишчи кучининг бирламчи тақсимланишини тартибга солиш, ишчи кучининг қайта тақсимланишини бошқариш. Миллий иқтисодиёт доирасида меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражасини,

меҳнат тақсимотини ақс эттириб, асосий иқтисодий мутаносибликлар қаторидан жой эгаллайди.

3. Фойдаланиш босқичи – меҳнат ресурслари такрор барпо булишнинг якуний босқичидир. Бу босқич моддий ва маънавий неъмат ва хизматларини ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат фаолияти ва меҳнатга булган қобилиятни амалга ошириш давомида содир булади. Ушбу босқичнинг асосий вазифаси самарали бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.

Умумлаштирган ҳолда меҳнат ресурсларининг такрор барпо булиши деб, доимий ва узлуксиз равишда иқтисодий фаол аҳолининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини тиклаш жараёни назарда тутилади<sup>1</sup>. Бу жараён меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишининг барча босқичларида содир булади.

Институционал ёндашувга кура меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши – меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши доирасида давлат, уй хўжаликлари ва фирмалар орасида вужудга келадиган узлуксиз ривожланиб борувчи иқтисодий муносабатлар тизимидир<sup>2</sup>.

Фикримизча, меҳнат ресурсларининг такрор барпо булишига булган институционал ёндашув меҳнат ресурслари ҳаракатланишининг ҳар бир босқичида вужудга келадиган масалаларни атрофлича тадқиқ этиш имконини беради.

Меҳнат ресурсларининг такрор барпо булишининг барча босқичларида давлат амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий ва демографик сиёсати воситасида ишчи кучи миқдори ва сифатини тартибга солувчи вазифани бажаради.

Оила мустақил институт сифатида уз навбатида меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифатига бевосита таъсир кўрсататди. Инсон ресурсларининг ва уз навбатида меҳнат ресурсларининг сифати авваламбор, оила даврасида шаклланади. Оилада таълим-тарбия бериш, саломатлигини сақлаш, унинг ижтимоийлашувини таъминлаш орқали фарзанднинг келажакдаги меҳнат салоҳиятини белгилаб берувчи қобилият ва имкониятларига замин яратилади.

Айнан оилада фарзандни дунёга келтириш, уни тарбиялаш, таълим ва малака бериш, жисмоний ва маънавий соғлом қилиб вояга етказиш билан боғлиқ булган қарорлар қабул қилинади ва бу билан боғлиқ харажатлар амалга оширилади. Утган асрнинг ургаларигача бу каби харажатлар иқтисодий қийматга эга булмаган истеъмол харажатлари сифатида

<sup>1</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>2</sup>Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekononika/item/3195-2014-11-28-13>

қаралган бўлса, бугунги кунга келиб “инсон капитали назарияси” таъсирида бу харажатлар келажакда юқори самарадорликни ва қайтимни таъминлайдиган инвестициялар сифатида қаралмоқда. Баъзи гадқиқотларга қараганда инсон билимларининг 70%гача булган қисми 5 ёшгача болалик даврида тупланadi. Инсоннинг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, туғри сузлик, адолатпарварлик каби сифат хусусиятлари авваламбор оила даврасида шаклланади. Бу эса фикримизча, меҳнат ресурларининг сифати ва қийматига таъсир этувчи маънавий унсурлардир. Чунки меҳнат ресурслари бутун жамият учун наф келтирадиган ва халқ фаровонлигига олиб келадиган хусусиятлар, қобилиятларга эга булиши лозим.

Оила инсон қобилиятларининг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бирламчи манба булиб, бу авваламбор ирсият, яъни генетика, сунг оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ота-онанинг фарзандига қилган инвестициялари ва уни ураб турувчи муҳитни танлашда уз таъсирини утказиш орқали амалга оширилади. Инсон капиталини микро даражада, яъни оила миқёсида инвестициялаш муҳим аҳамият касб этади. Нафақат, у ёки бу билимларни эгаллаш ёки қандайдир спорт тури билан шуғулланиш учун имкон яратиш, балки, билимларни эгаллашга ва уз соғлигини мустаҳкамлаш ва парваришлашга иштиёқ, муҳаббатни шакллантириш ҳам инвестиция сифатида қабул қилиниши мумкин.

Бугунги кунда оила инсон капиталини ташкил этувчи унсурларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи асосий инвестор сифатида юзагачикади, шу билан бирга оила аъзоларининг индивидуал инсон капиталини шакллантириш орқали оила инсон капиталини шакллантиради.

Инсон капиталининг асосий ташкил этувчи унсурлари сифатида саломатлик, таълим тарбия, меҳнат фаолиятига рағбат қабиларни қарайдиган бўлсак, уларнинг барчасида оиланинг ўрни беқиесдир. Фарзанд саломатлиги ота-онанинг жисмоний ва руҳий салоҳияти, уларнинг ирсий мойиллиги, оилада саломатлик ва жисмоний меҳнатга муносабат, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, саломатликни мустаҳкамлаш ва спортга инвестиция қилиш даражаси асосида шаклланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, инсон саломатлигининг 50% соғлом турмуш тарзини олиб бориш, яъни туғри овқатланиш ва спорт билан шуғулланиб туришга боғлиқдир.

Таълим капитали ҳам оила доирасида тупланган билимларни бевосита мулоқат давомида кейинги авлодга утказиш, бутун ҳаёт давомида норасмий таълим олиш, таълимга инвестиция даражаси билан белгиланади. Агар таълим оилада қадрият сифатида саналса, фарзандларнинг юқори таълим даражаларини олиш учун замин яратилади ва аксинча.



**Инсон капиталининг асосий элементларини шакллантиришда  
оиланинг урни<sup>1</sup>**

Инсон элементлари	капиталининг	Оиланинг куйилмалари
Саломатлик		–Ирсият (жисмоний ва психологик салоҳият); –оилада саломатлик ва жисмоний фаолликка муносабат; –саломатлик, жисмоний тарбия ва спортга инвестиция.
Таълим ва тарбия		–Бевосита мулоқот давомида катта авлоддан ёш авлодга тупланган билимларнинг берилиши; –норасмий таълим (бутун ҳаёт давомида); –таълимга инвестиция; –маънавий ва маданий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган инвестициялар.
Шахснинг ижтимоий ресурслари		–Оиланинг ижтимоий мавқеи; –оиланинг ижтимоий капитали.
Меҳнат фаолиятига мотивация		–Оиланинг ялпи куйилмалари.

Меҳнат ресурсларининг такрор барпо булишида фирмаларнинг ҳам урни катта. Фирмалар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун иш ўринларини яратиш ва уларни даромад билан таъминлаш натижасида ишчи кучига бўлган талабни шакллантириш билан бирга ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш мақсадида юқори малакали ишчиларни ёллашдан манфаатдор. Шу сабабли фирмалар улар учун зарар малакага эга бўлган мутахассисни топа олмаган тақдирда мавжуд ходимларнинг малакасини оширишга мажбур бўлади. Ривожланган давлатларнинг йирик корхоналарида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай фирма ходимларининг махсус билим ва малакаларини, яъни фақатгина ўзининг корхонаси учун зарур бўлган билимларни эгаллаши учун харажат қилишга ҳаракат қилади. Лекин аксарият ҳолларда фирмалар ишлаб чиқариш самарадорлигини арзон ишчи кучи ёллаш орқали оширадilar. Бозор иқтисодиёти шароитида эгаллик ҳуқуқининг хусусий мулк шаклига эга бўлган корхоналар, баъзи

<sup>1</sup>Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. 160 б.

ҳолларда меҳнат қонунчилигини бузган шаклларда ҳам ходимларига ҳақ тулашдан иктисод килишга уринадилар. Бундай ҳолатларда аксарият ҳолда аёллар азият чекадилар. Меҳнатга булган талабнинг чекланганлиги шароитида ишчилар нисбатан паст иш ҳақи ва иш шароитларининг ёмон булишига карамай ишлашга рози буладилар.

## 2.2.-жадвал

### Меҳнат ресурслари шаклланишига институтларнинг таъсири<sup>1</sup>

Институт номи	Меҳнат ресурсларининг такрор барпо булиш босқичлари		
	Шаклланиш	Тақсимот	Фойдаланиш
Оила	- Фарзандлар сони тугрисида қарор қабул қилади; - фарзандларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратади	- меҳнат бозорида ишчи кучининг тақлифини шакллантиради	- маълум бир йуналишда таълим олиш орқали ишчи кучининг профессионал-малакавий тузилишини аниқлайди
Фирма	- иш кучи нархини белгилаш орқали меҳнат ресурслари оқимини таъминлайди	- меҳнат бозорида ишчи кучига булган талабни шакллантиради	- ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат ва ҳақ тулаш шароитларини белгилайди
Давлат	- ижтимоий кафолатларни таъминлайди (таълим, соғлиқни сақлаш)	- миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини оптималлаштиради; - янги иш жойларини ташкил этиш ва ишсизларни ишга жойлаштириш дастурларини амалга оширади	- иш вақти ва меҳнат шароитларига риоя қилинишининг назоратини таъминлайди

Юқорида келтирилган жадвалда ҳар бир институтнинг меҳнат ресурсларининг такрор барпо булиши жараёнида таъсири изоҳланган. Жамият ривожланиш даражаси қанчалик юқори булса, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва умуман олганда такрор барпо бўлиш

<sup>1</sup>Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekonomika/item/3195-2014-11-28-13-31-12>

жараёнида ижтимоий-иктисодий омилларнинг (аҳоли даромади, таълим даражаси, бандлик даражаси ва бошқ.) таъсири шунчалик юқори булади. Гурли давлатлар меҳнат ресурслари ҳолати ва уларнинг такрор барпо булиш шарт-шароитларининг таҳлили шуни курсатдики, турмуш даражаси ва сифати ошган сари меҳнат ресурсларининг таълим ва малака даражаси, меҳнат унумдорлиги курсаткичлари ошиб боради. Иктисодиётда ва жамиятда содир буладиган узгаришлар таъсирида меҳнат ресурслари сифат ва таркибий жиҳатдан узгаради.

Иктисодиётнинг ягона тизим сифатида самарадорлигини таъминлаш учун соҳа ва тармоқлар кесимида меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши ижтимоий такрор барпо булишнинг барча жараёнлари билан мос тушуши лозим. Бунда бандлик ва меҳнат ресурсларининг сифати билан боғлиқ муаммолар юзага чиқади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш хажмининг қисқариши бозор иктисодиёти шароитида кенг тус олган ишсизликни келтириб чиқаради. Ишсизлик муаммоларининг ҳал этилиши эса ЯИМ ни ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни қисқартиради.

Иккинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш унумдорлиги авваламбор сифатли меҳнат ресурсларидан фойдаланиш натижасида таъминланади. 2009 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозидан кейинги аксарият ривожланган давлатлардаги ҳолат меҳнат ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш масаласининг ахамиятини янада оширди. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бутун иктисодий тизим фаолият юритишининг самарадорлигини ошириши уз тасдиғини олди<sup>1</sup>.

Ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб килинган меҳнат ресурслари миқдори биринчидан, иктисодиёт тармоқларида мавжуд иш уринлари ва иккинчидан, алоҳида тармоқлардаги меҳнат унумдорлиги билан белгиланади.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, ишчи кучининг жалб килиниш даражаси шунчалик пасаяди ва мос равишда меҳнат ресурсларининг сифатига бўлган талаб шунчалик ошиб боради. Буни куйидагича изоҳлаш мумкин: юқори меҳнат унумдорлиги биринчи навбатда оддий меҳнат ўрнини босувчи юқори технологияларнинг қўлланилиши орқали таъминланади. Юқори технологияларни амалда қўллаш эса ишчидан махсус билим ва малакани талаб этади бу билан меҳнат ресурсларининг сифат курсаткичларига бўлган талабни оширади. Шу сабабли инсон меҳнатини машина меҳнатига алмаштириш имкони булган соҳаларда аҳолининг бандлик даражаси пасайиши ва аксинча инсон меҳнатининг ўрнини босиш имқонияти паст бўлган хизмат

<sup>1</sup> Bullard J. The Rise and Fall of Labor Force Participation in the United States. Federal Reserve Bank of St. Louis Review, First Quarter 2014, 96(1), pp. 1-

12 <https://files.stlouisfed.org/files/htdocs/publications/review/2014/q1/bullard.pdf>

курсатиш соҳасида бандлик даражаси юқори суръатлар билан усаётганини куриш мумкин.

### 2.3-жадвал

#### Бир қатор ривожланган давлатларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлик, %<sup>1</sup>.

Мамлакат	Қишлоқ хужалиги			Саноат			Хизмат кўрсатиш		
	1920	1990	2015	1920	1990	2015	1920	1990	2015
<b>АҚШ</b>	26,3	2,8	0,7	24,5	18,0	20,3	38,4	71,0	79,1
<b>Япония</b>	54,9	7,1	2,9	16,6	23,6	26,2	23,8	58,4	70,9
<b>Германия</b>	30,9	3,2	1,4	33,0	32,2	24,2	27,9	55,6	74,3
<b>Франция</b>	42,4	6,3	2,4	26,4	21,3	18,3	26,9	64,4	79,3
<b>Италия</b>	56,7	9,5	3,9	19,9	21,8	25,3	18,5	47,8	67,8
<b>Б.Британия</b>	7,1	1,3	1,3	36,8	22,5	15,2	43,7	69,5	83,5
<b>Канада</b>	35,2	4,4	2,2	17,0	22,0	19,0	37,1	71,4	76,0

Жадвалдан маълум бўлишича, барча ривожланган давлатларда аҳоли бандлигидаги узгаришларидаги глобал тенденциялар биринчидан, бугунги кунда ҳам давом этаётган қишлоқ хужалиги соҳасида бандлик даражасининг пасайиши; иккинчидан, саноат соҳасида бандликнинг пасайиши; учинчидан, хизмат курсатиш соҳасида бандликнинг ортишида намоён бўлмоқда.

Умуман олганда мамлакат миқёсида меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг энг оптимал модели сифатида институционал модель юзага чиқади. Меҳнат ресурсларини такрор барпо бўлишининг институционал модели такрор барпо бўлиш жараёнининг барча босқичларида юқорида куриб чиқилган барча институтларнинг ҳамроҳликда фаолият юритишини назарда тутати. Шартли равишда ушбу моделни қуйида келтирилган расм кўринишида ифодалаш мумкин.


Меҳнат ресурсларининг шаклланиш босқичида давлат мамлакатдаги демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг оптимал даражада шаклланишига замин яратадиган демографик сиёсатни олиб бориши лозим. Бу сиёсат турли мамлакатларда турли хусусиятга эга бўлиши мумкин. Аксарият ривожланган давлатлардаги демографик сиёсатга хос булган хусусият туғилиш кўрсаткичларининг пасайиши ва аҳолининг такрор барпо бўлиш кўрсаткичларининг манфий томонга

<sup>1</sup><https://www.cia.gov/library/publications/resources/the-world-factbook/fields/2048.nmimfca> ва Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekonomika/item/3195-2014-11-28-13-31> маълумотлари асосида тузилган.

узгариши содир булаётганлиги сабабли оила кадриятларини тарғиб этиш ва оналик ва болаликни қўллаб қувватлашга қаратилган.

Ушбу модель қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

Таксимот босқичида давлат ишлаб чиқаришни, хусусан миллий ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаши лозим. Чунки ишлаб чиқариш ривожланган сари мавжуд иш уринларини сақлаб қолиш ва янгиларни ташкил этиш имконияти кенгайди.



**2.1.-расм. Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг институционал модели**

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш босқичида давлатнинг асосий вазифаси аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга йуналтирилади.

Ушбу моделнинг натижавийлиги меҳнат ресурслари такрор барпо булишининг микдор ва сифат курсаткичларининг яхшиланиши, аҳолининг турмуш даражасининг ошиши, ҳамда меҳнат ресурслари унумдорлиги курсаткичларининг яхшиланишида уз аксини топади.

Жаҳондаги мамлакатларда меҳнат ресурсларининг шаклланиш тенденциялари ва узига хос жиҳатларни тадқиқ этиш натижасида мамлакат меҳнат ресурсларини шакллантириш ёки бошқача қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини купайтиришга қаратилган тадбирларда фарқланишига қараб шартли равишда иккита услубий моделни ажратишни таклиф этамиз. Булар:

- Ички салоҳиятни рағбатлантириш модели.
- Ташқи омилларни жалб этиш модели.

Ички салоҳиятни рағбатлантириш модели – мамлакат миқёсида истиқболда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини бевосита мамлакат аҳолиси орасида туғилишни рағбатлантириш орқали купайтиришни назарда гутади. Бунини тараққиётнинг турли босқичларида турли давлатлар демографик сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида қўллаган.

Ташқи омилларни жалб этиш орқали меҳнат ресурсларини шакллантириш модели асосан демографик тенденциялар аҳолининг қариши ва туғилиш курсаткичларининг пастлиги билан хусусиятланадиган ривожланган давлатларда кузатилади. Япония бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки, Японияда депопуляция жараёни юзага кела бошлаган. Узоқ йиллар давомида Япония бир миллатли давлат сифатида маълум бўлган, япон бўлмаган халқларнинг мамлакат умумий аҳолисидаги улуши 1%дан ҳам ошмаган. Лекин жамият ва иқтисодиёт тараққий этган сари эҳтиёжларнинг узгариши, ҳамда аҳоли сонининг камайиб бориши ва ишчи кучи етишмаслиги муаммоларига дуч келган мамлакат ҳукумати миграция сиёсатини модернизация қилишини талаб этди. Айни вақтда Япония меҳнат бозоридаги ишчи кучининг етишмаслик муаммосини миграция сиёсати орқали ҳал этмоқда. 2016 йилда Япония умумий аҳолиси таркибида 65 ёш ва ундан катталарнинг улуши 27%ни ташкил этган, прогноз курсаткичларга қараганда, 2050 йилга келиб 35%дан ортиб, шу пайтга келиб қушимча 8,5млн. киши микдорида ишчи кучининг етишмаслиги прогноз қилинмоқда.

Умумий аҳоли сонининг қисқариши ўз навбатида маълум бир босқичда меҳнат ресурсларининг камайишига олиб келади. Меҳнат ресурслари энг муҳим ишлаб чиқариш омилли бўлиб, улардан рационал фойдаланиш нафақат ишлаб чиқариш даражаси ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириши, балки бутун ижтимоий тизимнинг сифат

жиҳатдан ривожланишини таъминлайди. Меҳнат ресурсларининг тақчиллиги иқтисодийнинг ривожланишига салбий таъсир курсатиши мумкин.

БМТ ҳисоб китобларига қура, Россия ва Беларусияда пенсия ёшини Европа мамлакатлари даражасига келтирган тақдирда ҳам , яқин истикболда ишчи кучи сони 20%га қисқариши кутилмоқда<sup>1</sup>.

Амалиётда бу икки моделни соф ҳолда қўлайдиган давлатлар сони чекланган булиб, аксарият давлатларда уларни синтези қўлланилади. Сунгги йилларда Россияда туғилишни рағбатлантириш билан бирга, меҳнат бозоридаги ишчи кучининг тақчиллигини бартараф этишга қаратилган фаол иммиграцион сиёсат олиб борилмоқда. Меҳнат бозоридаги тақчилликни ташки ресурслар воситасида қоплаш Германия ва АҚШда ҳам яққол намоён бўлади.

## **2.2. Меҳнат ресурслари баланслашганлигини баҳолашнинг услубий ёндошувлари**

Ўзбекистон ва хориж олимларининг меҳнат ресурслари ва меҳнат бозори соҳасида олиб борган тадқиқотлари таҳлиliga қура, меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда қатор илмий-методик ёндошувлар мавжуд. Ушбу методларнинг аксари бозор иқтисодийнинг ривожланиш қонуниятлари асосида шаклланган дейилса, муболага бўлмайди. Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ишлаб чиқилган меҳнат ресурслари баланси ўша объект меҳнат ресурсларининг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиқиб, яъни ички узаро боғлиқлик ва алоқадорлик касб этган.

Меҳнат ресурслари соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш учун яхлитланган ҳолда кўйидаги илмий услублардан фойдаланилади<sup>2</sup>:

- иқтисодий услублар (2.4.-жадвал);
- ташкилий-бошқарув услублари;
- маъмурий-ҳуқуқий услублар.

Аммо меҳнат ресурслари жуда катта ҳажмдаги объект ҳисобланиши сабабли уни ва умуман меҳнат ресурслари балансини урганиш кенг доирада тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, меҳнат ресурслари иқтисодчилар, географлар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, биолог-физиолог ва фаннинг бошқа йўналишлари олимлар томонидан урганиб келинган ва унинг деярли барча жиҳатлари таҳлил ҳамда тадқиқ қилинган. Шу боис, меҳнат ресурсларини урганишнинг услубий асослари маъмур фанларнинг тадқиқот усулларига асосланади.

<sup>1</sup> Яцук А. Трудовые ресурсы: проблемы формирования. //Белорусская думка. №7. 2014. С.69. (64-71)

<sup>2</sup> Энциклопедия по экономикс. М.:2003., стр-27. <http://economy.ru/info/info/21832/>

Меҳнат ресурслари балансини урганишда иқтисодиёт, география, социология, демография, математика, тарих, фалсафа ва бошқа фанларнинг илмий-методик ютуқларидан кенг фойдаланиш, улар билан ҳамкорлик қилиш илмий-амалий аҳамият касб этади. Ушбу усулларга тизим-таркиб, иқтисодий таҳлил, демографик таҳлил, ҳудудий таҳлил, киёсий таҳлил (географик-таққослаш), анкета-суров, математик, статистик, тарихий каби тадқиқот усулларини киритишимиз мумкин<sup>1</sup>. Тизим-таркиб усули фалсафий дунёкарашга яқин бўлиб, у объектнинг фақат узи урганаётган ҳодисасинигина эмас, балки бошқа каттароқ объект доирасида, биргаликда ва узаро алоқадорликда таҳлил қилишни назарда тутди. Мазкур усул деярли барча илмий тадқиқотларда қўлланилиб, мамлакат ёки алоҳида олинган минтақанинг аҳоли билан боғлиқ муаммоларини турли фанлар билан биргаликда ва узаро ҳамкорликда олиб боради.

#### 2.4.-жадвал

#### Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда қўлланиладиган услублар<sup>2</sup>

№	Услублар	Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда қай қурилишда қўллаш мумкин
1.	Иқтисодий	- Меҳнат ресурслари учун яратиладиган иш уринлари таннархини ҳисоблаш; - Аҳоли бандлигини ошириш мақсадида имтиёзли кредитлаш ва солиқ бўйича енгилликлар яратиш; - Иш берувчиларнинг иш уринларини яратиши ва сақлаб қолишига қаратилган тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.
2.	Ташкилий-бошқарув	- бандлик хизматларини ташкил этиш; - меҳнат ресурслари тугрисида ахборот ресурсларини яратиш; - меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига хизмат кўрсатиш; - давлат томонидан меҳнат ресурсларини уқитиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш ва ҳ.к.
3.	Маъмурий-ҳуқуқий	- меҳнат ресурслари билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузиш; - меҳнат ресурсларининг иш ҳақи, дам олиши каби ҳуқуқлари бўйича турли дастурлар ишлаб чиқиш - иш уринлари ва иш билан таъминлаш квоталарини аниқлаш ва ҳ.к.

*Муаллиф ишланмаси*

<sup>1</sup>Қаюмов А.А. Социально-географические основы формирования и развития трудовых ресурсов Узбекистана. Автореф. дис.... док. геог. наук. – Ташкент, 1997. 45 стр.

<sup>2</sup>Ситова С.В. Государственное регулирование сбалансированности рынка труда в современной России. Автореф. дис.... док. экон. наук. – Москва, 2010. 17- стр.



Тадқиқотларда кенг қўлланиладиган усулларидан яна бири ҳудудий гаҳдил усули бўлиб, у ҳам тизим-таркиб усули сингари комплекслилик тамойилига асосланади. У урганилаётган ҳодиса, жараёнларни объектнинг субъеклари буйича ва бошқа ҳодисалар билан уйғунликда, узаро алоқадорликда ҳамда маълум вақтда ривожланиш қонуниятларини очиб бериш, керакли ҳулосалар олишда муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат ресурслари билан боғлиқ илмий тадқиқотларда ҳудудий комплекслилик ҳам асосий рол уйнайди. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши, иш билан бандлиги ва ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари уларнинг иқтисодий тармоқларидаги таркиби, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, бошқариш, шунингдек аҳолини таркибий (ёш-жинс, миллий, билим даражаси) тузилиши билан чамбарчас боғлиқ. Мисол учун, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари балансини ҳисоблашда Фарғона водийси вилоятлари деярли бир хил хусусиятни акс эттириш мумкин. Чунки бу вилоятлар деярли бир хил табиий-географик ҳудудда жойлашган, табиий шароити, рельефи, иқлими бир-бирига ухшаш булганлиги сабабли уларда шаклланадиган ва тақсимланадиган меҳнат ресурслари бир-бирига ухшаш хусусиятга эга бўлиши табиий ҳолдир.

Меҳнат ресурсларини билан боғлиқ тадқиқотларда иқтисодий таҳлил усулининг ҳам урни бекиёсдир. Чунки меҳнат ресурслари — бу биринчи галда иқтисодий категория, меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишдан кузланган илк мақсад — мавжуд ва шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларнинг иқтисодий тармоқларида тақсимланиши ўртасидаги балансни иқтисодий нуқтаи-назардан таҳлил қилишдир. Умуман олганда, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш дастурларида меҳнат ресурслари баланси ва у билан боғлиқ ислохотлар муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Мамлакат ёки унинг минтақалари иқтисодий тараққиётида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва иқтисодий тармоқларида тақсимланиши ўртасидаги баланс микдорининг ижобий эканлиги айтиш мумкин.

Меҳнат ресурслари балансини ўрганишда қиёсий таҳлил (таққослаш) усулининг ўрни ҳам аҳамиятлидир. Чунки меҳнат ресурслари баланси ишлаб чиқилаётган минтақаларни қиёслашдан олдин дастлаб таққосланадиган курсаткичларни таққослама ҳолга келтириш лозим. Бунинг учун қуйидагилар эътиборга олинади<sup>1</sup>:

-таққосланадиган ҳодисалар ўзаро боғланган бўлиши, аниқроғи уларни умумлаштирувчи асос бўлиши керак;

<sup>1</sup> Каюмов А.А. Социально-географические основы формирования и развития трудовых ресурсов Узбекистана. Автореф. дис.... док. геог. наук. — Ташкент. 1997. 46 стр.

-таққослашнинг фақат мамлакат даражасида эмас, балки вилоят, туман даражаларида булиши лозимлигига эътибор бериш зарур;

-таққосланадиган объектлар моҳияти жиҳатидан бир хил булиши керак;

-таққосланадиган курсатгичлар бир хил улчов бирлигидаифодаланиши лозим;

-таққосланадиган курсатгичлар бир хил даврни (йил) қамраб олиши керак.

Меҳнат ресурсларини урганишнинг навбагдаги усули математик усул ҳисобланади. Бу усул ёрдамида меҳнат ресурслари жойлашишидаги ўзгаришларни абсолют сонлар ёки нисбий миқдорда ифодалаш, мавжуд рақамли маълумотларни тартибга солиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан таклиф қилинган меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш методикасида меҳнат ресурслари асосан минг киши ҳисобида келтирилган. Бироқ ушбу мавзуда олиб бориладиган илмий-тадқиқотларда юқоридаги тушунчаларнинг улуш миқдори ҳам қўлланилади.

Мазкур усулда математик моделлаштиришни амалга ошириш фаннинг, тадқиқот объектининг самарали ривожланишига имкон беради<sup>1</sup>. Шу жумладан, меҳнат ресурслари ва уларни иқтисодиёт тармоқларида бандлигини моделлаштириш, меҳнат ресурслари баланс курсаткичларини ишлаб чиқишда мазкур усулнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, меҳнат ресурслари доирасидаги аксар курсаткичлар прогноз параметрларини ишлаб чиқишда математик-статистик тадқиқот усулининг ҳиссаси катта.

Математик усулни статистика билан ҳамкорлиги математик-статистика усулини шаклланишига ёрдам берган бўлса, иқтисодиётни ўрганишдаги усуллар билан ҳамкорлиги иқтисодий-математик, иқтисодий-кибернетика усулларини амалиётга кириб келишига имкон берди.

Аҳоли билан боғлиқ тадқиқотларда кенг қўлланиладиган замонавий усуллардан бири - социологик услубдир. Мазкур усул етарли бўлмаган статистик маълумотларни тулдириш ва урганилаётган ҳудуднинг маълум даврдаги ҳолатини, ички ривожланиш қонуниятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда зарур бўлган халқнинг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодаловчи энг ишончли усул ҳисобланади. Меҳнат ресурсларига оид тадқиқотларда демографик жараёнларнинг турли авлодларда, ижтимоий гуруҳларда, миллатларда ва ҳудудлардаги хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар мукамал ўрганилади. Бунинг учун ўрганилаётган ҳодиса,

<sup>1</sup>Клюня В.Л., ЗеньковаИ.В. Сбалансированность рынка трудав Республике Беларусь: методологическиси методические основы обеспечения. Новополоцк: ПГУ, 2009. – стр-9.

жараёнлар ва омилларни аниқлашга оид саволлардан махсус сурок варақаси (анкета) тузилиб, унинг асосида аҳоли уртасида суҳбат утказилади ёки варақалар бевосита аҳолининг узига тарқатилади. Социологик услуб билан утказилган бундай тадқиқотда меҳнат ресурслари билан боғлиқ жараёнларни туғри акс эттиришда жуда қулай ҳисобланади. Бугунги бандлик ва ишсизлик муаммолари жиддийлашиб бораётган бир даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги реал аҳволни фақатгина меҳнат ресурслари орасида олиб борилган савол-жавобларгина аниқ намоён қила олади.

Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда демографик таҳлил усулининг урни беқиёс. Ушбу усул, айниқса, меҳнат ресурслари сони динамикаси ва демографик таркиби, такрор барпо булиш хусусиятлари ва истиқболдаги ўзгаришларни урганишда муҳимдир. Шунингдек, демографик услублар ёрдамида меҳнат ресурслари тадқиқ этилаётган ҳудуднинг демографик вазияти, шарт-шароитлари мукамал урганилади. “Меҳнат ресурсларининг шаклланиши бевосита демографик жараёнлар билан боғлиқ. Демографик жараёнлар нафақат аҳоли сони, айни пайтда меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли миқдорида бевосита таъсир курсатувчи асосий жараёндир”<sup>1</sup>.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишини авлодлар (когорт) буйича урганиш ҳам демографик услублардан ҳисобланади. Бунда аҳоли таркибидаги маълум ёш гуруҳларининг иқтисодий-демографик жиҳатлари, шунингдек, ушбу ёш гуруҳларидаги меҳнат ресурслари миқдори ва сифати қай даражада эканлиги таҳлил этилади. Шунингдек, илмий манбаларда меҳнат ресурсларининг турли кўрсаткичларини ифодалашда Лексис ёки демографик турлардан фойдаланилади. Ушбу демографик тур маълум бир даврлар туғилиш даражаси ёки динамикасининг ўзгаришларини аниқ ифодалайди. Бу эса меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда қўл келади. Чунки, ҳар қандай мамлакат ёки минтақанинг бугунги кундаги демографик вазияти, аниқроғи туғилиш даражаси унинг 15-20 йилдан кейинги меҳнат ресурслари шаклланишига бевосита таъсир этувчи бирламчи омилдир.

Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда меҳнат ресурслари шаклланишини ўрганишни тарихий даврлар доирасида олиб бориш мақсадга мувофиқ. Тадқиқ этишнинг бу усулида демографик жараёнлар ва ундаги ўзгаришларни тарихий таҳлили асосида ҳозирги реал воқелик ва унинг истиқболини тасаввур қилиш имконияти туғилади. Чунки, тарихийлик асосида аҳолининг иқтисодий-демографик майли туғрисида мукамал маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, урганилаётган жараёнларни маълум даврларга бўлиб тадқиқ этиш шаклланаётган

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2012. 58-бет

демографик анъаналарни (тенденция) ва унга таъсир этадиган омилларни ёритиб бериш учун хизмат қилади. Меҳнат ресурслари шаклланиш даврлари ва уларни маълум бир даврийлик асосида тадқиқ этиш, шунингдек, меҳнат ресурслари тақсимотининг маълум бир даврлардаги узгариш тенденцияларини тадқиқ этишда ушбу усулнинг аҳамияти катта.

Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишга бағишланган аксарият илмий тадқиқотларда, аввало, математик-статистик усулнинг аҳамияти алоҳида. Бу турли чизма-жадваллар, демографик коэффициентларни ифодаловчи формулаларда яққол куринади. Шу нуқтаи-назардан, меҳнат ресурсларига бағишланган илмий тадқиқот ишларида математик-статистик усул купрок учрайди. Шунингдек, аҳоли ва меҳнат ресурсларига оид курсаткичларни прогнозлаштириш ҳам ушбу усулда аҳамиятга эга. Меҳнат ресурслари баланси ва прогнозини ишлаб чиқишда қатор демографик ва эконометрик прогноз усуллари ва моделлардан фойдаланилади.

Хулоса урнида шунини таъкидлаш керакки, меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда биринчи навбатда иқтисодий таҳлил усулига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зеро ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида уша мамлакатнинг меҳнат салоҳияти, меҳнат ресурслари етакчи роль уйнайди. Меҳнат ресурсларини тадқиқ этишда эса меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш худди ана шу даражадаги аҳамиятга эга тадқиқотдир.

### **2.3. Хориж давлатларда меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишини такомиллаштириш механизмлари**

Минтақа иқтисодиётининг ўсиши унинг меҳнат салоҳиятининг ҳолати ва ундан фойдаланиш қанчалик даражада самарали эканлигига боғлиқ. Бунда минтақа меҳнат ресурслари сифатида ушбу минтақа аҳолисининг меҳнат қилишга жисмоний ва маънавий лаёқати мавжуд бўлган қисми тушунилади.

Минтақа иқтисодиётининг ривожланиши ушбу ҳудудда шаклланган, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган барча турдаги ресурслар йиғиндисини ўз ичига қамраб олган ресурс салоҳиятига боғлиқ.

Ҳудуднинг ресурс салоҳияти жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳудуд ресурсларидан фойдаланишнинг амалга ошаётган ва амалга ошмаётган имкониятлар йиғиндисидир. Шу сабабли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тадқиқ этаётганда унинг меҳнат ресурсларининг миқдорий ва сифат курсаткичларини назарда тутиш лозим.

Ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб аҳоли иш билан бандлигининг тармок тузилмаси шаклланади. Аҳолининг иш билан бандлик соҳасидаги давлат сиёсати - барча фуқаролар учун меҳнат қилиш

хукукининг амалга ошиши ва фаолият турини танлашда эркинлик таъминлашда тенг имкониятларни яратишга қаратилган. Шу сабабли ҳудуднинг меҳнат ресурсларини шакллантиришда уларнинг узига хос хусусиятлари ҳисобга олинади лозим. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланиши ушбу ҳудудда моддий ишлаб чиқаришнинг жойлашуви, тарихий, табиий-иқлимий ва географик омиллар таъсирида шаклланади.

Мамлакатнинг урбанизация даражаси ҳам меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишига уз таъсирини курсатади. Катта ва йирик шаҳарлар мамлакат илмий-техникавий ва саноат салоҳияти тўпланган марказлар сифатида намоён бўлиб, юқори малакали кадрларни узида жамлайди. Шу билан бирга бундай шаҳарлар маъмурий марказ сифатида юзага чиқиб, давлат аҳамиятига молик функцияларни амалга оширади.

Кичик ва урта шаҳарларда одатда ихтисослашган ишлаб чиқариш ва катта шаҳардаги корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш орқали иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудларни бошқаришнинг асосий унсури стратегия шакллантириш бўлиб, у ҳудудларни ривожлантириш соҳасида истиқболдаги узгаришларни олдиндан кура билган ҳолда қарор қабул қилиш имконининг беради. Ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини шилаб чиқишда аниқ мақсадлар, ривожланишнинг устувор йўналишлари ва белгиланган мақсадларга етишиш йўллари аниқлаштирилиши талаб этилади. Меҳнат ресурсларини бошқаришда узок муддатли истиқболда у ёки бу малака ва мутахассисликка эга бўлган кадрларга бўлган талабни аниқлаш, шунингдек таълимни молиялаштириш шакллари танлашни уз ичига олган стратегик режалаштириш бўлиши талаб этилади.

Ҳудуднинг стратегик ривожланишини режалаштирганда ривожланишнинг цикллари аниқлаш лозим. Унда ташқи муҳитдаги доимий ўзгаришларга муносабат, кучли ва кучсиз томонларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг истиқболдаги ривожланишини стратегик режалаштириш, ички имкониятларни аниқлаш талаб этилади.

Чет эл инвестицияларининг кенг миқёсда жалб этилиши турли хил ихтисосликка эга бўлган мутахассисларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Меҳнат ресурсларини ривожлантириш стратегияси ҳудудларда меҳнат ресурсларига нисбатан шаклланган талаб ва уларнинг тақдирининг миқдоран ва сифат жиҳатидан мувозанатига эришиш ва уни сақлаб қолишни назарда тутати. Бунга эришишнинг асосий шarti ҳудуд рақобатбардошлигининг таъминланишидир.

Ҳудудлар орасида тенгсизликни камайтириш ҳар бир мамлакат минтакаларни ривожлантириш сиёсатининг асосий мақсади. Ҳудудлар орасидаги тенгсизлик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариш билан бирга миллатлараро ва диний низоларнинг келиб

чиқишига ҳами сабаб булиши мумкин. Турли мамлакатларда минтақавий иқтисодийнинг мақсади ухшаш булиб куйидаги иборалар орқали талқин этилади. “аҳолини кучиришнинг мавжуд хусусиятини сақлаб қолиш ва мамлакатнинг барча районларида турмуш даражасининг тенглигига эришиш”, “Шимолий ҳудудлардан аҳолининг кучиб кетишининг олдини олиш” (Норвегия), “Яшаш жойидан қағъий назар аҳолига барча товар ва хизматларнинг имконлилигини бир хил даражада яратиш” (Канада), “Бизнес учун тенг шарт-шароитларни яратиш” (АҚШ), “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий узишни таъминлаш ва аҳолининг бандлик даражасини ошириш соҳасида тенглаштириш” (Финляндия), “Ҳудудларнинг ривожланиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш ва аҳоли фаровонлик даражасини ошириш” (Швеция)<sup>1</sup>.

АҚШ ва Канадада шимолий ҳудудларни ривожлантириш дастурлари алоҳида урин эгаллайди. Ушбу мамлакатларда Шимолни ривожлантириш дастурлари миллий миқёсда шакллантирилади ва ҳудудий даражада амалга оширилади. АҚШ (Аляска), Норвегия, Швеция, Финляндия каби давлатларда иккинчи жаҳон урушидан кейин шимолий ҳудудларда янги саноат марказларни ривожлантириш жараёнлари фаоллашган. Улкан минерал, гидроэнергетик ва урмон ресурсларига эгалик қилган Канаданинг шимолий ҳудудларида бу жараёнлар айниқса авж олган. Канаданинг шимолий ҳудудлари жуда бой табиий хом-ашё ресурсларига эгалик қилиб, лекин ушбу ҳудудларда инсон ресурсларининг деярли мавжуд эмаслиги муаммоси мавжуд. Умуман олганда бутун Канада буйича аҳолининг зичлиги жуда паст 10 млн.кв.км.га 20 млн.киши атрофида туғри келади, шимолий ҳудудлари эса ҳанузгача деярли ўзлаштирилмаган.

Кескин иқлимий шароитлар, таълим, фан ва маданият инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ишчи оила аъзоларининг иш топиш имкониятининг чекланганлиги каби омиллар ушбу ҳудудларда кадрлар кўнимсизлигининг ривожланишига асос булмоқда.

Шимолий ҳудудларга ишчи кучини жалб этишнинг асосий омили бўлиб моддий қизиқтириш юзага чиқади. Шу мақсадда Канаданинг шимолий ҳудудларида меҳнатга ҳақ тулашнинг ўзига хос шакли мавжуд булиб, мамлакат буйича мос касб эгаси учун белгиланган ўртача иш ҳақидан 1,5-2 баробар юқори булган иш ҳақи ставкалари билан хусусиятланади. Бундай нисбат барча соҳаларда, хусусан тоғ-кон саноати, қурилиш соҳаси, шунингдек интеллигент меҳнат турлари (шифокорлар, ўқитувчилар ва корхоналарнинг инженер-техник ишчилари)да бундай

<sup>1</sup>Фаузер В.В., Назарова И.Г. Формирование населения и человеческих ресурсов: опыт северных стран /Корпоративное управление и инновационное развитие экономики Севера. Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. <http://koet.svyktsu.ru/vestnik/2010/2010-3/10/10.htm> Дата обращения 18.08.2017

нисбат жуда юқоридир. Иш ҳақи миқдори ёлланилаётган ишчининг малакаси, унинг умумий иш стажи ва Шимолий ҳудуддаги иш стажига кура устамаларнинг белгиланиши билан фарқланади.

“Йироклаштирилган марказларда иш ҳақини тартибга солиш туғрисидаги Қонун” доирасида давлат хизматчиларининг иш ҳақиға махсус устамалар белгиланган.

Саноат ва курувчилик соҳасида қатъий белгиланган иш ҳақини юқори малакали булган инженер-техник ходимларгина оладилар. Аксарият ишчилар учун саотбай иш ҳақи белгиланади. Саотбай иш ҳақи ставкасини ошириш орқали ишчилар жалб этилади ва асосий иш вақтидан ташқари меҳнат қилишға рағбаг яратилади. Шу сабабли Шимолий ҳудудларда ёруғлик куни нисбатан узун булган ёз мавсумларида иш куни уртача 10-12 саот ва киш кунларида 7-8 саотни ташкил этади. Бу иш берувчиларға ишчилар сонини купайтирмаган ҳолда иш кунидан имкон кадар тулик фойдаланиш имкониятини яратади.

Иш ҳақи ставкасининг оширилиши ишчи кучини жалб этишнинг асосий омили булсада, лекин ушбу тадбирнинг узи кадрлар кунимсизлигини бартараф эта олмайди. Муносиб уй-жой ва маиший шарт-шароитларнинг яратилиши ишчиларнинг ушбу ҳудудларда узок муддатга қолиш қарорларига ижобий таъсир курсатади.

Ишчи ходимларнинг уй-жой эhtiёжларини қондириш муаммосига ёндашувлар фарқланади. Инженер-техник ходимлар, маъмурият ва юқори даражадаги хизматчилар учун тадбиркорлар уларнинг олимпги турар жой шароитларидан кам булмаган шароитларни яратиб беришади. худди шундай шарт-шароитлар узок муддатга кучиб келишға рози булган оилали ва ёш юқори малакали мутахассиларға таклиф этилади. Малакасиз ва паст малакали мавсумий ишчилар учун шароитлар узгача. Иш берувчилар шунингдек, ушбу меҳнат ресурслари муаммолари билан шуғулланадиган Канадалик тадқиқотчилар ҳам меҳнаткашларнинг бу тоифадагилари учун уй билан таъминлаш иқтисодий жиҳатдан узини оқламаслигини ва бу уларнинг иш жойида муқим жойлашишиш учун сабаб була олмаслиги туғрисида фикр билдирадилар. Бундай тоифадаги ишчилар учун умумий турар жойлар бино этилган.

Бундай ҳудудлардаги меҳнат ресурслари ва умуман олганда аҳолисининг узига хос хусусиятлари мавжуд булиб, улар ёш ва урта ёшли эркакларнинг куплиги. Аёллар, ёш болалар ва кексалар улушининг жуда пастлиги билан хусусиятланади. Мисол учун, Аляска штати аҳолисининг уртача ёши 2016 йилда 33,3 ёш булган булса АҚШ буйича уртача курсаткич 37,9 ёшни ташкил этган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup><https://www.statista.com/statistics/241494/median-age-of-the-us-population/>

АҚШ меҳнат бозорига хос булган хусусият ишчи кучининг юқори даражада мобиллиги (ҳаракатчанлиги)дир. Айнан ишчи кучининг мобиллиги урта ва узоқ муддатда ҳудуддаги турли хил иқтисодий ўзгаришларга тез мослашиш имконини ва ҳудудлар орасида тенгсизликнинг юмшатилишига асос булади<sup>1</sup>. Ички ва ташқи миграция ҳудудлар меҳнат бозоридаги мувозанатни таъминлови механизм сифатида юзага чиқади.

Хориж мамлакатларда меҳнат ресурсларини шакллантиришда узига хос яна бир жиҳати шундан иборатки, бутун дунёдан иқтидорли кадрларни жалб қилишдир. 1-жадвалдан маълум булишича АҚШ бутун дунёдан, жумладан Европа мамлакатларидан ҳам иқтидорларни жалб этишда мутлақ устунликка эга. Европа мамлакатлари олий маълумотга эга булган фуқароларнинг хорижга чиқиб кетиш даражасининг юқорилиги ҳукуматларни ташвишга солди. Европа давлатлари ҳам АҚШ тажрибасига таянган ҳолда иқтидорларни жалб этиш буйича таълим, фан ва технология иммиграцион сиёсатлари орқали турли тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳудуднинг рақобатбардошилиги иқтисодий жараёнларга бизнес ва аҳолининг жалб қилинганлик даражаси, шу билан бирга инсон салоҳиятни рўёбга чиқариш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларнинг яратилиши билан белгиланади.

2.5.-жадвал

**АҚШ, Канада ва Европанинг йирик 4 давлатида иқтидорларни жалб этиш ҳолати<sup>2</sup>**

	Хорижликлар орасида олий маълумотга эга булганлар улуши	Хорижда яшяётганлар орасида олий маълумотлилар улуши	Куп марта ҳавола келтирилган олимларнинг миграцион сальдоси
АҚШ	26.1	0.5	+23.4
Канада	38.0	4.9	0.0
Буюк Британия	34.8	16.7	-3.6
Германия	14.9	8.8	-1.7
Франция	18.1	3.9	+0.5
Италия	12.2	7.0	-1.6

<sup>1</sup> International Monetary Fund 2014, IMF Working Paper. Regional Labor Market Adjustments in the United States and Europe. Prepared by M. Dao, D. Furceri, P. Loungani <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2014/wp1426.pdf>

<sup>2</sup>Reiner, C. Brain competition policy as a new paradigm of regional policy: A European perspective. Papers in Regional Science, Volume 89 Number 2 June 2010. P. 449-462. P. 450.

[http://www.israel-braingain.org.il/uploads/attachments/6675/brain\\_policy\\_gain\\_in\\_europe\\_2010.pdf](http://www.israel-braingain.org.il/uploads/attachments/6675/brain_policy_gain_in_europe_2010.pdf)



Мамлакат микёсида у ёки бу худуднинг саноатини ва умуман олганда иқтисодиётини ривожлантириш асосан давлатнинг монополистик аралашуви асосида амалга оширилиб, ушбу худудларда инфратузилмани шакллантириш, хусусий капитални шунингдек меҳнат ресурсларини жалб этишга йуналтирилган узок муддатга мулжалланган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш асосида амалга оширилади.

#### **2.4. Айрим хорижий давлатлар ва Россия Федерациясининг меҳнат бозоридаги секторал узгаришларни тартибга солишга доир тажрибаси**

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқиш вақтида албатта эътиборга олинadиган муҳим омиллардан бири бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги ҳисобланади. Таъкидлашимиз лозимки, Россия Федерациясида ва дунёнинг бошқа давлатларида ишсиз деб бир канча ой давомида узига расмий равишда иш кидириб, таклиф тушса бир ҳафта мобайнида ишга киришишга тайёр булган фуқароларни эътироф этишади. Бирон бир сабабга кўра масалан, тушкунликка тушиб қолиб узига иш кидирмаганлар, ишсиз ҳисобланмайдилар, шунингдек бунда фақатгина меҳнатга лаёқатли булган фуқаролар, яъни иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли қатламигина эътиборга олинади. Халқаро стандартларга кўра иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли қатламини ҳисоблаш вақтида ҳар бир давлатда мезон сифатида белгилаб қуйилган ёш жиҳатидан минимал ва максимал кўрсаткичлар орасидаги кишилар ҳисобланади. Ёш цензи турли мамлакатларда турлича, масалан АҚШ, Буюк Британия ва Швецияда 16 – 74 ёшлилар, Японияда 15 – 65 ёшлилар, Швейцария ва Францияда 15 – 64 ёшлилар, РФда 15 – 72 ёшлилар меҳнатга лаёқатли ҳисобланади.

Хорижий иш тажрибасини ўрганиш вақтида биринчи навбатда, дунё мамлакатларида қўлланиладиган аҳолининг ижтимоий меҳнат билан бандлигига эришиш сиёсатининг назарий моделларини кўриб чиқиш керак. Ушбу моделларнинг қуйидаги тўртта асосийларини ажратиб кўрсатишади: Америка, Скандинавия, Европа ва Япония моделлари. Уларни батафсилроқ ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Аҳолининг бандлик даражасини оширишнинг *Америка моделида* нисбатан кам меҳнат унумдорлиги кутиладиган ҳамда нисбатан кам иш ҳақи тўланадиган иш ўринларининг сонини кўпайтиришга эътибор қаратилади. Мазкур моделнинг асосий ютуғи шуки, унинг амалда қўлланилиши мамлакатда ишсизликни қисқартиришга ва нисбатан паст даромад топадиган аҳолининг сонини оширишга имкон беради. Американча моделнинг фарқли жиҳати шуки, унинг асосидаги концептуал ғояга кўра ижтимоий бандлик ва расман ишсиз деб топилган фуқароларга давлат ёрдамини кўрсатиш масалаларини

тартибга солишга доир конун нормалари федерал миқёсда эмас балки ҳар бир штатда алоҳида қабул қилинади. Яъни, номарказлаштирилган принцип амал қилади. Америка ташкилотларида меҳнат муносабатлари қатъий қоидаларга асосан урнатиллади. Зарурат туғилганда, масалан, ишлаб чиқариш ҳажми қисқартирилганда, ишлаб турган ходимлар ҳеч қанақа муҳокамасиз ва оғоҳлантирилмасдан ишдан бушатиб юбориш мумкин. Шунга қарамай иш вақти узгармас булиб қолаверади. Ишдан бушатилиши ҳақида ишчиларни олдиндан эмас балки бевосита шундай қарор қабул қилинган вақтда хабардор қилишади. Жамоавий шартнома барча ишчилар билан эмас балки бир қисм ишчилар, одатда жами ишчиларнинг чорак қисми билан тузилади. Фирмада ходимларни ишга тайёрлаш масаласи билан махсус шуғулланилмайди, фақатгина узига хос тайёргарлиги булиши шарт ишчи уринларига олинадиганлар бундан мустасно. Бандлик соҳасидаги бундай сиёсат потенциал ишчилардан географик ва профессионал жиҳатдан юқори даражада мобиллик хусусиятини намоён қилишни талаб этади.

Аҳолининг бандлик даражасини оширишнинг *Скандинавча модели* оммавий бандликни асосан давлат секторида иш жойларини яратиш ҳисобига амалга ошириш имконини беради. Иш ҳақи ва меҳнат шaroитлари асосан уртача даражада белгиланади. Мазкур моделнинг эътиборли ютуғи — унинг кулланилиши пировард натижада мамлакатдаги ишсизликни минимал даражада сақлашга имкон беришади. Моделнинг фарқли жиҳати шуки, аҳолининг ижтимоий меҳнат билан бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий эътибори ишсизларга моддий ёрдам кўрсатишдан кўра унинг олди олинишига қаратилган булади.

Меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг ишга тулиқ жалб қилинганлиги қуйидаги чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳисобига эришилади:

- иш ҳақи ҳажмини ошириш соҳасида турли фирмалар ўртасидаги инфляцияга қарши самаралироқ тадбир қилишда рақобатчилик курашини мавжудлиги нисбатан кам даромадли компанияларга давлат ёрдамини бериб, юқори даромадли компанияларнинг узиш имкониятларини чегаралашга асосланган чекловчи фискал сиёсат юритилиши;

- иш ҳақини белгилаш соҳасида ўзига хос “бирдамлик” сиёсати амал қиладик, унга кўра фирмаларнинг молиявий ҳолати қандай булишидан қатъий назар уларнинг барчасида бир хилдаги меҳнатни бажарадиган ишчиларга бир хил иш ҳақи тўланиши талаб этилади;

- рақобатчилик имкониятлари нисбатан паст бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши (бу хилдаги бизнес эгаларига анча катта субсидиялар ажратилади).

Аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасини оширишнинг *Европача модели* учун меҳнат унумдорлиги ошиши билан ишчи ва ходимларнинг кискартирилиши ва ишлайдиган фуқароларнинг иш ҳақи даражасининг кутарилиши характерли булган хусусиятлардан ҳисобланади. Европа давлатларида ишсиз булиб қолган фуқароларга узок вақт давомида ижтимоий ёрдам олиб (давлат томонидан анча юқори даражали ёрдам пуллари берилади) узига муносиб (мақбул) келадиган иш топишга ҳаракат қилиши учун ҳам инфорацион ҳамда ҳуқуқий имконлар мавжуд. Бу айниқса, Ғарбий Европанинг иктисодий ривожланган давлатлари учун хос булган моделдир.

Аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасини баланд сақлаб туришнинг *японча моделига* кура ишчи-ходимлар умрбод ишга ёлланадилар, иш ҳақининг миқдори меҳнат стажи ва ёшга қараб белгиланади. Бундай сиёсат доимий иш билан банд булган ишчиларни 55-60 ёшигача меҳнат билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлайди. Ишчиларнинг хизмат поғоналаридан кутарилиши аввалдан тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширилади. Бунда ишчилар махсус малака ошириш курсларида таълим олиши кўзда тутилади. Бундай тактика ишчилар томонидан мақбул топилади. Ишчилар уларга нисбатан курсатилган ишонч ва мурувват эвазига фирмасига садоқатли булиб, уз меҳнат вазифаларини сидкидилдан бажаришга ҳаракат қилишади. Япон фирмаларининг ишчиларда фирманинг обрусини оширишга булган иштиёқ, ички (корпоратив) ватанпарварлик ҳисси кучли булади. Ишлаб чиқариш ҳажмини кискартиришга эҳтиёж туғилса, вужудга келган муаммо ишчилар сонини кискартириш ҳисобига эмас балки, иш соатини кискартириш ҳисобига ҳал этилади.

Россия Федерациясида ижтимоий бандлик сиёсати илғор хориж иш тажрибасини узлаштириш ва уларни маҳаллий хусусиятлар (бу ҳақда кейинроқ фикр юритилади - муаллиф) билан уйғун бирлаштириш асосида олиб борилади. Дунёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли уларок, РФда ижтимоий бандликка оид иккита асосий тушунча мавжуд: расмий равишда қайд этилган ва фактик (аник) ишсизлик.

Расмий равишда қайд этилган ишсизлик деганда, давлат бандлик хизмати тизимидаги муассасаларда руйхатга олинган ва иш кидираётган ишсиз фуқаролар сони эътиборга олинади. Аналитика агентликларининг берган маълумотларига қараганда, расмий равишда қайд этилган ишсизларнинг умумий сони фактик ишсизларникидан 3,5 баробар кам. Бундай тафовут куйидагилар билан изоҳланиши мумкин, РФда ишсизлик буйича нафақанинг миқдори 850 рубльдан 4900 рубльгача деб белгиланган. Статистик маълумотларга кура, ишсизлик буйича нафақанинг уртача миқдори 4200 рубльга тенг. Шу сабабдан ҳам

ишсиз фуқароларнинг аксарият қисми ўз ҳуқуқий ҳолати (мавқеи)ни расмийлаштиришга шоярқилмайдилар. Бошқа дунё мамлакатларида бундай ҳолат кузатилмайди, шунинг учун фактик ва расмий равишда қайд этилган ишсизлик курсаткичлари уртасида тафовут йук.

Етакчи дунё давлатларида ишсизлик юзасидан бериладиган нафақаларнинг умумий эквивалент сифатида РФнинг пул бирлиги рубльга айлантириб олинган миқдорларини узаро таққослаб курамиз. Масалан, АҚШда ишсизлик нафақаси 30 000 рублни, Японияда 72 000 рублни, Европа иттифоқига кирувчи давлатларда уртача ишсизлик нафақаси 14 400 рублдан 75000 рублгача. Бундан кўриниб турибдики, ишсизлик нафақасининг миқдори давлат бандлик хизматига иш топишга ёрдам беришни сураб мурожаат қилиш учун асос (туртки) бўлиб хизмат қилмайди. Бундан ташқари, тадқиқотларни амалга оширган олимларнинг эътироф этишича, россиялик ишсизларнинг узига хос хусусияти шуки, улар аксарият ҳолатларда иш қидириб қариндош уруғлари ва танишларига мурожаат қилишни (59,5%) ёки булмаса, интернет орқали иш излашни (29,8%) мақбул топишади.

Ишсизлик статуси ҳар бир давлатда муайян шарт-шароитлардагина бериледи, айрим давлатларда ишсизларга қандайдир имтиёзлар берилиши мумкин. Масалан, АҚШда қайси бир штат фуқароси эканлигига қараб ишсиз қолган одам нафақа олиши учун бир қатор шартларга риоя қилиш зарур. Бу шартлар жумласида ишсизлик статусини олгунига қадар у одам маълум бир жойда 6-12 ой давомида ишлаб уртача миқдорда 600 – 3786 АҚШ доллари миқдорида маош олган, ишдан бушаш сабаб(лар)и ҳам маҳаллий қонунларда белгиланган талаблар даражасида бўлиши лозим. Жумладан олганда, меҳнат интизомини бузгани, корхона раҳбар(лар)ининг топшириқларини бажара олмагани учун бушатирилган ишчилар ишсизлик нафақасини олишга даъво қила олмайдилар. Бундан ташқари, нафақа олишга даъво қилувчи фуқаро ҳар бир штатнинг қонунчилигида қайд этилган соҳаларда ишлаган бўлиши керак. АҚШда ишсизлик статусига эга бўлган фуқаро ҳар ҳафта давомида фаол равишда иш қидиришга уринганини исботлаши шарт. Аксарият штатларда ишсизлик нафақаси 6,5 ой давомида туланади, бундан ташқари, АҚШ фуқаросида аввал иш берувчи томонидан бадаллар туланган, тиббий хизматлардан фойдаланишга ҳуқуқ берувчи суғурта полиси 1,5 йил давомида сақланиб қолади. Бу имтиёз анча аҳамиятлидир, чунки АҚШ суғурта полиси дунё давлатлари орасида энг қимматларидан саналади. Ишсиз қолган фуқаролар тиббий суғурта полиси булмаса, хизматлар учун ўз ҳисобидан пул тулашга мажбур бўлишади.

Европа иттифоқига аъзо бўлган давлатларда ишсизлик нафақасининг миқдори ва туланиш муддатлари турлича. Нафақалар 2

йил муддатгача туланиши, шундан кейин ҳам иш топа олмаса ишсизлик статусига эга булган фуқаро фақат нафақанинг минимал ҳажмидаги маблағларга умид қилиши мумкин. Бундан ташқари, Европа илтифокига аъзо булган давлатларда ишсизларга коммунал хизматлар, уй-жойнинг ижараси учун туловларга зарур пуллар ҳам берилади. Санаб утилган имтиёзлардан ташқари ишсизликдан суғурталаш полиси ҳам амал қилади.

Японияда меҳнат бозоридаги ижтимоий ҳимоялаш сиёсати бошқа дунё мамлакатлариникидан фарқланади. Узоқ вақт давомида меҳнат бозорининг функционал фаолиятини тартибга солиш билан фақатгина давлат бандлик марказларигина шуғулланиб келган. 1980 йилларнинг охирида бандлик марказлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмасдан қолганидан сунг бу соҳага хусусий компаниялар ҳам кириб келди. Улар маҳаллий қонунчилик талаблари доирасида ишчилар ва иш берувчилар уртасида воситачилик қила бошлади. Ҳозирги вақтга келиб Япониянинг меҳнат бозоридаги вазият узига хослиги билан ажралиб турибди, чунки маҳаллий компаниялар ишчиларни ёллаб сунгра уларни лизинг асосида бошқа компанияларга топширишмоқда. Шу тариқа ёлланма ишчи компанияда меҳнат фаолиятини бошлайди.

Япония қонунчилигида ишсизлик нафақасидан бошқа ҳеч қандай туловлар ёки ижтимоий имтиёзлар назарда тутилмаган.

Россия Федерациясида ишсизлик статусига эга булмоқчи булган киши айна вақтда у ҳеч қасрда ишламаслигини, аммо иш қидираётганини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Бордию, фуқарога ишсизлик статуси берилса, у ҳар икки ҳафтада мутасадди давлат органлари томонидан бериладиган фуқаронинг ҳануз иш тополмаганини тасдиқловчи ҳужжатларни курсатиши керак. Ишсиз сифатида ижтимоий бандлик хизматида руйхатда туришнинг афзал жиҳати шундаки, вақтинча ишсиз булиб қолган фуқаронинг узлуксиз иш стажи узилмайди. Бу келгусида пенсия тайинланишида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий бандлик хизматида руйхатда турган фуқаро касбий таълим ва касбга йуналтирувчи курсларда ўқишга, муайян ҳақ туланадиган ижтимоий фойдали ишларда қатнашишга, малакали психологик ёрдам олишга ва ижтимоий сиёсат дастури доирасида амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларга умид қилиши мумкин.

Россияда ишсизлик нафақаси яшаш учун зарур минимал иш ҳақидан паст даражада булгани боис ишсизлик статусига эга булган фуқаро кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам дастурига мувофиқ коммунал туловларни амалга ошириш учун бериладиган субсидиялардан фойдаланиш ҳуқуқини қулга киритади. Таъқиқот ўтказган мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу субсидияларни олиш

бирмунча мушкул, чунки бундай субсидияни олишга даъвогар булган фуқаронинг уртача ойлик маоши охирги 6 ой давомида яшаш учун зарур минимал иш ҳақидан паст даражада булгани қайд этилиши керак. Бу деган суз, субсидия 3-6 ойдан кейингина, фуқаронинг охирги иш жойида берилган иш ҳақи даражасини эътиборга олиб тайинланади.

Миллий хусусиятлардан яна бири ишсизларнинг уртача ёши ҳисобланади. 2013 йилнинг охирига келиб РФда ишсизларнинг уртача ёши 35.2, АҚШда 39, Японияда 37.1 ёшни ташкил қилган. Россияда ишсизларнинг уртача ёши нисбатан паст даражада булишининг сабаби иш берувчилар тажрибасиз ёшларни ишга қабул қилишни истамаслигида. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бу хилдаги тенденция кузатилмайди, аксинча у ерда ёшларни олий таълим олиш жараёнидан бошлаб касбга тайёрлашга ҳаракат қилишади. АҚШ, Европа мамлакатлари ва Японияда олийгоҳни битирувчилар дипломини қўлга олиш вақтидаёқ ишга таклиф қилинадилар.

Россия Федерациясида ишсиз қолган киши узига янги иш топиши учун уртача 5-7 ой, АҚШда 4 ой талаб этилади. Бунинг сабабини фақатгина ишсиз қолган фуқароларнинг янги иш топишга (мутасадди давлат органларида руйхатга туришга) булган иштиёқи пастлиги билангина изоҳлаб булмайди. Бу муаммонинг негизида иш берувчиларнинг давлат бандлик хизматлари билан яқиндан алоқа қилишга қизиқиши йўқлиги ҳам ётибди. Аксарият иш берувчилар вакант иш жойлари ҳақидаги маълумотларни интернет тармоғи орқали эълон қилишни афзал кўришади. Шундай қилиб, ишсизлик буйича нафақа миқдори ва ишсизларга бериладиган имтиёзларнинг озлиги, мутасадди давлат органларида ишсизларни руйхатга олиш ва ишсиз деган статусни тасдиқлаш тизимининг номукамаллиги Россияда аҳолининг бандлик хизматининг обрусини оширмайди. Асосан шунинг учун ишсиз қолган фуқаролар ҳам, иш берувчилар ҳам бандлик хизматига мурожаат қилишни унча хуш кўрмайдилар. Иш ёки ишчиларни қидиришга туғри келганида ҳар икки томон рекрутинг билан шуғулланувчи агентликлар билан алоқа урнатишни афзал топишади. РФда расмий равишда ишсизлик статусининг берилишидан манфаатдорлик уйғотиши мумкин булган ягона сабаб бу узлуксиз иш стажининг сақлаб қолиш имкониятидир.

РФда тадқиқот утказган олимларнинг таъкидлашича, мамлакатда ишсизлик билан боғлиқ вазият ҳақида давлат статистика қўмитасининг агентликлари реал маълумотларни олиши учун бандлик хизмати тизимининг статусини ошириш, қўнучилик тизимини такомиллаштириш, хусусий рекрутинг фирмаларининг фаолиятини чеклаш зарур булади.

Россия Федерациясида аҳолининг ижтимоий бандлик соҳасидаги узига хос миллий хусусиятларнинг намоён булишини урганиш вақтида тадқиқот ўтказган олимлар реал воқеликнинг тавсифловчи янги бир қиррани очдилар. Мазкур феноменни изоҳлаш учун улар “норасмий бандлик” деган тушунчадан фойдаланишди. Таъкидлаш лозимки, хорижий давлатлардан фарқли улароқ Россияда норасмий равишда иш билан банд бўлган кишиларнинг салмоғи жуда катта. Бу мамлакатда норасмий иқтисодиёт тизими мавжудлигидан далолат беради. 2005 йилда РФда норасмий иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 40% га яқин эди, 2013 йилда бу курсаткич 16,5% ни ташкил қилган. Норасмий иқтисодиётнинг таъсири анчагина камайгани кузатилса ҳамки барибир мазкур курсаткич ҳануз анча юқори бўлиб қолмоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда норасмий иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши минимал даражада сақланади. Италиядаги вазият бундан истисно, бу мамлакатда норасмий иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 10% ни ташкил қилади. Норасмий иқтисодиётнинг таъсири минимал даражада бўлгани боис у мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир курсатмайди.

Россияда норасмий иқтисодиётнинг таъсирини акс эттирувчи статистик маълумотлар нисбатан яқин даврда тупланадиган бўлди. Олинган маълумотлар мамлакатда норасмий бандлик пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омилларни англашга имкон беради.

Россия миграция агентлиги томонидан берилган маълумотларга қараганда, 2000 йиллардан бошлаб Россиядаги норасмий бандликнинг 70% шартнома тузилмасдан бажариладиган қўшимча ишлар ҳисобига шаклланади. Қолган қисми эса ҳаёт учун зарур маблағларни фақатгина норасмий равишда бажариладиган ишлардан даромад оладиган одамлар ҳисобига таркиб топади.

Эксперт ва аналитиклар берган маълумотларга қараганда, РФда норасмий бандлик куйидаги уч сегментга ажратилиши мумкин: бирламчи норасмий бандлик — асосий даромад меҳнат фаолияти натижасида олинади, маориф, соғлиқни сақлаш, кийим-кечак тикиш, маркетинг, хизматлар курсатиш, савдо-сотик соҳаларида пайдо бўлиши мумкин; биргина тасодифий норасмий бандлик — одатда бундай бандликда пенсионерлар, талабалар катнашиб, бир маротабалик даромад олиш имкони туғилади; иккиламчи норасмий бандлик — бундай фаолият билан асосан меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли бирламчи норасмий бандлик сегментида бўлгани каби мунтазам равишда эмас гоҳ-гоҳида шуғулланишади.

Норасмий бандликда, ҳар қандай воқелик негизида бўлгани каби, фуқаролар, корхоналар, қолаверса бутун иқтисодиёт учун ижобий ҳам салбий томонлари мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, нима

булганида ҳам Россияда норасмий бандликнинг ҳажмини камайтириш зарур, чунки унинг улуши ва демакки, амалдаги қонунчилик нормалари ёрдамида тартибга солинмайдиган норасмий иқтисодийнинг улуши ҳам жуда юқори. Бунинг учун амалдаги солиқ тизимини ва давлат сиёсатини такомиллаштириш керак. Норасмий иқтисодий билан курашишда хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини ўзлаштириш ва уринли куллаш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг аксариятида норасмий иқтисодий минимал даражада фаоллик курсатади ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга кучли таъсир ўтказмайди.

Россиялик мутахассисларнинг эътирофи этишича, мамлакатнинг ҳозирги тараққиёт босқичида қонун нормаларини такомиллаштириш асосида давлат бандлик хизматларининг статусини ошириш, хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини урганиб чиқиб хусусий рекрутинг агентликларининг фаолиятини чегаралаш, ва аксинча давлат бандлик хизматларининг иш фаолиятини рағбатлантириш чораларини куриб янада ривожлантириш зарур. Давлат бандлик хизматларининг фуқаролар назаридаги нуфузини ошириш учун ишсизлик нафақасининг миқдорини рационал равишда нисбатан ошириш зарур, агарда ишсизлик нафақасининг миқдори кескин оширилса, у ҳолда ишсизлар онгли равишда жорий статусидан воз кечишни, иш топишни умуман истамай қуйиши мумкин.

Давлат миқёсида ижтимоий бандлик сиёсатини ишлаб чиқиш вақтида илғор хорижий иш тажрибасини ҳар томонлама урганиб чиқиб таҳлил қилиш жуда муҳим, бироқ уларнинг тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштириш эмас, балки маҳаллий шарт-шароитларга мослаштириш мумкин булган жиҳатларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.



## III БОБ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

### 3.1. Миллий иқтисодиётда меҳнат ресурслари шаклланишининг таҳлили

Меҳнат ресурслари ҳар қандай давлат, минтақа, ташкилот ресурс салоҳиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида жамият уз ривожланишининг жорий босқичида эгалик қилган меҳнат заҳираси, ҳамда уларни такрор барпо булиш жараёнида содир буладиган муносабатларни ифодалайди<sup>1</sup>.

Шуни айтиб утиш керакки, меҳнат ресурслари узининг ягона механизм сифатида фаолият юритиши учун маълум бир шаклда узига хос бир ижтимоий-иқтисодий муҳитни шакллантиради. Узига хос кадрият ва вазифаларга эга булган инсонлар ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида узларини аниқ меҳнат натижаларига эришишга йуналтирадилар.

Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шаклига утиш шароитида инсон омилининг ёки уз навбатида меҳнат ресурсларининг аҳамияти ошиб бораётган пайтда қуйидаги муаммолар юзага чикмоқда:

Мавжуд меҳнат ресурсларидан имкон қадар тулик қувватда фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий жараёнларга жалб қилинишини ошириш;

Меҳнат ресурсларининг сифат жиҳатларини шакллантиришда миллий ёки минтақавий иқтисодиёт эҳтиёжларига мос келмайдиган билим, малака, куникмаларни шакллантиришда уз аксини топувчи меҳнат ресурсларини профессионал тайёрлашнинг самарасизлигига йул қуймаслик.

Юқоридаги бўлимларда кўриб чикканимиздек, меҳнат ресурслари шаклланишининг миқдор курсаткичлари биринчи навбатда демографик омиллар, яъни доимий аҳоли сони, унинг ёш-жинс таркиби, шунингдек мамлакатда шаклланган табиий такрор барпо булиш режими билан белгиланади.

Бундан келиб чикқан ҳолда, меҳнат ресурслари шаклланишининг тенденцияларини аниқлаш учун, уз навбатида жамият демографик ривожланишидаги узгаришларни уз вақтида аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Демографик жараёнлар маълум бир маънода жамият ривожланишини белгилаб берувчи асосий унсур булиб, аҳолининг такрор барпо булишини

<sup>1</sup> Ахметова Ф.Н., Ноговицкая А.В., Симонин П.В. Анализ и прогнозирование количественных показателей формирования трудовых ресурсов в Ивановской области // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №2 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/157EYN315.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. DOI: 10.15862/157EYN315

таъминлайди. Аҳоли такрор барпо булиши жараёни давомида бир неча хил йул билан ҳаракатланади. Биринчиси, табиий ҳаракатланиш (туғилиш ва улим натижасида), иккинчиси, механик ҳаракатланиш (аҳолининг ҳудудий ҳаракатланиши, яъни миграция) ва кейингиси ижтимоий ҳаракатланиши (ижтимоий мавқеидаги узгаришлар).

Меҳнат ресурсларининг ҳаракатланишига ҳам турли омиллар — демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқалар таъсир курсатади.

Жаҳонда руй бераётган демографик узгаришлар Ўзбекистонга ҳам уз таъсирини утказмай қолмайди. З.Н.Тожиеванинг фикрича, мамлакатимиз бозор муносабатларига утиш билан бирга демографик утиш жараёнини ҳам бошдан кечирди. Шунингдек, утиш даврини бошдан кечираётган давлатлар аҳолисининг репродуктив майлидаги узгаришлар нафақат фарзандлар сонининг қисқариши, балки уларнинг сифат курсаткичларининг ижобий томонга узгаришига олиб келишини, таъкидлаб утади<sup>1</sup>.

Республикада ҳам демографик вазият узгараётган булсада, бутунги кунга келиб у айнан демографик жиҳатдан энг оптимал ҳолатни эгаллаган. Демограф олимларнинг фикрича, мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш ва ижтимоий ривожлантириш, ҳамда иқтисодиёт тармоқларида муваффақиятли таркибий узгаришлар натижаси сифатида собиқ Иттифок давридан бутунлай фарқ қиладиган демографик вазият шаклланди<sup>2</sup>.

Республиканинг ривожланиш стратегиясини амалга оширишда унинг барча омилларини, жумладан, меҳнат ресурсларининг сифатини оширишга таъсир этувчи омилларни максимал тарзда сафарбар этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай манбалар сифатида биринчи навбатда меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик жиҳатлари назарда гутилади. Мамлакатнинг демографик салоҳияти уни иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига олиб чикувчи имкониятга айланиши мумкин. Ушбу нуктаи назардан Ўзбекистон жуда улкан салоҳият ва имкониятга эгадир. Маълумки, Ўзбекистон аҳоли сони ва зичлиги буйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ва жаҳонда аҳоли сони буйича етакчи 50 та давлат орасидан жой эгаллаган. “Кучли ижтимоий ҳимоя” асосий тамойиллардан бири бўлиб белгиланган бозор муносабатларига утишнинг “ўзбек модели” ҳам мамлакатимизнинг узига хос демографик ва миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Статистик маълумотларнинг таҳлили 25 йил давомида Ўзбекистон аҳолиси 1,5 баробардан ортиқ ўсганини курсатмоқда. Россия Фанлар


<sup>1</sup> Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). — Т.: “Фан ва технология”, 2010, 16-б.  
<sup>2</sup> Убайдуллаева Р.А. Демографическое развитие Узбекистана в годы независимости. // Демографическое развитие республики Узбекистана в годы независимости. Докл. респ. научно-практ. конф. — Т., 2011. С.11.

Академияси Инсон демографияси ва экологияси марказининг прогнозларига қараганда, Ўзбекистон МДХнинг аҳолиси усиб борувчи мамлакатлари гуруҳига тааллуқли булиб (ундан ташқари бу гуруҳга Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон киради), 2050 йилга келиб аҳолиси 32,1 млн.дан 50,9 млн. кишигача егиши мумкин. БМТ мутахассислари ҳам шунга яқин рақамларни келтиришади, 2025 йилда 33,3млн.киши ва 2050 йилга келиб 40,6 млн.кишини ташкил этади. Ўзбекистон иқтисодий тадқиқотлар Маркази экспертларининг ҳисоб китобларига қараганда 2050 йилга келиб, Ўзбекистон аҳолиси 43,9млн. кишини ташкил этади.

Мустақиллик йиллари давомида (1991–2016 йилларда) Ўзбекистон аҳолиси сони 10,9 млн кишига кўпайган булиб, 2017 йил январь ҳолатига 32,1 млн кишини ташкил этган. Сунгги йилларда аҳолининг уртача йиллик ўсиш суръати уртача 1,6-1,7%ни ташкил этди. Статистик маълумотларнинг курсатишича, сунгги 10 йил давомида аҳолининг ўсиш суръатлари ундан олдинги даврга қараганда бироз ошган, қиёс учун 2001-2006 йиллар давомида аҳолининг уртача йиллик ўсиш суръатлари 1,2 % атрофида булган. Бунинг асосий сабаби, туғилиш даражаси энг юқори булган 1980–1990 йиллар оралиғида туғилганларнинг репродуктив даврга кириб келиши билан изоҳланади.

Худди шу давр мобайнида яъни 1991-2016 йиллар давомида республикада меҳнат ресурслари сони 8,2 млн кишига кўпайган булиб, сал кам икки баробарга ошган. Шунини айтиб ўтиш керакки, меҳнат ресурсларига кириб келувчилар сони бевосита 15-16 йил илгари мамлакатдаги туғилиш даражаси билан белгиланади. Республикада меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатининг энг юқори курсаткичлари 2000-2011 йиллар оралиғига туғри келиб, уртача йилига 3%ни ташкил этган. Бу мос даврдаги доимий аҳоли сони кўпайиш суръатларидан 2,5 баробар юқори булган. 2012 йилдан бошлаб меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати сезиларли равишда пасайиб, уртача йиллик 1,4 % суръат билан кўпаймоқда (3.1-расм). Сунгги йилларда ушбу курсаткичнинг бундай пасайиши 1996 йилдан бошлаб туғилиш курсаткичларининг абсолют қийматининг давомий равишда пасайиши (2003 йилда туғилганлар сони энг қуйи курсаткични ташкил этиб, 508 457 кишини ташкил этди), шунингдек меҳнатга лаёқатли ёш гуруҳидан чиқиб кетаётган аҳоли абсолют миқдорининг нисбатан кўпайганлиги билан изоҳланади.

Бизнинг ҳисоб китобларимизга қараганда, республикада меҳнат ресурслари кўпайишининг ушбу суръатлари 2028 йилларгача давом этиб, ундан кейин яна бир оз ошиши кутилади.



\*) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги 71-сонли Қарори асосида утказилган танлама статистик кузатуви бўйича

### 3.1.-расм. Ўзбекистонда 2000-2015 йиллар оралиғида доимий аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг узгариши<sup>1</sup>

Ўзбекистон республикасининг демографик ривожланиши ва меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий категорияларининг уртача йиллик кўрсаткичлари динамикаси қуйидаги 1-жадвалда келтирилган. Ундан маълум бўлишича, республикада меҳнат ресурсларининг шаклланишида аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичининг (маълум бир давр мобайнида тугилган туғилган ва улган кишилар орасидаги фарк) ҳиссаси юқоридир. Статистик маълумотлар мамлакатда табиий ўсиш аҳоли сони ва ўз навбатида меҳнат ресурсларининг шаклланишида еткази омил сифатида юзага чиқишини кўрсатмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, аксарият ривожланган давлатларда анча вақтдан бери табиий ўсиш меҳнат ресурсларини шакллантиришда еткази омил сифатидаги ўрнини бой берган. Ушбу давлатларда аҳолининг табиий ҳаракатидан кўра, механик ҳаракати меҳнат ресурсларини шакллантиришдаги ўрни ошмоқда.

Маълумки, меҳнат ресурслари шаклланишида табиий ўсиш кўрсаткичлари билан биргаликда миграция жараёнлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Статистик маълумотларга қараганда (3.1-жадвал) сўнгги йилларда Ўзбекистонда миграция сальдосининг пасайиб бориши кузатишмоқда. 90- йилларда аҳоли миграциясининг асосий қисми этник хусусиятга эга бўлиб, иттифоқ парчаланиши натижасида бошқа миллат вакиллариининг ўз она-юртларига қайтиб кетиши билан изоҳланади. Бу Ўзбекистон халқининг миллий таркибидаги катта ўзгаришларга сабаб

<sup>1</sup>ЎзР Давлат статистика маълумотлари асосида тузилган.

булди. 1989 йилдаги аҳолини руйхатдан утказиш натижаларига нисбатан 2003 йилда республикада яшовчи рус миллати 600 минг киши нафар (1,6 марта), украиналиклар 56 минг кишига (1,6 марта) ва татарлар 381 минг кишига (2,4 марта) камайган<sup>1</sup>. Грек, курд, грузин, озарбайжон миллат вакиллари деярли қолмаган. Аҳолининг этник жиҳатдан таркибининг узгариши ҳам уз вақтида республикада меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва сифатида уз таъсирини курсатмай қолмади.

Сунгги йилларда миграция жараёнларига хос булган хусусият унинг асосий қисми меҳнат миграциясига хослигидир. Лекин шуни айтиб утиш керакки, 1-жадвалда келтирилган давлат статистикасининг расмий маълумотлари курсатишича, сунгги йилларда миграция сальдоси манфий булиб, йилига уртача 35 минг кишини ташкил этди. Бу миқдор умумий меҳнат ресурслари таркибида 0,16%ни ташкил этиб, сезиларли таъсир курсатмайди.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида меҳнат ресурслари таркибида иқтисодиётда банд булган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳоли улуши камайиб бораётганини куриш мумкин. Биргина 1998 -2000 йилларда бу курсаткич икки баробардан ортиқ камайган булса, 2000-2015 йиллар давомида яна 2,8 мартага пасайган. Меҳнат ресурслари таркибида ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳоли улуши камайиб бориш тенденцияси икки хил ҳолат билан тушунтириш мумкин.

Биринчидан, республикада дунёнинг ҳеч бир мамлақатида учрамайдиган узига хос “9+3” схемаси тарзида фаолият юритувчи миллий таълим тизимининг жорий этилиши. 2007 йилдан бошлаб мамлакатда 12 йиллик умумий мажбурий, бепул таълим тизимига тўлиқ утилиши натижасида 16 ёшгача ёш гуруҳидаги ўсмирларнинг таълим тизимига тўлиқ жалб этилиши натижасида уларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигини кескин равишда чекланди.

Иккинчидан, иқтисодиётда банд булган пенсионерларга иш ҳақи ва пенсия тўлаш тартибига ўзгартиришлар киритилиши, яъни қонун ва ҳужжатларда курсатилган тоифалардан ташқари барча ишлайдиган пенсионерларга уларга тайинланган пенсияларининг 50 фоиз миқдорида пенсиялар тўланиши каби тартибларнинг жорий этилиши пенсионерларнинг меҳнат ресурслари таркибидаги улушининг пасайишига туртки бўлди.

Шуни айтиб утиш керакки, мамлакатда турмуш фаровонлиги даражасининг ортиши, оила уртача даромадларининг кўпайиши ҳам меҳнат ресурслари таркибида иқтисодиёт тармоқларида банд булган

<sup>1</sup>Максакова Л.П. Современная миграционная ситуация в Республике Узбекистан. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т., 2007. С.23.

усмир ва пенсионерлар улушининг камайишининг муҳим омили сифатида юзага чиқади.

### 3.1-жадвал

#### Ўзбекистон республикасида меҳнат ресурсларининг шаклланишини белгиловчи кўрсаткичлар динамикаси<sup>1</sup>

Кўрсаткич номи	Йиллар					2016 йилда 2000 йилга нисбатан узгарिश	
	2000	2005	2010	2015	2016	+,-	%
Ўқимий аҳоли сони (йил бошига, минг киши)	24487,7	26021,3	28001,4	31022,5	32120,5	7632,8	131,1
Ўқилганлар сони, минг киши	527,5	533,5	634,8	734,1	726,2	198,7	137,6
Ўлганлар сони, минг киши	135,6	140,6	138,4	152,0	154,8	19,2	,2
Табийий усиш, минг киши	391,9	392,9	496,4	582,1	571,4	179,5	145,8
Миграцион усиш, минг киши	-66,6	-101,6	-44,1	-29,3	-26,2	-40,4	40
Меҳнат ресурслари сони, минг киши	12469	14453,2	16726	18276,1	18492,6	6023,6	148,3
Ўқимий аҳолига нисбатан, %	50,6	55,2	58,6	58,4	57,6	7	-
<b>Ундан:</b>							
меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	12245,4	14263,7	16533,9	18167,7	18379,4	6133,9	150,1
Ўқимий аҳолига нисбатан фоизда	49,7	54,5	57,9	58	57,2	7,5	-
меҳнат ресурсларига нисбатан фоизда	98,2	98,7	98,9	99,4	99,4	1,2	-
Иқтисодийда банд бўлган усмирлар ва катта ёшдаги аҳоли	216,9	129,7	192,1	108,4	113,2	-103,7	52,2
Ўқимий аҳолига нисбатан фоизда	0,9	0,5	0,7	0,4	0,4	-0,5	-
меҳнат ресурсларига нисбатан фоизда	1,7	0,9	1,1	0,6	0,6	-1,1	-
Иқтисодий фаол аҳоли сони	9018,4	10224	12286,6	13767,7	14022,4	5004	155,5
Жумладан, иқтисодийда бандлар	8983	10196,3	11628,4	13058,3	13298,4	4315,4	148,0

<sup>1</sup> Ушр Давлат статистика қўмитасининг "Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик" 2002, 2005, 2007, 2009, 2013, 2016 йиллар учун статистик тупламлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакат меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг навбатдаги демографик жиҳати бу аҳолининг ёш таркиби ҳисобланади. Аҳолининг ёш таркиби мамлакат аҳоли сифатини курсатувчи курсаткичлар сарасига кирсада, мамлакат меҳнат ресурс миқдорига таъсир курсатувчи омиллар каторидан жой эгаллайди. Ушбу жиҳатдан статистик маълумотларнинг таҳлили республикада кескин иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган салоҳиятдаги аҳоли структураси шаклланишини курсатади. Меҳнат қилиш ёшидаги аҳолининг ҳиссаси секин-аста ўсиб бориши, меҳнат қилиш ёшидан катта бўлган аҳоли улушининг шартли равишда бир меъёрга сақланиб туриши, турли ёш гуруҳлари орасидаги нисбатнинг мавжуд ҳолати меҳнат юки (демографик юк)ни камайтириб иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қулай шароит яратади (3.2-расм). 1991 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига бўлган демографик юк 1,02:1 нисбатда бўлган бўлса, 2015 йилда 0,62:1 ни ташкил этди. Бу демографик юк деярли икки баробарга пасайганини курсатади.


Бу ҳолатни демографлар “демографик дивиденд” деб таърифлаб, ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қулай имконият сифатида баҳолашади. Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари оқилона таълим ва бандлик сиёсатларини уйғуликда олиб бориш ҳисобига демографик дивиденддан самарали фойдаланган давлатлар каторидан жой эгаллаган. Ўтган асрнинг ўрталарида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш учун шаклланган демографик дивиденддан самарали фойдалана олмаган мамлакатлар тажрибасига Лотин Америка давлатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Одатда имкониятларнинг демографик дарчаси 30-40 йил мобайнида давом этиб, Европа мамлакатлари учун “демографик дарча” тўлиқ ёпилган. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам шаклланган “демографик дивиденд”дан қанчалик самарали фойдалана олиш даражаси кўп жиҳатдан унинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини белгилаб беради.

Фикримизча, мамлакатда шаклланган қулай демографик вазиятдан, ҳамда меҳнат ресурсларидан иқтисодий қийматни яратишда самарали ва оқилона фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- истиқболда меҳнат ресурслари шаклланишини белгилаб берувчи туғилишнинг жорий даражасини ҳеч бўлмаганда ҳозирги даражада сақлаб туриш мақсадида ижтимоий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш;
- яқин истиқболда қариялар улушининг ошишини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсия тизимини янада такомиллаштириш, уларни меҳнат бозорига жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш даркор;

- шаклланган “демографик дивиденд”дан вақтида самарали фойдаланиб қолиш мақсадида таълим ва бандлик сиёсатларини мувофиқлаштириш;

- таълимнинг барча босқичларида сифатини ошириш ва уни баҳоловчи мезонларни ишлаб чиқиш.



3.2-расм. Аҳолининг ёш таркиби (йил бошига, %да)

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

\* муаллиф томонидан амалга оширилган прогноз натижалари

### 3.2. Тармоқлар кесимида меънат ресурслари баланслашганлик даражасининг таҳлили

Соҳаларнинг меънат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини таҳлил этишнинг асосий мақсади аҳолининг меънат билан бандлик даражасини баҳолаш ва меънат бозорининг ҳудуддаги



ҳолатининг аҳолининг бандлик тузилмасининг самарадорлини баҳолаш, меҳнат ресурслари ва иш жойларининг мувозанатини баҳолаш, мажбурий ишсизлик даражасини ва меҳнат билан фаол банд булмаган, иш ахтариб юрган шахсларнинг малакавий таркибини аниқлаш учун амалга оширилади.

Меҳнат ресурсларининг баланслаштирилганлигини ифодаловчи асосий курсаткичлар ҳудудда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражасини ва ҳудудий меҳнат бозори фаолияти йуналишларини таснифлаб берувчи ва қуйидаги вазифаларни бажарувчи иктисодий категория ҳисобланади:

1) Ҳудудда фаолият курсатаётган ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларига тақсимланган меҳнат ресурсларининг миқдорини белгилайди;

2) Миллий иктисодиётнинг соҳаларида иш билан банд булганларининг ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳалари ва алоҳида буғинларида (секторларида) банд булган меҳнат ресурсларининг миқдорини белгилайди;

3) Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар орасида меҳнат билан банд булмаганларнинг миқдорини аниқлайди;

4) Ноиложликдан ишсизлар қаторига қўшилганлар сони, иш билан банд булмаган шахсларнинг малакавий таркиби, ишга эҳтиёжи бор, меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган ва пенсия ёшига етганлардан иборат;

5) Янги ташкил қилинган иш жойлар, вакант (буш) лавозимлар миқдорини аниқлаштиради.

Юқорида қайд этилган аҳолининг бандлик даражасини ва маҳаллий меҳнат бозоридаги мавжуд тенденцияларни таҳлил этиш жараёнини ҳар икки-уч бир маротаба ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Соҳаларнинг меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини ва аҳолининг бандлик даражасини таҳлил этиш жараёни уч босқичдан иборат бўлади:

**Биринчи босқич – аҳоли сони ва таркибидаги ўзгаришларнинг таҳлили.**

Бу босқичда аҳолининг қуйидаги йуналишлари бўйича булган миқдор ўзгаришлари тенденциялари таҳлили:

- аҳоли миқдорининг динамикаси таҳлили (шу жумладан ўсиш ва камайиш сабалари);

- аҳоли миқдорининг ўзгаришини шакллантирувчи манбалар таҳлили (табiiй ўсиш, камайиш, механик ўсиш ва камайиш)

- аҳоли миқдорининг ўзгарувчанлик жараёнида ижтимоий-демографик омилларнинг таснифiiй таҳлили.

Аҳолининг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг асосий тенденциялари ва йуналишлари бўйича ҳулосалар қилиш ва истикболга қаратилган тақлифлар киритиш.

**Иккинчи босқич. Меҳнат ресурсларини таҳлили.** (тизимли тенденциялар ва асосий йуналишлар).

Бу босқичида ҳудудда мавжуд меҳнат ресурсларининг миқдорини ва таркибий ҳолатини чуқур ва кенг қамровли таҳлил қилиш куйидаги йуналишлар буйича амалга оширилади:

- ҳудуддаги доимий аҳоли сони ва меҳнат ресурслари миқдорининг таққосли таҳлили;

- ҳудуддаги меҳнат ресурсларининг соҳалар ва хизмат курсатиш турлари буйича тақсимоти (миллий иқтисодиётда расман бандлар ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги укувчилар).

- ҳудуднинг расмий ва норасмий муассасаларида, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларда меҳнат билан банд аҳолининг соҳалараро таркибий тузилишининг таҳлили;

- Миллий иқтисодиётнинг секторларида (давлат корхоналари ва ташкилотларида, хусусий тадбиркорлар корхоналарида, яқка тартибдаги хужаликларда, деҳқон фирмаларида ва бошқалар) меҳнат билан банд аҳолининг сони ва касб йуналишлари буйича таҳлил.

Ҳудудда иқтисодиётда мавжуд меҳнат ресурсларининг ва аҳолининг меҳнат билан банд тоифаларининг таркибий тузилишида асосий узгаришлар ва тенденциялар буйича хулосалар қилиш ва таклифлар киритиш.

**Учинчи босқич – меҳнат билан банд булмаган шахслар таҳлили.**

Бу босқичнинг асосий мақсади – ҳудудда яшовчи меҳнат билан банд булмаганларнинг таркибий тузилиши, уларнинг демографик ва ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиш сабаблари (ташкилий, ижтимоий, молиявий, географик омиллари) ва ҳолатининг таҳлили.

Таҳлил куйидаги йуналишлар буйича амалга оширилади:

- аҳолининг меҳнат билан банд булмаган шахсларнинг миқдор курсаткичлари, уларнинг таркибий тузилиши, ижтимоий келиб чиқиш категориялари, (меҳнат билан банд булмаганлар умумий сони, шу жумладан, илк бор иш ахтараётганлар, айрим сабабларга кўра узоқ вақт ишламаганлар, қамокхоналардан чиққанлар, олий ва ўрта махсус укув муассасаларини битириш арафасидагилар, чет элларда меҳнат миграциясидан қайтганлар ва бошқалар);

- ишлаб чиқариш корхоналаридан ва хизматлардан штатларидан қисқартирилиш натижасида ишдан бушаганлар сони ҳолатининг таҳлили;

- ҳудудда мавжуд булган ва кумаклашув Марказлари руйхатида турганларнинг малакавий категориялари (ишчилар, хизматчи ходимлар) буйича таҳлил;

- ишсизларнинг умумий таркиби буйича профессионал – касб таркиби ҳолатининг таҳлили;

- ишсизларнинг ижтимоий-демографиккелиб чиқиш ҳолатининг таҳлили (ёши ва жинси таркиби, малакавий даражаси, қайта ўқиш ва янги касб эгаси булишга тайёрлиги);

- ишсиз шахсларнинг ишсизлиги давомийлиги гуруҳларнинг таҳлили.

Меҳнат билан банд бўлмаган шахсларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришлар тенденцияларининг ижобий ва салбий тенденцияларига ҳулосалар тайёрлаш ва амалий-гашқилий таклифлар бўйича ҳулоса қилиш.

Соҳаларда меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини таҳлил этишнинг асосий мақсади – ҳудудда мавжуд меҳнат ресурсларининг баланслаштирилганлик даражаси асосида маҳаллий меҳнат бозорида ва айниқса, соҳалар орасида иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги доимий баланс курсаткичларини назорат қилиб бориб, меҳнат ресурсларини аниқ мақсадли равишда иш билан банд қилиш асосида уларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Соҳаларда меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини таҳлил этишнинг асосий йўналишлари:

- Аҳолининг меҳнат билан банд ва банд бўлмаган тоифаларнинг таркибий ҳолати, шу жумладан ишчилар ва ходимларнинг категорияларига қараб, соҳалараро мувозанатини сақловчи сон миқдорини аниқлаш;

- Аҳолининг меҳнат билан банд ва меҳнат банд бўлмаган тоифалари профессионал таркибининг таҳлили;

- Ҳудуддаги корхона ва муассасаларда мавжуд бўлган вақант лавозимлар ва иқтисодийнинг барча секторларидаги янги ташкил қилинадиган иш жойларнинг, шу жумладан, истиқболли мураккаб технологияларга асосланган янги иш жойлар таҳлили;

- Меҳнат бозорида инновацион соҳалар эҳтиёжи учун муҳим бўлган янги касб ва мутахассисларга бўлган талаб даражасининг таҳлили;

- Корхона ва муассасаларда (мулк шаклидан қаттиқ назар) бўш иш жойлар, шу жумладан янги барпо этилган иш жойларнинг узок муддат вақантли ҳолатида қолишининг сабабларининг таққослашув таҳлили.

Соҳаларда меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини таҳлил этишнинг ҳулосаси асосида ҳудуддаги мавжуд меҳнат ресурсларининг, меҳнат билан банд аҳолининг сон жиҳатидан ва малакавий курсаткичлар жиҳатидан аҳолини бандлик даражасини ва самарадорлигини ошириш бўйича, меҳнат бозорида ҳудуднинг меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлик даражасини сақлаб бориш мақсадида давлат дастурларига ўзгартиришлар, ташқилий тадбирлар киритилади.

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодийни модернизациялаш ва уни таркибий бўлимларини ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини янада

чуқурлаштириш шароитида меҳнат ресурслари билан янги иш жойларини уртасида баланслаштириш жараёни авваламбор меҳнат бозоридаги иш кучига бўлган талаб ва таклиф муаммоларини самарали ва тежамкорона ҳал қилишга ишончли восита механизми сифатида имкон бериб боради.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнатга лаёқатли ҳар бир шахс узидаги ишлаш қобилиятга эга булишини, товар шаклида, меҳнат бозорига олиб чиқиб, иш берувчига узининг иш кучини ақли, билими, заковати ҳамда меҳнат салоҳиятини таклиф қилиб, юқоридаги хусусиятларига яраша сота билиши зарур. Шунинг учунгина у бозор шароитидаги иқтисодий-ижтимоий муҳитдан келиб чиқиб, рақобат чиғириқларидан муваффақиятли утган тарздагина иш берувчиларнинг талабига мувофиқ иш жойига эга булиб, доимий даромад олиш имкони пайдо бўлади. Акс ҳолда, у узига муносиб иш топа олмай маълум даврда ишсизлар қаторига қушилиб қолади.

Рақобат механизми кучайиб бораётган ҳозирги меҳнат бозори шароитида бу борадаги ҳар хил иқтисодий-ижтимоий ҳатарларни ишончли равишда олдини олиш мақсадида меҳнат ресурсларининг демографик омиллар ва инновацион узғаришларнинг динамикасидан келиб чиқиб меҳнат билан боғлиқ иқтисодий, статистик ва технологик жараёнларни яқин ва узоқ муддатларга прогностлаштириш услубларини қулланиши зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда ва иқтисодимизнинг ҳар хил соҳаларнинг инвестицион истикболли дастурлари асосида барпо этиладиган янги иш жойларни, айтқиса, юқори инновацион технологиялар талабларга мувофиқ бўлган иш жойларини барпо этишни давлат миқёсида режалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ҳозирги беқарор бозор иқтисодиёти шароитида ташкил қилинган янги иш жойлари узининг муқимлиги туфайли иқтисодий категория сифатида меҳнат ресурсларини самадорлигини ошириб, иқтисодий ўсиш суръатларини муқим сақлаб бориш имконини яратади.

Албатта, мавжуд меҳнат ресурсларини баланслаштириш жараёнини янада такомиллиштириш учун миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида қанча ва қайси мутахассислик ёки касб бўйича ишламоқда, уларнинг ёшига доир маълумотлар мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, Ўзбекистонда купчилик корхона ва муассасаларда ишчиларнинг меҳнат жараёнини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлари, статистик маълумотлари, айниқса, хусусий секторда жуда ачинарли аҳволда эканлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун бу “маълумотларга” асосланиб бирон бир ишончли иқтисодий таҳлил қилишнинг ўзи мураккаб эканлигини мутахассис яхши тушунишади. Шунга қарамасдан меҳнат ресурслари билан боғлиқ барча маълумотларни таҳлил қилиш вақти келди. Чунки чуқур ва ҳар томонлама кенг иқтисодий таҳлил асосидагина яқин-узоқ прогност, аниқ дастур ёки режа тайёрлаш мумкин. Бирипчи

навбатта ҳар бир корхонанинг, соҳанинг ва ҳудуднинг кадр потенциални белгиловчи статистик рақамларни таҳлил қилиниши зарур.

Бу курсаткичларга қуйидаги гуруҳлар киради:

-демографик курсаткичлар (мавжуд ходимларнинг ёши ва жинси таркиби, таҳлил натижаси буйича олинган курсаткичлар);

- иқтисодий курсаткичлар (соҳа ва ҳудудларда меҳнат билан бандлар миқдори, ихтисослашганли даражаси, ишлаб чиқариш жараёнининг кооперациялашгани даражаси, меҳнатга ҳақ тулаш ва рағбатлантириш тизими ва бошқалар.);

- ижтимоий курсаткичлар (ҳаёт сифати ва даражаси, аҳолининг соғлиққа таълуқли маълумотлар, меҳнат билан булганларнинг профессионал ва квалификация (малакавий) сифатли хизмат қилиш соҳаси ва бошқалар).

Ушбу гуруҳларлар курсаткичларини таҳлил қилгандан сунг мавжуд кадр салоҳияти аҳволи ва шу соҳадаги меҳнат ресурслари ва иш жойлари ўртасидаги оптимал пропорцияларни, олий ва ўрта малакали мутахассислар мувозанатини такомималлаштириш йўллариغا аниқлик киритиш мумкин.

Ҳозирги даврда миллий иқтисодиётимизнинг усиш суръатлига салбий таъсир курсатаётган ва меҳнат ресурслари таркибига беқарорлик муҳит туғдираётган муҳим ташкилий-иқтисодий омиллардан ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларидаги мавжуд вакансилар миқдори (1 миллион 640 мингга буш иш жойлари) эскирган технологияларга асосланган иш жойларнинг куплиги, ишлаб чиқариш соҳасидаги асбоб ва ускуналарнинг ишлатиш коэффициентини пастлиги, ишсизлик даражасининг кам эмаслиги.

Миллий иқтисодиётимиз инновацион ривожланиш босқичига чиқиши муносабати билан меҳнат ресурсларининг иш жойлари билан баланслаштирилиши аввалам бор сон параметрлари жиҳатидан эмас, балки сифат параметрлари жиҳатидан тайёрланиши зарур. Давлатимиз меҳнат ресурсларини инновацион иқтисодиёт талабларига мувофиқ ва муносиб балансига эга булиш учун қуйидаги илмий-амалий тадбирлардан иборат босқичларни босиб утишимиз зарур:

- мавжуд 18,5 мингга яқин касб ва мутахассислик ҳамда нomenclатурадаги лавозимларни (шу жумладан хусусий ва нодавлат секторлардаги) янги миллий талабларга мувофиқ илмий асосланган нормалар буйича қайта кўриб чиқиб тасдиқлашимиз зарур (95% касб, мутахассислар ва лавозимларда меҳнат номалари ханузгача совет нормалари сифатида амал қилиб келмоқда);

- янги иш жойларни барпо этиш, уларни ҳуқуқий ва молиявий расмийлаштириш, статистик ҳисобига олиш, янги иш жойларни ёпиш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш;

- меҳнат ресурсларининг йиллик такрор ишлаб чиқиш жараёнини доимий назорат қилувчи ҳозирги замон мониторингини ташкил қилиш;  
- иш жойлари миқдори ва меҳнат ресурсларининг миллий иқтисодиёт буйича ягона баланснинг сифатини ошириш мақсадида ҳудудий ва соҳавий таркибларини такомиллаштирилган ҳолда амалга оширишни жорий этиш;

Ҳозирги даврда ҳудуд ва соҳалардаги ишлаб чиқаришдаги инновацион ўзгаришларини ҳисобга олган тарзда иш жойларни ва мутахассисларни тайёрлаш жараёнларининг ҳақиқий балансини реал иқтисодиёт билан таълим соҳалари вакиллари уртасида буюртма – шартномалари принципида амалга оширишни жорий этиш зарур.

Миллий иқтисодиётимизнинг меҳнат ресурсларинининг таркибида сифат ва сон миқдорлари уртасида йиғилиб қолган диспропорцияларини бартараф этиш ва меҳнат самарадорлигини ҳамда салоҳиятини сезиларли ошириш мақсадида ҳукуматнинг қуйидаги комплекс тадбирлар ишлаб чиқиб амалга ошириши зарур:

- узоқ муддатли инновацион давлат дастури асосида босқичма босқич эски технологиялар асосида мавжуд иш жойларини ва талабга мувофиқ барпо этилмаган янги иш жойларни бартараф этиш;

- мулк шаклидан қатъий назар барча корхона ва фирмаларда ишлаётган ва ишламоқчи булган меҳнатга лаёқатли шахсларни юқори профессионал даражадаги малака олиш учун ўқитиш ва қайта ўқитиш махсус ва доимий курслар ҳамда укув давлат, нодавлат ва соҳавий муассасаларини ташкил этиш;

- Олий ва урта таълим вазирлиги, аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Респубика касаба уюшмалари Федерацияси ва Саноат савдо палатаси қошида таълим давлат стандартларини назорат этувчи доимий малакавий назорат Комиссиясини тузиш ва ушбу Комиссияга соҳа ва ҳудудий ҳамда мулкый шаклидан қатъий назар касб эгалари ва мутахассисларнинг билим даражасини назорат этиш вазифасини юклаш зарур;

Иш жойлар ва меҳнат ресурслари уртасидаги тафовутни бартараф этиш мақсадида қуйидаги ташкилий-меъёрий тадбирларни амалга ошириш зарур:

- иш кунининг давомийлигини ўзгартириш (ёзги жазирама иссиқлик ёки қишки изғирин совуқ шароитларда);

- меҳнат режимининг эгилувчан тартибини жорий этиш;

- меҳнат ресурсларига зиёд ҳудудлардан аҳоли таркибида меҳнат ресурслари дефицит ҳудудларига аҳолини ташкиллашган тарзда кучириш;

- иш ҳақини такомиллаштириш ва моддий рағбатлантириш;

- ишчилар ва ходимлар учун ижтимоий кафолатлар пакетини амалга жорий қилиш

Иқтисодий ислохотлар ва доимий узгарувчан иқтисодий ҳолатларда меҳнат ресурсларининг функцияларини рационал тарзда ташкил қилиш ҳамда аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасини ошириш учун куйидаги тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ булар эди:

**Ташқи эгилувчанлик.** Ҳар бир корхона ва муассаса (мулк шаклидан қатъий назар) узининг иш кучига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, қисқа муддатли меҳнат шартномалари асосида ёлланма ишга олиб, ёки аксинча, технологик вазиятдан келиб чиқиб, вақтинча ишдан озод қилиш имконига эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлиш керак. Меҳнат доирасида жорий этилажак ташқи эгилувчанлик асосан субподряд тартибида амалга оширилиб, қатъий меҳнат инғизом ва тартиби урнига эгилувчан икки томонлама (иш берувчи ва ёлланма ишчи уртасида) манфаатни ҳисобга олган тарзда тижорат талабларига мувофиқ амалга оширилади.

**Ички эгилувчанлик.** Меҳнат режимини ноанъанавий стандартлар асосида амалга оширилади (масалан касаначилик талаблари):

- тула булмаган иш куни;

- узайтирилган танаффуслардан иборат иш куни (кўп болалик аёлларга, ўқийган ёш мутахассисларга, кекса ногирон ходимларга);

**Функционал эгилувчанлик.** Бу йуналишда ишлаб чиқариш жараёнининг эҳтиёжига биноан айрим ишчиларга ва ходимларга белгиланган функционал вазифаларидан ташқари кенгайтирилган миқдорда қўшимча иш вазифаларини юклашни кузда тутилади. Қайд этилган иш услуби корхона штатида ишлаб келаётган ишчи ходимлар айрим сабаларга кура, иш жойида булмаганларнинг функцияларини вақтинча ёки доимий равишда бажариб боришни такозо этади. Бу тарзда ишни ташкил этиш функционал иш миқдори вақтинчалик ошганлиги ёки технологик жиҳатидан иш жараёнининг кескин ошиши туфайли қўшимча ходим ёлланмасдан ушбу иш миқдори штатдаги ходимлар уртасида қўшимча тулов шarti билан амалга оширилишини кузда тутати. (Масалан, ходим касал бўлиб қолганида, оилавий аҳвол туфайли бехосда таътилга чиқиш даврида)

Функционал эгилувчанлик тарзда ходим ва ишчиларнинг ишини ташкил қилиш ишнинг унумдорлигини оширибгина қолмай бевосита **иш ҳақининг эгилувчанлигини** талаб қилади. Бу жиҳатдан иш ҳақининг миқдори ҳар хил омилларни ҳисобга олган ҳолда (иш миқдори, иш сифати ва унумдорлиги, маҳсулотнинг таннархи камайиши ёки ўсиши, нархлар даражаси ва ишсизлик даражаси) келиб чиқиб маъмурият томонидан эгилувчанлик принципи асосида қайта куриб чиқилиши мумкин.

### 3.3. Минтақаларда меҳнат ресурслари баланслашганлиги тенденцияларнинг таҳлили

Мамлакатимизда шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларнинг иқтисодий тармоқларида тақсимланиши, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг турли категорияларидаги узгаришлар тенденциялари каби руй бермоқда. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда меҳнат ресурслари баланс ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган курсаткичларнинг аксарига узиш кузатишган бўлса-да, айримларида пасайиш тенденцияси намоён бўлган. Меҳнат ресурслари балансига оид курсаткичлар таҳлиliga бағишланган ушбу тадқиқотда асосий эътибор Ўзбекистон ва унинг минтақаларида мавжуд меҳнат ресурслари ҳамда уларнинг иқтисодий тармоқларида тақсимланишидаги узгаришлар таҳлиliga бағишланади. Курсаткичлар тенденциясини таҳлил этиш учун баъзи йилларга оид статистик маълумотлардан фойдаланилди (3.2-жадвал).

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши даражаси аҳоли сони динамикасидаги узгаришлар билан боғлиқ бўлиб, у даставвал ижтимоий, иқтисодий, экологик, демографик жараёнлар таъсири остида амалга ошади. Мустақиллик йилларида аҳоли сони ортиб бориш билан ҳамроҳанг тарзда, аниқроғи аҳоли узиши темпидан меҳнат ресурслари бироз юқори даражада ортиб борган. Мисол учун, 1991- 2016 йилларда мамлакат аҳолиси 20 607,7 минг кишидан 31 575,3<sup>1</sup> минг кишига ёки ялпи узиш 153 % га етган бўлса, шу даврда меҳнат ресурслари ялпи узиши 180 % дан ортиқни ташкил этган (1991 йилда 10 213,2 минг кишидан 2016 йилда 18 492,6 минг кишига ортган). Аммо утган даврда мамлакат аҳолиси ва меҳнат ресурслари узиш тенденцияларида бундай турлича кўриниш ҳосил бўлишига бир қатор сабаблар таъсир этган. Яъни туғилиш ва улим курсаткичларининг пасайиб бориши, аҳоли уртача умр кўриши ёши ва физиологик параметрларининг ортиши, миграцион курсаткичларнинг (айниқса, манфий миграцион сальдо) пасайиши каби курсаткичлар юқоридаги турлича темпга сабаб бўлган.

Бироқ меҳнат ресурслари баланси курсаткичларидаги узгаришларни таҳлил қилганда, аниқса, минтақалардаги узгаришлар таҳлилида нисбатан қисқароқ муддатда, яъни охириги 5-10 йилдаги маълумотлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро ҳар қандай демографик авлод, когорт гуруҳлари туғилганидан 15 йилдан сунг албатта меҳнат ресурслари тоифасига ўтади.

Баланс ишлаб чиқаётганда эса, иложи борица ўзгармас авлодларга тегишли маълумотлардан фойдаланилса, қўтилган натижага чиқиш мумкин.

<sup>1</sup>[www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари.



Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда меҳнат ресурслари балансини ҳисоблашда фойдаланиладиган статистик маълумотлар\*

№	Йиллар	2001	2006	2011	2016
	Курсаткичлар				
1.	Жами меҳнат ресурслари	+	+	+	+
2.	меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли	+	+	+	+
3.	меҳнат ёшидан катталар ва усмирлар	+	+	+	+
4.	меҳнат ёшидан катталар	+	+	+	+
5.	усмирлар	+	+	+	+
6.	Иқтисодий фаол аҳоли	+	+	+	+
7.	Иқтисодиётда бандлар	+	+	+	+
8.	саноатда	+	+	+	+
9.	кишлоқ ва урмон хўжалигида	+	+	+	+
10.	транспорт ва алоқада	+	+	+	+
11.	қурилишда	+	+	+	+
12.	савдо ва умумий овқатланишда	+	+	+	+
13.	уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турларида	+	+	+	+
14.	соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминотда	+	+	+	+
15.	таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат курсатишда	+	+	+	+
16.	молия, кредит ва сўғуртада	+	+	+	+
17.	давлат ва хўжалик бошқарув органлари идораларида	+	+	+	+
18.	бошқаларда	+	+	+	+
19.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар	-	-	-	+
20.	Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар)	+	+	+	+
21.	Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	+	+	+	+
22.	ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда уқийтган ҳамда иш ҳақиға ёки меҳнат даромадиға эға бўлмаган укувчилар ва талабалар	-	-	+	+
23.	уй бекалари ва болаларни парвариш қилувчи ишламайдиган аёллар	-	-	+	+
24.	ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари	-	-	+	+
25.	ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаган, шунингдек қучар ва қучмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар	-	-	+	+

\*Муаллиф томонидан тузилган.

Шу нуқтаи-назардан ушбу тадқиқотда мамлакат ва унинг минтақаларидаги меҳнат ресурслари балансидаги узгаришларнинг 2001 йилдан кейинги статистик маълумотларига эътибор қаратишни, меҳнат ресурслари балансининг иқтисодийёт тармоқларида тақсимланиш қисмида эса 2015-2016 йиллардаги кўрсаткичларига урғу қаратиш мақсадга мувофиқдир. Албатта таққослаш ва узгаришлар тенденцияси учун олдинги йилларга ҳам мурожаат этиш лозим. Шунда тадқиқ этилаётган масалалар яққолроқ намоён булади.

Минтақаларда меҳнат ресурсларининг шаклланиш темпи буйича рақамларга мурожаат қиладиган булсак, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида меҳнат ресурсларининг 2001-2016 йиллардаги усиш суръати 158 фоизни ташкил этган. Энг паст курсаткичлар Тошкент шаҳри (118 %) ва вилоятида (124 %) кузатилган (3.3-жадвал). Бунга биринчи навбатда ушбу ҳудудларда аҳоли тугилиш кўрсаткичлари сабабчидир. Яъни жанубий вилоятларда табиий усиш темпининг юқорилиги ва пойтахт ҳудудларда пастлиги сабабли меҳнат ресурсларининг шаклланиш темпи шу қурунишда булган. Аксинча меҳнат ресурсларининг иқтисодийёт тармоқлари буйича тақсимланиши иккинчи тоифадаги минтақаларда иқтисодий нуқтаи-назардан муносиб қурунишга яқиндир. Яъни Тошкент вилояти ва пойтахтда ҳамда Навоий вилоятида меҳнат ресурсларининг иқтисодийёт тармоқларида тақсимланиш мувозанати нисбатан мақбул вазиятдадир. Бу ушбу минтақаларда мамлакат ишлаб чиқариш тармоқларининг йирик йуналишлари жойлашгани, айниқса пойтахт ва Тошкент вилоятида иқтисодийёт тармоқларининг турфа хиллиги, зич жойлашганлиги, уларга ички меҳнат мигрантларининг мунтазам оқиб келиши, бунинг натижасида меҳнат ресурслари шаклланиш тезлиги юқори минтақалардан ишчи кучининг чиқиб кетиши ва алалоқибат икки тоифадаги минтақада меҳнат ресурслари балансида кескин узгаришлар булишига олиб келади.

Меҳнат ресурслари шаклланиш манбалари туғрисида суз юритадиган булсак, биринчи навбатда минтақаларнинг демографик потенциалини инобатга олиш керак. Чунки юқорида таъкидланганидек, минтақадаги демографик усиш меҳнат бозорига 15-16 йилдан кейин таъсир этади, яъни айна даврда туғилган инсонлар шунча давр утиб меҳнатга салоҳиятли инсонлар сафига киради.

Мисол учун, Ўзбекистонда ҳар йили 500-550 минг нафар аҳоли меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибига утмоқда, шу билан бирга 240-250 минг нафар аҳоли меҳнатга лаёқатли ёшдан утмоқда. Аммо, шуниси эътиборлики, меҳнатга лаёқат ёшига утаётган аҳолининг катта қисми таълим босқичларини ҳам ҳисобга оладиган булсак, меҳнат қилиш қобилиятига эга булади, аксинча меҳнатга лаёқат ёшидан утаётганлар, ёки пенсионерларнинг ҳам аксар қисми кейинчалик ҳам меҳнат фаолиятини

Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари сони динамикаси ва  
худудий таркибидаги ўзгаришлар (йил охирида)\*

№	Худудлар	Аҳоли сони (минг киши)			Меҳнат ресурслари сони (минг киши)		
		2001 йил	2016 йил	Ялли узиш % да	2001 йил	2016 йил	Ялли узиш % да
1.	Ўзбекистон Респ	24813,1	31575,3	127	13181,0	18492,6	140
2.	Қорақалпоғистон Респ	1527,0	1791,1	117	796,5	1040,5	131
3.	Андижон вилояти	2216,5	2910,5	131	1200,9	1710,2	142
4.	Бухоро вилояти	1437,7	1815,2	126	790,4	1065,4	135
5.	Жиззах вилояти	991,5	1276,1	129	503,7	746,0	148
6.	Кашкадарё вилояти	2212,5	3025,6	137	1115,8	1758,9	158
7.	Навоий вилояти	791,1	927,9	117	421,9	543,6	129
8.	Наманган вилояти	1953,2	2603,4	133	1024,7	1535,1	150
9.	Самарканд вилояти	2710,0	3583,9	132	1387,8	2062,6	149
10.	Сурхондарё вилояти	1770,4	2411,5	136	879,9	1402,9	158
11.	Сирдарё вилояти	649,9	790,6	122	339,5	470,2	138
12.	Тошкент вилояти	2370,2	2794,1	118	1300,0	1616,9	124
13.	Фарғона вилояти	2697,5	3505,3	130	1410,2	2017,2	143
14.	Хоразм вилояти	1347,7	1746,9	130	712,8	987,0	138
15.	Тошкент шаҳри	2137,9	2393,2	112	1296,9	1536,1	118

\*жадвал муаллиф томонидан 2002 ва 2016 йилги “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” статистик тўпламлари ҳамда [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида тузилди.

2016 яқунлари буйича мамлакат меҳнат ресурсларининг сони 18 492,6 минг кишига етган бўлса<sup>1</sup>, ишлаётган усмирлар ва пенсионерлар 113,2 минг кишини ташкил этган. Бу рақамни деярли 70 % (80 минг нафарга яқин)ини ишловчи пенсионерлар ташкил этади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилётган ислохотлар натижасида аҳолининг соғломлик, физиологик, ўртача умр кўриш ёши

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.

каби параметрлари ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Бу эса яқин келажакда меҳнатга лаёқат ёшидан катталарнинг ҳам купрок ишлаб чиқаришда иштирок этишига сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, усмирларнинг таълим олишига эътиборнинг ортаётгани, олий ва урта махсус таълим тизининг ривожланиб бораётгани, қабул квоталарининг ортиб бориши натижасида меҳнат қилаётган усмирлар сони ва меҳнатга лаёқат ёшида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ёшлар сони камайиб бормоқда.

Меҳнат ресурслари шаклланишининг иккинчи манбаси ҳам борки, бу — миграция жараёнларидир. Яъни исталган мамалакат ва минтакаларнинг меҳнат ресурслари шаклланишга миграцион жараёнлар ҳам жиддий таъсир этади. Минтакалар қанчалик ривожланган сари унга кириб келадиган меҳнат мигрантлари оқими тезлашади. Аксинча қанчалик ривожланишдан ортда қолиши асосий ишлаб чиқариш кучлари булган меҳнатқашларининг сони камайишига олиб келади. Бирок, Ўзбекистонда айни даврда мавсумий миграцион оқимларни ҳисобга олмасак, меҳнат ресурсларининг шаклланишига кескин таъсир утказадиган жараён содир булмапти. Мисол учун 2015 давомида мамлакатда миграцион сальдо минус 29 300 кишига тенг булган<sup>1</sup>. Бу мамлакат меҳнат ресурслари шаклланишида миграцияни таъсири сезиларсиз даражада эканлигини кўрсатади, аммо вилоятлараро миграция вилоятлар меҳнат ресурсларининг шаклланишига жиддий таъсир этади. Лйникса, Қашқадарё ва Сурхондарё, Фарғона водийси вилоятлари меҳнат ресурсларининг миграцион фаоллиги нисбатан юкорилигини таъкидлаш лозим.

Меҳнат ресурслари баланс ҳисоботини тузишда тақсимланиш қисми ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У асосий икки йўналишда ҳисоблаб чиқилади.

1. Меҳнат ресурсларининг йирик категориялари нуктаи-назаридан тақсимланиши.

2. Меҳнат ресурсларининг (баъзи адабиётлар ва статистик маълумотларда иш билан банд аҳолининг дейилади) иқтисодий гармоқлари буйича тақсимланиши.

Меҳнат ресурслари балансини тузишда йирик категориялар — меҳнат иқтисодий фаол, иш билан банд аҳоли, иқтисодий фаол булмаган ва ишга жойлашишга муҳтож (ишсизлар)лар миқдори таҳлил этилганда баланс учун зарур буладиган бир қатор хулосалар чиқариш мумкин. Уларнинг минтакалар буйича тенденциялари, жойлашувидаги узига хос узгаришлар ҳар қандай баланс ҳисоботида уз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларда иқтисодий фаол, иш билан банд ва иқтисодий фаол булмаган аҳоли миқдори таҳлил этилганда, бир

<sup>1</sup>Ўзбекистон демографик йиллик тўплами 2016. Т.: 2016 йил. 153-154 бетлар.

қатор парадокс ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Мамлакат буйича жами иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли сони миқдори 2011-2016 йиллар давомида деярли 1,5 млн. кишидан ортиб боргани ҳолда (3.4-жадвал), иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли миқдори шу давр мобайнида 300 минг кишига камайган.

Бунга мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳоли таркибида иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига (асосан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган меҳнат ёшидагилар ва ҳомиладорлик ва бола тарбияси билан банд бўлган фуқаролар) курсатилаётган имтиёзлар ва уларни иш билан бандлар сафига тобора кўпроқ қўшилаётгани каби омиллар сабабчидир. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда бундай тоифадаги аҳоли қатламининг аксарияти тезроқ иш урни топишга интилиши ва даромадга эга бўлишга ҳаракат қилиши ҳам уларни миқдорининг сезиларли камайиб боришига замин яратган.

Бироқ иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли миқдорининг 2011-2016 йиллар давомида барча ҳудудларда бир хил даражада узғариши кузатилмаган. Яъни шу даврда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё вилоятларида иқтисодий фаол бўлмаганлар сони кескин ортиб боргани ҳолда, Фарғона водийси, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Тошкент вилоятларида уларнинг сони камайиб келган. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва пойтахтда эса бу курсаткич урганилган давр мобайнида деярли ўзғаришсиз қолган.


Меҳнат ресурслари таркибида баланс тузишда энг муҳим бўлган бўлган кўрсаткичлардан бири — иш билан таъминланишга муҳтож (ишсизлар) аҳолидир. Ўзбекистонда 2016 йил якунида бу тоифадаги аҳоли, яъни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва жойлардаги бандлик марказлари томонидан расман ишсиз сифатида рўйхатга олинган шахслар сони 724 минг нафарни ташкил этган (3.4-жадвал). Бу 2011 йилга нисбатан 102 минг кишига кўп деганидир. Ваҳоланки, шу давр мобайнида иш билан бандлар сони салкам 1,4 млн кишига ортган.

Ўзбекистон Республикаси ва Худудларда меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаоллиқ даражаси бўйича тақсими. Таъриф:  $(\frac{\text{Иқтисодий фаол халқ} + \text{Меҳнат ресурслари}}{\text{Халқ}}) \cdot 100$ 

Курс ташрифлари	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғiston Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Қорақалпоғiston Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi	Ўзбекистон Respublikasi			
	2011	12511,5	631,7	1209,4	825,0	413,9	1060,0	434,0	890,3	1344,0	864,0	342,1	1230,7	1439,1	659,8	1197,4
	2012	12850,1	641,5	1242,7	844,6	424,1	1095,0	440,0	921,1	1389,1	889,5	348,7	1231,0	1472,1	619,1	1201,4
Иқтисодий фаол аҳоли	2013	13163,0	650,8	1279,2	819,3	437,4	1130,6	442,4	953,2	1433,6	918,8	357,5	1291,8	1501,1	697,6	1206,6
	2014	13505,4	616,7	1318,7	868,6	453,0	1172,5	443,7	989,6	1485,1	913,5	366,6	1323,6	1545,8	717,8	1210,2
	2015	13767,7	665,4	1347,4	872,5	461,4	1210,0	443,6	1022,1	1530,6	981,5	369,1	1336,1	1571,0	735,5	1214,6
	2016	14022,4	675,1	1375,2	872,4	480,8	1217,0	441,2	1037,9	1575,7	1018,3	368,5	1312,4	1596,6	754,7	1213,6
	2011	11919,1	590,0	1144,8	781,7	392,4	1003,7	413,4	811,7	1269,9	817,7	321,5	1183,5	1367,7	625,2	1156,8
	2012	12223,8	600,2	1176,4	801,4	402,9	1036,7	418,5	872,2	1314,5	813,0	334,8	1215,6	1398,9	613,4	1162,3
Иқтисодий даражаси	2013	12523,3	610,5	1210,8	818,4	415,1	1072,4	419,6	903,6	1357,4	871,2	342,3	1215,0	1431,2	660,4	1165,4
	2014	12818,4	621,0	1245,9	823,2	428,4	1108,5	420,6	937,3	1402,5	901,5	349,6	1212,4	1462,9	678,6	1166,5
	2015	13058,3	630,0	1271,7	821,2	441,4	1143,9	421,2	968,3	1443,9	930,8	350,9	1281,8	1485,3	696,0	1168,1
	2016	13298,4	638,6	1297,7	825,3	454,8	1180,9	421,8	1001,4	1485,1	961,5	352,4	1287,6	1508,3	713,3	1169,7
	2011	4768,3	338,5	417,0	188,4	261,6	508,9	103,1	512,5	538,1	587,9	87,9	333,9	458,0	261,3	326,8
Иқтисодий фол	2012	4813,0	343,3	394,5	185,4	272,2	523,1	105,5	553,2	563,7	391,7	92,1	327,6	468,7	243,0	346,1
б.д.м.тан азали	2013	4736,1	344,6	358,9	181,8	274,5	528,2	101,4	519,8	554,1	401,1	92,8	303,4	467,4	239,7	335,2
	2014	4599,4	351,9	348,7	180,7	271,2	523,3	101,5	517,2	530,4	404,2	91,0	280,2	435,3	235,4	325,4
	2015	4509,4	358,2	344,6	184,2	268,3	514,9	99,9	493,1	501,6	395,2	95,0	275,4	427,3	232,3	318,7
	2016	4470,2	365,4	335,0	193,0	265,2	511,9	99,4	477,2	486,9	381,6	101,7	274,5	420,6	232,3	322,5
	2011	622,4	41,7	61,6	40,3	21,5	56,2	20,6	48,5	74,2	46,3	14,6	47,3	71,5	31,6	40,6
Ишга жойланган аҳоли	2012	626,3	41,3	66,3	40,1	21,2	58,3	21,5	48,9	74,6	46,6	13,9	45,4	73,2	35,7	39,1
	2013	639,7	40,3	68,5	40,9	22,2	58,3	22,8	49,6	76,2	47,6	15,2	46,8	72,9	37,1	41,3
муҳтож аҳоли	2014	687,0	35,7	73,7	45,3	21,6	64,0	23,1	52,2	82,6	52,0	17,0	51,1	78,9	39,2	43,6
	2015	709,4	35,4	75,6	48,2	21,0	66,1	22,4	53,2	86,7	53,7	18,2	54,2	85,6	39,5	46,5
	2016	721,0	36,5	77,3	47,0	26,0	66,0	22,3	56,5	90,6	56,8	16,1	55,4	88,3	41,4	43,8

\*Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллим томонидан тузилган.

Иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли сонининг вилоятлар буйича тақсимотида ҳам худди иқтисодий фаол булмаган аҳоли тақсимотидаги каби тенденцияларни куриш мумкин. Бироқ 2011-2016 йиллар давомида жами ишсизлар сонидаги узгаришлар темпига назар соладиган булсак, фақатгина Қорақалпоғистон республикасида бу тоифадаги аҳоли сони камайганига гувоҳ буламиз, колган худудларда гарчи ишсизлар сони умумий ҳолда ортган булса-да, баъзи вилоятларда сезиларли даражада ортгани уша вилоятдаги маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари олдига муҳим вазифаларни куяди. Айниқса, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятида ишсизлар миқдори бошқа вилоятларга нисбаган фарқ киларли даражада ортган.



**3.3.-расм. Ўзбекистон худудлари аҳолисининг ишсизлик даражаси (2016 йил якунида)**

Иш билан таъминланишга муҳтож шахсларнинг мамлакат буйлаб тақсимланиши ва вилоятларда ишлик даражаси таҳлил этилганда ҳам юқоридаги ҳолатга гувоҳ булиш мумкин. Яъни мамлакатда ишсиз деб руйхатга олинган шахсларнинг минтақалар буйича тақсимотида Самарқанд (мамлакат жами ишсизларининг 12,2 фоизи), Фарғона (12,1 %), Андижон (10,7 %) ва Қашқадарё (9,3 %) вилоятлари етакчилик қилмоқда. Ишсизлик даражаси эса гарчи бундай фуқаролар улуши буйича паст натижага эга вилоятларда (Сурхондарё, Бухоро) ҳам юқорилигини куриш мумкин (3.3-расм). Ўзбекистон буйича 2016 йил якунида ишсизлик даражаси 5,2 фоизни ташкил этган булса, 10 дан ортиқ худудларда

ишсизлик мамлакат уртача даражасидан юқори бўлган. Фақатгина Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтда ишсизлик даражаси умумий кўрсаткичдан паст даражани ташкил этган.

Иктисодиётда банд аҳолининг иктисодиёт тармоқлари буйича тақимланиши ҳам меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга кўрсаткичдир. У мамлакатда мавжуд иш билан бандларнинг тармоқлардаги улуши ва унинг узгариш тенденциялари, келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳлар ҳамда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда аҳамиятли роль уйнайди.

2016 йил якунида Ўзбекистонда аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида бандлиги буйича таркиби таҳлил этилганда аксар тармоқларнинг мамлакат уртача кўрсаткичидан юқори ёки паст эканлиги нуқтаи-назаридан куйидагича хулосаларни бериш мумкин (4-жадвал):

- Иқтисодиёт тармоқлари орасида қишлоқ ва ўрмон хужалигида бандлар улуши мамлакат уртача кўрсаткичидан (Ўзбекистонда сунгги йилда жами бандларнинг 27,7 фоизи ушбу тармоқда меҳнат билан банд) юқори бўлган вилоятлар — Сирдарё (жами бандларнинг 48,6 фоизи (1-илова), Жиззах (43,4), Сурхондарё (38,0), Хоразм (36,7) вилоятлари. Бу вилоятлар иқтисодиётида ҳали ҳамон қишлоқ ва ўрмон хужалиги устун даражада сақланиб қолмоқда. Ваҳоланки, аллақачон хом ашё етиштириб беришдан уни қайта ишловчи саноатга утиш ислоҳотлари фаол олиб борилмоқда.

- Қишлоқ ва ўрмон хужалигида бандлар улуши мамлакат уртача кўрсаткичига тенг ва паст даражада бўлган ҳудудлар. Бу тоифадаги ҳудудларга Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда қолган барча вилоятларни қиригиш мумкин. Айниқса, Навоий вилояти энг паст кўрсаткичи билан ажралиб туради – 22,3 фоиз банд аҳоли қишлоқ ва ўрмон хужалиги соҳасида фаолият олиб боради.

Худди шу жараёнларга зид ҳолатни саноат тармоқларида бандлар улушини таҳлил этганда кўриш мумкин. Яъни, қишлоқ ва ўрмон хужалигида бандлар улуши юқори бўлган ҳудудларда саноатда бандлар улуши кам. Аксинча бу тармоқларда бандлар улуши паст бўлган вилоятлар, мисол учун, Навоий вилоятида саноатда бандлар улуши 27,1 фоизни ташкил этгани ҳолда Сурхондарё вилояти банд аҳолисининг атиги 6,5 фоизигина саноатга мансуб. Ваҳоланки, мамлакатда саноатда бандларнинг жами банд аҳолидаги улуши 13,5 фоизни ташкил этмоқда (3.5-жадвал). Саноат ресурсларининг салмоқли қисмини етказиб берувчи Қашқадарё вилоятида эса бу кўрсаткич атиги 8,6 фоизга тенг.



Ўзбекистон Республикасида банд аҳолининг икки оғиёт тармоқларидаги тўрқиб  
(2016 йил якунида, 001зда)

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Анжолон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	27,7	30,0	27,1	30,2	43,4	28,9	22,3	25,5	29,1	38,0	48,6	26,2	27,7	36,7	0,8
2	Саноат	13,5	9,4	14,0	13,0	10,0	8,6	27,1	12,6	12,2	6,5	9,0	19,8	17,0	8,0	19,0
3	Қурилиш	9,5	9,2	7,3	15,0	6,7	13,9	12,3	8,9	7,1	8,8	6,6	9,4	7,9	9,4	11,1
4	Савдо	10,9	10,9	12,7	9,7	7,7	10,4	8,4	11,0	11,9	8,7	6,4	11,4	10,6	8,9	15,6
5	Транспорт	4,8	5,1	4,5	5,6	2,2	5,1	2,8	3,9	5,5	2,9	3,1	5,1	5,2	2,8	8,1
6	Уй-жой ва умумий овқатланиш	2,3	1,9	2,2	2,0	2,0	1,4	1,8	2,7	3,0	1,4	1,3	2,6	2,3	2,3	3,7
7	Алоқа ва ахборотлаштириш	0,5	0,4	0,2	0,3	0,2	0,2	0,4	0,4	0,2	0,1	0,3	0,2	0,3	0,2	2,7
8	Молия ва сугурта фаолияти	0,5	0,6	0,3	0,4	0,5	0,3	0,5	0,4	0,3	0,4	0,5	0,3	0,3	0,4	2,1
9	Таълим	8,3	11,9	7,6	7,8	8,8	8,6	8,7	8,3	8,9	8,5	7,9	6,3	8,2	8,5	8,6
10	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий химоя	4,5	4,9	4,4	4,9	3,6	4,4	4,1	4,7	4,4	4,2	4,9	3,9	5,1	4,1	5,3
11	Маданият, санъат ва дам олиш	0,5	0,5	0,6	0,6	0,4	0,4	0,3	0,2	0,3	0,2	0,5	0,1	0,3	0,4	1,7
12	Бошқалар	16,9	15,2	19,1	10,5	14,7	17,7	11,4	21,2	17,0	20,2	10,8	14,9	15,1	18,4	21,1

\*Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонида тузилди.

Иқтисодийнинг қолган тармоқларида ҳудудларнинг курсаткичлари мамлакат умумий курсаткичига нисбатан яқин бўлсада қурилиш, савдо, транспорт, таълим каби тармоқларда бандларнинг улуши аксар вилоятларда умумий уртача курсаткичдан юқори рақамларни курсатмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳаларида бандлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандларнинг улуши ҳам жадал суръатлар билан ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. 2016 йилда Ўзбекистонда жами бандларнинг 78,1 фоизи ушбу мулкчиликнинг ушбу қуринишида фаолият олиб борган. Таққослаш учун: 2010 йилда бу рақам 69,0 фоизни ташкил этган.

Минтақаларда меҳнат ресурслари баланси ўзгаришининг таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- Минтақаларда шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларнинг тақсимланиши уртасидаги мувозанат доимий равишда маҳаллий ҳукумат органлари томонидан назорат қилиб турилади. Бу мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Айниқса, Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “2017—2021 йилларга мулжалланган Ҳаракат стратегияси” туғрисидаги Фармон ва унинг шарҳларида мамлакатимизда шаклланиб келаётган меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини оширишга алоҳида урғу берилган. Бунинг учун эса албатта меҳнат ресурслари балансини инobatга олиш зарур.

- Меҳнат ресурслари деярли барча ҳудудларда жадаллик билан шаклланиб бормоқда, фақатгина Тошкент шаҳри бундан мустасно. Буни устига меҳнат ресурслари шаклланиш тезлиги аҳоли ўсиши тезлигига нисбатан ҳам юқорилиги, баланс ҳисоботларини тузишда эътиборга олинadган жиҳатдир. Чунки, мамлакатда яқин истиқболда аҳоли ўсиш суръати меҳнат ресурслари шаклланиш суръатидан ортиб кетмаслиги бир қатор прогностлашгиришга оид тадқиқотлардан маълум.

- Минтақаларда меҳнат ресурсларининг йирик категориялар бўйича таркибида кескин ўсиш кузатилмаётган бўлса-да, фақатгина иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли миқдоридан пасайиш кузатилмоқда. Ва бу жараён яқин йилларда ҳам давом этиши кутилмоқда.

- Минтақаларда меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқларидаги таркибида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар намоён бўлди. Биринчи навбатда барча ҳудудларда кишлоқ ҳужалигида бандлар улуши камайиб бораётгани, аксинча саноат, қурилиш, транспорт каби соҳаларда бандлар улуши ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

- Минтақаларда яқин истиқболда амалга ошириладиган, яъни режалаштирилаётган аҳоли бандлиги билан боғлиқ ислоҳотларда албатта уша минтақалар меҳнат ресурслари балансининг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва шу асосда бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда аҳоли

фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни режалаштириш лозим. Чунки, иқтисодийда узгармас қондалардан бири мавжуд: аҳоли жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир.

### **3.4. Мехнат ресурслари ҳудудий шаклланишининг таҳлили**

Мехнат ресурсларининг такрор барпо булиши куп жиҳатдан демографик жараёнларга боғлиқ. Мехнат ресурсларининг шаклланишида унинг усиш ва жойлашиш қонуниятлари муҳим аҳамият касб этиб, у аҳолининг усиш суръатлари, сони ва жинсий таркибидаги фарқлар ҳамда табиий купайиши орқали намоён булади. Бирок, шу уринда мехнат ресурсларининг шаклланишида ижтимоий ва механик ҳаракатларнинг таъсирини ҳам эътибордан четда қолдириб булмайди. Шу боис, туғилиш, улим ва миграция аҳоли ёш-жинс таркибининг узгаришига сабаб булиб, аҳоли ва мехнат ресурслари динамикасини белгилаб беради. Бу уринда мехнат ресурсларининг сони, усиши, таркиби, жойлашиши ва бошқа курсаткичларни тадқиқ этаётганда улар авваламбор аҳолининг бир қисми эканлигини чуқур англаш лозим. Бунинг учун аввало, аҳоли усиш суръатларини тадқиқ этиш лозим. Бу жиҳатдан Ўзбекистон МДҲда узига хос хусусиятга эга ҳудуд сифатида ажралиб туради.

Статистик манбаларга кўра, мамлакатда аҳоли сонининг жадал ортиб бориши ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб жадаллашган. Бирок, таъкидлаб ўтиш жоизки, бутун дунёда кечаётган туғилишнинг камайиш жараёни 80-йилларнинг охиридан республикада ҳам кузатила бошлайди. Натижада демографик жараёнлардаги ўзгаришлар аҳолини усиш суръатларида ҳам узифодасини топди. Чунончи, 1970-1979 йилларда у 114,3 фоиз бўлса, 1989-2003 йилларда 1,6 марта қисқариб 9,1 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи 10 йиллигида туғилиш даражасининг пасайиши билан боғлиқ равишда табиий усиш суръатлари ҳам сезиларли даражада қисқарди. Туғилиш даражасининг қисқариши демографик (аёлларнинг фарзанд куриш ёши чегарасининг қисқариши), иқтисодий (аҳолининг бандлик таркибидаги ўзгаришлар) ижтимоий (аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолиси ижтимоий ҳаракатининг кучайиши, демографик тадбирлар самарадорлигининг ошиши) ва бошқа омилларнинг бевосита таъсири натижасида содир булган. Бирок, 2003-2004 йиллардан бошлаб мамлакатимизда аҳолининг табиий ҳаракатида сезиларли усиш жараёнлари намоён булиб келган.

Туғилиш кўрсаткичининг турлича кўринишда ўзгариб келганига қарамай, баъзи вилоятлар курсаткичларининг республика ўртача даражасидан юқорилиги билан ажралиб туради. 2016 йилги статистик маълумотларга кўра, Қашқадарё (25,7 %) ва Сурхондарё (26,0 %) <sup>1</sup> шулар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари.

жумласидандир. Айни пайтда, Тошкент шаҳри (18,8 % ) ва вилояти, Бухоро, Навоий вилоятларида туғилиш энг паст даражага эга.

Гарчи, республикада кечаётган демографик жараёнлар меҳнат ресурслари «ортикча»лиги шароитида уни тартибга солиш, ишсизликни мумкин қадар пасайтиришга имкон берсада, иккинчи томондан, у келажакда аҳолининг демографик «қариши», яъни аҳоли таркибида қариялар салмоғининг ошиб, меҳнат ёшидаги аҳолининг қисқариб боришига олиб келади. Натижада, аксарият ривожланган мамлакатларда кузатилаётган соф иқтисодий ва демографик юкнинг ортиб кетишига олиб келади.

Аҳоли сонининг узгаришида нафақат унинг табиий ҳаракати, балки механик ҳаракатининг ҳам роли катта. Маълумки, миграция кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаш ҳамда иш жойини узгариши оқибатида бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиши булиб, унда аҳоли сони ва таркиби, шунингдек, меҳнат ресурсларининг шаклланишида узгаришлар рўй беради.

Республикалараро миграция қолдиғи Ўзбекистонда 70-йилларнинг иккинчи ярмига қадар мусбатлиги билан ажралиб турган. Мигрантларга яратилган кенг ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар республикага кучиб келувчилар оқимини тезлаштирди. Натижада 1950-1974 йилларда Ўзбекистонда миграция қолдиғи +832,5 мингга тенг булган. Бироқ, ундан кейинги даврда аҳолининг механик ҳаракатида узгаришлар юз бериб, у мигрантларнинг таркиби, ҳажми, айниқса, кучиб келувчиларга нисбатан кетувчиларнинг қуплиги билан характерланади. Чунончи, 1980 йилда келганлар сони 88,6, кетганлар эса 94,6 минг кишини ташкил этган. Куришиб турибдики, миграциянинг манфий қолдиғи 6 минг кишига тенг. Мазкур ҳолат давом этиб, манфий қолдиқ 1989 йилда эса 83,4 минг кишига етган. Кейинчалик у бироз юмшади: 2001 йилда 77,7 ва 2016 йил бошига келиб, 26,3 минг кишига туғри келди<sup>1</sup>.

Умуман, республикага кучиб келганлар 1985-1990 йилларда 693,6 минг киши булса, кучиб кетганлар 1031,3 минг кишига туғри келган ёки миграциянинг манфий қолдиғи 337,7 мингга тенг булган. 80-йиллардаги миграция биринчи навбатда, собиқ Иттифокда рўй берган иқтисодий, сиёсий инқирозларнинг чуқурлашуви билан, иккинчи томондан эса, республикага мажбурий кўчириб келтирилган поляк, яҳудий, крим-татар, озарбайжон, украин, немис ва бошқа миллат вакилларининг уз юртларига қайтишлари билан изоҳланади.

Юқорида таъкидланганидек, 1950-1979 йиллар аҳоли сони ҳамда меҳнат ресурслари таркибида миграциянинг улуши 2,5-3,7 фоизга тенг булган. Аммо, 1980 йилдан бошлаб аҳоли динамикасида унинг роли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари.

салбийлашиб борган. Хусусан, 1980-1989 йилларда минус 17,4 фоиз, 1990-2001 йилларда эса минус 23,4 фоизга туғри келиши аҳолининг умумий сонининг қисқаришига сабаб бўлган (3.6-жадвал). Бироқ шундай кейинги даврларда миграцион манфий сальдо курсаткичи иброз пасайганлиги сабабли мамлакат аҳоли сони динамикасида миграцияни аҳамияти деярли сезилмаган. Бироқ, мустақилликнинг илк йилларидаги миграция манфий қолдиғининг катта булиши ҳозирги ишсизликнинг ортиб бориши даврида бирмунча ижобий ҳол ҳисоблансада, аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу, ҳудуднинг касб-маҳоратга эга булган малакали мутахассисларини йўқотишидир. Жумладан, 2001 йилда кучиб кетганларнинг 86,1 фоизи ёки 166,1 минг киши 16 ёш ва ундан катталардан иборат булган. Мигрантларнинг 10,6 фоизи олий, 1,5 фоизи тугалланмаган олий, 25,9 фоизи ўрта махсус маълумотга эга булиб, миллий иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғида фаолият курсатганлардир.

Миграциянинг минтақавий хусусиятлари таҳлилидан маълум булишича, саноати ривожланган ва мутахассисларга эҳтиёжи катта булган шаҳарларда малакали кадрларни йўқотиш қишлоқ жойларга нисбатан каттарок.

Чунончи, шаҳарларда кучиб келган олий маълумотлилар 8,6 мингни, кучиб кетганлар 14,0 мингни ташкил этмоқда. Қишлоқ жойларда эса бу курсаткич юқоридагига мос ҳолда 3,3 минг ва 3,5 мингга туғри келади. Куришиб турибдики, мазкур тоифа (олий маълумотлилар)нинг манфий миграция қолдиғи шаҳарларда 5,4 минг, қишлоқ жойларда 0,2 мингга тенг булмоқда. Айни шу ҳолат тугалланмаган олий ва ўрта махсус маълумотларда ҳам кузатилади. Масалан, уларнинг манфий миграция қолдиғи шаҳарларда 11,4 минг, қишлоқ жойларда эса 3,7 мингни ташкил этмоқда.

Республиканинг минтақалари даражасида Тошкент шаҳри олий маълумотлиларнинг қўшлаб кўчиб кетиши билан ажралиб туради. У биргина 2001 йилнинг узидаёқ 3,1 мингга яқин олий маълумотли мутахассислардан маҳрум бўлган. Шунингдек, Тошкент (1,0 минг), Самарқанд (0,7 минг) ва Фарғона (0,6 минг) вилоятлари ҳам олий маълумотлилар манфий миграция қолдиғининг юқорилиги билан тавсифланган. Аммо ақсар деморгафик ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар каби 2000 йиллардан бошлаб пойтахт ва бошқа шаҳарларга олий маълумотли мигрантлар оқими жадаллик билан ортиб келган.

Ички миграцияда мингрантларнинг ҳаракати малакали мутахассисларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Бу жараён ҳудуднинг минтақавий иқтисослашуви ва саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Мустақиллик йилларида қишлоққа саноатни олиб кириш ва чет эл сармоясининг жалб этиш ҳисобидан Хоразм, Фарғона, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари

қишлоқ жойларида олий ва тугалланмаган олий маълумотлиларнинг мужассамлашуви руй бермоқда.

3.6- жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва унинг асосий омиллари (минг киши)

Иллар	Умумий усиш	Табиий усиш	Миграцион усиш	Аҳоли ўсиши (фоизда)	
				Табиий ўсиш	Миграция
1951-1960	2201,0	2119,6	+81,4	96,3	+4,7
1961-1969	3404,0	3300,0	+84,0	97,5	+2,5
1970-1979	3958,0	3817,0	+141,0	96,4	+3,6
1980-1989	4015,0	4715,4	-700,4	117,4	-17,4
1990-2000	4898,6	6046,1	-1147,5	123,4	-23,4
2001-2010	4594,7	5190,7	-720,0	113,0	-
2010-2016	3573,9	3710,7	-261,3	112,7	-

Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида тузилди.

Миграция оқимлари ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти билан бир қаторда аҳоли жойлашувига ҳам таъсир кўрсатади. Зеро, аҳолининг бирор минтақада тўпланиши аҳоли зичлигини ортиб боришига олиб келади ва бу жараён табиий, механик ҳаракатлар натижасида руй беради.

Республикада 2016 йил якунида ҳар кв.км. га 71 киши туғри келсада, у минтақалар даражасида бир хил эмас. Масалан, Андижон вилоятида аҳоли зичлиги 681 кишига тенг булган ҳолда, Навоий вилоятида у атиги 8 кишига туғри келади.

Республикада аҳоли зичлигининг қуйи ва юқори чегаралари орасидаги фарқнинг катталиги уни урганишда маълум гуруҳларга ажратиш имкониятини беради. Жумладан, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га 20-25 кишигача булган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилоятларини алоҳида тадқиқ этган ҳолда, аҳоли зичлиги 200 киши ва ундан катта булган ҳудудлар (Андижон, Хоразм, Фарғона, Наманган вилоятлари)га алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Вилоятларни бундай ажратиш уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолати ва ривожланишини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли

сони ва зичлиги ортиб бориши аҳоли жон бошига туғри келадиган ерлар, айниқса, суғориладиган майдонларни қисқаришига олиб келади. Айни вақтда аҳолининг жойлашув курсаткичининг ошиши меҳнат ресурсларини сонининг ортиши билан боғлиқ ҳолда уларни иш билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Масалага шу жиҳатдан ёндошганда муайян ҳудудда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ўсиш динамикасини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистон юқорида таъкидланганидек, меҳнат ресурслари жадал шаклланаётган минтақа ҳисобланади. Бизнинг назаримизда мамлакатда аҳоли ушбу тоифасининг мустақиллик йилларидаги ўсиш суръатини шарғли равишда 4 даврга: 1991-1996, 1996-2001, 2001-2006, 2006-2016 йилларга ажратиб урганиш мақсадга мувофиқ. Биринчи даврда меҳнат ресурслари жами сони 1162,6 минг кишига (3.7-жадвал) ёки йилига урта ҳисобда 232 минг кишидан ортиб борган булса, иккинчи даврда йилига ўртача 288 минг кишига усган<sup>1</sup>. Кейинги даврларда эса мос равишда 399 минг ва 476 минг кишига ортиб борган. Меҳнат ресурслари жами сонининг бундай тарзда ортиб бориши биринчи навбатда унинг демографик базасининг ортиши орқали амалга ошмоқда. Шунингдек, меҳнатга лаёқат ёшидан ташқари, бироқ, меҳнат ресурси сифатида меҳнат фаолияти юритиш иштиёқида булганлар сонининг ортиб бориши ҳам умумий ҳолатда меҳнат ресурслари сонига таъсир курсатмоқда.

Мамлакат меҳнат ресурслари ҳудудий таркиби ва ундаги ўзгаришларнинг турлича булиши ҳудудларнинг табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра амалга ошмоқда. Шунингдек, мамлакат субъектлари ҳудудининг катта кичиклиги ҳам аҳоли зичлиги каби меҳнат ресурслари жойлашуви, зичлигига узига хос таъсир курсатади. Масалан, мамлакатда 1 кв.км.га туғри келадиган меҳнат ресурслари сони ўртача 40 кишини ташкил этган ҳолда, Андижон вилоятида бу курсаткич 370 кишидан ортиқ. Навоий вилояти ҳудудининг катталиги боис меҳнат ресурсларининг ўртача зичлиги атиги 5 кишини ташкил этади. Ҳудуднинг меҳнат ресурслари ва иш ўринлари билан таъминланиш даражаси ушбу курсаткич буйича уларнинг ўсиш динамикасига билвосита таъсир курсатади.

Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат меҳнат ресурсларининг 13 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига туғри келган булса, бугунги кунда бу курсаткич 9 фоизни ташкил этмоқда (3.4-чизма).

Бу биринчидан, ҳудудда шаҳар турмуш тарзининг нисбатан олдинроқ амалга ошганлиги ва туғилиш жараёнларининг жиддий қисқариши, иккинчидан, шаҳарда йирик ишлаб чиқариш объектлари қурилишининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

чекланиши, колаверса, вилоятлардан келадиган меҳнат ресурсларини руйхатдан ўтказилишининг тухтатилиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда. Айти ҳолат, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида ҳам кузатилиб, уларда пасайиш тенденциясини куриш мумкин.

3.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони, динамикаси ва ҳулулий таркиби (иш якунига минг киши)\*


Вилоятлар	Йиллар					
	1991	1996	2001	2006	2010	2016
Ўзбекистон Респ.	10213,2	11375,8	12817,4	14816,5	16726,0	18492,6
Қорақалпоғистон Рес.	594,0	683,8	775,6	867,4	945,5	1040,5
Андижон	897,5	1017,8	1165,3	1346,6	1561,2	1710,2
Бухоро	607,0	667,0	768,5	882,7	987,6	1065,4
Жиззах	368,1	407,4	486,9	564,9	652,1	746,0
Қашқадарё	769,6	895,2	1065,5	1300,2	1493,4	1758,9
Навоий	359,1	377,8	414,2	472,6	531,6	543,6
Наманган	746,3	860,8	992,3	1173,0	1350,6	1535,1
Самарқанд	1016,8	1217,3	1341,1	1576,2	1815,7	2062,6
Сурхондарё	605,5	708,5	845,1	1027,4	1174,1	1402,9
Сирдарё	279,5	304,0	328,1	380,3	420,7	470,2
Тошкент	1061,1	1151,6	1268,3	1430,5	1549,7	1616,9
Фарғона	1094,7	1239,2	1369,0	1591,1	1824,2	2017,2
Хоразм	495,1	599,8	683,9	814,2	900,4	987,0
Тошкент шаҳри	1318,9	1245,6	1313,6	1389,4	1519,2	1536,1

\* Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” статистик тупламлари асосида тузилди.

Фарғона, Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида аксинча, курилаётган даврда меҳнат ресурслари улушининг ортиши кузатилади. Айтганимиз, ушбу монографияда тадқиқ этилаётган Қашқадарё вилояти меҳнат ресурсларининг жами республика меҳнат ресурсларидаги улуши энг катта: 1,4 пунктга ортган. Шунингдек, Самарқанд (0,9 пунктга), Наманган (0,8 пунктга) вилоятлари салмоғи ҳам ортиб борган.



Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ҳудудий тарқиб  
(вillionга буйица, foизца)



Давлат статистика кўмитасининг "Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик" статистик тўпламлари асосида тузилди.

Мамлакатимиз меҳнат ресурсларининг ҳудудий, яъни шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жойлашувига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йил якунида жами меҳнат ресурслари 16726,0 минг кишини ташкил этади. Уларнинг салкам 55 фоизи шаҳарларда, 45 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ яқин йилларгача, мисол учун, 2001 йилда жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизигина шаҳарларда мавжуд эди. Бундай узгаришларга сабаб ҳукуратимиз томонидан аҳоли пунктлари мақомига узгартириш киритиш туғрисидаги қарор, шунингдек, меҳнат ресурсларининг асосий қисми бўлган ишчи кучларининг шаҳарга, туғрироғи шаҳар жойлардаги иш ўринларига интилиши ва транспорт сарф-харажатларининг ортиши натижасида иш жойига ва истеъмолчига яқинлашув каби омилларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда турли хил ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланаётгани ва ривожланиши шаҳарларда қишлоқ жойларга нисбатан жадалроқ руй бермоқда. Бироқ қишлоққа саноатнинг олиб кирилиши ва қишлоқ жойлар ижтимоий инфратузилмасининг тезлик билан ривожланаётгани яқин келажақда меҳнат ресурслари ҳудудий жойлашувидаги нисбатни нормаллаштириши мумкин.


Меҳнат ресурслари ҳудудий жойлашувининг вилоятлардаги ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни икки гуруҳга ажратган ҳолда урганишимиз мумкин. Биринчи гуруҳдаги вилоятларда меҳнат ресурсларининг катта қисми шаҳарларда мавжуд. Масалан, Наманган вилояти меҳнат ресурсларининг 67 фоизи шаҳарларда, 33 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Шунингдек, Андижон, Фарғона, Навоий, Жиззах вилоятлари меҳнат ресурслари салмоғида шаҳарликлар купчиликни ташкил этади. Хоразм вилоятида эса меҳнат ресурсларининг катта қисми, туғрироғи, 63,5 фоизи қишлоқ ҳудудларда истиқомат қилади. Бу гуруҳга шунингдек, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари мансуб (3.5-чизма).

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, республиканинг барча минтақалари меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишида узига хос жиҳатлар мавжуд. Улар куйидагилардир:

- Аҳоли зич яшайдиган ва ер майдони нисбатан кичикроқ вилоятларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши жадал кечмоқда. Бунга ўша ҳудудларда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг куплиги, яъни иш ўринларининг бошқа минтақаларга нисбатан купроқ эканлиги ва демографик жараёнларнинг жадаллик билан кечаётгани сабабдир.

- Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё вилоятлари каби ҳудудларида меҳнат ресурсларининг нотекис тақсимлангани ўша минтақалар табиий-географик ва тарихий таркиб топиши билан боғлиқдир. Аммо бу ҳудудларда саноат ва транспорт

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашуви  
(шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида, фоизда)



Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда меҳнат ва баддиқ” статистик тўпламлари асосида тузилди.

гармокларини янада ривожлантириш орқали меҳнат ресурсларини купрок жалб этиш мумкин.

- Аини пайтда Республикада туғилиш жараёнлари 2016 йилдан нисбатан пасайиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. Бу ҳолат 15-16 йилдан кейинги меҳнат бозорининг шаклланишига замин яратса-да, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида туғилиш курсаткичлари мамлакат уртача курсаткичдан сезиларли даражада юқори эканлигини куриш мумкин. Бу ҳолат ушбу вилоятларда меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик базаси ҳамон юқори темпда сақланиб қолиши мумкинлигини билдиради.

- Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда меҳнат ресурсларининг шаклланишида ички миграцион оқимнинг таъсири кучайиб бормоқда. Аиниқса, юқорида таъкидлаб утилганидек, Наманган вилоятида меҳнат ресурсларининг 2/3 қисми шаҳарларда туплангани уларни иш билан таъминлашда узига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда.

- Республикада сунгги пайтларда қишлоқ ҳудудларда меҳнат ресурсларининг шаклланиш темпи пасайиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида меҳнат ресурсларининг энг ёш қатлами — 16-29 ёшдагиларнинг асосан катта шаҳарлар ва чет мамлакатларда меҳнат қилиш (легал ва нолегал шарт-шароитларда)га интилиши сабаблидир. Бу жараённинг салбий тарафи уларнинг орасида олий маълумотли ва уз соҳасида салоҳиятли мутахассис булиб етишиши мумкин бўлганларнинг мавжудлиги.

### **3.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат ресурсларининг ҳолати**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февральдаги № УП 4947 сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясини (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар стратегияси деб айтилади) тасдиқлади. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижаларини урганиш асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат келгусида миллий иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, мамлакатимизда изчиллик билан давом этилаётган туб ислохотларнинг самарали яқун топиши учун жуда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4 бўлимида «Иқтисодий-иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва

таркибий ислохотларни давом эттириш»<sup>1</sup> устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланади.

Харакатлар стратегиясида белгиланган йуналишлар буйича қуйидаги устувор саналадиган вазифалар белгилаб олинган:

- хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йулидаги барча тусиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тулиқ эркинлик бериш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш;

- тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш.

Харакатлар стратегиясида белгиланган асосий талаблардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида сунгги йилларда оммавий тус олаётган майда мулк эгалари ва уларга ёлланиб ишлаётган ишчиларнинг умумий сони (кулами) билан белгиланадиган, миллий менталитетимизнинг сифат хусусиятларидан бирига айланган хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тобора юксалмоқда. Эътироф этишимиз жоизки, айнан мана шу тоифага мансуб фаол (ишчан) аҳоли қатлами мамлакатимиз истеъмолчиларининг эркин бозор муҳитининг жуда тез узгариб турган талабларига жавоб берадиган асосий эҳтиёжларини қондириш йулида ғайрат қилиб ишламоқда. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши мамлакатимизда ўзининг ҳамда ёлланма ишчиларининг моддий фаровонлиги учун моддий асос солаётган кенг куламли майда мулк эгаларининг пайдо булиши ва алоҳида синф сифатида шаклланиши учун қулай муҳит яратилишига олиб келмоқда.

Объектив сабабларга кўра миллий иқтисодиётимиз тузилмасини қайтадан тузишга эҳтиёж сезилаётганлиги ҳамда хусусий секторни ривожлантириш учун қулай муҳитнинг яратилиши сабабли тобора кўпроқ фуқароларимиз хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилишмоқда. Республикаимизда ривожланаётган хусусий бизнес ва тадбиркорлик сектори янги иш ўринларини яратишга ва демакки, ишсизлик даражасини камайтиришга имкон берадики, бу мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун жуда муҳим. Майда мулк эгаларининг оммавий равишда ривожланиши пировардида аҳолининг жуда катга қатламининг ижтимоий психологияси (онги) ва ҳаётий ориентирларини ижобий томонга ўзгартириб юборади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича харакатлар стратегияси туғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги № УП 4947 сонли Фармони

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси шу хусусияти билан ижтимоий микёсдаги боқимандаликни чегаралашга имконият яратиб беради. Хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги муҳим роли шу билан белгиланадики, иқтисодий жиҳатдан фаол булган аҳоли қатламининг жуда катта қисми фаолият юритади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улкан куч-ғайрат билан янги-янги турдаги товарларни ишлаб чиқаришга, уз маҳсулотлари билан йирик компаниялар учун унчалик аҳамият касб этмайдиган янгидан янги бозор сегментларини эгаллашга ҳаракат қилаёпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳим сифат белгиларидан бири шуки, улар инвестицияларни жуда тез узлаштиради, бундан ташқари айланма воситаларнинг айланиб туриши ҳам анча юқори даражада. Ушбу секторнинг яна бир характерли жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жуда юқори инвестицион фаоллик юритишга мойил булишади. Бу уз навбатида, миллий иқтисодийнинг барча секторларида хужалик юритиш фаолиятининг юксалишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига булган узгарувчанлик қобилияти уларга эркин бозор конъюнктурасининг динамик узгаришларига осонлик билан мослашишга имкон яратиб, нировард натижада мамлакатдаги макроиқтисодий жараёнларнинг барқарор тус олишига кўмаклашади. Таҳлиллар натижаси кўрсатишича, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун муайян даражадаги даромадлилик, юқори интенсивликдаги меҳнат фаолияти, ишлаб чиқаришга янги замонавий технологияларни жорий этишдаги қийинчиликлар, узига тегишли булган ресурсларнинг чекланганлиги, рақобатчилик курашида юқори даражали хатарларга хос сифатлар. Бунинг оқибатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига банкротлик ёхуд ишлаб чиқариш профилининг тез-тез узгариб туриши туфайли янгиланиш жараёнлари жуда интенсив кечади.

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берадиган иқтисодий тармоқлари ва худудлар микёсидаги ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган. Таассуфки, кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган худудлар микёсидаги ҳозирги даврда амалдаги ҳаракат дастурлари маҳаллий илм-фан ютуқларидан унумли ва уринли фойдаланиш имкониятларини, тадбиркорлик маданиятининг узига хос жиҳатларини эътиборга олмасдан ишлаб чиқилган. Эътироф этишимиз жоизки, иқтисодий жиҳатдан юксак тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосини турли воситачилар эмас, балки кичик инновацион (венчур) фирмаларнинг раҳбарлари ташкил этади. Хорижий

давлатларда, биринчи галда АҚШда, венчур компаниялари илм-фан таракқиётининг асосий кучи, иқтисодийнинг узаги булибгина қолмасдан энг даромадли соҳа ҳамдир. Бундай ҳолатдан бир фикр келиб чиқадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш миллий дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида имкон қадар купроқ ва кенгроқ миқёсда мамлакатимиз потенциалини, аниқроқ қилиб айтганда, реал сектор, маҳаллий илм-фаннинг, қурилиш ва хизмат курсатиш соҳаларининг имкониятларини эътиборга олиш зарур.

Мамлакатимизда потенциал инвесторлар учун мақбул, янги инвестицион муҳитни яратишда эътиборга олиниши лозим булган муҳим омиллардан бири бу жаҳон давлатларининг илғор иш тажрибаси ҳамда стандартларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий базанинг яратилишидир.

Ҳозирги даврда республикаимизда ташкил этиладиган компанияларни туркумлаштиришда қуйидаги иккита мезонга асосланишади: корхонада ишлайдиган ишчиларнинг уртача сони ва корхонанинг устав капиталида бошқа корхоналарнинг улуши эътиборга олинади. Жаҳон амалиётида ташкил этиладиган корхоналарни туркумлаштириш учун эса 50 дан зиёд мезонлар қўлланилади. Аксарият ҳолларда қуйидаги мезонлар талабларидан фойдаланишади: корхонада ишлайдиган ишчиларнинг уртача сони, корхонанинг йиллик айланмаси, активлар ҳажми. Шунини таъкидламоқчимизки, иқтисодий жиҳатдан ривожланган барча мамлакатларда энг аҳамиятли мезон сифатида корхонада ишлайдиган ишчиларнинг уртача сони олинади.

Ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини методологик нуқтаи назардан баҳолашда қуйидаги талаблардан келиб чиқиш керак: иқтисодий нуқтаи назардан (товарлар таклифи ва уларга нисбатан мавжуд талаб; товарларнинг турлари; ушбу товарларни харид қилиш учун сарфланиши мумкин буладиган пул маблағларининг ҳажми ва ҳоқ.), шунингдек, соҳани ривожлантириш негизида ётган долзарб муаммоларни яхши англаш учун масалага илмий-техник ҳамда ижтимоий нуқтаи назарлардан ёндашиш зарур.

Эътироф этмоқчимизки, ҳозирги даврда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини йулга қуйиш масаласига эътибор, уларни қуллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар етарлича булса ҳамки, қабул қилинган қарорларнинг амалий ижросини назорат қилиш масаласида муайян камчиликлар ва сусткашликлар мавжуд. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти куп жиҳатдан республика миқёсидаги ижроия ҳокимият органларининг иш фаолиятига боғлиқ. Шу нарса равшанки, давлат органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йуналтирилган махсус чора-тадбирларисиз мавжуд муаммо ҳал булмайди. Бизнинг назаримизда,

мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун амалдаги солиқ тизимини такомиллаштириш, соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳудудий ҳаракат дастурларининг амалий ижросини назорат қилиб бориш механизмини кучайтириш, хусусий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида учрайдиган хавф-хатарларни суғурталаш механизмини, уз фаолиятини шахсий маблағлар ҳисобидан молиялаштириш (кредит уюшмалари, бир-бирини суғурталаш жамиятлари ва ҳок.) механизмларини такомиллаштириш, кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан, қайта тузилаётган корхоналарнинг мол-мулкидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, кичик бизнес субъектлари билан бозор тизими, давлат органлари уртасидаги манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида юзага келадиган муаммоларни, ташкилий масалаларни ҳал этиш учун имкониятларни кенгайтириш, соҳанинг ривожланиши йўлида учрайдиган ҳар қандай маъмурий – буйруқбозлик тусиқларини олиб ташлаш зарур.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга йуналтирилган бир қатор ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги даврда республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида молиялаштиришнинг қуйидаги турлари мавжуд: молиявий, мулкӣ, корхоналарнинг ташқи иқтисодӣ фаолиятини қўллаб-қувватлаш, информацион таъминот, кадрларни тайёрлашга қумаклашиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун банклар, суғурта, лизинг, факторинг компанияларини, консалтинг фирмалари ва бошқа тузилмаларни уз ичига оладиган кенг тармоқли инфратузилма яратилган.

Тадқиқотларни амалга ошириш жараёни давомида биз иқтисодӣ жиҳатдан ривожланган бир қатор хорижий давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш дастурларини узаро таққослаб қуриб, илғор иш тажрибасидан маҳаллий шарт-шароитларда уринли фойдаланиш лозим деган фикрга келдик. Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг истиқболлари юксак деган фикрларга тамомила қушилаимиз.

Ўзбекистон Республикаси Статистика қумитасининг 2015 йил 1 январига нисбатан берилган маълумотларига караганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ЯИМнинг умумий ҳажмига нисбатан 56,7% (2014 йилдаги курсатқичга нисбатан 0,4% узиш кузатилади), саноат ишлаб чиқарилишининг 38,9%, чакана савдо



айланмаининг 87,1 %, пуллик хизматлар соҳасида 50,8%, ижтимоий бандлик соҳасида 77,9% яратилган.

Ҳисобот йили давомида 26,9 % дан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган, бу 2014 йилдаги курсаткичларга нисбатан олганда 3,3%га ортиқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг кўпи саноат ишлаб чиқариши ҳамда ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 36%, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш соҳасида 30,4%, шунингдек қурилиш соҳасида 11,2% пайдо булди.

2015 молиявий йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қўйидаги нагижалар қўлга киритилди:

- 10178,9 минг кишини (иктисодиётда банд бўлганларнинг 77,9%) иш билан банд қилишга эришилди. Шу жумладан, хусусий секторда 7949,4 минг киши, кичик бизнес корхоналари ва микрофирмаларда 2229,5 минг киши 14789,3 иш билан банд бўлишди;

- 35699,7 млрд. сўмлик (12,45 млрд. АҚШ долларига тенг) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу республика миқёсидаги ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 38,9% ни (2014 йилга нисбатан олганда 119,8%) ташкил қилади;

- 14789,3 млрд. сўмлик (5,16 млрд. АҚШ долларига тенг) республика миқёсидаги ялпи саноат ишлаб чиқаришининг 36,3% (2014 йилга нисбатан олганда 118,1%) инвестициялар узлаштирилди;

- 17015,0 млрд. сўмлик (5,93 млрд. АҚШ долларига тенг) қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу умумий қурилиш ишларининг 67,2% ни ташкил қилади (2014 йилга нисбатан олганда 114,4%);

- автомобиль транспорти воситасида юк ташиш ишлари умумий ҳажмининг 8,5% га (бу умумий юк ташиш ишларининг 83,9%ни), пассажирлар оборотининг усишини (бу умумий пассажирлар оборотининг 89,9% ни ташкил қилади) таъминлади;

- умумий чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг 87,1%ни шакллантирилди. Бу 61839,9 млрд. сўм (21,57 АҚШ долларига тенг) демакдир, иқтисодий усиш 16,0%ни ташкил қилган; пуллик хизматлар 50,8% (13887,7 млрд. сўмни (4,84 млрд. АҚШ долларига тенг)) ташкил қилган;

- 3461,6 млн. АҚШ долларига тенг (умумий экспорт ҳажмининг 26,9%) маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинган, 5524,8 млн. АҚШ долларига тенг (умумий импорт ҳажмининг 44,5%) маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинган.

2016 молиявий йилнинг 1 январига нисбатан олинган ҳолат бўйича кичик бизнес корхоналарида иш билан банд бўлганлар умумий сони

10178,9 минг кишини (иктисодиётда банд булганларнинг 77,9%) ташкил қилди.

Хусусий секторда иш билан банд булганларнинг умумий сони 9376,4 минг кишини (бу секторда иш билан банд булганларнинг умумий сонининг 92,1%), микрофирмаларда иш билан банд булганларнинг умумий сони 2229,5 минг кишини ташкил қилди.

2016 молиявий йилнинг бошига келиб республикамизда жами 225998 та кичик корхона ва микрофирмалар давлат руйхатидан утказилганди.

2015 йилда 26,9 мингдан ортиқ янги бизнес субъектлари ташкил этилган бўлиб, бу 2014 йилдагига нисбатан олганда 3,3% га қуп.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг усишига таъсир қилган омиллар орасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни кредитлаш жараёнларининг нисбатан соддалаштирилиши алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб утмоқчимиз. 2015 йилда янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг 58% дан ортиққисми Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига, яъни саноат ишлаб чиқариши, кичик корхоналарнинг йирик компаниялар билан узаро кооперацияси асосида ривожланиш имкониятлари анча юқори булган зоналарига туғри келади.

Тармоқлар кесимида олинганида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги тузилмавий узгаришларга тавсиф берадиган булсак, айтишимиз лозимки, саноат, қишлоқ хужалиги ва қурилиш тармоқларида тийёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 55,4% гача юксалган, хизматлар курсатиш соҳасида курсаткичлар 44,6% ни ташкил қилган. Хизматлар тузилмасида чакана товарлар айланмасининг солиштирма улуши 36,4% ни ташкил қилиб, бу энг юқори курсаткич ҳисобланади.

2015 йилда саноат тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг усиш суръатлари барқарор сақланди. Ишлаб чиқариш ҳажми 35699,7 млрд. сумни (12,45 млрд. АҚШ доллариға тенг), 2014 йилга нисбатан усиш суръатлари 119,8% ни ташкил қилди.

Мамлакатимиз саноатининг умумий ҳажмида хусусий бизнес қорхоналарининг солиштирма улуши 38,9% ни ташкил қилди, бу 2014 йилдаги курсаткичдан (34,8%) юқори. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида хусусий секторнинг улуши 44,6% ни ташкил қилди. Саноат соҳасидаги ишлаб чиқариш курсаткичларининг юқори усиш суръатлари, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаштириш учун ажратилган инвестицион маблағлар ҳажмининг ошиши ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг техник жиҳатдан янгиланиши билан изоҳланиши мумкин.

Саноатнинг умумий ҳажмида хусусий бизнес қорхоналарининг солиштирма улушига нисбатан юқори булган вилоятлар орасида Наманган (61,9%), Самарқанд (55,4%), Жиззах (50,4%), Фарғона

(40,8%) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрини (71,2%) таъкидлашимиз мумкин.

2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 17015,0 млрд. сўмлик (5,93 млрд. АҚШ долларига тенг) қурилиш ишлари амалга оширилди, узиш суръатлари 2014 йилга нисбатан 114,4 % ни ташкил қилган. Қурилиш ишлари асосан хусусий тадбиркорлар (уларнинг улуши 94,0 %ни ташкил қилди; улардан 44,8% хусусий тузилмалар ҳисобланади) томонидан бажарилган.

Наманган (95,2%), Андижон (94,7%), Самарқанд (93,5%), Жиззах (93,4%), Фарғона (90,1%) вилоятларида бажарилган қурилиш ишларининг ҳажми нисбатан сезиларли даражада юқори булган.

2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмасининг ҳажми 61839,9 млрд. сўмни (21,57 млрд. АҚШ долларига тенг), 2014 йилдаги курсаткичга нисбатан узиш 16,0%ни ташкил қилди. Мамлакатимиз чакана савдо айланмасидаги солиштирма улуши 81,7% ни ташкил қилди. Бутун йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмасининг ҳажми юқори даражада сақланиб турди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмасининг ҳажмидаги улуши миқдорининг сезиларли даражада ошиши энг аввало қишлоқ хужалиги соҳасида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашда тадбиркорларнинг ҳиссаси ортаётгани билан изоҳланиши мумкин. Уларнинг меҳнати самараси улароқ республикаимиз аҳолиси бутун йил давомида рўзгор учун керакли маҳсулотлар билан таъминланмоқдалар.

2015 йилда жами 14789,3 млрд. сўмлик (5,16 млрд. АҚШ долларига тенг) инвестициялар узлаштирилди. 2014 йилдаги худди шундай курсаткичга нисбатан узиш 18,1% ни ташкил қилди. Бу мамлакатимиз миқёсида узлаштирилган жами инвестициялар ҳажмининг 36,3% ни (2014 йилда бу курсаткич 34,8% булганди) ташкил қилади. 26,8 мингдан зиёд янгикичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил топди, саноат ишлаб чиқариш соҳасида амал қилаётган субъектларда ишлаб чиқариш тизими модернизация қилинди, намунали лойиҳалар буйича уй-жойлар қурилиши ва қишлоқ жойларида янги иш жойларини ташкил этиш буйича курсаткичлар сезиларли ўсганини сезамиз.

Инвестициялар қуламининг ошиши кичик бизнесва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ва республикаимиз буйича ҳудудий миқёсда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги салмоғининг ошишини таъминлади. 2015 йилнинг якунига кўра, вилоятлар буйича ҳудудий миқёсда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салмоғи анча ошди. Жумладан, Жиззах вилояти буйича 80,1% гача, Наманган вилояти буйича 80,2% гача,

Самарқанд вилояти буйича 77,9 % гача, Сурхондарё вилояти буйича 75,2% гача, Хоразм вилояти буйича 74,1% гача.

2015 йилда кичик бизнесва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 3461,6 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу республика буйича ялпи экспорт ҳажмининг 26,9% ни ташкил қилди (2014 йилда бу курсаткич 26,0% булганди).

Кичик бизнесва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ялпи экспортда хусусий секторнинг улуши 3,3% ни ташкил қилди.

2015 йилда кичик бизнесва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган импорт операцияларининг ҳажми 5524,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Республика микёсидаги умумий импорт ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг импорт операциялари солиштирма улуши 44,5% га етди (2014 йилда бу курсаткич 41,3% булганди). Мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналар томонидан амалга оширилган жами импорт операцияларида секторнинг улуши 8,8% ни ташкил қилди.

2015 молиявий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 12,1 трлн. сўмдан ортиқ (4,23 млрд. АҚШ долларига тенг) кредитлар ажратилди. Бу 2014 йилдаги худди шундай курсаткичга нисбатан олганда 1,3 маротаба ортиқ. Ажратилган кредитлар жумласида 2,5 трлн.сўмга яқини (872,0 млн. АҚШ долларига тенг) микрокредитлар булди, ҳорижий молиявий институтлар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган 177,4 млн.АҚШ доллари ҳажмидаги кредитлар ҳзлаштирилди. Сунгги ҳн йиллик давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 21 маротабага ошди.

Ҳозирги даврда республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тартибга солиш куйидаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда:

- “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари туғрисида”;
- “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида”;
- “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш туғрисида”;
- “Масъулияти чекланган ҳамда қушимча масъулиятли жамиятлар туғрисида”;
- “Хусусий корхона туғрисида” ва “Ҳужалик ширкатлари туғрисида”;
- “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Жорий йилнинг январидан августига қадар утган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари булган корхона ва фирмаларнинг иқтисодий фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қаторасига янги 10 та муҳим фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Статистика қумитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қўшма бўйруқлари қабул қилинди. Мазкур норматив ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, янги ташкил этилаётган корхоналарни давлат руйхатидан ўтказиш тартибларини, кичик бизнес соҳасида ишлайдиган ишчиларни статистик руйхатга олиш масаласини такомиллаштиришга ва бошқа актуал масалаларнинг ечимини топишга қаратилган бир қатор муаммолар узининг амалий ечимини топади.

## **IV БОБ. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **4.1. Мехнат ресурслари шаклланишининг сифатини ошириш йуналишлари**

Иқтисодий ривожланишининг инновацион шаклига утиш шароитида меҳнат ресурсларининг сифат курсаткичларига булган талаб ошади. Меҳнат ресурсларининг асосини ташкил этувчи меҳнатга лаёқатли аҳолига хос булган хусусият уларнинг такрор барпо булишининг барча босқичларида уз-узини ривожлантириб, такомиллаштириб боришидир. Инновацион иқтисодий шароитида эса меҳнат ресурслари сифатининг иқтисодий киймати ошиб боради. Ишлаб чиқариш жараёнининг доимий янгиланиши ва такрорланишининг асосий шarti нафақат ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларини тиклаш, балки фойдаланилган ишчи кучини ҳам тиклаш ва такрор барпо булишини тақозо этади. Меҳнат ресурсларининг такрор барпо булиш жараёни уларнинг миқдор курсаткичлари билан бир қаторда сифат курсаткичларининг ҳам доимий равишда янгиланиб туриш жараёнини назарда тутати.

Меҳнат ресурсларининг сифатини ифодаловчи курсаткичлар куйидагиларни уз ичига олади:

- Меҳнат ресурсларининг алоҳида жиҳатларини баҳоловчи курсаткичлар (таълим даражаси, саломатлик даражаси, аҳолининг даромад курсаткичлари);

- Меҳнат ресурсларини умумлаштирган ҳолда баҳоловчи интеграл курсаткичлар (БМТ томонидан ишлаб чиқилган “Инсон тараққиёти индекси”, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳисобланадиган “Инсон капитали индекси” ).

Шубҳасиз аҳолининг таълим даражаси меҳнат ресурсларининг сифатини белгиловчи асосий омил сифатида юзага чиқади. Таълим ва малака даражаси меҳнат ресурсларининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, уларнинг даромадларини оширади.

Таълим билан бирга аҳолининг саломатлиги ҳам меҳнат ресурсларининг сифатини шакллантирувчи омилдир. Саломатлик таълим каби меҳнат ресурсларининг таклифини белгилаб бериш орқали иқтисодий усишни таъминлашда муҳим омиллар қаторидан жой олган (G. Becker (1964), D.Weil (2014))<sup>1</sup>.

Саломатлик инсон қобилиятлари ва билимини ривожлантириш ва юзага чиқаришда муҳим омил сифатида юзага чиқади. Инсон эгалик

<sup>1</sup> Becker, G.S. (1964). Human Capital. Columbia University Press, New York.  
Weil, D.N. (2014). Health and Economic Growth. In P. Aghion and S. N. Durlauf (eds.), Handbook of Economic Growth, Volume 2B, Elsevier, Amsterdam, pp. 623-682.

қилган билим, малака ва қобилиятлари йиғиндиси унинг меҳнат унумдорлигини ва шунингдек, унинг меҳнатига бўлган талабни белгилаб беради. Инсон саломатлигининг ёмонлашуви унинг қобилиятлари, билим ва малакасини намён қилишига тусқинлик қилиши мумкин, яхши саломатлик эса иқтисодий фаолликни ошириб, иқтисодий усишга уз ҳиссасини қушиш имконини беради. Шу билан бирга саломатликнинг ёмонлашуви ишчининг ишлаган соат ҳажмини тушириб, меҳнат унумдорлигини пасайтиради ва уз навбагида қушимча натижанинг йўқотилишига олиб келади. Инсон саломатлигининг ёмонлашувига сабаб булувчи касалликларни даволаш билан боғлиқ булган харажатлар ва йўқотилган маҳсулоғнинг қийматининг йиғиндиси саломатлик ёмонлашувининг иқтисодий қийматини ташкил этади<sup>1</sup>. Шу сабабли саломатлик инсоннинг асосий активлари қаторидан жой олиб, унинг нуқсонларга эга булиши инсонга жисмоний ва руҳий зарар етказиб, унинг меҳнат ресурслари қаторидан жой эгаллаши ва иқтисодий фаоллигини амалга оширишга тусқинлик қилади. Бир қатор тадқиқотлар натижасида инсон саломатлиги даражаси унинг келажакдаги даромад даражаси, бойлиги ва истеъмол даражасини белгилаб бериши тасдиқланган.

Cai ва Kalb (2006, 2010) меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёл ва эркекларнинг ишчи кучидаги иштироки Австралия мисолида ўтказган тадқиқотлари натижасида ёш ва жинсига кура баъзи фарқланишлар мавжуд булишига қарамай, аҳоли саломатлиги даражаси ва унинг иқтисодий фаоллиги орасида туғридан-туғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланган<sup>2</sup>. Forbes ҳаммуаллифлари билан айнан шу мамлакат учун сурункали касалликлар билан касалланиш ҳолатининг меҳнат бозоридаги иштирокига таъсирини тадқиқ этиш натижасида, сурункали касалликлар билан касалланиш ҳолатларининг камайиши меҳнат бозоридаги фаолликни ошириши маълум бўлди<sup>3</sup>.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар Колумбия<sup>4</sup>, Янги Зеландия<sup>5</sup>, Германия<sup>1</sup>, Канада мисолида амалга оширилиб, индивиднинг саломатлик даражаси

<sup>1</sup>Holt N. Health and Labor Force Participation. 2010a. Mushtaq et al. Effects of health on changing labor force participation in Pakistan. SpringerPlus 2013, 2:610 <http://www.springerplus.com/content/2/1/610> [https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3843503/pdf/40064\\_2013\\_Article\\_663.pdf](https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3843503/pdf/40064_2013_Article_663.pdf)

<sup>2</sup> Cai, L. (2010). The relationship between health and labour force participation: Evidence from a panel data simultaneous equation model, *Labour Economics*, vol. 17, num. 1, pp. 77–90.

Cai, L.; and Kalb, G. (2006). Health Status and Labour Force Participation: Evidence from Australia. *Health Economics*, vol. 15, num. 3, pp. 241–261.

<sup>3</sup> Forbes, M., Barker, A., and Turner, S. (2010). The Effects of Education and Health on Wages and Productivity. Productivity Commission Staff Working Paper, Melbourne. [http://www.nc.gov.au/\\_data/assets/pdf\\_file/0009/95778/education-health-effects-wages.pdf](http://www.nc.gov.au/_data/assets/pdf_file/0009/95778/education-health-effects-wages.pdf)

<sup>4</sup>Iregui-Bohorquez A. et al. Health Status and Labor Force Participation: Evidence for Urban Low and Middle Income Individuals in Colombia. <https://editorialexpress.com/cgi-bin/conference/download>

<sup>5</sup>Carter, K. N.; Gunasekara, F. I.; Blakely, T.; and Richardson, K. (2013). Health shocks adversely impact participation in the labour force in a working age population: a longitudinal 29 analysis. *Australian and New Zealand Journal of Public Health*, vol. 37, num. 3, pp. 257–263. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/23731109>

унинг иктисодий фаоллик даражасини ошириб, хусусан Германия буйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар яхши саломатлик даражаси эркакларнинг даромад даражасини ошириши маълум булган.

Туркия Статистика институти томонидан 2013 йилда утказилган “Даромад ва турмуш шароитлари” сурови натижалари асосида амалга оширилган тадқиқот натижасида саломатлик даражасининг меҳнат бозоридаги иштирокига таъсири 50 ёшдан ошган эркаклар ва аксинча, 50 ёшдан кичик булган аёллар гуруҳи учун кучли эканлиги аниқланди<sup>2</sup>.

ИнтерАмерика Тараққиёт Банки томонидан тақдим этилган мақолалар тўпламида уз аксини топган тадқиқотлар Лотин Американинг бир қатор мамлакатлари (Мексика, Перу, Никарагуа, Колумбия) буйича иш ҳақи ва саломатлик даражаси орасидаги боғлиқликни урганиш асосида ушбу курсаткичлар орасида туғридан-туғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланган<sup>3</sup>.

Бугунги кунда жаҳонда ҳар йили 36 млн киши юқумсиз касалликлардан ҳаётдан кетмоқда, уларнинг 25 %и 60 ёшгача булган кишиларга, яъни айнан меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳиссасига туғри келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларига қараганда руҳий касалликларнинг таъсири остида келиб чиқадиган харажатлар ривожланган мамлакатлар учун ЯИМнинг 4 %ни ташкил этади. Депрессия бутун дунёда ишга лаёқатсизлик сифатида баён этилади.

Умуман олганда, фикримизча меҳнат ресурсларининг сифати ҳақида гап борганда инсон капитали тушунчаси орқали таҳлил қилиш мантиқан туғри бўлади. Чунки “меҳнат ресурслари” ва “инсон капитали” тушунчаларининг моҳиятлари тадқиқ этиш натижасида “инсон капитали” “меҳнат ресурслари”нинг айнан сифатини ифодаловчи иктисодий категория сифатида амал қилиши маълум булган.

Айнан инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар асосида меҳнат ресурсларининг сифати шаклланади ва ривожлантирилади. Инсон капиталига инвестиция турлари борасида олимлар орасидаги фикрлар турличадир. Инсон капиталини тадқиқ этишнинг «Чикаго мактаби» шахс таълим, соғлиқни сақлаш, миграция ва бошқа фаолият турларига маблағни сарфлашни рационал тарзда, яъни келажақда ундан катта фойда олиш мақсадида амалга оширади деб таъкидлайди. Инсон капиталини яратишга

<sup>1</sup> Jackle, R. and Himmiler, O. (2010) Health and Wages: Panel Data Estimates Considering Selection and Endogeneity, *Journal of Human Resources*, vol. 45, num. 2, pp. 364-406. [https://mpra.ub.uni-muenchen.de/11578/1/MPra\\_paper\\_11578.pdf](https://mpra.ub.uni-muenchen.de/11578/1/MPra_paper_11578.pdf)

<sup>2</sup> Doğrul H. The Effects of Health on Labour Force Participation: Evidence from Turkey. *International Journal of Economics and Finance*; Vol. 7, No. 8; 2015 ISSN 1916-971X E-ISSN 1916-9728 Published by Canadian Center of Science and Education 168. <http://ccsenet.org/journal/index.php/ijef/article/viewFile/51543/27620>

<sup>3</sup> Savedoff, W.D. and Schultz, T.P. (eds.) (2000). *Wealth from Health: Linking Social Investments to Earnings in Latin America*. Inter-American Development Bank, Washington D.C. <https://publications.iadb.org/bitstream/handle/11319/321/Wealth%20from%20Health%3A%20Linking%20Social%20Investments%20to%20Earnings%20in%20Latin%20America.pdf?sequence=1>



қаратилган бу харажатлар ёки бошқача қилиб айтганда инвестициялар шахс учун ва ўз навбатида бутун жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Инсон капиталига қилинган инвестициялар нисбатан юқори даражали даромад, бутун ҳаёт давомида танланган ишдан роҳатланиш сифатида қайтиши кутилади.

«Инсон капитали» назариясининг асосчилари инсонга йўналтирилган инвестициянинг асосий шакллари сифатида таълим, иш жойида малака ошириш (on – the job training), тиббий хизмат, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумот излаш, болаларнинг туғилиши ва уларнинг тарбияси кабиларни кўрсатишади.

– таълим ва касбга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади;

– соғлиқни сақлаш касаллик ва ўлимни қисқартириб инсоннинг хизмат қилиш муддатини оширади;

– миграция ва маълумот излаш, ишчи кучининг меҳнатга юқорирок туланадиган, яъни инсон капитали қиймати юқорирок бўлган жойларга ва тармоқларга ҳаракатланишига сабаб бўлади;

– болаларнинг туғилиши ва тарбияси меҳнат ресурсларининг келажак авлодда «такрор барпо булишига» сабаб бўлади.

Таълим ва соғлиқни сақлаш узоқ муддат амал қиладиган омиллардир. Таълим жараёнининг маҳсули сифатида мураккаб меҳнатга қобилиятли юқори малакали сифат жиҳатдан янги ишчи кучи юзага чиқади. Соғлиқни сақлаш эса инсоннинг меҳнат қобилиятининг давомийлигини узайтиради. Булардан фарқли уларок миграция ва маълумот излаш қисқа муддатли омиллардир. Таълим ва соғлиқни сақлаш ишчи кучи қийматининг ҳақиқий ўсишини таъминласа, миграция ишчи кучи нархининг унинг қиймати атрофида тебранишини таъминлайди.

Умуман олганда инсон капиталига инвестиция турлари инсон капиталининг таркибий унсурлари билан бевосита боғлиқ равишда классификацияланади. Инсон капиталига инвестициянинг асосий турлари 4.1-чизмада ўз аксини топган.

Инсон капиталига инвестиция турли босқичларда амалга оширилади уни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, болалик даврида – ота-оналарнинг қарори асосида, яъни ўз фарзандининг инсон капиталига инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик қарори билан белгиланади. Иккинчиси, усмирлик ва ёшлик даврида – индивидларнинг ўзларининг қарори билан амалга оширилади. Учинчиси, меҳнат кучи босқичига киргандан сўнг – яъни, меҳнат фаолияти бошлангандан кейин, иш жойида урганиш шаклида бевосита иш жараёни давомида, шунингдек, иш берувчи муассаса ёки индивиднинг ўзи томонидан алоҳида инвестициялаш орқали амалга оширилади.



**4.1-расм. Инсон капиталига инвестициянинг асосий турларининг умумлаштирилган таснифи<sup>1</sup>**

Инсон капиталига инвестиция манбаи сифатида давлат (хукумат), нодавлат жамоат ташкилотлари ва жамғармалари, минтақалар, алоҳида фирмалар, уй хужаликлари (индивидлар), халқаро ташкилот ва жамғармалар, шунингдек таълим муассасалари юзга чикиши мумкин. Бугунги кунда бу соҳада давлатнинг роли жуда юқоридир. Давлат буни мажбурий ва ундовчи йўллар билан амалга оширади. Мажбурийга урта мактаб доирасида таълим олиш ва мажбурий тиббий профилактика тадбирларни (эмлаш) мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин асосий тадбирлар ундовчи хусусиятга эгадир. Инсон капиталини шакллантиришнинг асосий соҳалари бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш гизимида давлатнинг роли айниқса катта.

Таълимга бўлган инвестиция нафақаг мамлакат инсон капиталини ўстириш ва иқтисодий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, у одамларнинг дунёкарашини кенгайтиради, уларга ўзларини намўн қилиш имконини беради, уларнинг иқтисодий фаровонлиги ва соғлом турмуш тарзи учун замин яратади.

<sup>1</sup>Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. – Т.: "Иқтисод-молия", 2014. 68 б.



\* - прогноз курсаткичлар.

#### 4.2-расм. Ўзбекистонда давлат бюджетидан маориф ва соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган харажатлар, ЯИМ га нисбатан %<sup>1</sup>.

Ушбу мақсадда республикада давлат бюджетининг умумий харажатларига нисбатан оладиган булсак, 2011 йилда давлат бюджети харажатларининг 58,7% ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб қувватлашга йуналтирилган булса, 2017 йилда 59,7% га етказилиши режалаштирилган. Сунгги бир неча йиллар давомида таълим соҳасини ривожлантириш ва самарали амал қилиши учун бюджет харажатларининг 35%дан ортиғи ва соғлиқни сақлаш соҳасига 15% маблаг ажратилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда маориф соҳасининг молиялаштирилиши ривожланган давлатлар доирасида шаклланган. Сунгги йилларда ИХТТ мамлакатларида таълим соҳасининг молиялаштирилиш уртача даражаси 6,5% ташкил этмоқда. Лекин ушбу харажатлар таркибининг таҳлили уларнинг 75% мактаб, урта махсус ва касб ҳунар таълимига ажратилаётганини курсатди. Унинг ҳам уз навбатида катта қисми янги таълим муассасаларини қуриш ва эскиларини таъмирлаш каби йуналишда сарфланаётгани маълум булди. Олий таълимга ажратиладиган харажатлар эса анча паст.

Мамлакатда мавжуд меҳнат ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим соҳасига харажатлар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш харажатларини бир хил даражада шакллантириш тавсия этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қура мамлакатда миллат саломатлигини яхшилаш ва сақлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштирилиши ЯИМнинг 5-6%дан кам булмаган миқдорда урнатилиши зарур.

<sup>1</sup> Ҳозирда Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашга ажратиладиган умумий харажатлар миқдори 4%дан ошиқ бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан етарли даражада молиялаштирилмаслиги аҳолининг индивидуал харажатлари томонидан қопланади.

Халқаро миқёсида инсоннинг ривожланиши ва узининг қобилиятларини намоён қилиши учун имкониятларнинг яратилишини қиёслайдиган кўрсаткич сифатида Инсон тараққиёти индекси энг кенг тарқалган кўрсаткичдир.

4.1-жадвалда Ўзбекистоннинг инсон салоҳиятининг ривожланиши ёки инсон тараққиёти индекси бўйича йиллар давомида ўзгариш тенденцияси келтирилган. Шунини айтиб ўтиш керакки, 2015 йилда Ўзбекистон 0,701 кўрсаткич билан инсон тараққиётининг юқори даражасига эга бўлган давлатлар гуруҳига киришга муваффақ бўлди.

Меҳнат ресурсларининг ривожланганлик даражаси ва сифатини агрофлича баҳолайдиган яна бир кўрсаткич “Инсон капитали индекси”дир. 2013 йилда Жаҳон иқтисодий форуми томонидан Гарвард университети (Harvard University) ҳамда инсон ресурслари соҳасидаги халқаро консалтинг компанияси (Mercer) билан ҳамкорликда тайёрланган инсон капитали туғрисидаги илк маърузаси (Human Capital Report 2013, WEF) тақдим этилди. Маъруза исталган мамлакат ва исталган институт муваффақиятли келажакнинг асоси одамларининг иқтидори, малакаси ва имкониятларидадир, деб бошланади<sup>1</sup>.

Маърузада таъкидланишича, инсон капитали мураккаб тушунча бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг турли субъектлари учун турлича аҳамиятга эга бўлади. Бизнес оламида инсон капитали бу ходимнинг малака ва бошқа ижодкорлик қобилияти йигиндисининг иқтисодий қиймати бўлса, сиёсатчи учун инсон капитали бу аҳолининг иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилиятидир. Одатда инсон капитали таълим, тажриба функцияси сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда саломатлик (жисмоний, рухий) инсон капиталининг фундаментал қисми сифатида қабул қилинган. Буларга қўшимча равишда инсон капитали қиймати жамият ривожланишининг жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари билан аниқланади, чунки айнан шу жиҳатлар инсон эгаллик қилган хусусиятларнинг қайси бири муқофотланишини белгилаб беради.

Ишлаб чиқилган инсон капитали индекси узоқ муддатли ва кенг қамровли ёндашувни ифодалаб, мамлакатда аввал амалга оширилган тадбирлар натижаси сифатида акс этувчи ўлчовлар орқали мамлакат инсон капитали ҳолатини аниқлаш билан бирга, келажакда ишчи кучи шаклини олувчи бугунги ёш авлодга таъсир кўрсатувчи стратегик қарорлар натижаси сифатида кўрсаткичларни ўз ичига олади.

<sup>1</sup>Human Capital Report 2013, WEF, Geneva, Switzerland. [www.weforum.org](http://www.weforum.org)

**Ўзбекистоннинг инсон тараққиёти индекси бўйича узгарिश  
тенденциялари<sup>1</sup>**

<b>Курсаткич</b>	<b>1998</b>	<b>2000</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>	<b>2010</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>
ИТИ курсаткичи	0.686	0.727	0,694	0,696	0.617	0.661	0.675	0.701
ИТИ рейтинги бўйича ўрни	106	95	111	113	102	116	114	105
Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги		69	66,5	66,6	68,2	68.2	68,4	69,4
Таълимнинг уртача давомийлиги*	-	-	-	-	10,0	10.0	10,9	12,2
Кутилаётган таълим давомийлиги*	-	-	-	-	11,5	11,5	11,5	12
Жон бошига ЯМД (АҚШ долл. СОП)		2441**	1744**	1869**	3085	5227	5567	5748
Рейтингда иштирок этган умумий давлатлар сони	174	173	177	177	182	187	188	188

\* - 2010 йилда Инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш услубиётига узгартириш киритилган. Унга таълим индекси аҳолининг саводхонлик даражаси ва олий таълим билан қамров курсаткичлари асосида ҳисобланган.

\*\* - 2010 йилгача аҳолининг турмуш даражаси индекси аҳоли жон бошига ЯИМ орқали ҳисобланган.

Лойиҳа раҳбарларининг таъкидлашича, ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади турли мамлакат ҳукуматларига глобал даражада уларнинг кучли ва аксинча алоҳида эътибор талаб қиладиган томонларини аниқлаш,

<sup>1</sup>БМТ нинг “Human Development Report” маърузалари асосида муаллиф томонидан тушланган.

Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие, Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010. , HumanDevelopmentReport 2011 SustainabilityandEquity: ABetterFutureforAll, Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2013. Human Development Report 2015 Work for Human Development, Доклад о человеческом развитии 2016. Человеческое развитие для всех и каждого / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир». 2016 <http://hdr.undp.org/sites/>

мамлакатда мавжуд ишчи кучига самарали инвестицияни амалга ошириш ва бу инвестицияларни иқтисодиёт учун унумдорликка айлантириш усулларини топишга қандайдир даражада кумаклашишдир. Шунингдек, ушбу нашр кейинги тадқиқотлар, шунингдек, инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ сиёсатни узгартирилиши, давлат, бизнес, нодавлат ташкилотлар ва университетларни янги лойиҳаларни амалга оширишга илҳомлантириб, жаҳон ҳамжамияти ва иқтисодиётининг ривожланиши ва барқарорлигига асос буладиган узгаришларни амалга оширишга хизмат қилишига умид билдиришган.

Ушбу маърузада тақдим этилган инсон капиталини баҳолаш услуби шу пайтгача қулланилган услубиётларга қараганда кенгрок кўрсаткичлар кўламини қамраб олган булиб, турт йуналиш буйича: таълим ва касбий тайёргарлик, соғлиқни сақлаш ва саломатлик, меҳнат ресурслари ва бандлик, шунингдек, сунггиси юқоридагиларнинг юқори қийматга айланишига асос яратувчи ва инсон капиталининг самарали амал қилишини таъминловчи «қулай муҳит» курсаткичлари буйича баҳоланган. Индекс жами 51 та кўрсаткич буйича ҳисобланиб, уларнинг 12 таси таълим йуналиши, 14 таси саломатлик, 16 таси ишчи кучи ва бандлик ва 9 таси институционал муҳит йуналиши доирасида белгиланган. Курсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилоти каби халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган оммавий очик объектив статистик маълумотлар шунингдек, уларга қушимча равишда асосан сифат курсаткичларни ифодаловчи жаҳон иқтисодий форумининг жамоат фикрини урганиш суровлари натижалари ва Gallup нинг саломатлик борасидаги суров натижалари асосида шакллантирилган.

Таълим йуналишидаги кўрсаткичлар таълимнинг барча босқичларининг миқдор ва сифат жиҳатларини акс эттирувчи кўрсаткичларни ўз ичига олган.

Соғлиқ ва саломатлик йуналишидаги кўрсаткичлар ижтимоий-маданий, жўгрофий, атроф-муҳит ва саломатликнинг физиологик омилларининг инсон капиталининг ривожланишига қанчалик таъсир курсатишини ифодаловчи ўлчовларни ўз ичига олган. Ҳаёт йуналиши ёндашувига асосланган бўлиб, келажак ишчи кучи саломатлигига асос бўлувчи илк ривожланиш кўрсаткичлари билан бирга жорий ишчи кучининг қобилияти ва унумдорлигига таъсир кўрсатувчи юқумли ва юқумсиз касалликлар билан қасалланиш кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Учинчи йуналиш *меҳнат ресурслари ва бандлик* доирасидаги кўрсаткичларни қамраб олган. Ҳукумат, илмий ҳамжамият ва бизнеснинг малака, иқтидор ва тажрибани баҳолаш зарурати борасидаги қуллаб келишув ва ҳаракатларига қарамасдан, халқаро миқёсда таҳлилларни амалга ошириш учун умум эътироф қилинган стандарт кўрсаткичлар

тизими мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб индексни ҳисоблаш учун ишчи кучининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини намоён этадиган кўрсаткичлар танланган. Кўрсаткичлар – меҳнат бозоридаги иштирок, қобилият ва малака ошириш каби гуруҳлар доирасида бирлаштирилган. Меҳнат бозоридаги *иштирок* миқдорий хусусиятга эга бўлиб, иқтисодий фаол аҳолини ёши, жинси таркибини аниқлайдиган кўрсаткичларни, шунингдек, ишсизлик даражаси ва хусусан ёшлар орасидаги ишсизлик даражасини камраб олган. Халқаро меҳнат ташкилотининг эътироф этишича ёшлар орасида ишсизлик ижтимоий-иқтисодий харажатларни ошириб, иқтисодий усиш имкониятларини пасайтиради ҳамда таълим ва касбий тайёргарликка қилинган инвестицияларнинг унумдорлигини пасайтиради. *Иқтидор* мазмунидаги кўрсаткичларга биринчидан, бизнес раҳбарларининг мамлакатларида иқтидорларни жалб этиш ва сақлаб қолиш, компанияларининг малакали ходимларни топиш имконияти ҳамда ходим ютуқларига асосланган мукофотларнинг мавжудлиги тугрисидаги баҳолар киритилган. Иккинчидан, ишлаб чиқариш, фирмаларда ўрганиш, инновация ва билим шаклида мамлакатда мавжуд қобилиятлар иқтисодий натижаларга олиб келиши даражаси, бу кўрсаткич иқтисодий мураккаблик индекси орқали баҳоланади. Ва сунггиси иқтисодиётда тупланган малаканинг ўртача даражаси бўлиб, уни ифодалаш учун банд аҳолининг ўртача ёши кўрсаткичи танланган. *Малака ошириши* компанияларнинг уз ходимларининг малакасини оширишга сарфлайдиган инвестиция ҳамда юқори сифатли махсус малака ошириш хизматларининг имконлилик кўрсаткичлари орқали ифодаланган.

Юқоридаги учта йўналишдаги кўрсаткичлар билан бир қаторда индексни ҳисоблашда мамлакатда мавжуд инсон капитали узини тулик намоён эта олиши учун шарт-шароитларнинг мавжудлигини ифодаловчи *“Институционал муҳит”* йўналишидаги кўрсаткичлар киритилди.

Шундай қилиб тақдим этилган инсон капитали индекси доирасида мамлакатларнинг соғлом, юқори малакага ва қобилиятга эга булган ишчиларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш қобилиятлари баҳоланган. Тақдим этилган дастлабки рейтингда биринчи унгаликка кирувчи давлатларнинг 8 таси Европа давлатларидир. Сингапур (3-урин) узининг таълим ва бандлик соҳасидаги юқори кўрсаткичлари туфайли биринчи унгаликдан жой олган ягона Осиё давлатидир. Шунини айтиб ўтиш керакки, юқори даромадли мамлакатлар уз аҳолисининг саломатлигига, таълим даражасига купроқ инвестиция қилиш имкониятига эга булганлиги сабабли рейтингда юқори уринларни эгаллаган булса-да, бундай қонуният абсолют эмас.

МДХ мамлакатлари орасида 8 таси инсон капитали индекси рейтингда иштирок этган, Белоруссия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон юқорида айтиб утилганидек индексни ҳисоблаш учун

маълумотларнинг етишмаслиги сабабли қатнашмаган, деган хулоса қилиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро миқёсда тан олинган юқори таълим курсаткичларга эгаллиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижасида саломатлик билан боғлиқ кўрсаткичларнинг яхшиланиши мамлакатнинг рейтингда муносиб урин эгаллашига асос бўлади.

Меҳнат ресурсларининг сифатига таъсир кўрсатувчи ва унинг ошишига хизмат қилувчи омилларни тадқиқ этиш натижасида меҳнат ресурсларининг сифатини оширишнинг куйидаги йуналишлари аниқланди:

- таълим тизимининг барча босқичларида таълим сифатини ошириш мезонларини ишлаб чиқиш;

- малака ошириш, ишга муҳтож кишиларни қасбга тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолининг барча табақалари учун имконлилигини ва сифатини ошириш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг муқобил шакллари ривожлантириш ва тиббий суғурта тизимини кенг жорий этиш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи олиб бориш буйича таркибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, шунингдек меҳнат фаолияти жараёнида жароҳатланиш ҳолатларини қисқартириш;

- кишиларнинг ижтимоий-маиший турмушини яхшилаш, жумладан турар жойларни ободонлаштириш ва уларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш.

#### **4.2. Меҳнат ресурслари баланслашганлигини тартибга солувчи замонавий механизмлар**

Мамлакатнинг ҳозирги ривожланиш босқичида меҳнат бозори ва унинг минтақаларидаги ҳолати уни янада тақомиллаштириш ҳамда мукамал тартибга солишни тақозо этади. Меҳнат ресурслари шаклланиш гемпи жадаллик билан бораётган пайтда, уларни иш билан таъминлаш, янги иш уринларини яратиш, умуман олганда меҳнат ресурслари балансини тартибга солувчи механизмларни ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида уз аксини топган булиши лозим.

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши билан иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши уртасидаги баланс таҳлил эгилганда имкон борича дисбаланс чиқмаслигига ёки у катта рақамни ташкил этмаслигига эътибор қаратилади. Чунки, илмий адабиётлардан маълумки, мамлакат иқтисодий тараққиёти бевосита меҳнат бозори курсаткичларига, аниқроғи меҳнат



унумдорлиги узиш суръатига таъсир этади. Яъни, мамлакат ЯИМ узиш суръати билан меҳнат унумдорлиги уртасидаги боғлиқлик куйидаги натижаларга олиб чиқиши мумкин:

- Агар ЯИМ узиш суръати меҳнат унумдорлиги суръатидан юкори булса, мамлакат иқтисодиётида экстенсив ривожланиш акс этади ва меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига булган талаб ортади<sup>1</sup>.

- Агар ЯИМ ўзиш суръати ва меҳнат унумдорлиги суръати тенг даражада булса, меҳнат ресурсларига булган талаб турғун ҳолатда қолади.

- Агар ЯИМ узиш суръати меҳнат унумдорлиги суръатидан паст булса унда меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига талаб пасаяди.

Мамлакатимизда меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш ҳамда уни тартибга солишда бирламчи механизм — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24-майдаги 106-сонли “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд булмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш туғрисида”ги қарори<sup>2</sup>дир. Унда мамлакатимизда меҳнат ресурслари билан боғлиқ аксар масалалар, шу жумладан меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш буйича методик курсатмалар мавжуд. Шунингдек, меҳнат ресурслари балансида акс этадиган асосий категориялар — меҳнат ресурслари, иш билан банд аҳоли, ишсизлар, иқтисодий фаол ва фаол булмаган аҳоли каби курсаткичларни ҳисоблаш буйича аниқ ва содда усулда механизмлар ишлаб чиқилган.

Ушбу қарорда меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишдан мақсад - меҳнат бозоридаги вазиятни сифатли ва холисона баҳолаш, ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд булмаган аҳолининг амалдаги сонини халқаро стандартларга мувофиқ аниқлаш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, дея таъкидлаб ўтилган. Меҳнат ресурслари соҳасида амалга ошириладиган барча тадқиқотларда ахборот-ресурс манбаси сифатида Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар қаралади.

Шунингдек, мамлакатимизда меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда қўлланиладиган механизмлар ҳар йили тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб ҳукумат томонидан тасдиқланадиган “Аҳоли бандлиги дастурлари”, ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларининг аҳоли бандлигига оид булимлари ҳам акс этади. Биргина 2017 йилги Аҳоли бандлиги дастурида шаклланаётган меҳнат ресурслари микдорига ҳамоҳанг ҳолда янги иш уринларини яратиш ва унинг тармоқлар буйича тақсимланишига алоҳида эътибор

<sup>1</sup>Михалкина Е.В., Сенькив О.Я.//Механизм обеспечения баланса трудовых ресурсов в экономике Юга России // Вестник Таганрогского института управления и экономики. 2013. №2, стр-5.

<sup>2</sup>[http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1207194](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1207194)

қаратилган (4.2-жадвал). Дастурда меҳнат ресурслари баланснинг тақсимланиш қисмидаги курсаткичларга алоҳида эътибор қаратилган ҳамда иқтисодий ётишимнинг етакчи тармоқларида шакллантириладиган янги иш уринлари туғрисида маълумот келтирилган. Олдинги йиллардан фарқли равишда 2017 йилги дастурда миллионга яқин иш уринлари ҳақида гап кетмайди, аксинча яратиладиган иш уринлари сифатига алоҳида эътибор берилган.

4.2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2017 йилги аҳоли бандлиги дастури<sup>1</sup>

	Курсаткичлар	Минг киши
1.	Доимий иш урнида бандлар	389,3
	<i>шундан:</i>	
2.	Янги иш уринлари яратиш ҳисобига:	345,3
	<i>шундан:</i>	
3.	Саноатда	131,1
4.	Хизмат курсатиш соҳасида	69,5
5.	Қишлоқ хўжалигида (чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш доирасида)	55,8
6.	Қурилиш ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳисобига	88,9
7.	Фаолият курсатмаётган корхоналарни тиклаш ва давлат мулкани ижарага бериш ҳисобига	44,0
8.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тижорат банклари кредитлари ҳисобига	97,7
9.	Аҳолини қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилиш соҳасидаги мавсумий ҳамда вақтинчалик ишларга жалб қилиш ҳисобига	199,1
10.	Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўз-ўзини банд қилиш ҳисобига	308,6
11.	2017 йилда 1000 дан ортиқ буш иш уринлари ярмаркаларини ташкил этиш ва утказиш режалаштирилган.	

*Жадвал муаллиф томонидан дастур маълумотлари асосида тузилган.*

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасининг 2016 йил 28 октябрдаги ялпи мажлисида қуриб чиқилган ва тасдиқланган.

Меҳнат ресурслари балансини тартибга солиш механизмлари таҳлил этилганда, юқорида қайд этилган қарорда курсатилган ҳисоблаш усулларига таяниш лозим. Унда балансда қўлланиладиган барча курсаткичлар қандай аниқланади, қай усулда ҳисобланади, деган саволларга жавоб топиш мумкин. Демак, кетма-кетликда ҳар бир курсаткичга алоҳида тухталиб ўтаемиз.

I. Меҳнат ресурслари балансининг шаклланиш қисми учун:

1. Меҳнат ресурслари сонини аниқлаш;

$$MP = MЛA + ИУП$$

бунда:

*MP*- меҳнат ресурслари

*MЛA*- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли

*ИУП* – ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

2. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини аниқлаш;

$$MЛA = Э(16-60) + X(16-55) - Ног - Пи$$

бунда:

*Э(16-60)* – 16 ёшдан 60 ёшгача эркеклар

*X(16-55)* – 16 ёшдан 55 ёшгача булган хотин-қизлар

*Ног* – меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари

*Пи* – имтиёзли равишда пенсия олаётганлар.

II. Меҳнат ресурслари балансининг тақсимланиш қисми учун:

1. Меҳнат билан бандлар сонини аниқлаш;

$$B = ИTr + ИТнр + MM$$

бунда:

*B* – меҳнат билан бандлар

*ИTr* – расмий соҳада ишловчилар

*ИТнр* – норасмий соҳада ишловчилар

*MM* – мигрант меҳнатчилар.

2. Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар (ишсизлар) сонини аниқлаш;

$$\text{ИЖМ} = \text{МР} - \text{Б} - \text{ИФБА}$$

бунда:

*ИЖМ* - ишга жойлаштиришга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар)

*МР* - меҳнат ресурслари

*Б* – меҳнат билан бандлар

*ИФБА* – иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

3. Иқтисодий фаол аҳоли сонини аниқлаш;

$$\text{ИФА} = \text{Б} + \text{ИЖМ}$$

бунда:

*ИФА* – иқтисодий фаол аҳоли

*Б* - бандлар

*ИЖМ* – ишга жойлаштиришга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар).

4. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонини аниқлаш;

$$\text{ИФБА} = \bar{Y} + A + \text{ИН} + \text{ИББ}$$

бунда:

*ИФБА* – иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли

*Y* – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар иш ҳақи ва даромадга эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар

*A* – уй бекалари ва болаларни парварishi қилаётган ишламайдиган аёллар

*ИН* – ишламайдиган 3 гуруҳ ногиронлари

*ИББ* – ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, унингдек кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.

5. Иқтисодиёт тармоқларида бандлар сонини аниқлаш;

$$\text{БА} = \sum \text{ИТБ}$$

бунда:

*БА* – банд аҳоли

$\sum \text{ИТБ}$  – иқтисодиёт тармоқларида бандларнинг умумий йиғиндис.

Меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш буйича амалга оширилган ушбу тадқиқот натижалари буйича қуйидаги хулосаларга келинди:

— ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда уша минтақа меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш муҳим рол уйнайди;

— минтақаларда шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларнинг тармоқлар буйича тақсимланиши уртасидаги мувозанат доимий равишда маҳаллий ҳукумат органлари томонидан назорат қилиб турилади. Бу мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

— меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаб чиқишда албатта илмий-методик ёндошувлар ва тадқиқотларга эътибор қаратиш лозим;

— меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқишда ушбу мавзу доирасида хорижда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари, янгиликлардан мунтазам, керакли мақсадларда фойдаланиш лозим;

— мамлакат ва минтақаларда яқин истикболда амалга ошириладиган, яъни режалаштирилаётган аҳоли бандлиги билан боғлиқ ислоҳотларда меҳнат ресурслари балансининг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва шу асосда бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни режалаштириш лозим (4.3-жадвал);

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилги Давлат дастурида меҳнат ресурслари ва бандлик масалаларига оид амалга оширилиши режалаштирилган баъзи тадбирлар туғрисида маълумотлар<sup>80</sup>

№	Амалга ошириладиган тадбир	Тадким этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
1.	Худудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сузсиз амалга оширилишини таъминлаш.	Худудларни комплекс ривожлантириш дастурлари. 25 мингга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш уринлари ташкил этилишига эришилади.
2.	2017 йил давомида саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингга иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингга иш ўрни билан) ва хизмат курсатишни (11 мингга лойиҳа 69,5 мингга иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш.	
3.	Меҳнат ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган методика асосида меҳнат бозорида вазият мураккаб булган туман ва шаҳарлар руйхатини аниқлаш, унга мувофиқ аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли руйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, йорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хужалиқларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари бигирувчилари учун "старт-ап" лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва фазинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш.	Дастурларни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Иш уринлари ташкил этиш орқали бандликни таъминлаш, гадбиркорликни ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини гадбиркорликка жалб қилиш.
4.	Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 10 минг нафар таълим муассасалари битирувчисига уз гадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит маблағлари ажратиш.	Ижрочиларнинг қарорлари. Гадбиркорлик ва меҳнат фаоллигини ошириш ҳисобига бандликни ва онла даромадларини ошириш.
5.	Меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли гренинг ва укув курсларини утказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада: нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга булган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги хужжатларни бериш бўйича мавжуд чекловларни бартараф этиш назарда тутилган.
6.	Урта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йуналишларини қисқартиришни ва мос равишда аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни қенгайтиришни кузда гутувчи урта махсус ва касб-ҳунар таълим мутахассислик йуналишларини қайта кўриб чиқиш	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Жорий ва истикболдаги кадрларга булган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалигини малакали мутахассислар билан ҳамда битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради.

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси қонуни хужжатлари туплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

7.	<p>Республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қушимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хужаликларида қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гушт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кучатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш.</p>	<p>Ижрочиларнинг қарорлари. Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш. Бунинг натижасида аҳоли томорқасидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, ишлаб чиқариладиган сифатли қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажми кўпаяди.</p>
8.	<p>Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратиш.</p>	<p>Ҳудудларда хизмат кўрсатиш қўлами кенгайди ва сифати ошади, натижада аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари ошиши таъминланади.</p>
9.	<p>Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, улар бандлигини таъминлаш мақсадида аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш.</p>	<p>Ҳудудларда аёлларнинг бандлиги таъминланади. Педагогик маълумотга эга бўлган, бироқ бола парваришlash муносабати билан вақтинча ишламаётган аёлларга оилавий мақтабгача таълим тарбиячиси сифатида касаначилик фаолиятини ташкил этиш.</p>
10.	<p>"Меҳнат миграцияси тугрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарининг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси зўйича чора-тадбирларни назарда тутати.</p>
11.	<p>Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги (Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига ташкил этилган) касб-хунарга ўқитиш марказларида меҳнат ресурслари қўл бўлган гўманларнинг камида 300 нафар ишсиз ёшларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга қайта ўқитиш.</p>	<p>Меҳнат вазирлигининг буйруғи лойиҳаси. Нисбатан суст ривожланган туманларнинг ишсиз ёшларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга қайта ўқитиш орқали уларнинг бандлиги таъминланади.</p>
12.	<p>"Аҳоли бандлигига кумаклашиш нодавлат гашкилотлари (рекрутинг агентликлари) тугрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳа меҳнат бозори инфратузилмасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратилган.</p>
13.	<p>Меҳнат вазирлиги тизимида Корея Республикаси, Япония ва Бошқа давлатлар ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ва имтиёзли кредитларини жалб этган ҳолда вилоят марказларида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказларини босқичма-босқич ташкил этиш</p> <p>Ҳар бир туман марказида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш буйича касб-хунаро коллежлари базасида (машгулотлардан буш вақтда) қиска муддатли курсларни ташкил этиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.</p>

### 4.3. Миллий иқтисодиётда меҳнат ресурсларининг тармоқлараро балансини такомиллаштириш

Миллий иқтисодиётимиз соҳаларидаги мавжуд меҳнат ресурсларини баланслаштирилганлигини такомиллаштиришнинг асосий мақсади аҳолининг меҳнат билан бандлик даражаси самарадорлиги ва меҳнат бозорининг ҳудуддаги ҳолати, аҳолининг бандлик тузилмаси ҳолатини баҳолаш, меҳнат ресурслари ва иш жойларининг мувозанатини баҳолаш, мажбурий ишсизлик даражасини ва меҳнат билан фаол банд булмаган, иш ахтариб юрган шахсларнинг малакавий таркибини аниқлаш учун амалга оширилади.

Меҳнат ресурсларининг баланслаштирилганлигини ифодаловчи асосий курсаткичлар ҳудудда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражасини ва ҳудудий меҳнат бозори фаолияти йўналишларини таснифлаб берувчи вазифаларни бажарувчи иқтисодий категория ҳисобланади.

Ҳозирги ижтимоий йўналтирилган, демократик принципларига асосланган эркин бозор иқтисоди шароитида юқорида қайд этилган давлатимиз қонунларига асосланиб, инсонни ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий, меҳнатнинг соҳавий ва технологик хусусиятларидан, ўзларига касб ва ўз имконларидан келиб чиқиб конкрет иш жойи танлаш учун кенг эркин муҳит яратилди. Давлат ҳар бир фуқаронинг, унинг oilаси ва фарзандлари манфаатларидан келиб чиқиб, аҳолининг мулкчилик шаклларида қатъий назар, у давлат ташкилогими, хусусий тadbиркорликми ёки oilавий бизнесми, ўз хоҳишидан ва имконларидан келиб чиққан тарзда чекловсиз ижтимоий зарур меҳнат қилишига кенг шароитлар яратиб қўйилди.

2017-2021 йилларга мулжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналишларининг Ҳаракатлар стратегиясидаги тўртинчи боби айти "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига" ва ушбу йўналишда биринчи навбатда аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил оширишга қаратилгани бежиз эмас.

Аҳолининг меҳнат билан боғлиқ булган рақамларига эътибор қилсак, Ўзбекистон аҳолиси 2017 йил 1 июнда салкам **32 млн. 257, 8** минг киши бўлса, шундан **18 млн. 657,7** киши меҳнат ресурсларини ташкил қилади. Бу дегани аҳолининг **57,8%** меҳнат қилиш қобилиятига эга. Давлатимизнинг меҳнат ресурслари миқдори доимий яшовчи аҳоли сонига nisбати буйича дунёда Ўзбекистонга тенг келадиган давлат йўқ. Ўзбекистонда бу рақамни моҳияти ҳар бир ишлайдиган фуқаромиз нифақат узини, балки давлатни ва ҳамда қушимча **0,72** кишини бемалол боқиб келаяпти деганини билдиради. Энг иқтисодий етук давлатларни, шу



жумладан Европа, Осиё ва ҳатто Америка Қушма Штатларини оладиган булсак уларда меҳнат ресурсларига мавжуд булган босим баланд булиб, аҳолининг **37-42 фозини** ташкил қилади, ҳолос.

Демак, бизнинг жонажон Ўзбекистонимиз нафақат ер ости ва усти бойли мул, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз меҳнат ресурслари буйича ҳам дунёда салоҳиятимиз баланд эканлигини таъкидласак арзийди.

Рост шунақа экан, савол туғилади - нимага жамият аъзоларимиз шунақа ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий имконларга бой булсаю, мавжуд уша имконлардан тўлақонли фойдалана олмаяпти?

Ўзбекистонда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг маърузасидан келиб чиқиб, бугунги кунда нақд 1,5 миллиондан ортиқ буш иш жойлари булатуриб, биз бир неча миллион ишсиз фуқароларимизни уша иш жойларига жалб қила олмаганлигимизни тушунтириб беришга ожизмиз.

Демак, бугунги ижтимоий-меҳнат соҳасида шу пайтгача йиғилиб қолган муаммоларни танқидий таҳлил қилиб, тўғри хулосалар чиқара олмасак, бу соҳага Президентимиз Ш.М. Мирзиёев олдимизга қуйган талабларнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий моҳиятига тушуна олмасак, бу ута муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳани оёққа қуйишимиз оғир кечади.

**Биринчидан**, аҳолимининг янги ижтимоий - меҳнат муносабатларига адаптация булиши, яъни куникиш даврида янги меҳнат муносабатларининг моҳияти ва мақсади талқин қилиниши эски режали иқтисодиётдан қолган илатлардан жамиятда ҳанузгача воз кеча олмаганлигимиз;

**иккинчидан**, меҳнат жараёни борасида давлат томонидан фуқароларга қонун ва қарорларда белгиланган амалдаги эркинликлар ва қулайликлар аҳолинининг купроқ қисмида “менга давлат ёрдам берсин” деган, боқимандачилик кайфияти камаймаганлиги;

**учинчидан** – олий, ўрта махсус ва, айниқса, умумий таълим соҳасидаги ёшларнинг билим даражаси ва сифатини белгиловчи давлат стандартларининг амалда ижро этиш жараёнида жиддий ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий нуқсонлар ва камчиликлар мавжудлиги;

**туртинчидан**, меҳнат бозорига илк бор қадам қуйиб кириб келаётган минглаб ёш мутахассис кадрларни маъмурий-буйруқбозлик механизми асосида - “иш билан таъминлаш” эмас, балки бозор муносабатлига хо “муносиб иш шароитларни барпо этиб”, уларни “ишга чорлаш”, “ишга жалб этиш” иқтисодий механизмни жорий этишликдир.

**бешинчидан**, янги иш жойларни барпо этиш ва уларни белгиланган талаб ва тартиблар буйича қабул қилиш, ҳисобот бериш, иш жойларнинг муносиб меҳнат шароитлари талабларига риоя қилмаслик;

**олтинчидан**, миллий иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан ривожланиш босқичида ижтимоий – меҳнат соҳасидаги мавжуд

макроиктисодий номутаносиблиги; (меҳнат бозорида малакали меҳнат ресурсларига булган талаб ва таклиф миқдорининг мувозанати такомил топмагани).

Келинлар, ушбу муаммоларнинг заминида ётган, Мустақиллик йиллари раҳбариятнинг эътиборидан сал четда қолиб кетиб, бизнинг ҳар кунлик фаолиятимизда миллий иқтисодиётимизга туғаноқ булиб келган йирик сабабларнинг бирин-кетин баён этайлик.

Юқорида қайд этганимиздек, 2017 йил 1 июньга доир Ўзбекистон аҳолиси 32 миллион 257,8 минг кишини ташкил этди.

Аҳолимизнинг 50,6% шаҳарликлар ва 49,4% қишлоқда яшовчиларни ташкил этиади. Умуман дунёдаги мавжуд 193 давлат ичида аҳоли жихатидан Ўзбекистон охириги 10 йил давомида 63 уридан 45 уринга кўтарилди, 2025 йилга келиб Ўзбекистон аҳоли аҳолининг сони ўсиши туфайли яна саккиз давлатни ортида қолдириб, 37 уринга кўтарилиш кўтилоқда. Дунё бўйича ургача туғилиш коэффициентини 12,4 промилле бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич - 20,2 промиллени ташкил қилиб турибди. Демак давлатимизда демографик вазият соғлом, аҳоли ўсиш суръатлари ва миллий иқтисодиёт ўсиш суръатлари ҳозирча бир бирига туғри пропорционал даражада ўсиб келмоқда. Демак аҳолининг турмуш тарзи ва сифати ўсиш даражаси Ўзбекистонда яшовчи фуқароларнинг умр кўриш давомийлигини 2025-2030 йилларга бориб янада оширишга, (яъни ҳозирги 73,5 йилдан 75-76 йилгача) узайтиришга давлатимиз ва жамиятнинг барча моддий ва манъвий имконлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг демографик ҳолатининг яна бир ўзига хос хусусияти аҳолимиз таркибиде 38,1% 15 ёшдан - 30 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлар ташкил этиади. Ҳар йили 630-640 минг йигит қизлар меҳнат бозорига кириб келишади ва 190-195 минг киши пенсия ёшига етиб, меҳнат фаолиятини тўхтатади. Агарда давлатимизда туғулиш кўрсаткичлари ушбу суръатларда 2030 йилгача сақланиб қолса ҳар йили 710-720 минг йигит қизларимиз меҳнат бозорига кириб келади ва 230-240 минг киши пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини тўхтатади. Демак, ўша даврда ҳар йили 510-580 минг йигит-қизларимизни илк бор ишга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга оширишни ҳозирдан ҳисобга олиб қуйишимиз зарур.

Бу борада Ўзбекистоннинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги айрим рақамларни таҳлил қилиб курайлик.

Жорий 2017 йилда, мутахассисларнинг ҳисобига эътибор қилсак давлатимизда меҳнатга муҳтожларни абсолют миқдори - **2 млн. 327,6 минг** кишини ташкил қилар экан. (шу жумладан энг кўп Андижон вилояти -248,1 минг киши, Фарғона вилояти -250,1 минг киши, Самарқанд вилояти - 228,5 минг киши ва Сурхондарё вилояти -204, 6 минг киши).

Аҳолининг меҳнат билан бандлик эҳтиёжи даражасини қондириш борасида эса 2017 йилнинг охиригача қуйидаги микдорда иш жойлари таклиф қилиниши мумкин: Жами - **1 476 948** минг иш жойи.

Жумладан: амалдаги давлат дастурлари ҳисобидан -389 384 иш жойи улар ҳисобидан саноат соҳасида инвестицион қўйилмалар эвазига – 131 092 иш жойи; хизмат соҳасида - 69 519 иш жойи; қишлоқ хўжалик соҳасида – 55 755 иш жойи; транспотр, автоуул ва йул коммуникациялари, алоқа воситалари ва ижтимоий инфратизимни ривожлантириш лойиҳалари ҳисобидан -10 962 иш жойи; ишламай ётган корхоналарни таъмирланиб иш туширилиши ҳисобидан барпо этилган иш жойлар- 43 976 иш жойи; хусусий якка тадбиркорлик ҳисобидан - 84 155 иш жойи; кичик бизнесга ажратилган тадбиркор банклари кредитлари ҳисобига -108 716 иш жойи; аҳолининг уз ўзини меҳнат билан банд қилиш ҳисобига – 226 913 иш жойимавжуд вакант иш жойлари – 145 312 иш жойи; чет элга чиқиб кетганлар, пенсияга чиққанлар ва вафот қилганлар ҳисобидан бушаган иш жойлари -336 923 иш жойи.

Курииб тургандай 2017 йили Ўзбекистон аҳолисининг меҳнатга бандлик эҳтиёжи **2 млн. 327,6** минг иш жойларига тенг булган вазиятда барча манбаалар ҳисобидан **1 млн. 476 минг 948** иш жойи таклиф қилинаёпти. Бу деган 2017 йил охирига келиб Ўзбекистонда расмий ҳудудий кумаклашув Марказлари ҳисобида турганлар микдори, яъни ишсизлар сони ошиб - **850 минг 637** кишини ташкил қилар экан, бу дегани давлатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли уртасида ишсизлик даражаси - **4,6 %** ташкил этади дегани, яъни, халқаро нормаларга муносиб курсаткич деб ҳисобланади.

2017 йилнинг охирига бориб энг куп ишсизлар Самарқанд вилоятида – 108 минг 923 минг кишини; Фарғона вилояти – 104 минг 416 кишини; Андижон вилояти – 89 минг 045 кишини; Қашқадарё вилоятида – 77 минг 415 кишини; Наманган вилоятида 67 минг 294 кишини ташкил қилади. Хуллас, бу халқаро норма микдоридаги ишсизлик курсаткичлари бозор шароитига табиий мос равишда амал қилади ва Ўзбекистоннинг инвестицион иқтисодий ривожланиш кишини шароитида меҳнат ресурсларининг ишончли заҳираси шаклида узининг иқтисодий функциясини бажариб боради. Ишлаб чиқариш корхоналарини янги инвестицион сиёсатимизнинг мақсади қайта технологик жихозлаш жараёнида иш жойлари қисқартирилганлар сонини йилига 125-130 минг киши микдорида сақлаб қолсак, аҳоли уртасида ишсизлик микдорини кескин оширмаслиги ва мавжуд ишсизлар микдорини миллий иқтисодиётнинг янги истиқболли тармоқлари учун янги касб-хунарга тайёрлов курсларида ўқишини ташкил этиш, малакали мутахассисликка қайта қайта ўқитиш жараёнларини маҳаллий аҳолини бандликка кумаклашув Марказларининг бевосита вазифаларига айланиши шарт.

Ўзбекистонда янги иш жойлар курсаткичи ва уша янги иш жойларга мухтож булган фуқаролар мувозанатини таҳлил этайлик.

2013 йили 980 минг 225 янги иш жойлар барпо этилган бўлса, марказга иш сураб келганлардан 423 минг 540 киши ишга жойлаштирилган (43,2%) булса 2016 йили **997 минг 203** янги иш жойлари барпо этилган булса уша йили **248 минг 231** иш сураб келган киши ишга жойлаштирилган (24,9 %).

Бу борада кўпол қилиб ҳисобласак охириги 11 мобайнида Ўзбекистонда янги ташкил қилинган иш жойларнинг миқдори **10,5 млн.га** етди.

Бу жараённинг энг таажжубли хусусияти шундан иборатки, охириги 10 ичида биз **2,5 - 3 млн.** мавжуд ишсизларни янги иш жойларига қабул қила олганимиз йук.

Табийики бу таажжубли ходисанинг сабаби нимада деган савол туғилади.

Бу жараёнда энг кизиги шундан иборатки, кўпчилик “иш жойи”, “янги иш жойи” тушунчаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ва, айниқса ҳукукий моҳиятини билишмайди, эски “иш жойининг ва “янги иш жойининг” албатта паспорти бўлишлигини, уша паспортда “Иш жойи” нимага ташкил қилинганлиги, қайси молиявий манбалар ҳисобидан бўлганлиги, қанақа техник жиҳозлар у санитария-гигиена талабларига жавоб беришлиги, қайси малакага муносиб иш жойилигига мутлоқ эътибор қилинмай фақат ҳисоботга киритиб олиб, янги иш барпо этдик деган юқорига рапорт беришдан иборатлигини тушунишмайди. Эски “иш жойини” давлат Меҳнат инспекциялари томонидан мунтазам равишда агтестациядан утказиб туриш кераклиги ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди. “Янги иш жойларни эса махсус Меҳнат комиссияси белгиланган акт шаклида қабул қилиш кераклигини ҳам мутасадди ходимларимиз унутиб қўйишган. Натижада “янги иш жоцлари” кўп минг миқдорда барпо этилади, лекин уларнинг 50% кўпи элементар меҳнат шарт-шароитларига жавоб бермайди. Натижада ишга мухтож булганлар уша барпо этилган “янги иш” жойларига боришни узига муносиб курмайди ва бир-икки ойдан кейин кўп миқдордаги кредит ҳисобига очилган “янги иш жойлари” қандай очилган булса, ушандай жимгина ёпилиб кетади. Ҳеч бир ҳудудий ва соҳавий мутасади ходимлар бунга на моддий, на маъмурий, на жиноий жавобгарликка тортилгани йук.

Агарда “янги иш жойларини” ташкил жараёнида қилишда шунчалик маъсулиятсизликка йул қўйилаётган булса у жойларни малакали мутахассислар билан тўлдириш жараёни қанақалигини таъсавур қилиш қийин эмас. Ҳеч кимга сир эмас, соҳа ва корхоналар, муассасаларда ва, айниқса, хусусий секторда кадрларни саралаш, танлаш ва ҳукукий асосда

ишга расмийлаштириш ўта ачинарли аҳволда булгани учун ходим ва ишчиларнинг кунимсизлик даражаси йил сайин ошиб бормоқда.

Юқоридаги меҳнат жараёни билан боғлиқ булган рақамларнинг демографик омиллари таъсирида таҳлил этдик.

Келинг, энди бу мураккаб жараённинг ташкилий ва ҳуқуқий омилларини ҳам таҳлил қилайлик.

Бу рақамларнинг барчаси Давлатимизнинг статистика, иқтисодиёт ва солиҳ идоралари мутахассислари томонидан ҳисобланган (расчётный показатель) рақамлар деб қабул қилиш зарур.

### **Инвестициялар, янги технологиялар ва янги касб мутахассисларини тайёрлаш жараёнларининг меҳнат шароитларига номунофиқлиги.**

“2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Нагижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади”.<sup>81</sup> Албатта бу мисли кўрилмаган миқдордаги инвестиция маблағларини лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиб тасдиқлаш чиқиш уз урнида муҳим ижтимоий-иқтисодий жараён. Лекин бу 649 лойиҳа қайси соҳаларни уз ичига қамраб олиб, қайси мутахассисларни қайси миқдорда тайёрлаш ва қайси соҳаларга қайси вақтда етказиб беришдек ўта мураккаб масалага жавоб бериш қийин. Очиғини айтиш зарур, агарда ўрта махсус таълим соҳасида малакали кадр тайёрлаш жараёнида озми-купми маҳаллий ҳудудлар ва миллий иқтисодиётнинг соҳа вакиллари эҳтиёжини инобатга олиниб миқдорини белгилаш буйича конкрет тадбирлар амалга оширилаётир. Лекин бу борада олий таълим соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ханузгача маъмурий-буйруқбозлик принципида амалга оширилиб келмоқда. “Ҳозир ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж туғрисидаги маълумотни Олий таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари буйича чуқур уйланмаган тақлифлар ишлаб чиқилади”.<sup>82</sup>

Ўзбекистоннинг олий таълим муассасалари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамда соҳаларнинг мутассади ходимлари ушбу масалада қанча мутахассис, қайси касб буйича, қайси соҳага ёки корхонага ва қачон тайёрлаш буйича умумий рақамларга эга эмаслар, чунки бу масалалар

<sup>81</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегиясидан.

<sup>82</sup>Шавкат Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак.” Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017. 45-46 бет

буйича факат марказий иқтисодий ва олий ва урта таълим вазирлиги кабинетларида ҳисобли равишда амалга оширилиб келмоқда. Афсуски, бу ҳисоб рақамлар негизда олийгоҳлар имкони-ю маҳаллий ҳудудлар ҳамда соҳаларни ҳақиқий эҳтиёжи тула – текис ҳисобга олинмаган, чунки юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш буйича ҳудуд ва соҳаларнинг эҳтиёжи бор бўлсада амалда у рақамлар номигагина фақат амалдорлар папкаларида сақланиб, ҳисобот талаб қилинганда ишлатилади. Мухтарам Президентимиз томонидан миллий иқтисодиёт учун не-не машақатлар билан Россия. Хитой ва халқаро жамғармалардан олиб келинган миллиард-миллиард долларлик инвестицияларни мақсадли равишда узлаштирамиз десак, бу масалага юксак даражадаги профессионализм ва ўта маъсулиятли ёндошишимиз зарур. Бу жиҳатдан қабул қилинадиган ҳар бир янги инвестицион давлат дастурининг конкрет саволига аниқ жавоб бериши зарур: Қачон?, Қерда? Қанақа технологияда? Қанча миқдорда ва қанча янги иш жойида қанча ва қайси қасб буйича қанақа янги мутахассис меҳнат қилади? Ушбу мунофиқликка эриша олсак инвестицион дастурларимиз тулақонли ва қисқа муддатларда ута самарали натижа бериши мумкин, акс холда бу кўп миқдордаги инвестициялар туқилган ҳазон япроқларидай сочилиб кетади ва қутилган ижобий ижтимоий-иқтисодий натижа бермайди.

**Биринчи навбатда,** миллий иқтисодиётимизнинг ҳар бир соҳаси раҳбарлари, шу жумладан Ўзбекистон хусусий тадбиркорлик уюшмалари вакиллари Президентимиз олға сурган ва 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб яқин беш йилларга мўлжалланган соҳанинг қайси йуналиши буйича, қанча миқдорда инвестициялар дастурига янги технологиялар, янги ишлаб чиқариш корхоналари ва қанча янги иш жойлаини барпо қилишлигини, уша янги иш жойларга қайси мутахассислар ва қасб эгаларига муҳтож истикбол режаларини ишлаб чиқиш керак.

**Иккинчидан,** ҳар бир соҳа ва конкрет корхона ва муассаса, компания ва фермер ҳужалиги раҳбари яқин беш йиллик истикболда у раҳбарлик қилаётган соҳага ёки корхонага мутахассисларнинг турлари буйича қанча олий малакали ва қангча урта махсус малакали мутахассислар кераклигини ҳисоблаб чиқиб, маҳаллий бошқарув органлари билан малакали кадрларга эҳтиёжни буюртма тариқасида ҳудудий ва марказий олийгоҳлар билан (келишув) шартнома тузиши ва ушбу буюртма асосида махсус кадр хизмати менежерлари янги иш жойларни малакали кадрлар билан тулдириш ишини, уларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тадбирларини узлуксиз олиб боришлари зарур.

Олий ва урта таълим соҳаларида юқори ва урта махсус малакага эга мутахассисларни тайёрлаш жараёнини миллий иқтисодиёт соҳалари, корхоналари ва ҳудудий давлат идоралари буюртмаси асосида

шартномавий талабларга мувофиқ истиқболли беш йиллик муддатга мулжалланган тартибда амалга оширишни жорий этиш керак.

**Учинчидан.** Ижтимоий-меҳнат соҳасида янги иш жойларини барпо этиш жараёнининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб Ўзбекистон Банлиги ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмаси Федерацияси билан биргаликда “Янги иш жойларни барпо этиш, руйхатдан утқазтиш ва расмий ҳисоботга киритиш тартиблари”ни ишлаб чиқиб, бу жараёни тасодифан эмас, Ўзбекистон ҳудудида ягона меъёрий, ҳуқуқий ва молиявий талаблар асосида олиб беришни ташкил этиш зарур.

Фуқароларнинг ҳар бир меҳнат жойи паспорти руйхатга олиниши, уша иш жойи паспорти талаблари асосида янги иш жойлар маҳаллий, вилоят ва Давлат Меҳнат инстпекциялари томонидан тузиладиган махсус шаклдаги акти билан қабул қилинишини таъминлашни амалга жорий қилиш керак.

**Туртинчидан.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистондаги мавжуд касб, мутахассисликлар ва лавозимлар номенклатурасига инвестициялар ва янги технологиялар талабларидан келиб чиқиб, ҳар йили янги касб, мутахассисликлар ва лавозимлар киритилиб бориши амалга жорий этилса мақсадга мувофиқ булар эди.

**Бешинчидан.** Миллий иқтисодиётимиздаги фаолият курсатаётган барча муассаслар, корхона ва ташкилотларда, айниқса хусусий секторда меҳнатни ташкил этиш ва нормалаштириш талабларини миллий иқтисодиётимиз хусусиятларидан, иқлим ва эконогик вазиятини ҳисобга олган ҳолда, халқимизнинг анъанавий урф-одатларидан ва миллий - тарихий қалриятларимиздан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида “Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаштириш” илмий-тадқиқот” институти ташкил этиш вақти келди.

Ўзбекистон Президенти Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётимизда ва жамиятимиз инновацион иқлимни янада кенгайтириш ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини либераллаштириш мақсадида юқорида келтирилган меҳнат муаммоларни бартараф этишдаги таклифлар кенг омма орасида, айниқса, меҳнат идоралари, меҳнат билан шуғулланаётган илмий- тадқиқотчилар фикр ва мулоҳазалари биз учун ва миллий иқтисодиётимизда фаол меҳнат қилаётган фуқароларимиз эътиборида бўлади деган ишонч билдираимиз.

#### **4.4. Меҳнат ресурслари ҳудудий шаклланишини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йуллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш узига хос хусусиятига эга. Бу борада тадбиркор албатта фойдали, қушимча даромадни қўлайди, давлат эса иш уринларини қўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудлар ривожланиш даражасидаги фарқларни камайитиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

Ишлаб чиқаришни, жумладан, саноатни жойлаштиришнинг қонуниятлари шаклланган. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга оид хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан қўп этилган мақолалар, назарий ва услубий ёндашувлар, шунингдек, тупланган амалий тажриба шуни курсатмоқдаки, корхоналарни жойлаштириш ва минтақавий ривожланиш уртасидаги муносабатларда узига хос тизим, яъни қонуниятлар намоён бўлмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштирилиши самарадорлигини оширишга (юқори даражада фойда олиш, маҳсулот таннархини камайитириш), минтақадаги табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини янада юқори даражага кутаришга имкон беради.

Ишлаб чиқариш кучлари ишлаб чиқариш воситалари (бинолар, техника ва технологиялар, хомашё) ҳамда меҳнат ресурсларини (ишчи кучини) ўз ичига олади. Одатда, ишлаб чиқариш асосан саноат, кишлоқ ҳўжалиги, транспорт каби макроиқтисодий соҳалардан ташкил топади. Аммо уларнинг барчасини ҳаракатга келтирувчи ишчи кучи, яъни инсон ҳисобланади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, умуман аҳоли ишчи кучи эмас ва у фақат иқтисодий тушунча саналмайди. Афсуски, илгари аҳоли асосан бош ишлаб чиқарувчи куч сифатида баҳоланарди. Ваҳоланки, бизнинг шароитимизда, ҳозирги демографик вазиятда фақат 48-50 фоиз аҳоли меҳнатга лаёқатли ёшдадир, холос.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан гоят унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан шунга мос юксак ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам юзага келтиради. Иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради. Ҳар бир кишининг миллий бойликни ошириш масъулиятини қўчайтиради, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради.

Ишлаб чиқариш кучларини оқилона ва самарали жойлаштиришнинг асосий моҳияти ва шарти бу – маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларни максимал даражада камайитириш, минтақада



рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жойлаштиришдан иборат.

Минтақаларни комплекс ривожлантириш қонунияти турли соҳа ва тармоқлар ўртасидаги узаро боғлиқликни мувофиқлаштиришда намоён бўлиб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим уринга эга. Бунда минтақа иқтисодиёти таркиби ва табиий иқтисодий салоҳият, реал сектор ва ижтимоий соҳа, инфратузилма ва турмуш даражаси ўртасидаги мутаносибликка эришиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлашувига боғлиқ.

Минтақаларо ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўртасидаги тафовутларни камайтириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш сиёсатини устувор йўналишларидан биридир. Мавжуд тафовутларни маълум даражада қисқартириш, айниқса, аҳоли қайси жойда яшашидан қатъи назар уларнинг фаровонлигини таъминлаш жуда долзарб бўлиб, уни амалга ошириш учун биринчи навбатда инвестицияларни минтақалар буйича тақсимланишини, яъни ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини оқилона жойлаштириш заруриятга айланиб қолмоқда.

Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш орқали минтақаларини ихтисослашуви ва меҳнат тақсимотида уз урнини эгаллаши юқори иқтисодий самарадорликка олиб келади. Шу сабабли, минтақаларнинг рақобат афзалликларидан фойдаланган ҳолда, уларни рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқаришга мослашувини таъминлаш иқтисодиётни барқарор ўсишига, экспорт салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

Умумий қонуниятлар билан бир қаторда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг тамойиллари ҳам мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқаришни минтақалар буйича тақсимланиш жараёнининг асосий йўналишларини кўрсатади. Мавжуд тамойиллар иқтисодий ривожланишнинг маълум даври мобайнида хужалик юритиш шакллари сифатида намоён бўлади.

Эркин бозор муносабатларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётни лебераллаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини тўғри ва оқилона ташкил этиш давлатнинг илмий асосланган иқтисодий сиёсати асосини ташкил қилади. Муайян макон ва замондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш негизида унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Бинобарин, самарали, барқарор ривожланиб боровчи ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар

ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни назарда тутди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги фармоннинг мақсад- моҳияти ҳам мамлакат минтақаларида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жиҳатдан туғри ва оқилона ташкил этиш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдан иборат<sup>81</sup>.

#### 4.4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида яратилган иш уринлари сони, (бирликда)

Курсаткичлар	Йиллар						2008 - 2016 й.й.да узғариш, %
	2008	2010	2012	2013	2014	2016	
Яратилган янги иш уринлари, жами	660960	953701	973497	980225	988810	997203	150,9
Шу жумладан							
Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	54428	57154	58631	59303	60486	61556	113,1
Кичик бизнес корхоналари ва яққа табиркорликни ривожлантириш	313494	474688	484954	486231	482185	483460	154,2
Уй меҳнатини (касанаچиликни) ривожлантириш	213794	210146	218560	220363	222336	222646	104,1
Фермер хўжаликларини ривожлантириш	49287	129180	123622	126856	140342	141326	2,9 марта
Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, корхоналар фаолиятини тиклаш	29957	82533	87730	87472	83461	88215	2,9 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги фармони. //Халқ сузи, 08.02.2017 й. №28 (6722).

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси томонидан кенг муҳокама қилинган мазкур Ҳаракатлар стратегияси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йуналиш доирасида қамраб олганлиги ва “ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни оптималлаштириш мақсади иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, янги иш уринларини яратишни зарураг этади.

Мамлакатимизда иш билан таъминлашга муҳтож шахсларнинг иш билан таъминланганини яратилаётган янги иш уринлари миқдорига бевосита боғлиқ. Таҳлил этилаётган йилларда яратилган иш уринлари салмоғи энг куп ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, корхоналар фаолиятини тиклаш (2,9 марта), фермер хўжаликларини ривожлантириш (2,9 марта), кичик бизнес корхоналари ва якка табиркорликни ривожлантириш (54,2%) соҳалари ҳиссасига туғри келади. Жами яратилган янги иш уринлари сони 2008-2016 йилларда 50,9%га ошган (4.4-жадвал).

Республикамиз ҳудудлари кесимида яратилган иш уринларининг салмоқли ҳиссаси Қорақалпоғистон Республикаси (76,7%), Тошкент (67,9%), Хоразм (63,3%), Наманган (52,7%), Қашқадарё (50,6%), Сурхондарё (52,2%) вилоятлари ҳиссасига туғри келади (4.5-жадвал).

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёни ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат булганлиги сабабли, унинг ривожланиши ана шу муносабатларни бозор қонуниятларига мувофиқ келишини таъминлаш, меҳнат жараёнидаги муносабатларни тартибга солиш, ишлаб чиқаришни техник-технологик даражасини ошириш, уларга мос малакали ишчи ва ходимларнинг тайёрланишини ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш кабиларни уз ичига олади.

Корхоналарда барча ресурслар ичида меҳнат ресурсларининг аҳамияти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, чунки корxonанинг мақсади, фаолият натижалари меҳнат ресурсларининг биргаликдаги фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Корхоналарда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бир қатор омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни ўзига хос белгилари орқали қуйидаги учта таснифга ажратилади:

1. Меҳнат ресурсларидан интенсив ва сифатли фойдаланиш билан асосланадиган омиллар;
2. Ишчи кучи сифати ва ундан рационал фойдаланиш даражаси билан асосланган омиллар;
3. Корхоналари ишловчиларининг ижтимоий ва касбий фаоллигини самарали бошқариш билан асосланган омиллар.

#### 4.5.-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар кесимида яратилган иш уринлари сони, (бирликда)

Худудлар (вилоятлар) номи	Ииллар						2008 - 2016 й.й.да узғариш %
	2008	2010	2012	2013	2014	2016	
Қорақалпоғистон Республикаси	28602	48329	49 722	49 941	50 062	50 552	176,7
Андижон	55670	78 330	79 079	80 308	80 108	80 486	144,6
Бухоро	54266	73 242	73 795	74 382	74 309	73 850	136,1
Жиззах	29566	43 534	43 941	44 072	44 255	44 292	149,8
Қашқадарё	59191	86 861	88 794	89 400	89 404	89 121	150,6
Навоий	30139	40 452	41 230	41 390	41 360	41 245	136,8
Наманган	49672	71 159	75 109	75 569	75 723	75 849	152,7
Самарқанд	63570	92 390	93 843	94 452	95 011	95 522	150,3
Сурхондарё	44296	63 839	65 955	66 518	66 418	67 416	152,2
Сирдарё	28660	38 199	40 080	40 386	40 122	40 547	141,5
Тошкент	52719	85 969	87 222	87 428	87 421	88 513	167,9
Фарғона	63286	91 492	92 438	93 229	92 876	93 292	147,4
Хоразм	37110	59 423	60 031	60 568	60 576	60 611	163,3
Тошкент шаҳри	64159	80 482	82 258	82 582	91 165	95 907	149,5
Жами	660960	953701	973497	980225	988837	997203	150,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кумитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Корхоналар меҳнат ресурсларининг базавий белгилари сўнгги самарани шаклланишининг таркибий моҳиятини ифодалайди. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омилларнинг базис белгиларининг биринчи гуруҳига – меҳнат воситалари билан тавсифланувчи омилларни киритиш мумкин. Базис белгиларининг иккинчи гуруҳига – ишчи кучи таснифларини бирлаштирувчи барча омилларни киритиш мумкин. Унинг учинчи гуруҳига –корхоналари

меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ундовчи омиллар гуруҳи билан тавсифланади. Бунда меҳнат жамоасини бошқариш тизими, унинг касбий ва ижтимоий фаоллиги муҳим урин тутади.

Омилларнинг биринчи икки гуруҳи корхоналарининг барча ходимларини, яъни раҳбарлардан тортиб оддий ходимларгача булган персонални меҳнат самарадорлигини ошириш муаммоларини тадбик этишнинг “классик” объектлари ҳисобланади. Махсус иқтисодий адабиётларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун меҳнат воситаларининг, корхонанинг техник курулланганлиги даражаси, меҳнат интенсивлиги каби масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган ва ёритилган. Шунинг эътирофи этиш жоизки, юқорида таъкидланган омиллар гуруҳининг аҳамияти собиқ иттифоқ иқтисодий тизимида ҳам эътироф этилган. Бунинг исботи сифатида ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат самарадорлигини ошириш учун бир қатор илмий ва амалий тадқиқотлар ва уларни натижаларини келтиришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат воситалари сифати уртасидаги узаро боғлиқлик қуйидаги асосий омиллар билан тавсифланади ва асосланади: чет эл корхоналаридаги илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, товарларни сақлаш, уларни савдо залларига қуйишдаги янги йуналишлар хариддорларга хизмат сифатини ошириш буйича қилинаётган техник янгиликлар ва бошқалар билан асосланади. Юқоридагилар ишлаб чиқариш тармоғида меҳнатни ташкил этишдаги янгиликлар булиб, уларни кенг жорий этилиши, бизнинг фикримизча, бир қатор камчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– корхоналар учун яратилган янги ишлаб чиқариш технологияларини, қувватларини интенсив ишлаб чиқариш технологик жараёнларини кўп ҳолларда маълум қисми харид қилинади ва жорий этилади. Бу ҳол албатта ишлаб чиқариш корхонасида иқтисодий самарани пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида бутун ишлаб чиқариш тизимида иқтисодий самарадорликни пасайтиради;

– корхона персонали кўп ҳолларда янги воситалар қурилмаларни урганиш буйича дастлабки малака оширишдан утмайди. Оқибатда жорий этилган янги технологияларни ўзлаштириш учун қўшимча иш жараёнидан вақт сарфланадики, натижада янги технологияларни қоплаш вақти қузилади, қутилган натижаларига эришилмайди;

– кўп ҳолларда корхоналар томонидан харид қилинган технологиялар тулиқ комплектда булмайди ёки эҳтиёт қисмлари етишмайди. Оқибатда ушбу технологиялар хизмат қилиш муддатидан олдин ишлаб чиқариш жараёнидан чиқарилади, бу эса қўшимча сарф-

ҳаражатлар бўлишига сабаб бўлиб, уларни иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир курсатади.

Юқорида эътироф этилган камчиликлар янги технологияларни жорий этишни пасайтирмайди, аксинча ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан рақобат курашида енгиб чиқиш учун уларни купрок жорий этишга ундайди. Утказилган сўровнома натижаси ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти таҳлили тадқиқ этилаётган муаммо ҳолатида бир қатор узгаришлар бўлаётганини курсатмоқда. Бу узгаришлар куйидагиларда уз ифодасини топмоқда:

1) корхоналарда фонд билан куrollаниш даражаси 70-80%га усган. Ноозик-овкат товарлари билан савдо килувчи корхоналарда эса 35-40% га усган. Булаётган бундай узгаришлар нафақат курсаткича ифодаландиган фонд билан куrollанишни усишини, балки жорий этилаётган техника ва технологияларни, меҳнат воситаларини сифат даражасини ҳам ошиб бораётганлигини ифодалайди.

2) Корхоналари ходимларининг меҳнат унумдорлиги тадқиқ этилаётган давр мобайнида юқорида эътироф этилган омил ҳисобича 15-20%га ошган, яъни шу ҳолатни таъкидлаш жоизки, сифат жиҳатдан янги меҳнат воситаларини ва бошқа кўплаб омилларни соҳада ходимлар меҳнат унумдорлигини оширишга булган таъсирини чуқуррок таҳлил этиш алоҳида илмий тадқиқотни талаб этади.

3) Корхоналарида жонли ва буюмлашган меҳнатни узаро узвий боғлиқлигининг янги мураккаб ва ижтимоий жиҳатдан муҳим ҳолатларидан бири, соҳада меҳнат жараёнига мураккаб воситалар, курилмалар ва механизмларни жорий этишдир. Аммо шу билан бир вақтда соҳада уларни ишлатувчи ходимлар касб-малака кўникмаларига, уларни оширишга булган талаб юқори эмаслигидир. Бу ҳол меҳнатнинг мазмуни ва меҳнат операцияларини соддалашувига олиб келади. Умуман биринчи гуруҳ омилларини меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсирини таҳлил этиш орқали куйидаги хулосаларни келтирамыз:

– меҳнат воситаларидан фойдаланиш сифатини ошириш, жонли меҳнатни қисқариши ҳисобига ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келади. Оқибатда ишлаб чиқариш корхоналарида банд булганлар миқдорини камайишига сабаб бўлади.

– касб-малакага булган талабни пасайиши, замонавий юқори унумли, оддий технологиялар жорий этилиши орқали мураккаб меҳнатни оддий меҳнатга алмашинишини ишчи кучи қийматини ва меҳнат фаолияти сарфларини камайишига олиб келади.

– бир вақтда меҳнатни табақаланишуви (юқори малакали ва паст малакали) жадаллашадикки, оқибатда соҳада ишловчиларни ўзларини касб-малакаларини оширишга булган қизиқишларини кучайтиради. Бу ҳол

соҳада юқори малакали мутахассисларни қупайишига сабаб булади. Корхоналар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни белгилловчи иккинчи гуруҳ омилларни тадқиқоти, меҳнат ресурсларини бошқаришни қуйидаги концептуал масалаларни ечишни зарур этади;

– корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш;

– корхоналарда меҳнат ресурслари сони ва таркибини оптималлаштириш;

– меҳнат ресурсларидан фойдаланиш технологияларини оптималлаштириш.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясининг асосини амал қилаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг қандай мулк шаклига тегишлилиги билан белгиланади. Ҳозирги вақтда қупчилик ишлаб чиқариш корхоналари акциялаштирилиб, турли шаклдаги акционерлик жамиятларига бириктирилган, оқибатда шундай меҳнат жамоалари шаклланади, улар уз пай улуши билан мулкдор ҳам ҳисобланади. Бундай ҳолатни яна бир хусусияти шундаки, ходимлар бир вақтнинг узида акциядор ва соф ёлланма ишчи кучи ҳамдир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси булиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ҳудудий ривожлантириш қонуниятларига қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқаришни ҳудудий оқилона ташкил етиш қонуният. Бунга мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарини илмий техника тараққиётининг югуқлари асосида, иложи борича манбаларга яқин жойда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, сувни қуп талаб қиладиган тармоқларни имкон қадар йирик ва самарали сув манбаларига яқин жойлаштириш маъқул. Меҳнатни қуп талаб қилувчи (сермеҳнат) тармоқларни эса меҳнат ресурслари шаклланган марказларга яқинроқ. Қундалик истеъмол қилинувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни истеъмолчиларга яқинроқ жойлаштириш ва ҳоқозо.

2. Ишлаб чиқаришни ҳудудий ихтисослашуви ва кооперациялашуви қонуният.

Бунда бирон бир ҳудуд ичида ихтисослашув ва корхоналар уртасида энг тақомиллашган ишлаб чиқариш алоқаларини урнатиш ҳамда уларни ташқи иқтисодий алоқаларда кенг иштироки қўзда тутилади.

3. Ҳудудларни комплекс ривожланиш қонуният. Бунда ҳудудни (республика, вилоят, иқтисодий туман) мажмуали ривожланиши деганда ҳужалигидаги мутаносиблик (пропорционаллик), ишлаб чиқариш

корхоналарини маҳаллий табиий ва иқтисодий шароитга мос келиши, ихтисослашган тармоқларни, инфраструктурасини (инфратузилма), турли масштабдаги шаҳарларни ривожланишини ва табиий муҳитни фойдаланиш ва ҳоқозолар назарда тутилади.

4. Ишлаб чиқаришни ҳудудий бир меъёрда жойлаштириш ёки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тенглаштириш қонуниятидир. Унга кура республика ҳудудларининг иқтисодий ривожланишини бир-бирига тенглаштириш, ишлаб чиқариш қучлари бир меъёрда мамлакат бўйлаб бир меъёрда жойлаштириш, истиқболда аҳоли гурмуш даражасини ошириш мақсад қилиб олинади.

Илмий манбаларда ишлаб чиқариш қучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг қуйидаги асосий тамойиллари ажратилади:

– ишлаб чиқариш тизимларини хомашё манбалари, ёқилғи ва энергия ресурсларини истеъмол минтақаларига яқин жойлаштириш;

– юқори самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тизимини барпо қилиш;

– мамлакат ва минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиатдан фойдаланишнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

– халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш ва қулай геостратегик мавқеидан самарали фойдаланиш асосида халқаро меҳнат гаксимотидаги иштироқини чуқурлаштириб, кенгайтириб бориш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш;

– йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ривожланишини тартибга солиш, кичик ва урта шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги табақаланиш жараёнини бошқариш, иқтисодиёт тармоқлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Ишлаб чиқариш мамлакат ва минтақалардаги умумий иқтисодий қонунларнинг ҳудудий тавсифига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ишлаб чиқариш қучлари тараққиётининг бутун тарихий-географик босқичларида амал қиладиган, уларнинг сабабий алоқа ва узаро ички боғланишларини ифодаловчи иқтисодий қонунлар мажмуаси умумий иқтисодий қонунлар дейилади. Иқтисодий қонунлар мажмуаси ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи қучларнинг характери ва ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги, самарали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, меҳнат унумдорлигининг усиб бориши, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларнинг ошиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнларининг умумлашуви ва иқтисодий интеграциясининг чуқурлашуви, давлат монополистик мулки ва иқтисодиётнинг



ривожланиши, ишлаб чиқариш монополизми ва давлатнинг антимонополистик тадбирлари, иқтисодиётнинг бошқарувида давлатнинг аралашуви, минтақавий режалаштириш, башорат қилиш ва иқтисодий районлаштириш кабилардан иборат. Масалала бундай ёндашув А.Лёшнинг концепциясида ҳам кузатилади. Хусусан, А.Лёш иқтисодий районларга алоҳида эътибор бериб, район ҳосил қилувчи асосий омил ишлаб чиқариш тизими эмас, балки товарларни бозорда сотиш асосий урин тутати деб ҳисоблайди.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қонуниятлар билан бир қаторда табиий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ижтимоий-экологик омиллар ҳам муҳим урин тутати. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар гуруҳи, миллий хужалик тармоқларининг оқилона ташкил этишда уларнинг таъсир даражасини ҳисобга олинишини назарда тутати. Маълумки, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларни уларнинг таъсир даражасига кўра, 4 гуруҳга бўлиш мумкин.

- табиий омиллар;
- ижтимоий-иқтисодий омиллар;
- ижтимоий-демографик омиллар;
- ижтимоий-экологик омиллар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар бирламчи характерга эга бўлиб, у ҳудудда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг моддий асоси сифатида хизмат қилади. Кейинги омил демографик жараёнларнинг бугунги ва истиқболдаги ҳолатини ҳисобга олади. Меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда сермеҳнат иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимлари, юқори малакали меҳнат ресурслари мавжуд ҳудудларда замонавий ва ўта замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилади.

Аҳолининг ҳудудий жойлашишига мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш миграцион жараёнларнинг тартибга солиш ва бошқариш имконини беради. Бу уринда саноат корхоналарини “филиаллаштириш” орқали ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича бир текис ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида “марказий жой” ёки “ривожланиш кутби” йўналишлари доирасида тадбирлар амалга оширилиб, биринчи навбатда ўсиш имконияти мавжуд бўлган минтақаларга устувор даражада эътибор қаратилди. Инвестицион жозибадорлик, ишлаб чиқаришни ташкил этишда моддий техник базанинг мавжудлиги, миқдор ва сифат жиҳатдан етарли миқдордаги ишчи кучининг тупланганлиги, хомашё ресурслари билан таъминланганлиги

каби омиллар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида мутлақо янги ишлаб чиқариш объектларидан иборат саноат марказларининг шаклланиши асос бўлди.

Эндиликда ушбу марказларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ва кўшни ҳудудларнинг қамраб олишини таъминлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида” ги фармонида 2017-2021 йилларда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобига ҳудудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари устувор йуналиш сифатида белгилаб берилган.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш-нинг ижтимоий-экологик омиллари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, фан-техника инқилоби туфайли юзага келган экологик инқирозлар ва саноатнинг энг янги соҳаларини соф табиий муҳитга бўлган талаби билан боғлиқ. Аҳоли усиши ва ишлаб чиқариш суръатларининг ҳаддан ташқари тезлашуви, яъни концентрация жараёнининг кучайиши оқибатида атроф-муҳитга таъсир кучайди. Атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ ва ер ресурсларининг яроксиз ҳолга келиши, йирик шаҳарлардаги ижтимоий-экологик муаммоларнинг ҳаддан ташқари кучайишига олиб келди.

Натижада ишлаб чиқариш кучларини “енгиллаштириш”, яъни саноат, қишлоқ хужалиги, транспорт ва инфратузилма соҳаларини мамлакат ҳудудлари бўйича бир текис жойлаштириш, атроф-муҳитга таъсири кучли корхоналар (кимё, нефть-кимё, металлургия ва бошқалар) қурилишини чеклаш ёки уларни аҳоли манзилгоҳларидан четга жойлаштириш сиёсатини юзага келтирди. Мамлакатимиз ҳудудида барпо этилаётган Муборак, Устюрт, Сурғул нефть-газ мажмуалари айти шу тамойилларга асосланади.

Минтақалар саноат, қишлоқ хужалиги, транспорт, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, мавжуд табиий ва ижтимоий-иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳудудларга эркин иқтисодий зоналар мақомини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда Хитой тажрибаси жаҳон ҳамжамиятидан томонидан кенг эътироф этилади. Мамлакат шарқида 1333 та божсиз зоналар 32 та замонавий технологик ишлаб чиқариш зоналари 52 та технополислар 10 дан ортиқ эркин савдо зоналари ва буларни бирлаштириб турувчи йирик махсус иқтисодий зоналар тузилган

булиб, бу ҳудудлар Хитойнинг ташқи дунё билан иқтисодий алоқа қилишдаги узига хос “очик эшик”лар вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда дастлабки эркин индустриал-иқтисодий зона Навоий вилоятида ташкил этилди. “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш туғрисида”ги фармонга асосан янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва замонавий қорхоналар бунёд этиш ҳамда хорижий инвесторларга солиқ ва бож туловлари буйича стратегик аҳамиятга эга бўлган имтиёзлар белгилаб берилди. Хорижий инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши йиллар утган сари ортиб бормоқда ва бунинг натижасида ҳудудда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда қўшма қорхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 декабрдаги “Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш туғрисида” ги, 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш туғрисида”ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида” ги ҳамда 2017 йил 12 январь ПФ-4931-сонли “«Ургут», «Ғиждувон», «Қуқон» ва «Хазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш туғрисида” ги Фармонлари ҳудудларда ишлаб чиқаришни янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор бўлди.

Ушбу ҳудудлардаги маҳаллий минерал-қомаш ресурсларини чуқур қайта ишловчи ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ва маҳаллийлаштирилган замонавий қорхоналарни ташкил қилиш учун туғридан-туғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади.

Биргина “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида утган 2016 йилда 56,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу 2015 йилга нисбатан 6,1 фоизга кўпдир. Ушбу давр мобайнида 7 янги завод қурилди, 929 миллиард сумликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада такомиллаштириш, иқтисодийни лебераллаштириш бугунги куннинг объектив зарурати айланди. Чунки бозор иқтисодийети жаҳон цивилизациясининг ғоят улкан ютуғи сифатида – иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодий усиш ва аҳоли фаровонлигини ўзлуксиз таъминловчи иқтисодий тизим эканлигини исботлади. Айни шу йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистон 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5

йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 барабар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади<sup>84</sup>.

Жорий 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қуввагларини фойдаланишга топшириш орқали 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар узлаштирилиши назарда тутилган. Мева-сабзавот ва гушт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа, рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш буйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа, кимёвий хомашёларни чуқур қайта ишлаш буйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа, углеводород хомашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш буйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа, тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш буйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йуналтирилган 24 млн.долларлик 7 та лойиҳа, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш буйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа, тайёр туқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш буйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа шулар жумласидан. Ушбу тадбирларни амалга ошириш саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишга асос бўлади.

Ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг тамойиллари бозор иқтисодиёти ривожланишининг миллий моделини амалга ошириш асосида шаклланади ва такомиллаштирилади. Бозор шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг асосий тамойилларини умумлаштирган ҳолда тўртта йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчиси, ишлаб чиқаришни энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол жойларига яқинлаштириш тамойили амалга оширилганда узоқ масофага юкларни ташиш жараёнидаги харажатларни қамайтириш билан боғлиқ муаммоларни ечишни ҳузда тутати. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади. Энергияни кўп талаб қиладиган саноат корхоналарини ёқилғи ва энергия манбаларига яқин булиши катта аҳамиятга эга (рангли металлургия, кимё саноати). Хом ашё манбаларига талаб кўп булган тармоқлар эса, фойдали қазилмалар мавжуд ҳудудларга жойлашадилар (нефть ва газ, қора металлургия, цемент). Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари истеъмол талаби мавжуд минтақаларга яқинлаштирилади.

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги фармони. //Халқ сузи, 08.02.2017 й. №28 (6722).

Иккинчиси, мамлакатимизда туғридан-туғри хориж инвестицияларини жалб қилиш орқали саноатни модернизациялашга устувор йуналиш сифатида қаралмоқда. Ушбу жараён хориж давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан унумли фойдаланишни тақозо қилади. Хорижий инвестициялар мавжуд рақобатбардошлик афзалликларидан, табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, ушбу жараён хориж давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан унумли фойдаланишни тақозо қилади.

Учинчи йуналиш, мамлакатда мавжуд бой табиий захираларнинг, авваламбор, энг рақобатбардошликларини узлаштириш, улардан мажмуали фойдаланишни кузда тутати. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида йирик стратегик аҳамиятга эга булган фойдали қазилма конларини узлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун, “Шуртан газ-кимё мажмуаси”, Қунғирот сода заводи ва бошқаларни курсатиб утиш мумкин.

Туртинчиси, экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги энг муҳим йуналишлардан бирига айланган. Минтақада жойлаштириш учун таклиф этилаётган корхона мажбурий равишда экологик экспертгадан утказилиши, унинг табиатга салбий оқибатларни йуқотиш буйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш заруриятга айланиши лозим.

Меҳнатни тағбиқ қилиш самарадорлиги буйича минтақалар ўртасидаги фарққа сабаб шуки, турли ҳудудларда технология, меҳнатни ташкил этиш даражаси турлича. Турли сабабларга, шу жумладан, этник ва тарихий хусусиятларга эга булган сабабларга кўра ҳам ходимлар малакаси бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Меҳнат ресурслари шаклланишининг ва улардан фойдаланишнинг минтакавий хусусиятларини ҳисобга олиш меҳнат ресурсларини ўрганишнинг энг муҳим томонларидан биридир. Масаланинг бу томонини билиш меҳнат муносабатларини, меҳнат бозорини давлат йули билан самарали тартибга солиш учун зарур. Шу муносабат билан меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизнинг меҳнат ресурслар ортиқча ҳудудлари сифатида **Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм** вилоятлари меҳнат бозорларини тартибга солишнинг анча самарали усуллари бўлиб ишчи кучига булган талабининг ошиши ва унинг камайишини ҳисоблаш зарур.

Бизнингча, мазкур усуллар куйидагилардан иборат:

### **1. Худудларда ишчи кучига талабни ошириш усуллари:**

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида иктисодиёт тармоқларидаги таркибий тузилмани қайта қуриш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёт ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқаришда бушатилаётган ходимлар сони тез купаймоқда.

Мисол учун, Самарқанд вилоятида ишчи кучига булган талабни оширишни иктисодий меҳнатдан рағбатлантириш усуллари тадқиқ этиш – уларнинг оқилона иш билан бандлигини таъминлашга ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойлари учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда ишсизликнинг, айниқса ёшлар ишсизлигининг кескинлашиши бир томондан иктисодиётдаги таркибий узгаришлар натижасида булса, иккинчи томондан демографик босимни кучайиб боришидадир. Шунинг учун ёшлар ишсизлигини камайтириш буйича фаол сиёсатни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Фаол сиёсат фақат ишдан маҳрум бўлиб қолганларини қуллаб қувватлаб қолмасдан, шу билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтож булган ёшларнинг узи учун иш ўрни кидиришга қаратилган фаоллигини рағбатлантиради. Бу эса унга туланадиган ижтимоий туловларни қисқартиради, жамиятдаги ижтимоий низоларни юмшатади, меҳнат унумдорлигини ошириш, иктисодиётнинг таркибий жиҳатдан қайта қурилишига ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча ишчи кучига талабни оширишни аграр соҳанинг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларда ноқишлоқ иш жойларни яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги замонавий касбларни эгаллашга тўғридан-тўғри ёки ихтисослашган инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Кредитларни қишлоқ ҳужалик корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қурулантиришга, шахсий ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан сервис соҳасини кенгайтиришга, шунингдек болали ёш аёллар, меҳнатга лаёқатли ёшлар, ўсмирларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йўналтирилган мақсадага мувофиқдир. Шаҳар ва қишлоқ жойларида ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга айрим махсус иш ўринларига жалб этиш, айти пайтда ишчи кучининг касбий ва малака таркибига бевосита маъсир курсатиши мумкин.

Иктисодиёт соҳа ва тармоқларини ривожлантириш буйича худудий дастурларни тубдан қайта қуриб чиқиш ва қишлоқ жоларида уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар қуриш лозим.

Нокишлоқ иш жойларини яратиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда ижтимоий иш уринларини вужудга келтириш аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг энг муҳим йуналишларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг маъмурий чоралари сифатида фаол дастурларни амалга оширишни иш билан бандлик сиёсатининг энг мақбул турларидан бири ҳисобланади. Бунда иш кунининг давом этишини камайтириш, бир кишига мулжалланган иш урнини уриндошлик билан билан ишлаш имкониятларини чеклаш, вақтинча ва қисман иш билан бандликни таъминлаш учун корхоналарда ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, иш билан бандликнинг ноананавий шаклларини ташкил этиш билан боғлиқ маъмурий чоралар, катта ёшдагилар учун пенсия ёшени пасайтириш ҳисобланади.

Фаол дастурларни амалга ошириш ишга қабул қилишда кам имкониятга эга булган гуруҳларга ҳам меҳнат таклифини пасайтириш ёки бир гуруҳдан бошқа ишга ўтиб иш билан банд бўлиш имкониятини қайта тақсимлашга имкон тугдиради. Бу борада реал сиёсат турларидан илгарироқ нафақага чиқаришдир. Бу ҳол мактаб битирувчилари ва бошқа ёшларнинг ишга кириши учун маълум даражада майдон очади.

Тадқиқотларимиз шунни курсатмоқдаки, асосан ишчи касблари буйича меҳнат билан бандлар орасида ходимларнинг нафақага чиқиши мунособати билан уларнинг корхоналардан табиий кетиб қолиш даражаси ортади. Ишловчи нафақахўрлар асосий ишларда банд булганларнинг 15-20 %ини ташкил этади. Яқин 4 - 5 йил ичида ёши буйича бушашга уларнинг 40 %дан 60 % гача қисми давогар бўлиши мумкин. Шу мунособат билан меҳнат билан бандлик сиёсатидаги устувор йўналиш – иқтисодиёт тармоқларига ёшларни, шу жумладан ёш аёлларни жалб қилишдан иборат бўлиши лозим.

## **2. Худудларда ишчи кучи таклифини камайтириш усуллари:**

Ҳозирги пайтда иқтисодиёт тармоқлари фаолиятлари самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхужалик механизмлари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган туловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Улар ходимлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кумаклашади. Бу хилдаги туловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари ходимларни сақлаш учун қатъий ставка шаклида урнатилади. Худудларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ишчи кучига булган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини иқтисодий чоралар билан рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш

жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд булганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин.

Республикамизда “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўринларини ва сиртки укувдаги талаба уринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, ёш аёлларга бола парвариши учун туланадиган нафакалар ва бериладиган таълим муддатини кўпайтириш, меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш, ногиронлар (ёш)нинг пенсияларини ошириш меҳнат бозорида ёшларнинг ишчи кучи тақлифини камайтириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Аҳоли иш билан бандлигини хусусий ва вақтинчалик шаклларига утишини рағбатлантириш уларга ҳам иш билан банд қилинган шахсларга мулжалланган ижтимоий таъминотнинг ўша турларини, таътилар ва бошқа ижтимоий кафолатларнинг миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг кам миқдордаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътиларни уз вақтида бериш иш кунини ва иш вақти давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмайдиган ҳудудлари (**Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси**)да ишчи кучига талабни камайтириш ҳамда улар тақлифини кўпайтириш меҳнат бозорини тартибга солишнинг максадга мувофиқ усуллариدير.

Ушбу усулларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

#### **А) ишчи кучига талабни камайтириш усули.**

Усулларнинг мазкур гуруҳига ҳудудий ҳокимиятларнинг у ёки бу ҳудудларда, соҳалар ва тармоқларда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга оид қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланилганлик учун қўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини утказиш; корхонага ишга олганлик учун бир маргалик туловни жорий этиш; ортиқча ишчи-хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш, самарадорликни ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш – рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, ишлаб чиқариш жараёнида инновациялардан кенг фойдаланиш, солиқ сиёсати каби умумхужалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхужалик механизмларини такомиллаштириш асосида меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган туловларни қайта тиклаш ва уларнинг меҳнат



натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кумаклашади. Бу хил туловлар корхоналар ва ташкилотлар томонидан штатдан ташқари ходимларни сақлаш учун қатъий ставка шаклида урнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар урнини қоплаш учун ижтимоий суғуртага солинадиган солиқ ва ишсизликдан ҳимоя қилиш жамғармасига солинадиган солиқдан фойдаланиш мумкин. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатларнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими жонли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шакллари ифодалади ҳамда меҳнат бозорида ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларни яратади.

### **Б) ишчи кучи таклифини кунайтириш усули.**

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида меҳнат бозорида ишчи кучини ишчи кучи таклифини мутлақ кўпайтириш, умуман мумкин эмас. Иқтисодий тармоқларида ишчи кучи таклифини кўпайтиришга қайта ишлаш саноати ва хизмат курсатиш тармоқлари шаҳобчалари ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожига жиддий тусиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда ишчи кучи таклифи касб-малака таркиби бўйича қишлоқ муайян қишлоқ ҳудудлари иқтисодийнинг ноқишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқариш тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатларига етарли даражада мос келмайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат курсаткичларини ўзгартириш ва унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим.

Меҳнат бозорининг ҳолати иш билан бандлик соҳасида жами ижтимоий-иқтисодий жараёнларни акс эттиради. Иқтисодий ўсишда инвестицияларнинг юксалиши ишчи кучига бўлган талабни оширади, инқироз даврида эса, корхоналар ўзларининг мавжуд штатларини қисқартирадилар. Бошқа томондан, иқтисодий тармоқларнинг ривожланиши кўпинча шунга боғлиқ бўладики, тезлик билан молиявий ва технологик имкониятлар асосида малакали кадрларни таъминлаш шарт-шароитлари юзага келади.

Шундай экан, меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати қуйидаги мақсадларга эришишни назарда тутаяди:

- ишчи кучига талаб ва таклиф уртасида мувозанатга эришиш;
- ишсизларни меҳнатга йўналтиришни рағбатлантириш;
- иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг иш излашда касбий ҳаракатчанлигини ошириш;

•иш излаётган ҳар бир кишини иш билан таъминламок.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг юксалиш даврида иш билан бандлик хизмати нафақат янги турдаги фаолиятларга ишчи кучини жойлаштириш, балки меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, ишсизларни қайта ўқитишни турли дастурларини ишлаб чиқиш, зарур малакага эга ишчиларни танлаб олиш усуллари ва ишчи кучига талабни ошириш имкониятлари ҳамда шарт-шароитларига эга булади. Иқтисодиётнинг таназзули даврида, иш билан бандлик хизмати органлари меҳнат бозорининг конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ечими тўғрисида мақбул таклифларни бериши мумкин. Меҳнат бозорини таҳлил қилишда иш билан бандликка кўмаклашиш доирасидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат иш билан бандлик хизматининг самарали фаолиятини баҳолаш, иш билан бандлик сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, балки иш билан бандлик муаммолари бўйича янги ечимларни таклиф қилиш имкониятлари юзага келади.

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга кўмаклашиш усуллари қўллаш орқали ҳам амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ишчи кучи шаклида ва юқори малакали кадрларга талабнинг усиб бориши уртасидаги номутаносиблик муҳим муаммолардан биридир. Шунинг учун муаммони ҳал этишнинг долзарб йўналиши бўлиб, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади. Маълумки, ишсизлар армияси катта қисмини давлат томонидан нафақа билан таъминлаш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни молиялаштиришга нисбатан қимматга тушади. Бундай йўналишдаги фаолият равшанки самаралидир. Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, ўқув жараёнида замонавий ўқув технологиялари ва усуллари таълим дастурига киритиш ва фойдаланиш, келажакда уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширади.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида янги йўналиш бўлиб, иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ мақсадли ўқитиш ва конкрет иш ўринлари бўйича алоҳида касбларга ўқитиш ҳисобланади. Бунда корхоналарга керакли мутахассисларни тайёрлашда касбга ўқитиш хизмати олдида буюртмачи сифатида чиқадилар. Шунингдек, буюртмачи корхоналар узларининг ишчи-ходимлари учун ўқув дастурлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш курсларини ўтиш, мақсадли ўқитишни ташкил этиш, малака ошириш мақсадларида буюртмалар беришлари мумкин.

Иш билан бандлик хизматида қайта ўқитиш тизими ривожланишининг мақсади уч томонлама мувоффақиятли натижаларга эришишни таъминламоғи керак, яъни:

– ишсизлар учун – меҳнат бозорида малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан утиш орқали узининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– иш берувчилар учун – бир мунча мос келадиган, касбий тайёргарликка эга ишсизлар заҳирасидан мустақил равишда танлаш имкониятининг кенгайиши;

– иш билан бандлик хизмати учун – қайта тайёргарликдан утган ишсизлар ва уларни ёлловчи иш берувчилар уртасида меҳнат шартномаларини тузиш буйича мақбул натижаларга эришиш, буш иш жойларини малакали кадрлар билан тулдириш, иш жойига қабул қилинган ишчиларни узок муддатга мустаҳкамлигини таъминлаш, ишсизлик даражасининг камайиши, ишсизликни давомийлигининг қисқариши, иш жойларини банд қилиш даражасининг ошишига эришишни таъминлашдан иборат.

Куп йиллик тажриба шуни курсатдики, иш билан таъминлашнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар натижасида ишсизлар миқдори қисқариши ҳисобига ижтимоий туловларга қилинадиган харажатларни мутаносиб равишда камайтирди. Шунинг учун ишга жойлаштиришни такомиллаштиришга (ахборот хизматлари, компьютерлаштириш, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга) сарфланиши ишга жойлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва ишсизликни қисқартиришни таъминлайди. Касбга ўқитишга қилинган харажатларни қоплаш шуни курсатдики, касбий тайёргарликдан утгандан кейин ишга жойлашганлар ҳиссаси касбий тайёргарликсиз ишга жойлашганларга нисбатан 1,9 марта усган, мавсумий жамоат ишларига йўналтириш ҳар бир ишсизга қилинадиган харажатларни 3-5% га қисқартиради.

Иш билан бандликнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар шуни курсатадики, ҳар бир сўм қилинадиган сарфларнинг қайтими 1,1-1,2 сўм самара беради<sup>85</sup>, шундай суммага ишсизларга ижтимоий туловлар учун қилинадиган харажатларни камайишига олиб келади.

Тадқиқотлар шуни курсатмоқдаки, меҳнат бозорини тартибга солишнинг юқорида санаб утилган усуллари орасида ишчи кучига талабни кулайтириш ва унинг таклифини камайтириш усуллари етакчи ўринни эгаллайди. Чунки, республикамиз ҳудудларини аксарият қисми меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган. Буларнинг барчаси меҳнат ресурсларини оқилона иш билан бандлигини шакллантириш ҳамда ишсизликни йўл қўйиладиган даражагача камайтиришга имконият яратади. ■

<sup>85</sup>Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

#### **4.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий миқёсда жойлаштириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган №-4947 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” номли Фармонида мувофиқ яқин беш йиллик даврга мулжалланган ҳаракатларнинг устувор принциплари ва мақсадлари қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг 3.5 бандида алоҳида белгиланишича: “вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” зарур<sup>86</sup>. Мазкур стратегик мақсаддан келиб чиқиб давлат ижроия органлари, маҳаллий ҳокимиятлар олдига яқин беш йиллик даврда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал - хомашё, саноат, қишлоқ хужалиғи, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланилишини таъминлашдан иборат комплекс вазифа қўйилган.

Стратегик аҳамиятга молик вазифалардан келиб чиқиб ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш куламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст булган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йули билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга йўналтирилган конкрет чора-тадбирлар бажарилиши мулжалланган.

Ҳаракатлар стратегиясида янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хужалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шубҳасиз, ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалага узига хос тарзда ёндашувни талаб этади. Территориал ёндашув принципи мазмун-моҳиятига кўра жуда кенг куламли ҳодиса ва жараёнларни, шу жумладан ҳудудларнинг территориал – функционал тузилиши, турли комплексларнинг яратилиши, функционал фаолият юритиши, такрор ишлаб чиқариш, хужаликларни ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш механизмларини қамраб олади.

Ҳудудий миқёсда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

<sup>86</sup> “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилда қабул қилинган №УП-4947 сонли фармони.

ташқиллаштириш масаласи узига хос хусусиятга эгаллиги туфайли хужалик фаолиятини юритишнинг территориал принципи тузилишида алоҳида урин тутади. Бу индивидуаллик нафақат конкрет ҳудудда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг ҳажмида, балки ҳудудий иқтисодиётнинг функционал тузилишидаги корреляцион боғлиқликда, аҳоли турмуш даражасида, ҳудуднинг ижтимоий ва инфратузилиш нуқтаи назаридан жойлашувида, кичик корхоналарнинг локализациясида ҳам намоён булади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарашли корхоналарни ҳудудлар буйича жойлаштирилиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу масалани ҳал этиш вақтида бир қатор омилларнинг таъсирини эътиборга олишга тўғри келади.

Соҳа ва мавзу доирасида илмий изланишлар олиб борган олимларнинг ишларида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий миқёсда жойлаштиришга таъсир утказадиган асосий омилларни тавсифлашга катта эътибор берилган. Мутахассис олимлар томонидан ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий миқёсда жойлаштиришга конкрет омиллар таъсир утказиши етарлича асослаб берилганини эътироф этганимиз ҳолида, таъкидлаб кетмоқчимизки, иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳудудий миқёсларда жойлаштиришнинг янги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарашли корхоналарни ҳудудлар буйича жойлаштирилишига нисбатан тамоман узгача талаблар қуйилмоқда.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш соҳасидаги назарий билимлар ва амалий иш тажрибасига таяниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг узига хос жиҳатларини эътиборга олиб ишлаб чиқариш кучларини ҳудудларга жойлаштириш қуйидаги омиллар гуруҳи таъсир курсатади деб айтишимиз мумкин:

- маҳаллий (ҳудудлар) ва республика (халқаро даражадаги) миқёсида таъсир кўрсатувчи омиллар;
- регионал даражада таъсир курсатувчи омиллар;
- корхоналарнинг жойлашган ери;
- тадбиркорлик йўналишлар хусусияти (хужалик субъектлари).

**Миллий ва халқаро даражадаги омиллар таъсири.** Ушбу гуруҳга кирадиган омиллар орасида ижтимоий - ҳуқуқий, табиий – гегафик, илмий – техник (инновацион), ташқи иқтисодий, меҳнат ресурсларининг параметрлари ва бошқалар фаол роль уйнайди.

**Ижтимоий – ҳуқуқий омил.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий – сиёсий роли ва урни Ўзбекистонда давлат даражасида эътироф этилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини давлат томонидан

куллаб - қувватланишининг биз учун долзарблиги дунёнинг индустриал жиҳатдан ривожланган барча давлатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги даражасига етишиш учун кушаётган ҳиссасининг эътироф этилишидан келиб чиқади. Бунга шу вақтга қадар мамлакатимиз аҳолиси орасида тадбиркорлик билан шуғулланишга нисбатан мотивацияни ва иззат – ҳурматни шакллантиришга қаратилган кенг куламли ва давомли ишларнинг амалга оширилиши замин яратди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида юзага келадиган муносабатлар мамлакатимиз ҳудудида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг асосий тартиб ва шартларини белгилаб берувчи норматив ҳужжатлар доирасида бошқарилади. Ушбу ҳужжатлар меҳнат муносабатларини қуйидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тартибга солишга хизмат қилади:

1. Миллий иқтисодиёт негизида рақобатчилик муҳитини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, уларнинг интеллектуал фаолияти натижаси булган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга чиқаришга ёрдам бериш.

3. Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг узини – узи иш билан таъминланиши ва шунинг орқасидан даромад топишига ёрдам курсатиш.

4. Мамлакатимиз ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг улушини ошириш;

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат бюджетига туланадиган солиқ ва мажбурий туловларининг ҳажмини ошириш ва ҳоказо.

Юқорида айтиб утилган стратегик мақсадларга эришиш ва вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун давлатимиз қуйидаги устувор принципларга таяниб иш юритади:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қуллаб – қувватлаш буйича Республика ва ҳудудий (маҳаллий) давлат органларига берилган ваколатларни шу жумладан, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш учун қулай муҳит яратилиши учун жавобгарликни, аниқ белгилаш ва қатъий чегаралаб қуйиш.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини мазкур соҳани ривожлантириш буйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларига фаол жалб этиш.

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига иқтисодий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари билан бир хилда давлат ёрдами олиши учун имкониятлар яратиб бериш.

Қонунчилик даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлаш буйича мутасадди давлат органларига берилган ваколатлар орасида қуйидагиларни ажратиб курсатиш мумкин:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлашнинг принциплари, устувор йуналишлари, шаклларини белгилаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш буйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишидан дарак берувчи шунингдек, узок, ўртача ва қисқа муддатлар ичидаги мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий ривожланишини прогностлаштириш асосида аниқланадиган асосий молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа хилдаги курсаткичларини белгилаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини расмий статистик ҳисобга олишни ташкиллаштириш, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини статистик мақсадларда кузатиб бориш талабларини белгилаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилмани шакллантириш ва унинг функционал фаолиятини таъминлаш.

Шундай қилиб, эътироф этишимиз лозимки, айна вақтда давлатимиз гарчи ёрдам курсатилмаса, бозорларни монополлаштириш, рақобатчиликни чеклаш шароитида иш юритишга мажбур бўладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга шай бўлиб турибди.

Айтилганларни мухтасар қилиб демоқчимизки, фақатгина тулақонли ва эркин рақобатчиликгина эркин бозор муносабатларининг таркиб топишига, тадбиркорликка кенг йул очилишига қулай шарт-шароит яратиб бериши мумкин.

**Табиий-географик муҳит.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги меҳнат унумдорлигига табиий – географик шароитлар ва ресурслар таъсир курсатади. Эътироф этмоқчимизки, ҳудудларнинг табиий – ресурс потенциали нафақат йирик, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам ўзига жалб қилади.

Ишлаб чиқарувчилар орасида қурилиш материалларини ишлаб

чиқариш жараёнида, йул қурилиши, турли хил декоратив ва пардозлаш ишларида кенг қулланиладиган - кум ва кулолчиликда, гишт, цемент ишлаб чиқаришда, тиббиёт ва косметологияда таркибий элемент сифатида ишлатиладиган - тупрок каби табиий ресурсларга нисбатан жуда катта талаб мавжуд.

Ишлаб чиқариладиган товарлар ассортименти нисбатан чегараланган шарт-шароитларда турли-турфа табиий – ресурс базасидан фойдаланиш яратилаётган товарларнинг истеъмол хусусиятларини қисман узгартириш, ишлаб чиқариш ускуналарини созлашга, ишлаб чиқариш учун зарур булган хом ашё, ярим тайёр мағериаллар ва ҳоказоларни сотиб олишга қилинадиган қушимча сарф-харажатларсиз товарларни модификациялаштириш ҳисобигагина хужалик фаолиятини юритиш имконияти пайдо булади.

Табиий – географик омил(лар)нинг таъсирини урганиш вақтида энг аввало, қишлоқ хужалиги учун хос булган ишлаб чиқариш ва товарлар савдоси, хизматларнинг мавсумий характери эътиборга олинади.

Табиий – географик омил(лар)нинг таъсирини ўрганиш доирасида масаланинг экологик жиҳатлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Зеро, конкрет ҳудудда юритиладиган хужалик фаолияти давомида атроф – муҳитни ишлаб чиқариш объектларининг зарарли таъсиридан халос этиш учун қурилиши лозим буладиган махсус иншоотларни барпо этиш, уларни иш фаолиятини таъминлаш учун қилинадиган сарф – харажатлар пировард натижада шу зонада ишлаб чиқариш билан банд булган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тайёр маҳсулоти таннархини анчагина ошириб юбориши мумкинлиги назардан қочирмаслиги керак.

**Инновацион омиллар таъсири.** Ўзбекистонда замонавий билим ва юксак касбий малакага эга булган ишчи кучи, ижтимоий инфратузилмалар, илмий – лойҳалаштириш институтлари ва ташкилотларининг мавжудлиги мамлакатимизнинг турли ҳудудларида замонавий, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш имкониятини беради.

Айни вақтнинг ўзида кичик фирмалар ишлаб чиқарилган конкрет товарнинг ички ёки ташқи бозорларда сотилишини таъминлаш билан узоқ вақт давомида шуғуллана олмайди. Янги, илғор ғоянинг конкрет тус олиб бирон бир товар ёки хизмат турига айланиши учун уртача 7 – 8 йил талаб этилади, илмий – тадқиқотчилик ва тажрибавий – конструкторлик ишланмалар яратилиши даражасигача камдан - кам маҳсулотлар етиб боради. Шу боисдан кичик бизнес корхоналарининг аксариятига бундай машаққатли йулни мустақил равишда босиб ўтиш оғирлик қилади. Бундай вазиятларда кичик бизнес корхоналари одатда айни вақтда мавжуд, савдога чиқарилган товарларнинг истеъмол хусусиятларини қисман



такомиллаштириш билан шуғулланишади халос.

**Ташқи иқтисодий омилар таъсири.** Бугунги кунларда мамлакат ички ресурсларини мобилизация қилишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг урнагилиши ва ривожлантирилиши жуда катта аҳамият касб этмокда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда хужалик юритувчи субъектлар орасида кичик бизнес субъектларининг салмоги анчагина сезиларли даражада булиб, улар орасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар алоҳида урин тутади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланиб бораё тган мамлакатларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, давлатнинг ташқи иқтисодий стратегиясини фаол равишда мувофиқлаштириш ва тартибга солиш зарур.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни қайта ўзгартиришнинг асосий (устувор) йуналишининг бош мақсади – республикамызда иқтисодий фаолият юритувчи ҳар қандай субъектлар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт – импорт операцияларини, хорижий валюталарни ҳеч қандай чекловларсиз, эркин айирбошлашни амалга оширишига тусқинлик қилаётган барча чеклов ва тусиқларни олиб ташлашга, шунингдек хорижий товарлар ва капиталларнинг мамлакатимиз бозорларига эркин кириб келишини таъминлашган йуналтирилган комплексли чора-тадбирларни амалга оширилишида ифоланади.

Илгари республикамыздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти асосан ички бозорни қондиришга йуналтирилганди. Глобаллашув жараёнлари тобора авж олаётган вазиятда трансмиллий корпорацияларнинг таъсири остида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш эҳтиёжлари тобора долзарб аҳамият касб этмокда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятининг ривожланишида, узининг инновацион лойиҳаларини амалга оширишга интилиши давомида венчур фирмаларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни бозорлардаги ҳаракати(сотилиши, харидоргирилиги)ни таъминлашнинг франчайзинг, аутсорсинг каби янги шакллари пайдо булишига туртки берувчи, йирик корхоналар алоҳида роль уйнайди.

Гарчи, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари уз маҳсулотларининг 5% дан ортиқ булмаган қисминигина экспорт қилаётган булишса ҳам улар кенг куламли диверсификацияланган савдо ва инвестицион алоқаларни ривожлантиришга қодирлар.

**Меҳнат ресурслари омилининг таъсири.** Ўз негизида ишчи(лар)нинг потенциал имкониятлари, билим савияси, касбий малакаси ва иш тажрибасини мужассам этувчи мазкур омил иқтисодий тараққиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч, такрор ишлаб чиқариш жараснларининг

барча жараёнларида намоён булгувчи универсал, динамик хусусиятли таркибий элементдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига меҳнатга лаёқатли аҳолини жалб этишнинг узига хос жиҳатлари ҳақида гап кетганида, биринчи навбатда кўп даражали ташикилий тузилманинг йўқлигини, ишчилар меҳнат фаолиятининг комплекс характер касб этишини, меҳнатни ташкил қилиш тизимининг мослашувчанлигини эътироф этишимиз лозим булади. Шулар сабабли мазкур соҳадаги корхоналарда иқтисодий фаолият самарадорлиги пировард натижада корхонанинг ҳар бир ишчисига бевосита боғлиқ бўлиб қолади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик узига хос ижтимоий муҳит ролини бажарадики, бу муҳитда ёлланма ишчи(лар) билан иш берувчи (корхона эгаси) ўртасидаги меҳнат муносабатлари узаро манфаатли алоқалар хусусиятини касб этади. Мазкур соҳада қарор топган меҳнат муносабатларидаги баланс бузилса, кадрлар қўнимсизлиги кучаяди, бунинг оқибатида меҳнат интизоми бузилади, ишчиларнинг касбий малакаси ва масъулияти пасаяди.

Худудлар миқёсида меҳнат омили таъсири етарли даражада эътиборга олинмагани сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришга арзонгаров, аммо билим савияси ва касбий малакаси нисбатан паст булган одамларни жалб эта бошлайди, табиийки бу ишлаб чиқариш сифатига салбий таъсир курсатади.

**Худудий миқёсда таъсир курсатувчи омиллар.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг худудлар буйича жойлашувига конкрет худуд иқтисодиётининг функционал – худудий тузилиши жиддий таъсир қилади. Йирик саноат корхоналари ва марказларининг атрофида табиий равишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг узаро ишчанлик алоқаларини ўрнатувчи корхоналар пайдо буладики, улар йирик корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларига мослашиб (ишлаб чиқаришни унификациялаб) турли хизматларни курсатишга ихтисослашади.

Эътироф этишимиз жоизки, йирик корхоналар қошида ташкил этилганва уларнинг тузилмасига интеграллашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жуда зиддиятли ҳолатга тушиб қолади.

Бир томондан олиб қаралса, улар ўзининг шахсий капиталига эгалик қилиб ундан истаганича фойдаланишади, барқарор даромад эга булишади. Иккинчи томондан эса, улар йирик корхонанинг ишлаб чиқариш спецификасига жиддий боғланиб қолишган булади. Бу йирик корхонанинг ишлаб чиқариш спецификасига боғланиб қолган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг бозорларда эркин сиёсат юритиш имкониятини чегаралаб қўяди. Демак, йирик корхонанинг ишлаб чиқариш спецификасига боғланиб қолган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

корхоналарининг иқтисодий ҳолати хужалик фаолиятини юритиш эркинлигига эга булган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналариникига нисбатан ёмонроқ булади, чунки улар ишчи муҳитнинг узгариб турувчи шарт-шароитларига тезлик билан мослаша олмайдилар.

Конкрет худудларда йирик компаниялар билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг жойлаштирилишидан кутиладиган иқтисодий самара ҳақида гап кетганида, айтишимиз мумкинки, “масштаб эффекти” таъсири сабабли ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг таннархи ва транспорт харажатлари пасаяди.

Республикамининг туристик потенциали жуда юқори булган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларида ва бошқа рекреацион зоналарда куплаб туристик – рекреацион фирмалар зич жойлашгани маълум. Рекреацион зоналарнинг ташкил қилинишидан кузланадиган асосий мақсад республикамиз туристик потенциалининг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда даволаш, профилактик – соғломлаштиришга ихтисослашган масканларнинг кенг қуламли тизими шакллантирилмоқда. Рекреацион зоналарда шифобахш хусусиятларга эга булган минерал сув, давобахш лой манбалари узлаштирилмоқдаки, улар пировардида юртимизга бутун дунёдан туристларни жалб қилишга хизмат қилади.

Регионал миқёсда олинганида, *инсоний омил (истеъмолчилар эҳтиёжининг қондирилиши даражаси)* катта роль уйнайди. Жамият аъзоси булган кишилар нафақат меҳнат ресурслари сифатида балки, жамиятда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг истеъмолчилари сифатида ҳам майдонга чиқади. Шундан келиб чиқиб айтмоқчимизки, мамлакат худудлари бўйича фуқароларнинг жойлаштирилиши, одамларнинг турмуш даражаси ва иқтисодий тараққиёт юксалгани сайин уларнинг доимий равишда ўсиб боровчи эҳтиёжларининг эътиборга олиниши пировард натижада уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини худудий жиҳатдан жойлаштириш масаласига ўз таъсирини ўтказувчи муҳим омиллардан бирига айлантиради. Эркин бозор иқтисодиёти қарор топган (топаётган) жамият(лар)да савдо – сотиқ корхоналари, маданият муассасаларининг аҳоли нисбатан зич жойлашган ерларга яқинроқ жойлаштирилиши қонуний характерга эга булган жараён ҳисобланади.

Бугунги кунда улгуржи ва чакана савдо – сотиқ, ижтимоий хизматлар (транспорт, куриқлаш, тиббий, умумий овқатланиш, автотранспорт, маиший уй буюмларини таъмирлаш, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар)ни бажаришга ихтисослашган корхоналар фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг солиштирма оғирлик кўрсаткичлари энг юқори булган соҳалар ҳисобланади.

Аҳолига хизмат курсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ривожлантирилиши куп жиҳатдан хужалик субъектининг профессионал малакаси ҳамда алоҳида хусусиятли, яъни мурожаат этган ҳар бир мижознинг эҳтиёжларини эътиборга олиб ноёб сифатли хизмат курсатиш лаёқатига эга инсоний капиталнинг мавжудлигига боғлиқ.

Мамлакат аҳолисини турли товарлар, маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан эҳтиёжини қондириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг асосий функционал вазифаларидан биридир. Бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан тақдим этиладиган хизматлар жумласига ҳисоб-бухгалтерия ишлари, таълим бериш, кадрларни танлаш, солиқларни ҳисоблаб бериш, реклама тайёрлаш, юридик хизматлар, нашрий ишларни бажариш кабиларни киритишимиз мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳудудлар миқёсида жойлаштиришда уларни куллаб – қувватлашнинг *инфратузилмаси* ва *институтлари* муҳим роль уйнайди. Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини куллаб – қувватлаш *инфратузилмаси* таркибига тадбиркорликни ривожлантириш буйича марказ ва агентликларни, тадбиркорликни куллаб - қувватлаш буйича давлат ва ҳудудий жамғармаларини, тадбиркорликни кредитлаштиришга кумаклашиш жамғармаларини, инвестицион жамғармаларни киритиши мумкин. Уларнинг бош мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун инвестицияларни жалб этиш, технопарк, илмий тараққиёт парклари, инновацион – технологик марказлар, палата ва касб-хунар марказлар, говарларни экспорт қилишни куллаб – қувватловчи агентликлар, лизинг компаниялари, консултив марказлар, микромолиявий ва бошқа хилдаги ташкилотларни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятига кумаклашишдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини куллаб – қувватлаш *инфратузилмасига* шунингдек бизнес инкубаторлар ҳам киради. Улар одатда бизнес инкубаторга қарашли бўлган иморатлардаги нотурар жойлари ҳамда буш хоналарни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага (субижарага) бериш; бизнес инкубаторга қарашли булган иморатлар (уларнинг алоҳида қисмлари)нинг техник эксплуатациясини амалга ошириш; почта – секретарлик хизматларини бажариш; солиқ тортиш, бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ ишларни олиб бориш, кредитлаштириш, ҳуқуқий ҳимоя, корхонани ривожлантириш, бизнес режалаштириш, касбий малакани ошириш ва касбий таълим бериш; *информацион маълумотлар базасидан* фойдаланиш ҳуқуқини олиш каби масалалар билан шуғулланишади.

Континентал характерга эга булган Ўзбекистон Республикаси учун *транспорт хизмати омилининг* таъсирини эътиборга олиш алоҳида

аҳамият қилади. Одатда йирик корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштириш ва тайёр маҳсулотларини бозорларга чиқаришда асосан темир йул ва денгиз йулларидан фойдаланиш режалаштириб иш юритишади, улардан факрли улароқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кичик тоннажли автомобиллар ёрдамидан фойдаланишни режалаштиради. Шу сабабдан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини қўллаб - қувватлаш дастури доирасида автомобиль йулларининг конфигурацияси ва сифат даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, автомобиль йулларининг конфигурацияси ва сифати пировард натижада ҳудудий миқёсда хужалик юритишни ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш қай даражада самарали булишини белгилаб беради.

Ўзбекистонлик ишбилармон ва тадбиркорларимиз учун нафақат республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрини давлатимизга чегарадош булган мамлакатлар билан бирлаштирадиган халқаро ва давлат даражасидаги йулар балки, пойтахтимизни республикамизнинг турли вилоятлари билан бирлаштирадиган автомобиль йуллари ҳам катта аҳамиятга эга.

**Юқори даражали ноаниқлик (мавҳумлик) омили.** Ишбилармонлик устувор принцип саналадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти моҳият негизига кура эркин бозор шароитидаги юқори даражали ноаниқлик (юксак риск) муҳитида амалга ошириладиган ижтимоий фаолият ҳисобланади. Бундай вазиятларда потенциал жиҳатдан олганда, ишни бошлашдан аввал режалаштирилган стратегик мақсадларга етиша олмаслик эҳтимоли билан бир вақтда риск даражаси юқори булган операцияларни амалга оширишдан илгари режаланган даромаддан ҳам купроқ миқдорда фойда олиш имкониятлари мужассам бўлади.

Тадбиркорлик муҳитининг узига хос жиҳатларини эътиборга олиб айтишимиз лозимки, ноаниқлик (мавҳумлик) омили одатда тадбиркорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган - ташки (сиёсий вазиятнинг узгариши, ижтимоий - иқтисодий, экологик муҳитлардаги кутилмаган узгаришлар, илмий - техник характердаги рисклар ва ҳок.) ва фирманинг иқтисодий фаолиятига бевосита боғлиқ - ички омилларга ажратилиши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига паст даражада жалб этилганлиги нафақат ташки омилларнинг таъсири остида юзага келадиган рискларгагина балки, ички, яъни кичик корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнлари ёки ижтимоий муҳит билан боғлиқ турли муаммолар мавжудлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин. Айтилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрида катта ҳажмли омборхоналар булмаслиги, ишлаб чиқариш майдонлари ҳаддан ортик даражада кичик булиши мумкин. Бундай ҳолатлар нафақат ёрдамчи балки, асосий

ишлаб чиқариш тизимларига ҳам ортикча муаммо туғдиради. Демакки, мавжуд рисклар янада ошади.

Хар бир тадбиркор узининг потенциалини яхшилаб баҳолаб олгач, иктисодий фаолиятини туғридан – туғри давлат шартномаларини тузиш орқали ҳам бошлаб юбориши мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кафолатланган *давлат буюртмасини олиб* унга мувофиқ тегишли ишларни бажариши учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Алоҳида норматив ҳужжатлар бюджетдан ташқари жамғармалар ёки давлатга қарашли бошқа муассасалар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Амалдаги қонунчиликка асосан давлат буюртмаси доирасида умумий йиллик сотиб олинадиган товар ва хизматларнинг 15% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан харид қилиниши мумкин. Бу хилдаги харидлар одагда очик конкурслар, иштирокчилари чекланган конкурслар, икки босқичли конкурслар, электрон аукционлар, расмий талаб буйича котировкалар, таклифлар воситасида амалга оширилади.

**Инвестицион омил таъсири.** Миллий иктисодиётимиз тармоқларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари ва иктисодиётимизни ривожлантириш стратегиясининг техник – иктисодий жиҳатдан илмий асосланиши қуп жиҳатдан бу мақсад йўлида жалб этиладиган инвестициялар, шу жумладан асосий капиталга қилинадиган инвестицияларнинг салмоғи билан боғлиқ.

Конкрет ҳудуд миқёсида такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаши мумкин булган инвестицияларнинг асосий шакллари ҳақида суз кетганида пуллар ва уларнинг эквиваленти (акциялар ва ҳоказо), асосий ва айланма фондлар, шунингдек моддий воситалар назарда тутилади. Потенциал инвесторлар одатда ҳудудлар (саноат, яшаш учун ажратилган, рекреация зоналари)га савдога қуйилиши мумкин буладиган товар сифатида қарашади. Шуни эътиборга олиб хар бир алоҳида ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият органлари потенциал инвесторларни жалб этиш учун қуйидаги стратегик ва тактик услубларни қўллайдилар:

- молиявий рағбатлантириш усулларини;
- номолиявий восита(дастак)лар (лойиҳалар тайёрлаш, кадрларни тайёрлаш, уларга таълим бериш, ер майдонларини ажратиш);
- ишчанлик муҳитини, бизнес инфратузилмасини такомиллаштиришга йуналтирилган чора-тадбирлар.

Замонавий шароитларда инвестицион жиҳатдан мақбуллик даражаси юқори булган зоналар жумласига Тошкент, Навоий, Ангрн, Самарқанд, Бухоро, Хива, Чирчик каби шаҳарларимиз қиради.

**Тадбиркорларнинг малакавий фаолияти (ҳужалик субъектлари)**

*омили.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини ҳудудий миқёсда ташкиллаштиришда корхоналарнинг техник – иқтисодий параметрлари муҳим роль уйнайди. Корхоналарнинг турига қараб уларнинг локализациясига нисбатан талаблар шакллантирилади. Ушбу талаблар орасида қуйидагилари муҳим ҳисобланади – ер участкаси, офис, биналар, электр тармоқлари, ишчи кучининг мавжудлиги, ернинг қиймати, шунингдек маҳаллий солиқлар, рисклар ва бошқалар.

Бунда *тадбиркорларнинг шахсий сифатлари* биринчи уринга чиқади. Тадбиркорлик билан шуғулланишга одатда нисбатан ёш одамларда, аксарият ҳолларда эркак кишиларда, катта қизиқиш уйғонади. Тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиш билдираётган кишилар серғайрат, таваккалчилик қилишга тайёр булишади ва узининг меҳнатига яраша кутиладиган самарага эришишни жуда исташади. Тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган шахснинг қайси бир миллатга мансублиги алоҳида аҳамиятга молик, зотан кишилар узининг миллий анъаналари, ҳаёт тарзидан келиб чиқиб касбий фаолият турини танглайди.

Ҳар қандай тадбиркорлик (бизнес) фаолияти энг аввало *иш бошлаш учун зарурдастлабки капитал* булишини тақозо этади. Одатда дастлабки капиталнинг асосини тадбиркорнинг шахсий маблағлари, дусту биродарлари, қариндош уруғлари, шериклар ёки инвесторлардан олиб туриладиган пул маблағлари, кредитлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ташкил қилади.

Аксарият ҳолларда кичик корхоналар хусусий ёки булмаса аралаш мулкчилик шаклига эга булади. Ушбу характерли хусусият ҳудудий миқёсларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий жараёнларига уз таъсирини утказади. Бу хусусиятнинг намоён булиш характери *тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этган кишининг шахсий ташаббуси, мулк эгаси ва тадбиркорнинг профессионал потенциалига* боғлиқ булади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаоллик курсатишга ундовчи (рағбатлантирувчи) асосий куч бу имкон қадар каттароқ фойда олишдан иборат булиб, одатда тадбиркорнинг шахсий мақсади конкрет ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантирилиши билан мутлақо боғланмаслиги мумкин. Ҳолбуки, маҳаллий ҳокимият органлари уз ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни юксалтириш, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ҳаёт сифатини оширишга масъулдирлар. Шунинг учун ҳудудий миқёсларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда *ижтимоий масъулият, тадбиркорларнинг маънавий қадриятларини* эътиборга олишлик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бирига

айланади. Бошқача қилиб айтганда, конкрет ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш учун жараёнда қатнашувчи ҳар икки томон учун узаро манфаатли буладиган *ижтимоий шериклик* туғрисидаги шартнома тузилиши керак бўлади.

Ижтимоий шериклик принциплари асосида тадбиркорларнинг шахсий манфаатини конкрет ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш эҳтиёжлари билан узаро бирлаштириш пировард натижада конкрет жой, ҳудуд, қолаверса бутун мамлакатни барқарор ривожлантиришга сезиларли туртки бериши мумкин.

Билдирилган фикр – мулоҳазаларимизни мухтасар қилиб айтишимиз мумкинки, юқорида айтиб утилган тараққиётга таъсир қилувчи барча омиллар биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини бошлаши мумкин буладиган жойни аниқлаш иконини беради. Санаб утилган ҳар бир омилнинг таъсирини эътиборга олиб иш тутиш пировард натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини жойлаштириш, уларнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, республика ва ҳудудлар микёсидаги иқтисодиётни тизимларини маъмурий-буйруқбозлик принциплари эмас балки, ижтимоий шериклик принциплари асосида ташкиллаштирилишини такомиллаштиришга шароит яратади.



## ХУЛОСА

Ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг тамойиллари бозор иқтисодиёти ривожланишининг миллий моделини амалга ошириш асосида шаклланади ва такомиллаштирилади. Бозор шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг асосий тамойилларини умумлаштирган ҳолда тўртта йуналишга ажратиш мумкин.

Биринчиси, ишлаб чиқаришни энергия, хом ашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол жойларига яқинлаштириш тамойили амалга оширилганда узоқ масофага юкларни ташиш жараёнидаги харажатларни камайтириш билан боғлиқ муаммоларни ечишни кузда тутати. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади. Энергияни куп талаб қиладиган саноат корхоналарини ёқилғи ва энергия манбаларига яқин бўлиши катта аҳамиятга эга (рангли металлургия, кимё саноати). Хом ашё манбаларига талаб куп бўлган тармоқлар эса, фойдали қазилмалар мавжуд ҳудудларга жойлашадилар (нефть ва газ, қора металлургия, цемент). Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари истеъмол талаби мавжуд минтақаларга яқинлаштирилади.

Иккинчиси, мамлакатимизда туғридан-туғри хориж инвестицияларини жалб қилиш орқали саноатни модернизациялашга устувор йуналиш сифатида қаралмоқда. Ушбу жараён хориж давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан унумли фойдаланишни тақозо қилади. Хорижий инвестициялар мавжуд рақобатбардошлик афзалликларидан, табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Шунингдек, ушбу жараён хориж давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан унумли фойдаланишни тақозо қилади.

Учинчи йуналиш, мамлакатда мавжуд бой табиий захираларнинг, авваламбор, энг рақобатбардошликларини узлаштириш, улардан мажмуали фойдаланишни кузда тутати. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида йирик стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилма конларини узлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун, “Шуртан газ-кимё мажмуаси”, Қўнғирот сода заводи, замонавий ишлаб чиқариш субъекти ва бошқаларни курсатиб утиш мумкин.

Туртинчиси, экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги энг муҳим йуналишлардан бирига айланган. Минтақада жойлаштириш учун таклиф этилаётган корхона мажбурий равишда экологик экспертизадан ўтказилиши, унинг табиатга салбий оқибатларни йўқотиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш заруриятга айланиши лозим.

Меҳнатни тағбиқ қилиш самарадорлиги буйича минтақалар уртасидаги фарққа сабаб шуки, турли ҳудудларда технология, меҳнатни ташкил этиш даражаси турлича. Турли сабабларга, шу жумладан, этник ва тарихий хусусиятларга эга бўлган сабабларга кура ҳам ходимлар малакаси бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Хулоса урнида шуни қайд этиш лозимки, республиканинг барча минтақалари меҳнат ресурсларининг ҳудудий шаклланишида узига хос жиҳатлар мавжуд. Улар куйидагилардир:

- Аҳоли зич яшайдиган ва ер майдони нисбатан кичикроқ вилоятларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши жадал кечмоқда. Бунга уша ҳудудларда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг куплиги, яъни иш ўринларининг бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ эканлиги ва демографик жараёнларнинг жадаллик билан кечаётгани сабабдир.

- Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё вилоятлари каби ҳудудларида меҳнат ресурсларининг нотекис тақсимлангани уша минтақалар табиий-географик ва тарихий таркиб топиши билан боғлиқдир. Аммо бу ҳудудларда саноат ва транспорт гармоқларини янада ривожлантириш орқали меҳнат ресурсларини кўпроқ жалб этиш мумкин.

- Айни пайтда Республикада туғилиш жараёнлари 2016 йилдан нисбаган пасайиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. Бу ҳолат 15-16 йилдан кейинги меҳнат бозорининг шаклланишига замин яратса-да, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида туғилиш кўрсаткичлари мамлакат ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат ушбу вилоятларда меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик базаси ҳамон юқори темпда сакланиб қолиши мумкинлигини билдиради.

- Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда меҳнат ресурсларининг шаклланишида ички миграцион оқимнинг таъсири кучайиб бормоқда. Айниқса, юқорида таъкидлаб утилганидек, Наманган вилоятида меҳнат ресурсларининг 2/3 қисми шаҳарларда туплангани уларни иш билан таъминлашда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда.

- Республикада сунгги пайтларда кишлук ҳудудларда меҳнат ресурсларининг шаклланиш темпи пасайиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида меҳнат ресурсларининг энг ёш қатлами — 16-29 ёшдагиларнинг асосан катта шаҳарлар ва чет мамлакатларда меҳнат қилиш (легал ва нолегал шарт-шароитларда)га интилиши сабабдир. Бу жараённинг салбий тарафи уларнинг орасида олий маълумотли ва ўз соҳасида салоҳиятли мутахассис бўлиб етишиши мумкин бўлганларнинг мавжудлиги.

Меҳнат ресурсларининг сифатига таъсир курсатувчи ва унинг ошишига хизмат қилувчи омилларни тадқиқ этиш натижасида меҳнат

ресурсларнинг сифатини оширишнинг қуйидаги йуналишлари аниқланди:

- таълим тизиминингбарча босқичларида таълим сифатини ошириш мезонларини ишлаб чиқиш;

- малака ошириш, ишга муҳтож кишиларни касбга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолининг барча табақалари учун имконлилигини ва сифатини ошириш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг муқобил шаклларини ривожлантириш ва тиббий суғурта тизимини кенг жорий этиш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи олиб бориш буйича тарқибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, шунингдек меҳнат фаолияти жараёнида жароҳатланиш ҳолатларини қисқартириш;

- кишиларнинг ижтимоий-маиший турмушини яхшилаш, жумладан турар жойларни ободонлаштириш ва уларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш.

# ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

## I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 1 май № 616-I-сон.  
[http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=51887](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=51887)

## II. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг маърузалари, қарорлари ва фармонлари

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараққиёт йули. – Т.:Ўзбекистон, 1992. 78-б.

3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қويدаси булиши керак.” Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги фармони. //Халқ сузи, 08.02.2017 й. №28 (6722).

5. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сузи» газетаси, 2103 йил 19 январь, №13 (5687).

6. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш туғрисида”ги 106-сон қарори. 24.05.2007.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг 2012 йил 28 майдаги 7-сонли қарори.

## III. Хорижий манбалар

9. Aghion P et al. The Causal Impact of Education on Economic Growth: Evidence from U.S. March 2009.  
[https://scholar.harvard.edu/files/aghion/files/causal\\_impact\\_of\\_education.pdf](https://scholar.harvard.edu/files/aghion/files/causal_impact_of_education.pdf)

10. Barro Robert J. Education and Economic Growth.  
<http://www.oecd.org/innovation/research/1825455.pdf>

11. Becker, G.S. (1964). Human Capital. Columbia University Press, New York.
12. Bloom D, Canning D, Sevilla J. Economic Growth and the Demographic Transition. NBER Working Paper No. 8685. December 2001.
13. Bullard J. The Rise and Fall of Labor Force Participation in the United States. Federal Reserve Bank of St. Louis Review, First Quarter 2014, 96(1), pp. 1-12.  
<https://files.stlouisfed.org/files/htdocs/publications/review/2014/q1/bullard.pdf>
14. Cai, L. (2010). The relationship between health and labour force participation: Evidence from a panel data simultaneous equation model, Labour Economics, vol. 17, num. 1, pp. 77-90.
15. Cai, L.; and Kalb, G. (2006). Health Status and Labour Force Participation: Evidence from Australia, Health Economics, vol. 15, num. 3, pp. 241-261.
16. Carter, K. N.; Gunasekara, F. I.; Blakely, T.; and Richardson, K. (2013). Health shocks adversely impact participation in the labour force in a working age population: a longitudinal 29 analysis. Australian and New Zealand Journal of Public Health, vol. 37, num. 3, pp. 257-263.  
<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/23731109>
17. Dogrul H. The Effects of Health on Labour Force Participation: Evidence from Turkey. International Journal of Economics and Finance; Vol. 7, No. 8; 2015 ISSN 1916-971X E-ISSN 1916-9728 Published by Canadian Center of Science and Education 168.  
<http://ccsenet.org/journal/index.php/ijef/article/viewFile/51543/27620>
18. Forbes, M.; Barker, A.; and Turner, S. (2010). The Effects of Education and Health on Wages and Productivity. Productivity Commission Staff Working Paper, Melbourne.  
[http://www.pc.gov.au/data/assets/pdf\\_file/0009/95778/education-healtheffects-wages.pdf](http://www.pc.gov.au/data/assets/pdf_file/0009/95778/education-healtheffects-wages.pdf)
19. Holt H. Health and Labor Force Participation. 2010a Mushtaq et al. Effects of health on changing labor force participation in Pakistan. SpringerPlus 2013, 2:610 <http://www.springerplus.com/content/2/1/610>
20. Hooland D., Liadze I., Wilkinson D., the relationship between graduates and economic growth across countries. August 2013. BIS Research Paper No 110. <https://www.gov.uk/bis-13-858-relationship-between-graduates-and-economic-growth-across-countries.pdf>
21. Human Capital Report 2013, WEF. Geneva, Switzerland. [www.weforum.org](http://www.weforum.org)
22. Human Development Report 2011. Sustainability and Equity: A Better Future for All. <http://hdr.undp.org/sites/>
23. Human Development Report 2015 Work for Human Development.

24. Доклад о человеческом развитии 2016. Человеческое развитие для всех и каждого / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2016. <http://hdr.undp.org/sites/>

25. International Monetary Fund 2014, IMF Working Paper. Regional Labor Market Adjustments in the United States and Europe. Prepared by M. Dao, D. Furceri, P.Loungani <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2014/wp1426.pdf>

26. Iregui-Bohórquez A.et al. Health Status and Labor Force Participation: Evidence for Urban Low and Middle Income Individuals in Colombia. <https://editorialexpress.com/cgi-bin/conference/download>

27. Jackle, R. and Himmler, O. (2010). Health and Wages: Panel Data Estimates Considering Selection and Endogeneity, Journal of Human Resources, vol. 45, num. 2, pp. 364-406. [https://mpr.ub.uni-muenchen.de/11578/1/MPPRA\\_paper\\_11578.pdf](https://mpr.ub.uni-muenchen.de/11578/1/MPPRA_paper_11578.pdf)

28. Reiner. C. Brain competition policy as a new paradigm of regional policy:A European perspective. Papers in Regional Science, Volume 89 Number 2 June 2010. P. 449-462.

29. Savedoff, W.D. and Schultz, T.P. (eds.) (2000). Wealth from Health: Linking Social Investments to Earnings in Latin America. Inter-American Development Bank, Washington D.C <https://publications.iadb.org/bitstream/>

30. Weil, D.N. (2014). Health and Economic Growth. In P. Aghion and S. N. Durlauf (eds.), Handbook of Economic Growth, Volume 2B, Elsevier, Amsterdam, pp. 623-682.

#### **IV. МДХ ва республикадаги даврий нашрлар**

31. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2012. 84-бет.

32. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. 68 б.

33. Ахметова Ф.Н., Ноговицына А.В., Симонин П.В. Анализ и прогнозирование количественных показателей формирования трудовых ресурсов в Ивановской области // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №2 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/157EYN315.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. DOI: 10.15862/157EYN315

34. Большой экономический словарь/ Общ. ред. А.Н.Азрилияна. М.: Фонд «Правовая культура», 1994. С. 510.

35. Вечканов Г.С. Современная экономическая энциклопедия / Г.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова. – СПб: Лань, 2002. с.692.

36. Волкова Т.И. Воспроизводство творческого потенциала науки. Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2004. С. 16.

37. Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekonomika/item/3195-2014-11-28-13-31-12>
38. Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekonomika/item/3195-2014-11-28-13-31-12>
39. Демографический энциклопедический словарь. М., 1985., стр. 480.
40. Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие. <http://hdr.undp.org/sites/>
41. Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. «Весь мир», 2010.
42. Доклад о человеческом развитии 2013. Возвышение Юга: человеческий прогресс в многообразном мире. / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2013. <http://hdr.undp.org/sites/>
43. Жуков А.Л. Теоретические основы экономики и социологии труда: учебник / А.Л. Жуков, А.И. Рофе. – М.: МИК, 1999. – 335 с.
44. Заславская Т.И. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Т.И. Заславская, Р.В. Рывкина. – Новосибирск: Наука, 1974.
45. Кандаурова Г.А., Борисевич В.И. Прогнозирование и планирование экономики: учебник. Минск: Современная шк., 2005.
46. Каюмов.А.А. Социально-географические основы формирования и развития трудовых ресурсов Узбекистана. Автореф. дис.... док. геог. наук. – Ташкент. 1997.
47. Каюмов.А.А. Социально-географические основы формирования и развития трудовых ресурсов Узбекистана. Автореф. дис.... док. геог. наук. – Ташкент. 1997.
48. Ключня В.Л., Зенькова И.В. Сбалансированность рынка трудав Республике Беларусь: методологическийи методические основы обеспечения. Новополоцк: ПГУ, 2009.
49. Костаков В. Г., Литвяков П. П., Баланс труда, М., 1965.
50. Максакова Л.П. Современная миграционная ситуация в Республике Узбекистан. Население Узбекистана: 15 лет независимого развития. Т., 2007.
51. Михалкина Е.В., Сенькив О.Я. // Механизм обеспечения баланса трудовых ресурсов в экономике Юга России // Вестник Таганрогского института управления и экономики. 2013. №2.
52. Одегов Ю.Г. Экономика труда: учеб. в 2 т., Т.1 / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко, Л.С. Бабынина. – М.: Альфа-Пресс, 2007.

53. Остапенко Ю.М. Экономика труда: учеб. пособие / Ю.М. Остапенко. – М.: ИНФРА-М, 2011.

54. Постановление Национального статистического комитета Республики Беларусь от 31.05.2011 N 99 "Об утверждении Методики по формированию и расчету баланса трудовых ресурсов".

55. Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигининг 2012 йил 29 февралдаги “Меҳнат ресурслари прогноз балансини ишлаб чиқиш туғрисида” ги 178-сон қарори.

56. Сигова С.В. Государственное регулирование сбалансированности рынка труда в современной России. Автореф. дис.... док. экон. наук. – Москва, 2010.

57. Струмилин С.Г. Наши трудовые ресурсы и перспективы хозяйственного строительства / С.Г. Струмилин. – М.: Наука, 1982.

58. Т.Дустжонов. С.Салаев. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари.Т:Иқтисодиёт – Молия.2006.

59. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: усиши ва жойланиши (Монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2010.

60. Убайдуллаева Р.А. Демографическое развитие Узбекистана в годы независимости. // Демографическое развитие республики Узбекистана в годы независимости. Докл. респ. научно-практ. конф. – Т., 2011.

61. Фаузер В.В., Назарова И.Г. Формирование населения и человеческих ресурсов: опыт северных стран /Корпоративное управление и инновационное развитие экономики Севера. Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. <http://koet.syktsu.ru/vestnik/2010/2010-3/10/10.htm>

62. Энциклопедия по экономике. М.:2003.<http://economy-ru.info/info/21832/>

63. Ящук А. Трудовые ресурсы: проблемы формирования. //Белорусская думка. №7. 2014.

## V. Статистик тупламлари

64. ЎЗР Давлат статистика кумитаси. Ўзбекистон демографик йиллик туплами 2016. Т.: 2016 йил.

65. ЎЗР Давлат статистика кумитаси. “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” 2002. Т.: 2003.

66. ЎЗР Давлат статистика кумитаси. “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” 2005. Т.: 2006.

67. ЎЗР Давлат статистика кумитаси. “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” 2007. Т.: 2008.



68. ЎзР Давлат статистика қумитаси. “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” 2009. Т.: 2010.

69. ЎзР Давлат статистика қумитаси. “Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик” 2013. Т.: 2014.

## VI. Интернет манбалари

70. <http://lex.uz/>

71. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

72. <http://www.israel-raingain.org.il/>

73. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

74. <https://www.cia.gov/library/publications/resources/the-world-factbook/>

75. <https://www.statista.com/statistics/241494/median-age-of-the-us-population/>

76. [www.hse.ru](http://www.hse.ru)

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ТАҚСИМЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

Мухаррир *М.Талипова*  
Мусахҳиҳ *Г.Талипова*  
Саҳифаловчи *Б.Хайдаров*

Босишга рухсат этилди 22.09.2017 й. Бичими 60x84 1/16  
Офсет қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.  
Шартли босма табоғи 12.2. Нашр ҳисоб табоғи 10,0.  
Адади 100 нусхада. Буюртма № 22-09.

"LESSON PRESS" нашриётида тайёрланди.  
100071, Тошкент ш., Камолон кучаси, Эркин тор кўчаси, 13

"IMPRESS MEDIA" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кучаси, 6 уй.

S. 4.

65.24  
M1550.

ISBN 978-9943-5075-8-6



9 789943 507586